

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

(Илмий бадиа)

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2007

84(5Y)

К 61

Ўзбек халқ ёзувиши П. Қодировнинг илмий бадиа шаклида ёзилган ушбу романи Соҳибқирон Амир Темур сиймоси ҳақида миллий ва умуминсоний миқёсларда чин, ҳаққоний ва янгича тасаввур беради. Асарда энг нуфузли тарихий манбаларга асосланган илмийлик билан тажрибали, истеъододли адабининг бадиий маҳорати уйғунлашиб, бир-бирининг таъсир кучини оширади. Шу туфайли роман чиндан содир бўлган оламшумул тарихий воқеаларни ва уларнинг бош қаҳрамони — Амир Темур шахсиятини қизиқарли сюжет, пухта ўйланган композиция, романбоп тафаккур ёрдамида улуғвор жозиба билан кўрсатади. Ўйлаймизки, оқсоқол адабимизнинг бу асари ҳам кенг жамоатчилик учун бадиий тұхфалардан бири бўлади.

ISBN 978-9943-01-083-3

© «O'ZBEKISTON» NMIU, 2007 y.

© П. Қодиров, 2007 й.

МУАЛЛИФДАН

Дунё тарихида ёрқин из қолдирған энг улкан қаҳрамонлар она Ватанни босқинчилар асоратидан озод қилишда ва халқни мустамлака зулмидан қутқаришда кўзга яққол ташланади.

Соҳибқирон Амир Темур қадимий ватанимиз Турон — Туркистонни чингизийлар империясининг бир ярим аср давом этган жабру зулмидан халос қилиш учун халқ-озодлик ҳаракатига етакчилик қилиб, саккиз йилдан ортиқ қаҳрамонона кураш олиб борди. Биз, олиму адиллар, бу улкан тарихий воқеаларни ҳар томонлама тадқиқ этиш ва уларнинг ҳаққоний талқинларини яратиш йўлида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Амир Темурнинг бутун жаҳон эътиборини ўзига тортган улуғ зафарлари Олтин Ўрда ва Йилдирим Боязид босиб олган ўлкаларда ҳам мустамлака зулмини йўқотишига замин яратди. Бу оламшумул мавзуларни янгича тафаккур асосида ёритиш ҳам бизнинг бурчимиздир.

Бундан ўттиз тўккиз йил муқаддам «Темур тузуклари»ни илк бор ўқиганимда, йигит ёшидаги Темурбек ўз жонини халқ озодлиги учун фидо қилиб курашгани хаёлимда гавдаланган, дилимда жўшқин меҳр

ва миллий ифтихор туйгуларини уйғотган эди. Ўша йилларда мустабид тузум бахиллари «Темур тузуклари»ни сохта асар деб тұхмат қылган ва чоп эттирмай тақиқлаб ташлаган эди.

Бу адолатсизлик мен каби жуда күп әлдошларимиз-нинг тасаввурида «Темур тузуклари»нинг қадрини янада оширгандай бўлди. Бу асар адолатга ташна бўлган ўзбек китобхонларининг тарихий хотирасини уйғотди. «Темур тузуклари» билан «Бобурнома»ни қиёслаб ўқиган мухлислар уларнинг орасида жуда күп ички яқинликлар борлигини сезардилар.

Масалан, Амир Темур 1366 йилда Қарши қалъасини қўриқлаб ётган беш минг кишилик ёв қўшинига қарши 243 нафар ботир йигити билан ҳужум уюштириб, мислсиз зўр жасорати туфайли ғалабага эришади. Бобур Мирзо 1500 йилда бобокалонининг шу жасоратидан ибрат олади. «Бобурнома»да ёзилишича, у ҳам 240 нафар довюрак йигитлари билан тунда Самарқанд қалъасига ҳужум қилиб, Шайбонийхоннинг шаҳарни згаллаб ётган катта қўшинини марлуб этади ва пойтахтдан қувиб юборади.

Бобур Мирзо умрининг охирида ўғли Ҳумоюнга ёзган маҳфий васиятномасида «Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг корномасини доим ёдингда туттил» деганилиги унинг «Темур тузуклари»ни назарда туттанидан далолат беради.

Амир Темур ўз муҳрига ёздирған ва бутун ҳаёти давомида амал қылган «Рости-расти», яъни «Нажот ростликдадир» («Куч — адолатдадир») деган эътиқод Бобур Мирзо учун ҳам доим ҳаётий мезон бўлиб хизмат қиласи. У «Бобурнома»ни ёзганда ўзича аҳд қила-дики, «Ҳар ишнинг ростини битилгай ва ҳар воқеа-нинг баёни воқеъини таҳрир этилгай». Бобур Мирзо

шу аҳдга қатъий амал қилиб, чиндан содир бўлган воқеаларни ростгўйлик билан ёзгани учун бу асар умумбашарий аҳамият кашф этди.

Жавоҳарлаъл Неру Бобур Мирзони мана шу ростгўйлиги ва бошқа нодир инсоний фазилатлари учун «дилбар шахс» деб атаган эди. Аслида, бу инсоний фазилатлар — ростгўйлик, паҳлавонлик, довюраклик, мардлик ва тантилик Бобур Мирзода бобокалони Амир Темурдан маънавий ва ирсий мерос бўлиб ўтганига тарихий манбалардан кўплаб далилу исботлар топиш мумкин. Шу сабабларга кўра мен Бобур ва унинг авлодлари ҳақида роман ёзганимда дил тубида доим Амир Темур сиймосини кўрардим. Фақат мустабид тузумнинг тазиик ва тақиқлари сабабли ўн йиллар давомида буни очиқ ёзиб чиқолмадим.

Ниҳоят, Истиқдол шарофати билан тарихий адолат тиклангандан сўнг Бобур Мирзонинг Амир Темурга бўлган садоқат ва ихлосига бағишлиб, «Юлдузли тунлар» романининг тўлдирилган нашрига янги боблар киритдим. Бу мавзуу «Она лочин видоси» романи ҳамда «Тил ва Эл» номли бадиада баҳоли қудрат давом эттирилди.

Энди шу мавзуни мантиқан давом эттириб, илмий бадиа шаклида Амир Темурнинг бошдан кечирганлари, инсоний фазилатлари, шахсияти ҳақидаги ушбу китобни муҳтарам ўқувчиларга тақдим этмоқдаман.

Китоб қўлёзмасининг бир қанча боблари сўнгги икки йил давомида вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинди. Улар ҳақида жамоатчилик билдиригган фикрларни ҳисобга олиб, қўлёзмани бошдан охиригача яна бир кўриб чиқдим, айрим тузатиш ва тўлдиришлар киритилди. Шундан сўнг уни мўътабар журналимиз «Жаҳон адабиёти» чоп этди. Журналхонларнинг фикр-

мулоҳазаларига биноан қўлёзма яна бир марта қўлдан келганича такомиллаштирилди.

Амир Темур мавзуси уммондай чексиз. Уни бир мўъжаз китобда тўлиқ қамраб олиш имкондан холи. Бу улкан мавзуда дадил қалам тебратаетган ижодкорлар бор. Биз қила олмаган ишларни улар қиласидилар деган умиддаман.

2006 й.

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДАГИ ТИК ДОВОНЛАР

БИРИНЧИ ҚИСМ

ТЕМУРБЕК ТАҚДИРИНИНГ БУРИЛИШ ПАЛЛАСИ

Ёшлигига Темурбек деб ном чиқарған сиймо бундан олти юз етмиш йиллар мұқаддам Хисор тоғлари этагидаги ҳавоси тоза, хушманзара Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келган. Бу серсув, сердараҳт қишлоқ ҳозир ҳам Шахрисабздан ўн тўрт чақирим масофадаги энг гўзал ва обод манзиллардан бири бўлиб турибди. Қишлоқ жанубидаги қишу адирлар, улардан наридаги қорли тоғлар Темурбекка қандай замондош бўлган бўлсалар, бугунги авлодларга ҳам шундай замондошдирлар. Темурбекнинг отаси Тарагай баҳодир қадимий туркий шаҳар бўлган Кеш (ҳозирги Шахрисабз) вилоятининг энг нуфузли амирларидан бўлгани сабабли Хўжа Илғор қишлоғи ва унинг атрофидаги ҳосилдор ерларга згалик қилган. Сўнгги асрларда пайдо бўлган батъзи китобларда Тарагай баҳодирнинг номини «Тўрғай» деб ёзиш ҳоллари учрайди. Бу ҳеч бир мantiққа тўғри келмайди. Тўрғай — кичкина сайроқи қуш. Баҳодирлар авлодидан бўлган амирга бундай нисбат бериш тўғри эмас. Туркий тилда Тарагай сўзи «нурдай таралсин, кўпайсин, катта ҳудудларни эгалласин» деган маъноларни билдиради. Тарихдан маълумки, бу тилак ижобат бўлади. Шунинг учун Амир Темур ўзининг суюкли невараси Улувбекка даставвал Тарагай деб исм кўйган эди.

Темурбекнинг онаси Тегина биби Бухоройи шарифда шариат ишлари бўйича юксак лавозимларни эталлаган Садри-Шария Убайдулла Маҳмуднинг қизи

эди. «Тегин» («Такин») туркий тилда аслзода ва ботир деган маънони билдиради. Тегина биби чиндан ҳам ўз даврининг довюрак қизларидан бўлган эканки, Бухородай шаҳри азимдан чиқиб, узоқ чўллар ортидаги кичик қишлоққа келин бўлиб тушади.

«Парвардигор улуғ фарзандларни ота-онанинг улур муҳаббатидан яратади» деган ҳикматли гап бор. Тарағай баҳодир билан Тегина биби орасида улкан бир меҳру оқибат бўлмаса, шаҳарлик аслзода қиз узоқ қишлоққа бориб яшаши ва гўзал боғлар бағрида Темурбекдай бўлажак даҳони дунёга келтириши амри маҳол эди.

Она табиат ҳам бу оиласа чексиз саховатлар кўрсатган. Төвлардан оқиб тушган зилол сувлар Қарши Дашибидан эсган иссиқ ва қуруқ ҳаволар билан Хўжа Илғор боғларида учрашиб, дунёда тенги йўқ тотли мевалар берган. Қишлоқ атрофидаги серўт яйловларда беҳисоб йилқилар ва ҳисорий қўйлар боқилган. Улар берган қимизлар, қази-қарталар ва бошқа нодир нознеъматлар Темурбекнинг ниҳоятда соғлом ва бақувват бўлиб ўсишига имкон яратган.

Маърифатли ва диёнатли ота-она Темурбекка болалик пайтидан жуда яхши тарбия берганлар. У ахлоқи пок, ростгўй, меҳру оқибатли фарзанд бўлиб војага етади. Манбаларда кўрсатилишича, Темурбекнинг отаси Амир Тарағай 1360 йилда вафот этади. Тегина биби эса шундан бир неча йил олдин оламдан ўтади. Демак, Темурбек йигит ёшида ҳам ота-онанинг олижаноб таъсиридан баҳраманд бўлади. Унинг ўз ота-онасига меҳру оқибати машҳур Оқсарой тимсолида кўринади.

Испан элчиси Клавихонинг китобида ёзилишича, Амир Темур Кешда қурдирган муҳташам Оқсаройни отасининг хотирасига атаб бунёд этганини айтади¹.

Яна бир манбада Оқсарой тарихи бўйича тадқиқот олиб борган профессор Тошпўлат Тошлонов «бу гўзал

¹ Қаралсин: Руи Гонзалесда Клавихо. «Дневник путешествие в Самарканد к двору Тимура». М., 1990. 104-бет.

ва бетакрор бино Амир Темурнинг онаси шарафига 1404 йилда қуриб битирилган эди» дейилади¹.

Темурбек зеҳни ўткир, заковати тенгсиз бола бўлгани ҳам тарихий манбаларда битилган. Амир Темур саройида котиб бўлиб ишлаган ва унинг ҳаёт йўлини яхши ўрганганд тарихчи Ҳафизи Абрў «Зубдат-ут таворих» асарида қуидагиларни ёзади:

«Амир Соҳибқирон мактабда ўз тенгқурларидан сабоқда ўзиб кетарди. Балоғат ёшига етгунча илм, адаб, ҳат ва суханворлик қасб этди. Ундаги теран билим шиҷоатга пайванд бўлди ва шундан сўнг амирлик мансабини згаллади»².

Темурбекнинг болалик ва ўсмирилик йиллари ҳақида форс тилидаги бошқа тарихий манбаларда ҳам дик-қатга лойиқ маълумотлар учрайди. Шулардан айримлари француз ёзувчиси Марсель Брюннинг форс тилида «Манам Темури Жаҳонкушо» («Мен жаҳонни очган Темурман») деб аталган романига ёзилган кириш сўзда ва илмий изоҳларда келтирилгандир.

Гап шундаки, М. Брюннинг мазкур китобида ҳақиқатга тўғри келмайдиган хаёлий уйдирмалар кўп учрайди. Биз уларга ишимизнинг кейинги бобларида яна тўхтalamиз. Бу ерда эса Эрон олими Р. Мансурийнинг М. Брюн китобига ёзган бош сўзидан қуидаги иқтибосни келтирамиз:

«Биз Марсель Брюн билмайдиган форс тилидаги тарихий манбалардан фойдаланиб, йиллар, номлар ва воқеларга аниқликлар киритдик»³. Ана шу тарихий манбаларда ёзилишича, Темурбек беш ёшида Хўжа Илғор қишлоғида Мулла Алибек номли муаллимнинг мактабида савод чиқаради. Мулла Алибек тишлари тушиб кеттан кекса одам бўлади. Мураккаброқ сўзларни

¹ Тошлўлат Тошлонов. «Оқсанор». «Маърифат» газетаси. 2002. 9 октябрь, 6-бет.

² Ҳафизи Абрў. Зубдат-ут таворих. Туркиядаги «Фотих» кутубхонаси. Инв. № 4371. 14-бет.

³ Марсель Брюн. «Манам Темури жаҳонкушо». Техрон, 1971, 5-бет.

яхши талаффуз этолмайди. Буни сезган ота-она Темурбекни маҳалла масжиди қошидаги мактабхонага ўқишига берадилар. Бу мактабда Темурбек Шайх Шамсидин номли домладан сабоқлар олади, Қуръон ва Ҳадисни ўқийдиган бўлади, шеърий асарларни ёд олади. Ўта қобилиятли бола бўлгани учун, юқорида X. Обрў ёзганидек, барча мактабдошларидан ўзиб кетади ва 11 ёшида мактабни битиради. Мактабда уни ўқиттан Шайх Шамсидин Темурбекнинг отасига шундай дейди: «Мен билганиларимни ўғлингиз билди, бундан ортиқ билим беролмайман, энди фарзандингизни мадрасага беринг».

Мадраса Кеш шаҳрида эди. Ҳўжа Илғор қишлоғи билан Кепнинг орасида анчагина масофа бор эди. Ўн бир яшар ўсмир узоқ масофадан қатнаб ўқиёлмас эди. Мадраса ҳужрасида яшаб ўқиши учун эса сал улғайиши лозим бўлади. Шунинг учун Темурбекни ўн тўрт ёшга кирганда Кеш шаҳридаги Абдулла Қутб мадрасасига ўқишига берадилар. Бу ерда у диний китоблар билан бирга маснавийда ёзилган шеърий китобларни қизиқиб ўқиди. Юқорида номи қаламга олинган Р. Мансурийнинг манбалардан олиб келтирилган маълумотларига кўра, Темурбек мадрасада Жалолиддин Румийнинг «Маънавий ва маснавий» китобида ўзига ёқдан жойларини ёд олади. У севиб ўқиган ва кўп жойларини ёд олган яна бир шеърий асар — озарбайжонлик шоир Маҳмуд Шабистарийнинг «Гулшани роз» («Сирлар гулшани») номли китоби экан.

Р. Мансурий томонидан М. Брюн китобининг форсча таржимасида изоҳ тарзида келтирилган яна бир эътиборга лойик воқеа — Амир Темур уч йиллик юриши пайтида Озарбайжонга қўшин тортиб борганда Шабистар деган қишлоққа дуч келгани ҳақидадир. Бу қишлоқнинг номи унга Маҳмуд Шабистарийни ва унинг «Гулшани роз» китобини эслатади. Сўраб-суринтиришлардан маълум бўладики, бу китобни ёзган шоир Шабистарий шу қишлоқда яшаб ўтган экан.

Ҳамқишлоқлари Амир Темурга унинг қаровсиз ётган қабрини ҳам кўрсатадилар. Шунда Амир Темур ўз

одамларига фармон бериб, қабр ўрнига мўъжаз бир мақбара қуришни, яқин атрофдан мақбарага қарашли вақф ер ажратишни, ундан келадиган даромадлар ҳисобига боғ барпо этиш ва шоир қабрини зиёраттоҳ каби обод сақлашни буюради¹. Айни вақтда бутун қишлоқ ахолиси рўйхатга олинади.

Катта қишлоқ экан, 15 ёғдан юқори эркак-аёллар сони 3891 нафар чиқади.

Амир Темурнинг маҳсус фармони билан шу 3981 нафар одамларнинг ҳар бирига шоир Шабистарийнинг хотираси ва ҳурмати учун 5 мисқоддан олтин улашилади. Бир мисқол 5 граммга тўғри келаркан. Умумий ҳисобда 19455 грамм, яъни бутунги ҳисобда салкам 20 кило олтин Амир Темурга ўз китоби орқали олижаноб таъсир кўрсатган шоирнинг эл-юртига мукофот тарзида берилади².

Амир Темур китобларини яхши кўриб ўқиган ва ёд олган шоирларга нисбатан қанчалик катта ҳурмат ва саховат кўрсатганини унинг фармони ва маблари билан қурилган Аҳмад Яссавий мақбараси ҳам тасдиқ этади. Чунки Яссавийнинг улкан ва гўзал мақбарасига Шабистарий қишлоғида яхши шоир хотирасини эъзозлаб улашилган олтиндан кўра ўнлаб ҳисса кўпроқ тилла сарфлангани ўз-ўзидан аёндир.

Амир Темурнинг кўп китоб ўқиганлиги ва энг яхши шеърий байтларни ўрни келганда ёддан айтиб сухбатдошларини қойил қилганлиги ҳақида ҳазрат Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» асарида шундай фикр билдиради:

«Темур Кўрагон — агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеъда ўқибдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтқонича бор»³.

¹ Қаралсин: М. Брюн. Манам Темури жаҳонкушо. Техрон, 1971. 11-бет.

² Ўша китоб. 12-бет.

³ Алишер Навоий. Асарлар. 12-жилд. 168-бет.

Биз Амир Темурнинг назм ва насрни кўп ва юксак мавқеда ўқиганига оид бу тарихий далилларга алоҳида эътибор берадиганимизнинг сабаби бор. Амир Темурни «Ёшлиқда яхши ўқимаган, ўқиши ёзишни билмайдиган саводсиз одам бўлган» деган асоссиз камситишлар XV асрда Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» деган китобида ёзилганидан бўён сўнгги вактларгача айрим олимлар, ҳатто академикларнинг китобларида тақрорлаб келинади.

Ана шундай китоблардан бири 1992 йилда, Ўзбекистонда истиқлол ғалаба қилиб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолат тиклана бошлаган кунларда ҳам Москвада рус тилида босилиб чиқди.

«Тамерлан» деб ном қўйилган бу тўпламда машҳур академик В.В. Бартольднинг қўйидаги сўзлари келтирлади:

«Темур саводсиз бўлса ҳам қиссанхонлар ўқиб берган китоблар орқали тарихни яхши билган»¹. Яна бир ҳурматли академик А.Ю. Якубовский «Темур» деб аталган асарида худди шу фикрни бошқачароқ шаклда билдиради: «Темур ёшлиқдан туркий ва форсий тилларни билган, билимли, маърифатли одам бўлиб кўринган. Лекин ўқиш ва ёзишни билмаган. Китобларни унга қиссанхонлар ўқиб бериб турган»².

Ҳатто Амир Темурга хайриҳоҳлик руҳида китоб ёзган инглиз адабаси Хильде Хуккем ҳам «Етти иқлим сultonни» деб атаган романида қўйидаги сўзларни битади:

«Темур мактаб кўрмаган бўлса ҳам жоҳил эмас эди...»³.

Амир Темурга нисбатан тарихий адолат тиклангандан кейин, 1999 йилда бу китобни ўзбек тилига таржима қилиб, Тошкентда нашр этган элдошларимиз ҳам Амир Темурнинг мактаб ва мадрасаларда яхши ўқиган

¹ «Тамерлан». М., 1992. 488-бет.

² Ўша китоб. 43-бет.

³ Хильде Хуккем. «Етти иқлим сultonни». Тошкент, 1999. 8-бет.

маърифатли сиймо бўлганини билмасалар керакки, Хильде Хуккемнинг ушбу фикри нотўри эканига изоҳ ҳам бермасдан уни катта тиражларда босиб чиқарганлар.

Амир Темурни «мактаб кўрмаган, саводсиз бўлган» деб даъво қилган адибу олимлар Ҳафизи Абрў каби бу масалани яхшироқ билган тарихчиларнинг ёзганларига эмас, балки тарихий фактларга ҳар кимлардан эшитган ривоятларини ҳам қўшиб ёзган Ибн Арабшоҳнинг «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» деган қиссасига асосланиб фикр юритганга ўхшайдилар.

«Мен бу қиссада, — деб ёзган эди Ибн Арабшоҳ, — ўзим кўрганларимни эслаб, бошқалардан эшитган ривоятларимни ҳам баён қилишга иродат этдим».

Амир Темур вафот этганда Ибн Арабшоҳ 14 ёшда бўлади. Табиийки, бундай ёш ўсмири Амир Темур саройида хизмат қилган эмас. Фақат у Самарқандда Амир Темурни яқиндан кўрган бўлиши мумкин. Ёшлик хотираси кучли бўлади. Шунинг учун Ибн Арабшоҳ Амир Темур қиёфасини яхши эслаб қолади ва ишонарли қилиб тасвирлайди. Бу тасвирга биз қуида тўхтала-миз. Бироқ Ибн Арабшоҳ Самарқанддан кетгандан кейин 1308—1312 йилларда Мўғалистонда ва собиқ Олтин Ўрда ҳудудларида яшайди, яна тўққиз йил (1313—1321) турк султони Муҳаммад I саройида хос котиб бўлиб ишлайди. Ушбу эл-юртлардаги муҳит Ибн Арабшоҳга ўз таъсирини ўтказган бўлса керак. Амир Темурдан енгилиб аламзада бўлиб юрган чингизийлар ва Йилдирим Боязид тарафдорлари соҳибқиронга нисбатан душманлик руҳида тўқиб чиқарган уйдирма ривоятлардан бир қанчасини Ибн Арабшоҳ ўзининг Амир Темур ҳақидаги қиссасига кирилади. Ана шундай уйдирмаларга ишонган Ибн Арабшоҳ «Амир Темур саводсиз бўлиб, ҳеч нарсани ўқимас ва ёзмас эди, ҳамма нарсани бошқаларга ўқитиб эшитарди»¹ деган асоссиз даъвони ҳам ўз китобида ёзади.

¹ Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари. Тошкент, 1991, 1 жилд. 67-бет.

Холбуки, биз юқорида нуфузли манбалардан келтирган барча фактлар, уни мактаб ва мадрасаларда ўқитган муаллим ва мударрисларнинг номлари, улар Темурбекнинг саводи, заковати ва маърифати ҳақида айтган сўзлар Ибн Арабшоҳнинг даъвоси ёлғон эканини исбот этади.

Темурбекнинг ёшлик ва йигитлик даврида эгаллаган чуқур илму маърифати ота-боболаридан ирсий мерос бўлиб ўтган баҳодирлик ва саркардалик истеъдодига қўшилиб, унинг 24 ёшдаёқ тарих саҳнасига қаҳрамон сифатида чиқишига имкон беради. Бу ёшга етгунча у моҳир чавандоз, камондан отган ўқи нишонга бехато тегадиган мерган, ҳам ўнг, ҳам чап қўл билан бирдай маҳорат билан қилич чопадиган ботир жангчи бўлиб етишади. Унинг энг яхши зотдор отларни бехато аниқлайдиган ва танлаб минадиган синчиллик истеъдоди ҳам мана шу ёшда унга шуҳрат келтира бошлиди.

Бу даврда Туронда бўронли ва хатарли воқеалар содир бўлади. Туркий халқларнинг оддий фуқаросидан тортиб катта амирларгача ҳаммасида мўгул истибододига қарши норозилик авжига чиқади. Айниқса, Чиратой авлодларидан бўлган Қозон Султоннинг (1333—1347) жабру зулмидан «барча халойик фарёдга келдилар», деб ёзади Яздий. Туркий қавмларнинг амир ва навкарлари шу халқнинг энг кучли амири бўлган Қазағонбек атрофига жисплашиб, Султон Қозонхон билан икки дафъа қаттиқ жанг қиласади. Иккинчи жанг 1347 йилда Қаршида бўлади, унга Темурбек мансуб бўлган барлос қавми Қазағонбек қўл остида иштирок этади. Бу жангда золим Қозон Султон енгилади ва ўлдирилади. Ҳокимият туркий эллар ихтиёритга ўтади. Бу эллар амир Қазағонни 1347 йилда хон қилиб кўтарадилар.

Амир Қазағон Чингизхон ёсасига асосланган талончилик сиёсатини бекор қиласади ва шариат қонунларини жорий этади.

Қазағон Темурбекнинг отаси Тарағай баҳодир билан дўст эди. Шу дўстлик туфайли Темурбекка Амир

Қазағоннинг назари тушади. Йигирма бир ёшлик ёв-қур йигит ўзининг ботирлиги, мерганлиги, билимдон-лиги ва бошқа фазилатлари билан Амир Қазағонга ёқиб қолади ва минг кишилик құшинга саркарда этиб тайланади. Темурбек бу вазифани қойил қилиб адо этаётганини күрган Амир Қазағон Темурбекқа гүзал ва довюрак невараси Ўлжай Туркон оғаны никоқлаб беради. Шу тарзда 22 ёшлик Темурбек туркий қавмдан чиққан янги хонга куёв бўлади.

Самарқанд ҳам Амир Қазағон ҳукмронлигини тан олади. Бу шаҳарга Қазағоннинг ўғли Амир Абдулла ҳоким бўлади.

Афсуски, Амир Қазағон ва унинг ўғли Тошкент, Хўжанд, Андижон, Туркистон каби шимол-шарқий вилоятларни мўгуллар истилосидан озод қилиш вазифасини ўз олдиларига қўймайдилар. Амир Қазағон асосан жанубий вилоятларни идора этиши билан қаноатланади. Ўзига Амударё бўйидаги Соли Сарой номли кичик жойни пойтахт қиласи. Шу пойтахтда ва унинг атрофларида ов қилиб, машшатга берилиб, шахсий хавфсизлигига дуруст эътибор бермайди.

Маккор мўғул хони Туғлуқ Темур Қазағоннинг мана шу нуқсонларидан усталик билан фойдаланади.

Амир Қазағоннинг яна бир куёви, туркий элга мансуб ўйрот қаямидан Бурулдой ўғли Кутлуғ Темур қайнатаси ўрнига хон бўлиш таъмайида сотқинлик қиласи. Чиратой улусига янги хон бўлиб кўтарилган Туғлуқ Темур Бурулдой ўғли билан тил бириктиради, «агар Қазағонни йўқ қиласанг, Туроннинг жанубий вилоятларига сени хон қилиб кўтарамиз!» деб ваъда беради. Бу ваъдага ишонган Бурулдайзода ов пайтида қайнотаси Қазағонни ўлдиради. Аммо бу қотил ўз ҳомийси Туғлуқ Темур ҳузурига қочиб кутулолмайди. Қазағоннинг содик кишилари уни Қундузда қувиб етадилар ва юз қийноқларга солиб қатл этадилар.

Бу орада Туронга катта қўшин билан бостириб келган Туғлуқ Темурхоннинг одамлари Амир Қазағоннинг Самарқандда ҳоким бўлиб турган ўғли Абдуллани ҳам

ўлдирадилар. Бундан хабар топган Кеш ҳокими, Темурбекнинг амакиси Ҳожи барлос оиласи ва барча навкарлари билан Хурсон томонга қочиб кетади. Чунки у ҳам Амир Қазағоннинг чингизийларга қарши қўзғолонида иштирок этган ва энди Туғлук Темурнинг қасд олишидан қўрқар эди.

Мана шу таҳдикали вазиятда Темурбек эл-юртини қасоскор душманнинг оёғи остига ташлаб кеткиси келмайди. Эътиқод қўйган пири Зайниддин Таёбодий маслаҳати билан таваккал қилиб Туғлук Темурхон хузурига йўл олади.

Албатта, хонни мамнун қиласиган зотдор отлар, зарбоф буюмлар, бошқа қимматбаҳо совғалар олиб боради. Хоннинг яқин маслаҳатчиларидан бўлган вазир Ҳамид Темурбекнинг машҳур Қорачор нўён авлодидан эканини айтиб, икки орада яхши муносабат пайдо бўлишига ёрдам беради. Ёши энди йигирма тўртта кирган бўлса ҳам, ўзини вазмин ва салобатли тутадиган, қўрқув нималигини билмайдиган истараси иссиқ Темурбек Туғлук Темурхонга маъқул бўлади. Бу хон Туронни идора этишда маҳаллий кучларга ҳам суюнишга мажбур эди. Шунинг ҳаммаси сабаб бўлиб, Туғлук Темурхон Амир Темурни бир вақтлар Қорачор нўён бошқарган Кеш ва унинг атрофидаги вилоятларга ҳоким этиб тайинлайди. Бу орада Мўғулистоннинг Жета деб аталган шарқий қисмида Туғлук Темурхонга қарши қўзғолон кўтарилади. Хон ўша ёқларга кетиб, орадан бир йил ўтгандан кейин яна Туронга қўшин тортиб келади. Унинг ўғли Илёсхўжа ва Беккичик деган бош вазири Темурбекни хонга ёмонлаб, «доим туркий элларга ён босади, исёнчи Амир Қазағонга куёв бўлгани учун унинг хотирасига садоқат сақлайди» деб ифво қиласидар. Шундан кейин Туғлук Темурхон Темурбекни вилоят ҳокимлигидан четлатади. Туронга ўз ўғли Илёсхўжани ҳукмдор қиласиди. Беккичик деган золим Илёсхўжанинг бош вазирига айланади. Темурбекка мақоми анча паст бўлган сипоҳсолорлик (қўмондонлик) вазифаси топширилади. Шундан кейин Туғлук Темурхон яна Мўғулистонга қайтиб кетади.

Кўчманчи чингизийлар Илёсхўжа ва Беккичик бош-чилигига Самарқанд ва унинг атрофидаги ўтрок аҳолига жабру зулмни ҳаддан ортиқ кучайтирадилар. Юздан ортиқ ёш, бақувват йигит-қизларни зўравонлик билан занжирбанд этиб, Мўғулистанга қул сифатида жўнатадилар. Мусулмонларнинг никоҳидаги кўҳлик аёлларнинг номусига тажовуз қиласидилар. Жабрдийдаларни ҳимоя қилмоқчи бўлган адолатпарвар одамлардан етмиштасини қамаб қўядилар. Улар орасида саййидлар, юрт оқсоқоллари бўлади. 25 ёшлик Темурбек бу адолатсизликларга чидай олмайди. Ўзига содик олтмиш йигити билан қамоқхонага бостириб бориб, ноҳақ ҳибс қилинган жабрдийдаларни озод этади. Мўғул хони буни ўзига қарши исён деб билади.

«Хон мени ўлдириш ҳақида ёрлиқ юборди, — дейилади «Темур тузуклари»да. — Бу ёрлиқ менинг қўлимга тушиб қолди... Барлос қавмининг баҳодир йигитларини ўз атрофимга тўплаб, уларни бирлаштирдим. Менга бўйсуниб, кўмақдош бўлишга розилик берган биринчи киши — Ики Темур бўлди, иккинчиси Жоку барлос эди...

Мамлакатнинг уламо ва машойихлари фатво ёзиб бердилар... «Мусулмонларнинг ери, молу мулки, но-муси ва жонига зулм-ситам қўлини чўзган чингизийларни¹ даф қилишда барча аҳди ислом мол ва жонларини аямай Темурбекка ёрдамлашсинлар...»

Бу фатвони менга кўрсатгандаридан кейин жанг жадал байрофини кўтариб, чингизийлар устига лашкар тортишга қарор қилдим»².

Турон тарихида ҳам, Амир Темур тақдирида ҳам жуда муҳим бурилиш юз беради. Турон ҳалқи энди золим чингизийларга бўйсунишни истамай қўзғолон кўтаради. 24 ёшлик Темурбек бу қўзғолонга бошчилик қилиб, жанг жадалга киришади ва ўз олдига Туронни

¹ Матнда «ўзбеклар» дейилган, аммо чингизийлар назарда тутилган.

² «Темур тузуклари». 2005. 20—21-бетлар.

мустамлака зулмидан озод қилиш каби улур мақсад қўяди. Шу билан ўз шахсий манфаати, тинчлиги ва хавфсизлигини ватан ва ҳалқ манфаатларига фидо қиласди. Фақат бу пайтда ҳали шафқатсиз мўғул қўшинларига қарши юрак ютиб жанг майдонига чиқадиган одамлар жуда кам эди.

Агар шаҳару қишлоқларда жанг бошланса бегуноҳ болалар, кексалар, аёллар ҳам нобуд бўлиши мумкин эди. Темурбек шуни ўйлаб, олтмиш йигити билан тунда Самарқанддан чиқиб кетади ва унинг жанубидаги тоғларда бир ҳафта қўшимча кучлар келишини кутади. «Лекин бир киши ҳам бизга келиб қўшилмади, — деб ҳикоясини давом эттиради Темурбек. — Шундан кейин Илёсхўжа менинг Хоразмга юриш қилаёттанимдан хабар топиб, ўзига бўйсунадиган Хива ҳокими Тўкал баҳодирга хат ёзган ва мени ўлдиришни буюрган экан»¹.

Илёсхўжанинг буйруғига биноан Тўкал баҳодир Қорақум саҳросида минг кишилик қўшин билан Темурбекка қарши жанг қиласди. Бу жангда Темурбек ва унинг олтмиш йигити мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, Тўкал баҳодирни мағлуб этадилар. Тўкалнинг қолган-қутган навкарлари тумтарақай бўлиб қочиб кетади. Лекин бу оғир жангда Темурбекнинг ҳам кўпчилик навкарлари ҳалок бўлади ва ўнтагина одами тирик қолади. Шулардан еттитаси отлиқ. Қолган отлар ҳам жанг майдонида ҳалок бўлган. «Аҳвол жуда оғирлашди. Лекин кўнгил тўқ эди. Бу ишни чакки қилган эканман деб ўқинмасдим»², — дейилади Тузукларда.

Темурбекнинг бу сўзларини ўқиганда, унинг мардона овозини эшигтандай бўламиз. Ахир у золим мустамлакачилар уюштирган биринчи жангда сон жиҳатидан ўн беш баробар кўп бўлган қўшин устидан ғалаба қозонади. Демак, енгиш мумкин!

Шу ўринда Амир Темурнинг баҳодирона қиёфасини кўз олдига келтириш ўринлидир. Уни ўз кўзи би-

¹ «Темур тузуклари». 2005. 20—21-бетлар.

² Ўша китоб. 22-бет.

лан кўрган Ибн Арабшоҳ соҳибқиронни шундай тасвирлаган:

«Темур баланд бўйли, қадимий паҳлавонлардай улкан қоматли, елкалари кенг, боши шерникдай катта, бармоқлари йўғон, оқу қизил тиниқ юэли, йўғон овозли, икки кўзи бамисоли икки ёниқ шамдай оловли, бадани пишиқ, худди тош мисоли қаттиқ, ўлимдан қўрқмайдиган изтиробсиз, вазмин одам эди»¹.

«Темур тузуклари»да келтирилган воқеалар Ибн Арабшоҳ тасвир этган қаҳрамон қиёфасига мантиқан тўғри келади.

Қоракум саҳросида бўлган жанг пайтида Темурбек суюкли умр йўлдоши Ўлжой Туркон оғани сувсиз бир саёз қудуққа яшириб қўйиб ҳимоя қилган экан. Жангдан кейин отлар кам қолган пайтда Темурбек рафиқасини ўз отига мингаштириб жанубга — қадимги Марв томонларга йўл олади. Моҳон шаҳри яқинида уларни Алибек Жонқурбоний деган бир ҳоким ўз навкарларига тутдириб, бургахона бўлган уйга қамаб қўяди.

Амир Темур бундайadolatsizlikka кўнишиб бўйин эгадиган одамлардан эмас эди.

«Тутқунликдан қутулиш чорасини излаб, ўз-ўзим билан кенгашдим, — дейилади Тузукларда, — Тангрининг инояти етиб, баҳодирлигим тутди. Бор кучим ва чапдастлигимни ишга солиб, соқчилардан бирининг қўлидаги қиличини тортиб олдим. Соқчиларга ҳамла қилган эдим, бариси қўрқиб қочди.

Қилич кўтарганча тўғри Алибекнинг устига бостириб бордим. Қилич тутганимни кўриб қўрқди. Қилган номуносиб ишидан пушаймон бўлиб, мендан узр сўради»².

Амир Темур умр йўлдоши билан ҳибсдан қутулгандан кейин Хуросон томонларга боради, унинг атрофига бир неча юз тарафдорлар тўпланади. Ҳали бу

¹ Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихида тақдир ажойиботлари. 1992. 2 жилд. 65-бет.

² «Темур тузуклари». 1991 й. 20-бет.

куч билан Тўғлук Темурхоннинг кўп минг кишилик кўшинига бас келиб бўлмас эди.

«Икки юз одамимни Бухоро атрофларига тарқатдим, — деб ҳикоясини давом эттиради Амир Темур, — Ўлжой Туркон Оғани ҳам яшириқча ўша ерда қолдирдим, ўзим Самарқандга йўл олдим... Яширинча улус оралаб, мингга яқин кишини иттифоқдош қилдим. Самарқанд узра салтанат байронини кўтаргудек бўлсам, улар ёрдамга келадиган бўлдилар. Тунда пинҳона Самарқандга кирдим ва катта опам Қутлуғ Туркон оғанинг уйига бориб жойлашдим. Кечаю кундуз фикр оғушида чораю тадбир изладим. Шу тариқа қирқ саккиз кун яшириниб ётдим. Охири шаҳарликлардан биттаси менинг бу ерга келганимни пайқаб қолди. Сирим очилишига оз қолганда, ночор, бирга келган эллик йигитими олиб, кечаси Самарқанддан чиқиб кетдим»¹.

«Самарқанд узра салтанат байронини кўтариш» чингизийларни Турондан кувиб юбориб, мустақил давлат тузиш деган гап эди. Бу улуғ мақсадга етиш йўлида Амир Темур саккиз йил фидокорона кураш олиб борганилиги «Темур тузуклари»да аниқ-равшан кўрсатилган.

Афсуски, Шомий ва Яздий «Зафарнома»ларида Туронда содир бўлган бу муҳим воқеалар ё бутунлай тушириб қолдирилган ёки нотўғри талқин этилган. Масалан, Шомий 1362 йилда мўғул хони билан Амир Темур орасида ҳаёт-мамот кураши бошланганини мутлақо қаламга олмайди. Аксинча, Шомий Амир Темурни хонга садоқат сақлаб юрган мулозимга ўхшатиб таърифлайди:

«Подшоҳ Туғлук Темур, — деб ёзади Шомий. — Мовароуннаҳр мамлакатини истило қилгач, ўрли Илёсхожани салтанатдорликка тайинлади. Амир Бекижакни унинг хизматига қўйди... Амир Соҳибқиронни ҳам шаҳзода хизматига тайинлади ва турли-туман тарбияту марҳаматлар кўрсатди.

¹ «Темур тузуклари», 1991 й. 23—24-бетлар.

Подшоҳ кетгандан кейин Амир Бекижак унинг амрига мувофиқ иш юритмади. Зулму адолатсизликни авж олдирди... Амир Соҳибқирон уни шу ҳолатда кўргач, сұхбатидан ўзини узоқ тутишни маъқул деб билди, чунки бир куни келиб, у туфайли подшоҳ олдида шармисор бўлиб қолмаслиги керак эди. Шунга биноан Амир Соҳибқирон улардан айрилди ва Амир Ҳусайн томонига йўл оди. Хоразмда амир Ҳусайн билан учрашади¹.

Амир Темур ҳаётининг ўта масъулиятли бурилиш палласи Шомий томонидан бутунлай тескари баён қилинган. «Темур тузуклари»да Туғлук Темурхон Темурбекни ўлдириш ҳақида шафқатсиз ёрлиқ юборгани ёзилган бўлса, Шомийда Туғлук Темурхон гўё Амир Темурга турли марҳаматлар кўрсатиб келган. Энди Темурбек хоннинг олдида гўё шармисор бўлиб қолмаслик учун Амир Бекижак сұхбатидан ўзини узоқ тутгиси келади ва шу сабабли Хоразмга кетади.

Шомий «Зафарнома»сидан кейин ёзилган Яздий «Зафарнома»сида ҳам Темурбекнинг ҳалқ озодлик ҳаракатига бошчилик қилгани ва Туғлук Темурхон уни ўлимга буюргани мутлақо айтилмаган.

Тарихчи Шомий мана шундай муҳим воқеаларни ҳаққоний тарзда кўрсатиб бераолмаганлигини Амир Темурнинг ўзи ҳам сезади. Зотан, у бошидан кечирган бетакрор тарихий воқеаларни ўзидан бошқа ҳеч ким авлодларга ибрат бўладиган бир ҳаққоният билан айтиб бера олмаслиги мумкин эди.

Шу туфайли «Темур тузуклари»дай бир китобнинг Амир Темур томонидан яратилишига ҳаётий эҳтиёж туғилади. Муаллиф ўз ҳаётининг моҳияти ва мақсадига асосий зътиборни қаратади. Шу сабабли «Темур тузуклари» орқали Амир Темурнинг ички дунёсига йўл топиш ва унинг феъли атворини билиш мумкин.

Гёте «услуб бу одам» деган эди. «Темур тузуклари»нинг қисқа, лўнда ва мардана услуги орқали биз Амир Темурнинг инсоний қиёфасини, шахсиятини кўз

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 33—34-бетлар.

оддимизга келтира оламиз. Шунинг учун ишимиз давомида «Темур тузуклари»дан иқтибослар келтириш орқали унинг ўзини сўзлатишга, маънавий дунёсини ўз нутки орқали очишга баҳоли қудрат ҳаракат қилалими.

«Темур тузуклари»ни Амир Темур умрининг охирларида ёзиб тутатган ва унда ўз ҳаётининг якуний хуносаларини авлодларига васият тарзида ёзиб қолдирган. Бу китоб асрлар давомида махфий сақлангани, йўқолиб кетиб яна топилгани ва бизга етиб келгунча ажойиб ҳодисаларни босиб ўтгани ўзи бир тарих. Шунинг учун биз ушбу ишнинг охирги бобида «Темур тузуклари»нинг босиб ўтган йўли ва моҳиятига янада батифсилоқ тўхталамиз.

Бу ерда шуни айтмоқчимизки, фақат «Зафарнома»-ларга асосланадиган, «Темур тузуклари»ни билмаган ёки тан олмаган тарихчилар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг моҳият ва маъносини тўғри тушунолмайдилар. Улар шу сабабли Амир Темурга фақат жаҳонгир ва фотиҳ деб бир томонлама баҳо берадилар, нуқул уни кўп қон тўккан, шафқатсиз бўлган деб таърифлайдилар. Аммо шафқатсиз замонларда Туронни ва бошқа кўп элларни мустамлака зулмидан ҳалос қилиш осон бўлмаганини эътиборга олмайдилар.

Масалага ҳозирги янгича тафаккур нуқтаи назаридан ёндашганда, Амир Темур фаолиятида унинг жаҳонгирлигидан кўра ўз ватанини ва бошқа кўп элларни мустамлака зулмидан озод этганилиги ҳал қилувчи тарихий аҳамиятта эга бўлиш билан бирга ҳалқпарварлик ва инсонпарварлик талабларига ҳам жавоб беради.

Мана, Тузукларда келтирилган ҳалқ озодлик ҳараратига оид яна бир лавҳа:

«Қандаҳор томон кетаётиб, Хилменд дарёсининг бўйига етганимда... Гармсир вилоятининг ҳалқи ва сипоҳидан қариб минг отлиқ турк ва тожик менга кўшилди», — дейилади Тузукларда. — «Сейистон волийси элчи орқали совға-салом юбориб, мендан ёрдам сўради, «душманларим менга зулм ўтказиб, етти

қалъамни тортиб олдилар, агар Амир Темур бу қаль-аларни душман қўлидан халос қилсалар, аскарларига олти ойлик озиқ-овқат етказиб берар эдим» деган ваъданি берди. Мен Сейистон томонга қўшин тортдим, етти қалъадан бештасини куч ва тадбир билан золимлардан озод қилдим. Буни кўриб, Сейистон волийсинг дилига қўрқув тушди. «Амир Темур бу ерларда туриб қолса, Сейистон мулки уники бўлиши аниқдир», деган хаёл билан тунда менга қарши тажовуз қилди, бехосдан устимга қўшин тортиб бостириб келди... Иложисиз жангу жадалга киришдим. Бир ўқ келиб билагимга қадалди, яна бир ўқ оёғимни яралади... Шунга қарамай, жангни улар устидан ғалаба қилгунча давом эттирдим... Гармсир вилоятида икки ой яраларим битгунча қолиб кетдим»¹.

Бу ерда Амир Темур ҳаётининг энг драматик воқеалари мардона вазминлик билан, қисқа, равон ва жуда таъсирили қилиб айтиб берилган. Бу лавҳалар худди бадиий асардек ўқилади.

Аввалги даҳшатли қирғинлардан омон чиққан Темурбек бу гал оғир ярадор бўлади. Тафсилоти айтилмаган бўлса ҳам, биз олчоқ «иттифоқдош» волийнинг тунда тўсатдан қилган ҳужуми пайтида Амир Темур зирҳли кийимларини кийишга улгурмаган бўлиши мумкин, деб тахмин қиласиз. Шу ҳам сабаб бўлиб, бирдан ўнг қўлига ва ўнг оёғига ўқ тегади. Агар ўқ теккан заҳоти яраларнинг қонини тўхтатиб, муолажа бошланса, тезда тузалиб кетиши мумкин эди. Лекин Темурбек одати бўйича жангни ғалабага эришгунча давом эттиради. Шундан кейин икки ойгача яралари тузалмай бетоб бўлиб ёттанига қараганда, аҳволи жуда оғир бўлади.

Бу воқеаларни ҳикоя қилиб берган муаллифнинг ёрқин сиймосини унинг босик, вазмин ва мардона гап оҳангидан илраб оламиз. Бошқа таъсиричанроқ одам бўлса, яхшиликка ёмонлик қилган волийни «хоин, абраҳ» деб қоралаб, бу бахтсиз ҳодисани куйиб-ёниб

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 24—25-бет.

ҳикоя қилиб берган бўларди. Чунки шу ҳодиса туфайли Темурбекнинг бир умрга ўнг оёғи оқсайдиган бўлиб қолади. Йигирма олти ёшлик йигит учун бу жуда оир кўргулик эди. Шундан кейин ноҳайриҳоҳлари унинг номига форсчада «ланг» сўзини қўшиб айтадиган бўлдилар. Farb мамлакатларида унга берилган «Тамерланг» деган исм ҳам форсчадан олинди.

Олдинроқقا кетиб айтиш мумкинки, Амир Темур 1383 йилда, яъни орадан 21 йил ўтгандан кейин яна Сейистонга қўшин тортиб боради. Ўша Сейистон во-лийси ҳали тирик экан, қўлга тушади. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида ёзилишича, Амир Темур уни хоинлик қилиб отган камон ўқлари билан отиб ўлдиришни буюради¹. Олчоқ ғанимга қасос қайтади.

ЗОЛИМЛАРНИ ДОВДИРАТГАН ИЛК ЗАРБАЛАР

Темурбек номард «иттифоқдош»нинг отган ўқларидан ярадор бўлганини ва икки ой давомида қандай оир руҳий ҳолатларни бошдан кечирганини кейинчалик ўғил ва невараларига ҳаётий сабоқ тарзида ҳикоя қилиб берган экан. Бу ҳикоянинг ибратли бир лавҳаси ўша замонда темурийлар хизматида бўлган Муйиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб-ут таворих» китобида келтирилган. Бу асарни темурийлар хонадонининг ўша даврдаги етакчи подшоси бўлган Шоҳруҳ мирзо ўқиб кўриб, ишончли манба сифатида маъқуллагани асарга берилган изоҳларда кўрсатилган. Шунга асосланиб, Муйиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб-ут таворих» асаридан қуйидаги ибратли мисолни келтирамиз:

«Ҳазрати Султони Фозий (яъни Амир Темур) Гармисирдаги бир қишлоқда икки ой мажруҳ ҳолда қолган эди. Бир кун у деворнинг соясида ўлтирганда жуда оир

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 101-бет.

ўйга толди: «Талаб йўлининг ибтидосидаёқ бир қўл, бир оёқдан ярадор бўлдим. Аммо кўзлаган муродлардан бирортаси ҳосил бўлмади. Энди қаноат ва факирик гўшасига чекиниб, ўзимни қирғин уруш ва олишувлардан четта олганим маъқулмикин?»

«Шу аснода бир заиф чумоли девор тепасига тирмашиб чиқа бошлади. У бир неча бор уриниб, деворнинг ўртасигача чиққанида қулаб тушар, яна қайта тирмашиб, юқорироқ кўтарилаарди. Ниҳоят чумоли девор тепасига чиқади.

Султони Фозий чумолининг юқорига интилишлари ўзининг ҳолатига ўхшаб кетишини мушоҳада қилди ва дилида саодатли мақсадга эришиши мумкинлигига яна ишонч уйғонди¹.

Оғир ярадорлик туфайли сусайган ишонч «наҳотки мен ҳам шу чумоличалик мақсадга қайта-қайта интилиб етолмасам?!» — деган ўй таъсирида яна қайтиб келади. Ахир Темурбек куч адолатда эканига бутун вужуди билан ишонгани учун хатарли кураш майдонига чиққан зди-ку. Ана шу адолатга ишончни йўқотмаслик нақадар муҳимлигини у янги бир куч билан ҳис қилади. Ёнидаги садоқатли қирқ йигити унинг тезда сорайиб кетишига қўмаклашади.

Шундан кейинги воқеалар «Темур тузуклари»нинг «Хуруж кунлари қилган еттинчи кенгашим» деб аталган бобида ҳикоя қилинган. Бу ерда, «хуруж» ва «кенгаш» сўзларининг теран маънолари эътиборни тортади. «Хуруж» бу «исён» ва «қўзғолон» маъноларини билдиради. Темурбекнинг бутун хаёли — чингизийлар асоратидан қутулишга қаратилган ҳалқ озодлик ҳаракати билан банд бўлгани шу сўздан билинади. «Кенгаш» сўзи эса Темурбек ўзи билан бирга шу мақсадга жонини тиккан ботир курашчилар билан доим кенгашиб иш қилганини кўрсатади.

Босқинчи чингизийларни оддий ҳалқ «жете», яъни талончилар деб атайди. Жетелар Амударёning шимол

¹ Натанзий. «Мунтакаб-ут таворих». 1957 й. Техрон, 123-бет. F. Каримов таржимаси.

томонларини 30 минг аскар билан қўриқлаб турар эдилар. Улар дарёнинг жануб томонини Темурбек бошлиқ қўзғолончилар эгаллаб олганини билардилар ва дарёдан ўтиб бу томонларга келишга журъат этолмасдилар.

Темурбек ўз одамлари билан кенгашиб Балх яқинидаги тоғларда куч тўплашни, кейин Термизга юриш қилишни режалаштиради.

«Мен билан қолган қирқ киши — бариси аслзода, амирзода, насли пок йигитлар эди, — дейилади «Темур тузуклари»да. — Шундай оғир кунларда нимадандирки мен каби олтину бойликсиз, озиқ-овқатсиз бир кишига садоқат сақлаб, менинг измимга кириб юрганлари учун Тангри таолога шукроналар айтдим. Ўзимча ўйладим: «Аллоҳ, Таолонинг мен билан қиласлик улут ишлари бордирки, ўзим каби содик йигитларни менга бўйсундирмишлар»¹.

Темурбек халқ озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси сифатида кўрсатган улкан жасоратлари тилларда дoston бўлиб эл-юрт орасида кенг тарқалган, шунинг учун босқинчиларнинг жабру зулмiga қарши бош кўтарган барча адолатпарвар исёнкор кучлар унинг атрофига йиғилиб кела бошлайди.

Балх тоғлари яқинида Амир Темурнинг бобокалони машхур Қорачор нўён авлодидан бўлган Сиддиқ Барлос ўн беш йигити билан ундан паноҳ истаб келади ва Темурбекнинг хизматига киради. «Ўша кунлари ов гўштлари билан кун кечирмоқда эдик. — деб ҳикоясини давом эттиради Темурбек. — Илгарилаб борганимиз сари бизни излаб юрган тўп-тўп қуролли йигитларга дуч келардик. Булардан бири — менинг собиқ навкарим Қозончи баҳодир экан... Жете лашкаридан юз отлиқ навкарлари билан ажralиб чиқиб, мени излаб юрган экан. Топишганимиздан қувониб тиз чўкиб, оёғимга бош қўйди. Мен ҳам уни қучоримга олиб, бoshiga ёғлиғимни² қўйдим».

¹ «Темур тузуклари». 1991. 25-бет.

² Ёлиқ — бошга боғланадиган эркакча қийик.

Бир неча кун давомида яна юзлаб садоқатли қўзғолончилар Темурбекни йўқлаб келиб, унинг йигитлари сафига қўшилади. Айниқса, эски қадрдони Амир Сайфиддиннинг уч юз навкар билан Темурбек хузурига келиб, унинг хизматига киргани қувончли ҳодиса бўлади. «Жуда нозик ишланган ва олтин билан зийнатланган камарим бор эди, — деб эслайди Темурбек ўша кунни. — Шу камарни Амир Сайфиддиннинг белига боғладим. Чопонимни Тўпак баҳодирга кийдирдим. Уларнинг кўнгли юмшаб, бағоят таъсирандилар»¹.

Темурбек Балҳдан Термиз томонга яқинлашган сари унинг тарафдорлари кўпайиб боради. Аложу қалъасини қўриқлаб турган душманлар Темурбек яқинлашганини эшитиб ваҳимага тушади. Қалъа амири Менгли Бўғо мўғул хонидан ёрдам сўрамоқчи бўлиб, Амударёнинг нариги томонига ўтиб кетади.

Қалъадаги уч юз навкар эса Темурбек томонга ўтиб келиб, унинг аскарлари сафини тўлдиради.

Ниҳоят, Темурбек Жайхун (Амударё)нинг чап қирғонидаги Элчибуғо майдонига қўшин билан етиб келади. Шунда эски Термиз томонда Мусо Барлос, Жоку Барлос ва Ҳиндука бошлиқ таниқли амирлар минг отлиқ навкарлар билан Темурбек томонига ўтмоқчи бўлиб, уни излаб юрганлари маълум бўлади. Шу тарзда қўшиннинг сони ботир йигитлар ҳисобига жуда тез кўпайиб, икки мингдан ошгандан кейин Темурбек мўғул хони Илёсхўжа юборган катта қўшин билан тўқнаш келади. «Мен ўз қўшинимни етти фавж {қисм}га бўлдим, — деб ёзади Темурбек. — Биринчи ва иккинчи ҳамлаларимиздан кейиноқ Жете лашкарининг бош қўмондони Абу Саъид мағлуб бўлиб чекинди. Шунда душманнинг Ҳайдар Анхуди ва Менгли Бўғо деган захирада турган амирлари кўп сонли лашкар билан майдонга тушди. Уларга қарши ўзим содик йигитларим билан жангта киришдим ва биринчи ҳамладаёқ ҳар

¹ Ўша китоб. 35—35-бетлар.

иккисини тумтарақай қилдим. Жетенинг лашкари ентилиб, тўкилиб сочилиб кетди»¹.

Дастлабки ялабадан рухлари кўтарилган Темурбек ва унинг аскарлари Термиз кечувидан дарёning ўнг қирғоғига ўтадилар ва уч томони сув билан ўралган ярим оролга жойлашадилар. Бу хабар Мўғул хонига етиб боргач, унинг ишонган лашкарбошиси Олчун баҳодир бошчилигида ўн минг кишилик катта қўшин юбориб, Темурбекни ё ўлик, ё тирик олиб келишни буюради. Темурбекнинг қўшини сон жихатидан оз бўлса ҳам, она ер ва Амударё суви ярим оролнинг уч томонида қалқондай бўлиб уларни ёвдан ҳимоя қилиб туради.

Темурбек бор кучларини душман ярим оролга бостириб кирмоқчи бўлган тўртинчи томонга жойлаштиради. Жете аскарлари илдам ёпирилиб бир неча марта ярим оролга кириладиган тор жойдан ўтипига уриниб кўради. Лекин юзлаб мерғанларнинг пистирмадан ёғдирган ўқлари уларни тутдай тўқади. Бу ерда Темурбекнинг саркардалик даҳоси ўз қўшини учун табиий иҳоталари бор жойни топганида, душман аскарлари ни эса ёй ўқларига нишон бўладиган тор жойда тўплашиб қолишга мажбур қилинганида кўринади.

Мўғул хони Илёсхўжа Темурбекка қарши юборган иккинчи саркардаси ҳам мағлубиятга учраб қайтганини эшитганидан кейин қанчалик ғазабга келганини тасаввур этиш мумкин.

У энди тўрт томонга товочи²ларини жўнатиб, минглаб янги навкарлар ёллади. Унинг қўшини ўттиз мингдан ошиб кетгани, хон энди ҳал қилувчи жангга тайёрланаётгани душман орасидан хабар юбориб турадиган ишончли одамлари орқали Темурбекка ҳам маълум бўлди.

Амударёning ўнг қирғоғида Соли Сарой деган жойда Темурбекнинг қайногаси ва каттагина қўшиннинг сар-

¹ «Темур тузуклари». 1991 й. 28—29-бетлар.

² Товочи — қўшин ёлловчи.

кардаси Амир Ҳусайн яшарди. Темурбек Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжай Туркан оғага уйланган, ундан бир қизча кўрган, отини яхши ният билан Султонбахт қўйган эди.

Амир Ҳусайн асли ўзи туркий улусдан чиққан ва мўгул истилосига қарши курашиб юрган қўзғолончи йигит эди. Ҳусайнбек кўпгина оғир жангларда Темурбек билан бир томонда туриб қилич чопган ва ғалабага ҳисса қўшган амирлардан саналарди. Шунинг учун Темурбек уни ўзига яқин оларди. Мўгул босқинчилари билан ҳал қилувчи жанг арафасида Темурбек қайноғаси Амир Ҳусайн билан учрашишни ва кураш репасини бирга тузишни мақсадга муфовиқ деб топди. Соли саройга одам юбориб, Ҳусайнбекни учрашувга таклиф қилди. Бу учрашув Балхнинг шарқий тарафидағи Ҳулм деган жойда бўлади.

Амир Ҳусайн бир вақтлар хонлик маснадига кўтарилиган Қазағонхоннинг невараси бўлгани учун ўзини анча катта оларди. Ёши ҳам Темурбекдан етти ёш катта эди. Темурбекнинг суюкли ва садоқатли хотини Ўлжай Туркон оғанинг ҳурмати учун ҳам Темурбек Ҳулмда қайноғаси Ҳусайнбек шарафига катта зиёфат беради.

Қайноға-куёв мўгул босқинчиларига қарши биргаликда курашишга аҳд қиласидилар.

Улар Жете лашкарининг Қарши ва Самарқанд томонлардан йўлга чиқиб, Ҳисор төвлари оша Вахш дарёси бўйига келаётганини билар эдилар.

Темурбекнинг кўшини икки минг сара жангчидан таркиб топган эди. Ҳусайнбекда ҳам икки-уч минг навкар бор эди. Бу қўшинлар бирлашганда ҳам Жетенинг ўттиз минг кишилик даҳшатли лашкарига бас келиши гумон эди. Темурбекнинг синглиси Ширинбека Қундузга нуфузли амирлар оиласига келин бўлиб тушган эди. Шунинг учун Темурбек янги тарафдорлар излаб Қундуз вилоятига боради. Темурбек синглиси тушган жалоир қабиласининг сардорлари билан иттифоқ тузади ва ёрдам олади. Кейин Бадахшон ва

Ҳутталон (ҳозирги Кўлоб) томонларга ўтади. Бу ерда у Мўгул истилосига қарши исён кўтарган Бадахшон шоҳлари билан сулҳ тузади. Шуни алоҳида айтиш ўринлики, турку тожик иттифоқ бўлиб, ҳалқ озодлик ҳаракатининг Мовароуннаҳрдаги асосий кучларини ташкил этганилиги «Темур тузуклари»да бир неча марта таъкидлаб ёзилади.

Мўгул хони Илёсхўжанинг ўттиз минг кишилик лашкари билан бўлган ҳал қилувчи жанглар Вахш дарёси устига қурилган Пули Сангин (ҳозир бу ерда Норак шаҳри бор) атрофларида бошланади.

Темурбек навкарлари минган отлар тоғлиқ жойларда кўп юриб ўрганган чопқир бедовлар эди. Ҳалқ озодлик ҳаракатининг кўлчилик жангчилари ҳам тоғ шароитига яхши мослашган одамлар эди. Илёсхўжа аскарлари ва улар минган мўгул отлари қўпроқ текис чўл шароитига мослашган бўлиб, улар баланд-паст тоғларда, тик ёнбағирлар ва арчазор ўрмонлар ичидагуруст жанг қилолмас эди. Шуни яхши биладиган Темурбек атайлаб душман лашкарларининг Вахш дарёси бўйидаги баланд тоғлар этагига ҳужум қилиб келишини кутиб туради.

Амир Ҳусайн ўз қўшини билан Темурбекдан орқароқда захираада туради. Мабодо Темурбек енгилса, Ҳусайнбек қочиш осонроқ бўлишини ўйлармиди ёки захираада туришни ва Темурбекка зарур бўлганда ёрдамга етиб боришини ўйлармиди? Буни кейинги воқеалардан биламиз.

Мўгул хони аввал тоғ устида қўшин билан турган Темурбек ҳузурига злчи юборади. Бу злчи тилёвламалик қилиб Темурбекни Илёсхўжон билан ярашишга ва унинг хизматига қайтишга ундаиди. Албатта, бу қуруқ ҳийла эди. Аслида элчининг мақсади Темурбек аскарларининг таҳминий сонини ва қандай жойлашганини кўриб билиш ва хонга маълум қилиш эди.

Шуни фаҳмлаган Темурбек бор аскарларини элчига кўринадиган жойдан бир эмас, икки марта ўтказдиди. Шу билан куч-қудратини икки баробар катта

қилиб намойиш этади. Элчи анча вахимага тушиб қайтиб кетади.

Эртаси куни Илёсхўжа олти минг кишилик сара қўшинларини Туғлук Сулдуз деган машҳур мўғул саркардаси бошчилигида Темурбек қўшинларига қарши Ҳировул (илғор қисм) қилиб жўнатади.

Бу қўшин төғ тепасида турган Темурбек қўшинига ҳужум қилишга журъат этолмай, куни бўйи төғ этагидаги текислиқда Темурбекнинг биринчи бўлиб ҳужум қилишини кутади. Аммо Темурбек ўз қўшини билан тоғдан тушмай тураверади. Кеч кириб қоронғи тушгач, Туғлук Сулдуз бошлиқ олти минг кишилик ҳировул төғ этагидаги текислиқда тунаб қолади. Тун қоронғусида одам-одамни танимайдиган пайтда Темурбек улар устига бостириб боришни маъқул кўрмайди. Чунки қоронғи пайтда қўшинлар аралашиб кетиб, икки томон ҳам кўп талафот кўриши тажрибадан маълум эди. Шунинг учун Темурбек бутун қўшинини тунда шай қилиб, саҳар пайтини кутади. Одатда, саҳар пайтинг уйқуси ширин бўлади. Душман қўшини паstdаги текислиқда саҳар уйқусига ғарқ кетган пайтда Темурбек қўшини тоғдан кўчкидай ёпирилиб тушиб ҳужумга ўтади. Тонг энди ёриша бошлаганда чўчиб уйғонган ғанимлар сафланишга ва отланишга улгурмасдан Темурбекнинг беш минг қўшини уларнинг кўпини қиличдан ўтказади, қўл кўтариб таслим бўлганини асир олади, минглаб отлар, қурол-яровлар, бошқа қимматли нарсалар ўлжа бўлиб қўлга тушади. Ҳировул қўшинининг төр-мор бўлгани ҳақидаги хабар Пули Сангиндан нарида ётган Илёсхўжаконга етиб боргунча ва унинг лашкари сафланиб майдонга чиққунча Темурбекнинг қўшини катта ўлжалар билан яна төғ тепасидаги аввалги бехатар жойига қайтади.

Фазабланган хон бор қўшинини йиғиб, кўч-кўрони билан төғ этагига етиб келгунча кун кеч бўлади. Хон ҳал қилувчи жангни эртага қолдиришга қарор қиласди. Унинг қўшини Темурбекнидан ҳали ҳам беш баробар кўп эди. Жете лашкари тогнинг этагидаги

ҳамма жойни эгаллаб олади. Воқеанинг давоми «Темур тузуклари»да шундай ҳикоя қилинади:

«Илёсхўжанинг барча фавжларини тоғ атрофига боғланган ҳолда ушлаб туришга қарор қилдим. Икки минг отлиқ аскаримни Илёсхўжа рўбарўсидаги кўприк ёнига жойлаштирдим. Ўзим эса беш минг отлиқ билан Илёсхўжа қўшини тепасида турган тоқقا чиқиб ўрнашдим ва кечаси кўп жойга гулхан ёқиши буюрдим»¹.

Бу воқеанинг аниқроқ тафсилоти Яздий «Зафарнома»сида шундай ёзилган:

«Соҳибқирон фармон бердиким, буюк тоғлар устига чиқиб кўп гулхан ёқсинлар. Бу фармонга амал қилиб, ҳар бир киши ўн ерда гулхан ёқди. Душман черики бу беҳисоб гулханларни кўриб кўнгилларига ваҳм тушиб, туролмай бузилиб кетдилар»².

Доноларча ўйлаб топилган бу ҳарбий тадбирларнинг давоми «Зафарнома»дагидан кўра «Темур тузуклари»да мароқлироқ баён қилинган.

«Ўша тунни Илёсхўжа қўшини «Жангта ҳозирлан!» буйругини кутиб, уйқусизликда ўтказди.

Мен туни билан тоғ устида туриб Тангри Таолога илтижо қилдимки, ожизу муҳтоҷ бандасига мадад бергай... Тонг отиб ёруғ тушганда қарасам, Илёсхўжа ўз амирлари ва навкарлари билан отланиб тоғ қаршисидаги текисликка чекиниб кетаётиди. «Амирларим ва сипоҳийларим дарҳол уларнинг орқасидан қувишга фармон беришимни сўрадилар. Мен шошмасликка қарор бердим, ғанимнинг мақсадини аниқроқ билмагунча сабр қилишни лозим топдим. Жете қўшини тахминан тўрт фарсанг³ жойга бориб тўхтаганларидан кейин мен уларнинг фикрини тушундим. Мақсадлари, бизни тоғдан тушуриб, яланг ерда жанг қилиш экан»⁴. Юқорида айттанимиздек, Жете аскарлари учун текис

¹ «Темур тузуклари». 1991 й. 33-бет.

² Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 33-бет.

³ Фарсанг — тахминан 6 чақирим.

⁴ «Темур тузуклари», 1991 й., 34-бет.

ялангликларда жанг қилиш қулай эди. Буни биладиган Темурбек уларни ана шу қулайликдан маҳрум қилади. Бутун қўшини билан төрдан тушмай тураверади. Шундан кейин Жете қўшини орқага қайтишга ва тоғ этакларида жангга киришишга мажбур бўлади. Темурбекнинг минглаб навкарлари юқорида туриб, уларнинг устига камондан ўқ ёғдирадилар. Жете навкарлари пастдан отган ўқлар эса кўпинча мўлжалга етиб бормайди. Бундай жангда ғалаба қилолмаслигини сезган Илёсхўжа ўзининг йигирма беш минг қўшини билан Темурбек турган тоғни ўраб олишни буюради. Шу билан у гўё Темурбекни қуршовга олиб енгмоқчи бўлади. Жете қўшини қуршаб олинган тоғнинг гир айланасига жойлашиб, тун ярмидан ошганда кўплари ухлаб қолади. Аммо Темурбек қўшини туни билан ухламай яна саҳар пайтини кутади. Буюк саркарда ўз қўшинини тўрт қисмга бўлиб, тонг ёришиши олдидан Жете лашкарига кутилмаганда тўрт томондан ҳужум уюштиради. Бу ҳужумнинг марказида ўзи туради. «Жете лашкари ўзини йириб, тартибга келтиргунча ботир йигитларим уларни тўзғитиб ташладилар, — дейилади «Темур тузуклари»да. — Қилич билан чопқилашиб пайтида ҳар икки томондан кўп талафот бўлди. Лекин Жете лашкари бизнинг ҳужумимизга туриш беролмай қоча бошлади. Мен от чопдириб, Илёсхўжага овоз етадиган даражада яқин борганимда «Ҳей, йўл бўлсин!» деб истеҳзо билан қичқирдим. Овозимни эшигтан хон разаб билан ўз аскарларига дўқ-пўписа қилди, лекин уларни қочишидан тўхтатолмади. Ўзи ҳам уларга қўшилиб қочиб, тўрт фарсанг наридаги қароргоҳига зўрга етиб олди. Кун кўтарилигунча қочиб борган ёғий тўклиб, сочилиб, катта талафот кўрди. Биз сақдоқларимиздаги бор ўқларни отиб тамом қилдик. Шундан кейин мен ҳам тизгинни тортиб, ўзимиз учун қулай бир жойда тўхтадим»¹.

¹ «Темур тузуклари». 1991 й. 33-бет.

Бу қақшатқич зарбадан кейин Илёскўжа ўзини ўнглай олмайди ва қолган қўшини билан орқага чекиниб, Ҳисор тоғларидан нарига — Хўжанд томонларга йўл олади. Чунки у томонларда хоннинг захирада қолдирган қўшинлари бор эди.

Темурбекнинг мўгул босқинчилари устидан эришган бу илк ғалабаси 1363 йилнинг кузида юз беради. Ўшанда Темурбек энди 27 ёшга кирган йигит эди. Шу ёшдаёқ унинг саркардалик истеъоди кўзга яққол ташлангани, сон жиҳатидан бир неча баробар кўп бўлган душманларни енгиш учун баланд тоғлардан, Амудек дарёлардан ва арчазор ўрмонлардан қандай мадад олгани, улар берган имкониятлардан қанчалик маҳорат билан фойдалангани бутун дунёни қойил қилиб келади ва қўргина мамлакатларнинг ҳарбий академияларида саркардалик санъатининг ажойиб намуналари тарзида ўрганилади.

Лекин ватанимизга жон-жаҳди билан ёпишган Чиратойхон авлодлари ва уларнинг лашкарлари ҳам ўта жангари ва кучли ғаним эди. Уруш-юришлардан бошқа касби бўлмаган, бутун умри ҳарбий курашларда ўтиб чиникқан ва урушда олинган ўлжалар ҳисобига кун кўрадиган босқинчилар Марказий Осиёнинг бой ўлжаларини ўлса ҳам қўлдан чиқаргилари келмас эди.

Айниқса, Термиз, Қарши, Кеш, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Хўжанд каби дунёга танилган шаҳарларга чингизийлар тиш-тироқлари билан тирмасиб, уларни асоратда сақлаш учун қайта-қайта уруш қилар эдилар.

Чиратойхон авлодига мансуб бўлган Туғлуқ Темурхон Мўгулистондан янги-янги қўшинлар тўплаб, ўз ўғли Илёсхўжага кетма-кет кўмак юбориб турарди.

Тоғда шарманда бўлиб енгилган Илёсхўжа Фузор ва Кеш атрофларига қайтиб келиб, отаси юборган қўшинлар ҳисобига яна ўттиз минг лашкар тўплади. Энди у мўгул аскарлари учун куляй ҳисобланган текис жойларда урушиш ва Темурбекни нес-нобуд қилиш учун астойдил тайёргарлик кўра бошлади.

ДЎСТ ҚИЁФАСИДАГИ РАҶИБ

Жаҳон тарихидан маълумки, ҳар қандай халқ озодлик ҳаракати жараёнида чинакам фидойи ва мард курашчилар сафига баразли мақсадларни кўзлайдиган сўзи бошқа, иши бошқа қаллоб одамлар ҳам суқулиб кириб олади. Дастребки икки йиллик жанг ўнга жадаллар тажрибасидан шуни яхши пайқаган Темурбек тақдири ҳал бўладиган масъулиятли дамларда кимга ишониш ва кимдан ёрдам сўраш масаласига ўта эҳтиёткорлик билан ёндашади. Вахш дарёси бўйида, Пули Сангин атрофларида бўлган жангларда Темурбекнинг қайноғаси Амир Ҳусайн ўзининг беш минг кишилик лашкари билан иштирок этиши мумкин эди. Лекин Амир Ҳусайннинг феълида Ҳасад ва обрўпарастлик одатлари борлигини биладиган Темурбек унга мутеъ бўлиб қолишни истамайди. Бу тўғрида «Темур тузуклари»да шундай фикр билдиради:

«Орқада Амир Ҳусайн лашкари мени қўллаб-қувватлаш учун тайёр турган бўлса ҳам, бироқ мен ўзимни унинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолиш даражасига етказмадим. Тўғри чораю, тадбир қўллаб, Илёсхўжа лашкарини синдиридим»¹.

Навбатдаги мушкул синов Темурбекнинг бошига орадан бир йилча ўтгандан кейин Кеш (Шахрисабз) атрофларида тушади.

Кеш, Қарши вилояти ва унинг туманларида ҳали ҳам Илёсхўжа ҳукмронлик қилмоқда эди. 1364 йилнинг бошларида унга Мўғулистондан жуда катта лашкар кўмакка юборилади.

Илёсхўжа бор лашкарини Кеш шахри атрофидаги кенг ва текис жойларга йиғиб келади. Ўзи эса Темурбек туғилиб ўсан Хўжа Илғор қишлоғи ва Яккабов тумани яқинидаги Тошариқ² деб аталган жойни хон

¹ «Темур тузуклари». 1991 й. 32-бет.

² Тарихга Тошариқ номи билан кирган жой Яккабов тумани ҳудудида жойлашганлиги Шомий «Зафарнома»сига берилган изоҳда (412-бет) кўрсатилган.

қароргоҳига айлантиради. Маккор хон атайлаб Темурбекнинг киндик қони томган ва унинг ота-боболари дағн этилган мўътабар заминни ўз қўшинига оёқ ости қилдиради. Хўжа Илғор қишлоғини ва Темурбек яшаган ҳовли жойларни буздириб, вайронага айлантиради.

Темурбек шундай бўлиши мумкинлигини икки йил олдин чингизийларга қарши кураш майдонига чиққан пайтларда билган эди. Шунинг учун ҳали етти-саккиз ёшдан ошмаган мурғак ўғиллари Жаҳонгир ва Умаршайх мирзоларни Самарқанддаги меҳрибон эгачиси Кутлуг Туркон оғанинг қаноти остига олиб бориб қўйган эди. Бу ўғилларнинг оналари Турмуш оға ва Тўлин оғалар замона алғов-далғовларида бевақт ватфот этиб кетган, уларнинг қабрлари ҳам Хўжа Илғор қишлоғида эди.

Жўшқин болалик ва ёшлиқ йиллари ўтган азиз мақон разил Илёсхўжа лашкари томонидан қандай топталаётгани, қадрдон ҳамқишлоқларидан қанчаси Хўжа Илғор харобалари остида ҳалок бўлгани, яна қанчаси ўрганган жойларидан қочиб чиқиб, тўрт тарафдан нажот излаётгани Темурбекни тезроқ туғилиб ўсган юртига ёрдамга етиб боришга ундейди.

Аламзада Илёсхўжанинг нияти ҳам Темурбек билан ҳал қилувчи жангни узоқдаги дарё ва тоғлар орасида эмас, бир томони Қарши даштига уланиб кеттан ялангликларда мўғул қўшинининг барча афзалликларини ишга солиб ғалабага эришиш эди.

Бойсун ва Гузор томонлардан қўшин тортиб келаётган Темурбек, аввало, Кешни Жете қўшинларидан озод қилиши керак эди. Чунки Тошариқ ва Яккабоққа Кеш орқали ўтиларди. Бундан ташқари, қадрдон шаҳри Кешда у зиёрат қиласиган қадамжойлар ва уни қўллаб-қувватлайдиган юртдошлар бор эди.

Фақат Темурбекнинг қўшини ҳали ҳам Илёсхўжанинг лашкаридан уч-тўрт баробар оз эди. Шу сабабли у ўз қўшинини душманга беҳад кўп қилиб кўрсатишнинг ажойиб бир тадбирини ўйлаб топади. Унинг буйруғи билан барча жангчилар дарахтларнинг катта ва

узун шохларини кесиб олиб, эгарларининг икки томонга осилтириб боялдилар. Сўнг бу узун шохларни тупроқ йўлларда ерга судратиб отларини чоптирадилар. Шохлардан кўтарилиган чанг-тўзон осмону фалакка чиқади. Чангнинг баландлигидан ташқари, узунлиги ҳам ўнлаб чақирим масофага чўзилади.

Бу манзара Кеш шаҳрини қўриқлаб турган Жете аскарларини қўрқувга солади. Чанг кўтарилиган томондан от чоптириб келган қоровуллар «Амир Темур лашкари бостириб келяпти, сони эллик мингдан ҳам ортиқقا ўхшайди!», — деб ваҳима қилишади.

Кеш шаҳрини қўриқлаб турган Жете аскарлари Тошарик томондаги хон қароргоҳига қараб қоча бошлиди. Мана шундай бир доно тадбир билан Темурбек воҳа марказида турган Кешдай машҳур шаҳарни жангсиз эгаллади. Кешликлар уни катта қувонч билан кутиб оладилар. Минглаб хайриҳоҳлар унинг қўшинини озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлайди. Юзлаб ботир йигитлар унинг лашкари сафини тўлдириб ҳарбий хизматга киради.

Амир Ҳусайн ҳам ўз қўшинлари билан Кешга етиб келади. У Темурбекнинг обрўси халқ орасида ошиб бораёттанини ҳар қадамда кўради. Агар навбатдаги жангга Ҳусайнбек қатнашмаса-ю, Темурбек яна ғалабага эришса, халқ уни давлат бошлиғи қилиб кўтариши эҳтимолга яқин эди. Ҳолбуки, Амир Ҳусайн Илёс-хўжа қувилгандан кейин давлатни бошқаришга факат ўзини муносиб кўрарди. Чунки унинг бобоси Қазағон хонлик таҳтида ўлтириб давлатни бошқарган одам эди. Аммо Темурбекнинг ота-боболари орасида хонлик мартабасига эришган бирорта одам ўтган эмас. Улар Чингизхон даврида пўлат китобга ёзилган аҳдномага биноан фақат лашқарбоши бўлиш билан қаноатланиши керак эди.

Шуни яхши биладиган Амир Ҳусайн Илёсхўжа билан бўладиган навбатдаги жангга қатнашишни ва зарур бўлганда ташаббусни қўлга олиб, биринчи ўринга чиқишни кўнглига тутади. Темурбекка эса ўзини кам-

тар кўрсатиб, бу гал жанг бўлса, захирада қараб туролмаслигини ва албатта қилич чопиб, куёвига ёрдам бермоқчи эканини айтади.

Темурбек мўғул лашкари билан бўладиган навбатдаги жанг Қарши даштига туташган ялангиликда бўлишини, бундай кенг жойларда Жете қўшинларига бас келиш қийин кечишини биларди. Шунинг учун Амир Ҳусайннинг олти минг кишилик катта лашкари ёрдамга келса ва Илёсхўжага қарши жанг қилса, Темурбекка айни муддао бўлиб кўринади. Фақат у Амир Ҳусайннинг иззат талаб ва ўзгарувчан феълини билганлиги учун узоқни кўзлаб битта шарт қўяди.

Амир Ҳусайн ҳам Темурбек каби пири комил Шамсиддин Кулолга қўл бериб мурид бўлган эди. Энди икковлари ҳал қилувчи жангдан олдин Шамсиддин Кулолнинг Кешдаги мақбарасига зиёратга борадилар. Тиловат қилиб, улур пирнинг руҳидан мадад сўрайдилар. Шунда Темурбекнинг таклифи билан қайноға куёв улуғ пир қабри олдида то мўғул босқинчиларини ватандан қувиб чиқармагунча курашни биргаликда давом эттириш ва ҳеч қандай ҳолатда дўстлик ва иттифоқчиликни бузмаслик, ҳамиша бир тан-бир жон бўлиб жанг қилиш учун қасамёд қиласилар. Темурбек таклиф қилган бу қасамёдни Ҳусайнбек пири комил қабри олдида ўз тили билан такрорлаб қасам ичади. Шундан кейин улар бор қўшинларини сафга тизиб Илёсхўжа томонга йўл оладилар. Яздий «Зафарнома»-сида ёзилишича, ҳал қилувчи жанг Қуббайи Метин деб аталадиган мавзеда 1364 йилнинг баҳорида содир бўлади.

Илёсхўжа сараланган жангчиларини ўнг қўл томондан бошлиб келмоқда эди. Энг оғир жанглар хон келаёттан томонда бўлишини сезган Амир Ҳусайн душманнинг чап қўл томонини танлади. Энг мушкул жантлардан ҳам тап тортмай ўрганган Темурбек эса Илёсхўжа бошлиб келаёттан ўнг қўл ва ғул (марказ)нинг қаршисидан чиқди. Илёсхўжа аввал илғор қисм ҳисобланган ҳировулни Темурбекка қарши жангта солади.

Темурбек душман ҳировулини бир ўқ отимиға қадар яқин келгунча қўйиб беради. Яздий «Зафарнома»синг гувоҳлик беришича, жуда яқин келган ёв отлиқларини ёй ўқи билан тутдай тўкиш ишини Темурбекнинг ўзи бошлаб беради. У ўқ-ёйни қўлига олиб, сўл қўлини долдек қилиб оттан ёй ўқлари ёв отлиқларининг олдинги сафда келаётганларини бирин-кетин ерга қулатади. Буни кўрган барча ботирлар душман устига шундай куч ва тезлик билан ўқ ёғдирадиларки, «ел каби учиб келаётган ёв баҳодирлари ёмғир каби тупроққа тупдиларав ва ҳаёт сувини тупроққа топширадилар¹. — деб ёзади Яздий.

Бу парчага берилган изоҳда Темурбекнинг Сейистонда яраланган ўнг қўли тузалиб кетгани ва у аввалгидаи мерганлик билан ҳар қандай нишонга ёй ўқини аниқ қадай олиши маҳсус кўрсатиб ўтилган².

Саркарданинг шахсий ибрати барча жангчиларнинг ғайрати ва жасоратини ошириб юборади. Ёй ўқларининг ботирлар томонидан ёғдирилгани ва ёв аскарларининг тупроққа ёмғир каби беҳисоб ёғилиб тушишибири-бирининг таъсир кучини ошишувчи ва манзарани аниқ, гавдалантирувчи нодир ўхшатишлардир.

Бевосита Темурбек билан жанг қилган Жете амирларидан машҳур Туғ Темур ва Давлатшоҳ, деганлари ўқ еб ҳалок бўладилар. Яна иккита қўшинга саркардлик қилган Чингизий шаҳзодалар ҳам Темурбек билан жангда ҳаётдан кўз юмадилар.

Буни кўрган Илёсхўжахон Гулдан орқага чекинади ва сўл қанотда жангни башқараёттани амир Беккичикнинг орқасига ўтиб жон сақламоқчи бўлади.

Амир Ҳусайн қўшини Беккичикка бас келолмай топталиб турган пайтда ўнг қанотдан Темурбек унга икки минг қишилик кўмак юборади.

Темурбекнинг ўзи эса ҳон билан бирга қочишига тушган ёв аскарларини таъқиб этиб, тўзритиб юбора-

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». Тошкент, 1997. 35-бет.

² Ӯша китоб. 320-бет.

ди. Жете қўшинларининг бир қисми тоғ томонга қочади, иккинчи қисми ялангликларда жон сақлаш умиди билан Қарши чўлига юз тутади. Темурбек энди ўз қўшинини уч қисмга бўлади, икки қисмини тоғ ва чўлга қараб қочаётган душманларни таъқиб этишга ва Илёсхўжа қайси тўпда бўлса, шуни аниқлаб, энг аввало хонни асир олишга буйруқ беради. Ўзи эса «Илёсхўжа ўз қароргоҳига қочиб бориши ҳам мумкин» деган таҳмин билан хон қароргоҳига икки минг йигитини бошлаб от чопдириб кетади. Буни чап қўлда Амир Ҳусайн билан жанг қилаётган амирлардан бири кўриб қолади ва Илёсхўжанинг қароргоҳига қочиб бориш фикридан қайтаради. Хонни Амир Беккичик саркардалик қилаётган навкарлар ўз ҳимояларига оладилар. Лекин ўнг қўлдаги хон қўшини Темурбекдан енгилиб қочганини кўрган Амир Беккичик аскарларининг руҳи тушиб кетади. Буни пайқаган Амир Ҳусайн уларга қарши ҳужумни кучайтиради. Кеч кирганде Амир Беккичик қўшини ҳам орқага чекиниб қоча бошлайди. Амир Ҳусайннинг илорлари уларни қувиб бориб, тира-шира қоронги тушганда Илёсхўжахон билан амир Беккичикни қўлга туширадилар.

Бу жуда катта зафар эди. Агар Илёсхўжахон билан Беккичикни дарҳол Темурбекка топширсалар эди, бутун мамлакат буварнинг жабру зулмидан бутунлай қутулиши мумкин эди. Лекин шу ерда ҳалқ озодлик ҳаракатига суқулиб кирган ғаразли одамлар Илёсхўжахоннинг қочиб қутулиб кетишига ёрдам берадилар.

Кимлар эди бу ғаразли одамлар? Тарихий манбалар бу саволга аниқ жавоб бермайди. Яздий «Зафарнома»сида бу воқеа шундай таърифланади: «Илёсхўжахон ва Беккичикбек ва Искандар ўғлон ва Ҳамидбек ва Юсуф Ҳўжабек зиликка тушдилар. Аммо хонни бир жамоа ҳаводорлари ва кишилари ким, ани қўлга тушуриб эдилар, таниб, беклардан хабар бўлғондан бурун Беккичикбек билан хонни отлантириб йибора бердилар. Ва ўзгаларни боғлаб бекитдилар»¹.

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». Тошкент, 1997. 36-бет.

Демак, асир тушган хонни ва унинг бош вазири Беккичикни бир жамоа ҳаводорлари (яъни ҳайрихолари, ихлосмандлари) ва уларни қўлга туширган кишилар Темурбекка хабар бермасдан бурун отлантириб, озод қилиб юборадилар. Бу ишда хон ҳаводорлари, яъни ихлосмандларининг хизмати катта бўлганлиги эҳтимолга яқин. Чунки хонлар доим қўриқчилар ва мулоzимлар қуршовида юрадиган ҳукмдорлардир. Айниқса, уруш бораётган пайтда унинг атрофида жонига оро кира оладиган содик одамлари бўлиши шарт. Ана шулар хонни қўлга туширган одамларни қандайдир йўллар билан авраб, гавҳару олтинлар эвазига уларни сотиб олганликларини тасаввур этиш мумкин. Хонлар ёнида доим ҳазиначилари бирга юради. Тождорлар қўйнида маҳсус ҳамёnlарда ҳар қайсиси бир сандик олтин нархидаги йирик-йирик олмос ва ёқутлар ҳар эҳтимолга қарши сақлаб юрилиши ҳам тариҳдан маълум.

Бундай бойликларга ўч бўлган одамларни Амир Ҳусайннинг мулоzимлари орасидан топиш учча қийин бўлмаган кўринади. Амир Ҳусайннинг ўзи ҳам шу тоифадан бўлганини биз кейинги воқеалар ривожида кўрамиз. Агар хон мулоzимлари орага тупшиб, Илёсхўжани олтину жавоҳирлар эвазига асириликдан озод қилган бўлсалар, Амир Ҳусайн бу олтину жавоҳирлардан ўзининг шоҳона ҳиссасини маҳфий йўл билан олган, деб тахмин қилишга асос бор.

Бу асос шундан иборатки, Илёсхўжа билан Беккичикбекни лашкарбоши Темурбекка кўрсатмасдан отта миндириб озод қилиб юборган одамлар ўз саркардлари Амир Ҳусайн томонидан ҳеч қандай жазога тортилмайди. Шундан билиш мумкинки, бу ишда Амир Ҳусайннинг ҳам қўли бўлган. Жанг тўполонида бу воқеадан анча кеч хабар топган Темурбек хон ва Беккичикни қўйиб юборган одамлардан дарғазаб бўлади. Бироқ Амир Ҳусайн уларни ўз ҳимоясига олади. Гўё улар жанг чанг-тўзони ичида хонни ва Беккичикни танимаган эмишлар. Бу икки маккор шахс ўзларини

«Темурбекнинг хос кишиларимиз» деб айтса, бу гапга ишониб қўйиб юборган эмишлар. Аммо хоннинг вазири Ҳамид ва қариндоши Искандар ўғлон қўлга тушганда Амир Ҳусайн уларни ўзи таниб қолиб, дарҳол ҳибс қилдирганини мақтаниб айтиб беради.

Вазир Ҳамид бир вақтлар Темурбекнинг отаси Тарагай баҳодир билан дўст тутинган, Темурбекка ҳам яхши муносабатда бўлган эди. Шунинг учун Темурбек Амир Ҳусайндан вазир Ҳамидни озод қилишни ва Темурбекнинг ихтиёрига беришни сўрайди. Чунки Илёсхўжахоннинг қай ҳолатда ва кимнинг ёрдамида қочиб қутулганини вазир Ҳамид курган эди ва Темурбекка ҳақиқатни айтиб бериши мумкин эди. Амир Ҳусайн вазир Ҳамидни Темурбекка жанг ҳали тугасдан бергиси келмай пайсалга солади, аввал қочиб кетаётган Илёсхўжахонни қувиб етиш зарурлигини сабаб қилиб кўрсатади. Бу сабаб Темурбекка ҳам асосли туюлган бўлса керак. Темурбек Самарқанд томонга қараб қочган хон ва унинг одамларини таъқиб этиб Зарафшон дарёси бўйларигача келади. Зарафшонга ирмок бўлиб қуйиладиган Жом суви¹ бўйида Илёсхўжахон қолган-қутган қўшинларини йиғиб, Темурбек лашкари билан яна бир марта жанг қилади. Жанг бошланишидаёқ Илёсхўжахон содик қўриқчилари билан Жиззах томонга қочади. Жом суви бўйида урушига киришган унинг қўшинлари хоннинг тезроқ қочиб қутулиб кетишига имкон бериш учун Темурбек навкарларининг йўлини тўсиб қаршилик кўрсатади. Темурбек навкарлари уларни аямай қирадилар. Фақат қуролини ташлаб таслим бўлганларини асир қилиб оладилар.

Жанг охирлаганда орқадан Амир Ҳусайн ҳам ўз навкарлари билан этиб келади. Темурбек Шербаҳромни минг кишилилк жангчи билан илор тайинлаб Илёсхўжахонни тутиб келиш ёки Турон худудидан чиқиб кетгунича таъқиб этиш ҳақида буйруқ беради. Ўзи ҳам

¹ Ҳозирги Жомбой тумани худудидан ўтган ирмок.

қолган қўшин билан Бинокентга, ундан Тошкентга боради. Амир Ҳусайн ҳам Тошкентта келади. Жон ҳолатда қочиб кетаётган Илёсхўжа уларга тутқич бермайди. Хоннинг Мўгулистанга тезроқ етиб олишга интилаётганинг сабаби — отаси Туғлук Темурхон вафот этгани ҳақида унга хабар келади. Илёсхўжа тезроқ етиб бормаса, бошқа даъвогарлар таҳтни эгаллаб қўйишлари мумкин эди.

Жете аскарларининг қолган-қутганларини қувиб бориб Или дарёсидан нарига ўтказиб қайтган Амир Шербаҳром Тошкентда уни кутиб турган Темурбек ва Амир Ҳусайнга Туғлук Темурхоннинг ўлганлиги ва Мўгулистанда таҳт талаплари бошлангани ҳақидаги янгиликни айтиб беради.

Ҳал қилувчи ғалабадан кейинги бу янгилик барча шаҳару қишлоқларга тарқатилади. Бутун Турон эли сал кам бир ярим аср давом этган чингизийлар истилосидан илк бор ҳалос бўлганларини сезиб яратганга шукроналар айтади. Темурбекни ва сўнгги жангда унга ёрдам берган Амир Ҳусайнни Тошкентда, Жиззах ва Самарқандда эл-юрт зўр ҳурмат ва олқишилар билан кутиб олади.

Яздий «Зафарнома»сида ёзилишича, бу воқеа «ҳижрий етти юз олтмиш бешда, Лу йилининг мувофиқида» юз беради. Бу ердаги «Лу» сўзи балиқ маъносини билдиради. Ҳижрий 765 йилнинг балиқ йилига оид қисми милодий 1364 йилнинг баҳор фаслига тўғри келиши «Зафарнома»га олимларимиз томонидан берилган изоҳда кўрсатилади¹. Эҳтимол бу илк озодлик кунлари наврӯз айёмига тўғри келганди ва бутун ҳалқимиз милодий 1364 йилнинг наврӯзини зўр шодиёналар билан байрам қилгандир. Ҳалқ озодлик ҳаракатини мана шу ғалабага бошлаб келган Темурбек ҳам баҳорда туғилган ва ўша ғалаба кунларида 28 ёшга тўлган эди.

Ёши ундан улуғроқ бўлган Амир Ҳусайн катта йиғинларда биринчи бўлиб сўз олишини ва ўзининг ғала-

¹ Ш. Язидий. «Зафарнома». Тошкент, 1997, 36-бет.

бага қўшган ҳиссасини аслидан бир неча баробар ул-кан қилиб кўрсатишини тасаввур этиш мумкин. Лекин барибир кўпчилик эл Темурбекнинг озодлик йўлида уч йилдан буён қаҳрамонларча кураш олиб борганини, оғир ярадор бўлганига қарамай тоғу чўлларда Жете қўшинига қақшатқич зарбалар берганини яхши биларди. Халқ баҳшилари унинг номини дўмбира куйига солиб йигинларда достон қилиб айтишарди. Буни эшитганда Амир Ҳусайннинг ҳасади келиб юзлари тиришиб кетипини Темурбек яқиндан кузатади. Шунинг учун «Темур тузуклари»да Амир Ҳусайн ҳақида у қўйидагича гувоҳлик беради: «... Амир Ҳусайнни давлатимга шерик деб элга эшиттирдим, у билан муроса-ю, мадора қилдим. Гарчи у ташқи кўринишдан мента дўстлик билдирса ҳам, аммо ичидан ҳамиша ҳасад ва нифоқ мақомида турди. Унинг ўзи Мовароуннаҳр тахтига ўлтиришни истарди... Уч бор Қуръони мажидни қўлга олиб, дўстилик бобида онт ичди, аммо аҳдига вафо қилмади»¹.

Биринчи бор Амир Ҳусайн содик дўст бўлишга улуғ пир Шамсиддин Кулол қабри олдида қасам ичгани юқорида айтилган эди. Шундан сал кейин бўлган жангдаёқ, Ҳусайнбек ўз қасамини бузгани — асир олгани Илёсхўжаонни Темурбекдан яшириқча отга миндириб қочириб юборганлигида кўринмадими? Ҳолбуки, Илёсхўжаонни чекинишга ва Амир Ҳусайн қўшини келаётган чап қанотга қочиб ўтишга Темурбекнинг кучли ҳамласи мажбур қилган эди. Агар Ҳусайнбек чин дўст бўлса, асир тушган Илёсхўжаонни энг аввал Темурбекнинг қўлига топшириши керак эди. Шундай қилса қонли урушлар тезроқ тутарди, озодликка ташна халқ бу улур неъматта бир неча йил олдин етишган бўларди. Лекин Амир Ҳусайн халқни эмас, фақат ўзининг подшо бўлишини ўйлади. Асир тушган ва тахтидан ажralиши мумкин бўлган Илёсхўжаонни Темурбекка топшириш Амир Ҳусайн учун бўлажак янги

¹ «Темур тузуклари», 1991. 34-бет.

давлатнинг таҳтини ҳам Темурбекка топшириш билан баробар эди. Чунки бу иккинчи ва ҳал қилувчи ғалаба ҳам аввало Темурбекнинг қаҳрамонлиги туфайли қўлга киритилганини ўз кўзи билан кўрган эл-юрт бўлажак янги давлатга Темурбекни биринчи раҳбар қилиб кўта-риши муқаррар эди.

Амир Ҳусайндаги ҳасад ва баҳиллик Темурбекнинг биринчи бўлишига йўл бермайди. Кўпчилик баҳиллар каби у ҳам «менга бўлмаса, унга ҳам бўлмасин!» қаби-лида иш тутади ва асир тушган хоннинг олтину жаво-хирларини олиб, ўзини қочириб юборади.

Бу ҳодисанинг ичидаги бўлган хоннинг вазири Ҳамид ва қариндоши Искандар Ўғлон Амир Темурни воқеа-дан хабардор қилишлари мумкин эди. Илёсхўжанинг асириликдан осон қутулиб кетганида қандайдир сир борлигини ва бу сирни вазир Ҳамид орқали билиш мумкинлигини Темурбек зидан сезади. Улар Амир Ҳусайн билан Тошкентдан Самарқандга қайтганлари-дан кейин Темурбек вазир Ҳамидинг қаердалигини суриштиради. уни Амир Ҳусайн Самарқандга келти-риб, қамоқда сақлаётганини айтади. Темурбек вазир Ҳамидинг эски қадрдонлиги борлигини Амир Ҳусайн-га эслатиб, уни ҳибсдан бўшатишини сўрайди ва ўз ҳимоясига олмоқчи эканини айтади. Бу гал қатъий талаб тарзида айтилган сўровга Ҳусайнбек рад жаво-би беролмай рози бўлади. Фақат ҳибсхонада вазир Ҳамидни қўриқлаб турган ўз навкарларига «Ҳамидни тирик чиқарманлар» деб яширинча топшириқ берга-ни кейин маълум бўлади.

Темурбек вазир Ҳамидни ҳибсхонадан иззат-ик-ром билан олиб чиқиб келиш учун поччаси Амир До-вудни ва энг нуфузлиbekларидан Ҳожи Сайфиддинни юборади. Бироқ улар ҳибсхонага етиб келгунча Амир Ҳусайннинг Боязид ва Эмин деган навкарлари «югу-риб, бири пистон била ва бири қилич била уриб, Ҳамид-бекни ўлдирдилар» — деб ёзади Яздий ўз «Зафарно-ма»сида ва давом этади: — «Ҳусайнбек бу ҳолдин во-

қиф бўлиб дедиким: «навкарнинг иши бекникидин яхшироқ воқеъ бўлди». Яна Ҳусайнбек «киши чопдуруб, Искандар ўғлонни келтурууб ясоққа етказди»¹.

Вазир Ҳамид билан Искандар ўғлонни Амир Ҳусайн буйруги билан ўлдирганлари бу парчада жуда аниқ сезилади. Темурбек вазир Ҳамидни қутқариш учун юборган беклар ҳисбхонага етиб бормасдан олдин нега Ҳусайнбекнинг Боязид ва Эмин деган навкарлари «югуриб», яъни шошилиб вазир Ҳамидни шафқатсизларча ўлдирадилар?

Амир Ҳусайн Темурбекнинг иродасига қарши қаратилган бу қотилликни қоралаш ўрнига ўз навкарларини мақтайдики, гёё навкарларнинг қилган бу иши бекникидан яхшироқ бўлибди. «Бек» деганда у Темурбекни ёки вазир Ҳамидни қутқариш учун келаётган бекларни назарда тутгани гап оҳангидан сезилади. Шундан кейин Ҳусайнбек шошилинч равишда «Киши чопдуруб» Искандар ўғлонни ҳам ўлдиради. Чунки Искандар ўғлон ҳам Тошариқ жангиде асир тушган Илёсхўжахонни қай ҳолда ва нималар эвазига Ҳусайнбекнинг одамлари қочириб юборганини яхши биларди, у ҳам шу воқеанинг ичида бор эди.

Бу ҳодисалар Темурбекнинг «Амир Ҳусайн ичидан ҳамиша ҳасад ва нифоқ мақомида турди» деган сўзларида қанчалик теран асос борлигига бизни яна бир бор ишонтиради. Бу ердаги «ҳамиша» сўзи Кеш яқинида бўлган шериклик жангда ҳам Амир Ҳусайн нифоқ мақомида бўлганидан далолат беради. У асир тушган хонни Темурбекка кўрсатмасдан қочириб юборгани ва бу хиёнатни яшириш учун вазир Ҳамид билан Искандар ўғлонни ҳам Темурбекка бермасдан шоша-пиша қатл эттиргани Ҳусайнбекнинг дилига ўрнашиб олган ҳасад ва нифоқнинг оқибати эканини кейинги йил воқеалари янада аниқ кўрсатади. Аммо 1364 йилнинг баҳорида эл-юрт эндиғина чингизийлар истибдодидан

¹ Ш. Язий. «Зафарнома». Тошкент, 1997. 37-бет.

озод бўлиб, эркин нафас ола бошлаган пайтда Амир Ҳусайннинг юқорида айтилган қилмишлари учун Темурбек у билан чаплашиб, орани узолмас эди. Аввало, яқин қариндошлилик, Темурбекнинг суюкли хотини Ўлжай Туркон ова Ҳусайнбекнинг туғипиган синглиси бўлганлиги бунга йўл бермас эди. Энг муҳими, агар Темурбек билан Амир Ҳусайннинг ораси бузилса ва иккови бир-бирига қарши ҳаракат бошласа, бундан дарҳол Мўғулистандаги чингизийлар фойдаланган бўларди. Улар азалдан бўлинганни еб ўргангандан бўриларди.

Мана шу сабабларнинг ҳаммаси Темурбекни сабрбардошли, бағри кенг бўлипига, арқонни узун ташлаб, Амир Ҳусайн билан муроса қилишга ва бирга иш олиб боришта ундар эди.

Кўпчилик орасида улар бир-бирларига дўст ва ҳамкор бўлиб қўринардилар. Улар мустамлака зулмидан озод бўлган мамлакатни қандай бошқариш, қандай мустақил давлат тузиш ҳақида барча нуфузли элдошлари билан маслаҳатлашиш учун 1364 йилда Самарқандада қурултой чақирадилар. Темурбек ва Амир Ҳусайн хонлик мансабига ўз номзодларини қўймаслик ҳақида олдиндан келилиб оладилар. Уларнинг сўзидан чиқмайдиган дарвеш табиат камтар бир инсон Қобулшоҳ деганин хонлар авлодидан бўлгани учун оқ кийгизга солиб расмият учун хон қилиб кўтарадилар. Қобулшоҳ эса олдиндан келишилган шартга биноан маҳсус фармон чиқариб, мамлакатнинг жанубий қисмидаги Термиз, Балх, Ҳутталон ва бошқа вилоятларни Амир Ҳусайннинг ихтиёрига беради. Самарқанд, Жиззах, Қарши, Бухоро ва уларнинг атрофидаги туманларни идора этиш Темурбекка топширилади. Тошкент ва Хўжанд беклари ўзларини мустақил ҳисоблаб, ҳозирча Темурбекка ҳам, Амир Ҳусайнга ҳам бўйсунишни истамайдилар. Бу ҳол Темурбекни ташвишга солади. Чунки қочиб кутулиб кетган Илёсҳўжаон

Мўғулистандаги таҳт талашида ғолиб чиқади. У отаси Туғлук Темурхоннинг ўрнига хон бўлганидан кейин Мўғулистанда бор аскарий кучларни ўз атрофига йиғади. Йиқилган курашга тўймас деганлариdek, у яна катта қўшин тўплаб, Тошкент орқали Самарқандга ҳужум қилишга тайёргарлик кўраётгани мъълум бўлди.

Бундан хабардор бўлган Темурбек Амир Ҳусайн билан Кешда учрашиб, бу гал Илёсхўжахонга қарши қандай чора кўриш ҳақида кенгаш ўтказадилар.

Улар энди Жете лашкарини мамлакат ичкарисига киргизмасликка, чегарага яқин шаҳар — Тошкент атрофларида унинг йўлини тўсиб чиқишга қарор қиладилар. Аммо навбатдаги жангда яна Амир Ҳусайн билан шерикчилик қилиш Темурбекка қанчалик оғир туюлишини тасаввур этиш мумкин. Чунки Амир Ҳусайн учун бу ғаразли шерикчилик эканини ўтган йилги аччиқ тажриба унга эслатиб туради. Бутун мамлакатга подшо бўлишни истайдиган қасамхўр Ҳусайнбек бу мақсадга эришиш учун эҳтимол Илёсхўжахон билан маҳфий алоқа ўрнатгандир? Ахир Ҳусайнбек хонни Темурбек чангалига тушишдан қутқариб қочириб юборгани ҳазилакам яхшилик эмас! Ҳусайнбекнинг бу яхшилиги учун Илёсхўжахон унга катта ваъдалар берган бўлиши мумкин. Шу ўтган бир йил давомида Ҳусайнбекнинг маҳфий элчиси Мўғулистанга бориб келган бўлиши ёки хоннинг вакили Ҳусайнбек пойтаҳт қилган Соли Саройга яширинча келиб кеттан бўлиши мумкин эмасми? Улар балки Амир Ҳусайнни бобоси Қазағон каби бутун Туронга ягона ҳукмдор қилиш ҳақида тил бириттирадилар? Агар шу таҳмин тўғри чиқса, навбатдаги жангда хон билан Ҳусайнбек иккови икки томондан Темурбекка ҳамла қилиб, уни бутунлай маҳв этиш чорасини кўришлари мумкин.

Бу даҳшатли таҳминнинг тўғри ёки нотўғри чиқишини 1365 йилда Тошкент атрофларида бўладиган навбатдаги муҳораба пайтида билиш мумкин.

ТАШҚИ ЁВДАН ҲАТАРЛИРОҚ ИЧКИ ФАНИМ

Милодий 1363—1364 йилларда босқинчи чингизийлар лашкарини бир эмас икки марта мағлуб этиб, Мовароуннаҳр ҳудудларидан қувиб юборган Темурбекнинг эл-юрг орасидаги нуфузи кун сайин ортиб борарди. Мустамлакачи Жете қўшинлари деярли ҳарйили Мўгулистон томонлардан янги ҳарбий кучлар йириб, Сайрам ва Тошкент орқали Туронга ҳужум қилиб келарди. Бу янги ҳужумларни қайтариш учун Темурбек ўз қўшинлари сафига минглаб янги навкарларни сафарбар этди.

Темурбекнинг шуҳрати ошган сари унинг қўшинлари сафига ихтиёрий равишда келиб қўшилаётган навкарлар сони аввалгидан бир неча баробар кўпайди ва 1365 йилга келиб ўн мингдан ҳам ошиб кетди.

Ўша йили баҳорда Илёсхўжанинг ўттиз минг кишилик қўшинлари яна Сайрам ва Тошкент томонларга ҳужум қилиб кела бошлиди. Бундан хабар топган Темурбек ўз лашкари билан Самарқанддан йўлга чиқиб, савр ойида лолақизғалдоқлар қийғос очилган Жиззах чўлларидан ўтди ва Чиноз билан Тошкент орагифида тўхтаб, Чирчиқ дарёсига яқин бир жойни ўзига қароргоҳ қилди.

Темурбекка зидан рақиб бўлиб юрган Амир Ҳусайн жанубий вилоятлардан ўн икки минг кишилик қўшин тўплаган эди. У Жете лашкари билан бўладиган навбатдаги олишувда Темурбек билан бир танбир жон бўлиб жанг қилишга сўз берган эди. Шунинг учун у ҳам Тошкент яқинидаги Чиноз атрофларига қўшин тортиб келди ва Темурбек лашкарининг ўнг томонидан алоҳида бир жойни қароргоҳ қилди.

Икки иттифоқдош қўппинлар бир-биридан икки чақиримча узоқлиқда жойлашган эди. Икки орада алоқачи чопарлар бориб-келиб, саркардаларнинг қарор ва топшириқларини бир-бирларига етказиб турар эдилар.

Амир Ҳусайннинг сўзи бошқа, иши бошқалигини амалда кўриб келаётган Темурбек яқин одамларига унинг фирибгарлигидан эҳтиёт бўлишни тайинлаган эди.

Махсус кузатувчилар ва тингчи деб аталадиган хуфялар Амир Ҳусайн қароргоҳида бўлаётган ҳодисалардан Темурбекни хабардор қилиб турар эдилар. Темурбекнинг ўн минг кишилик қўшинлари орасида Амир Ҳусайннинг ҳам маҳфий одамлари борлигини тахмин қилиш мумкин эди. Аммо «одам оласи ичида» деганилариdek, ўн минг кишининг қайси бири Амир Ҳусайннинг хуфяси эканини билиб бўлmas эди.

Отаси Қозонхоннинг тахтини эгаллагандан кейин куч-қудрати янада ошган Илёсхўжа бу гал ўтгиз минг кишилик лашкар билан бирга Яда тоши воситасида кучли ёғин-сочин чакирадиган энг машҳур шомонларини ҳам олиб келган эди.

Эҳтимол, бу шомонлар осмондаги булуутларнинг қандай жойлашгани, қандай ҳаракатланишига қараб, қачон кучли жала ёришини олдиндан айтиш қобилиятiga эга бўлгандирлар, Яда тоши уларга бу ишда ёрдам бергандир.

Илёсхўжа шомонлар билан маслаҳатлашиб, улар айтган кунда осмонни қуюқ қора булуулар қоплаган пайтда ўз қўшинини жангта бошлаб чиқди. Бургу деб аталадиган чинқироқ овозли карнайлар ва гум-гум қилиб ваҳимали товуш чиқарадиган тўс ногоралар Жетенинг эрталабдан хужум қилиб келаёттанини маълум қиласи.

Амир Ҳусайн қўшини ўнг қанот бўлиб майдонга чиқади. Чап қанот ва марказни Темурбекнинг лашкари эгаллайди. Одатдагидай, Жете лашкарининг ҳиро-вул деб аталадиган етти минг кишилик илғор қисми биринчи бўлиб Темурбек ва Амир Ҳусайн лашкарларига ҳамла қиласи. Жете лашкарининг энг машҳур саркардаларидан бири, Амир Ҳусайн қатл эттирган вазир Ҳамидинг укаси Шингум Нўён эди. У акасининг қотилидан қасос олиш учун энг аввал ўнг қўлда турган Амир Ҳусайн устига бостириб келади ва уни чекинишга мажбур қиласи.

Аммо чап қўл ва марказдан жангта кирган Темурбек душман ҳировулига ўн етти қўшин билан зарба бериб, уни тўзғитиб юборди.

Шу пайт беҳад кучли жала ёға бошлайди. Шомийнинг ёзишича «... камону ўқлар шу даражада ивиб кетдики, улардан душманга қараб ўқ отиш мумкин бўлмай қолди. Тўнлар, ҳатто этиклар сувга гарк бўлди... Лой ва балчик шу даражага етдики, отлар лойга ботиб юролмай қолди»¹.

Албатта, дўл аралаш бу жала душман томонда ҳам ёғади. Лекин Жете қўшинлари бунга олдиндан тайёрланиб, бошларига «кананак» деб аталадиган кийгиз ёпинчиқлар ёпниб, устларига ҳам намат жомалар кийган эдилар. Улар дўл ва ёмғирдан панараб ўз жойларида писиб турар эдилар.

Ҳар қандай мушкул ҳолатда ҳам мардона жанг қилиб ўрганган Темурбек Жоку Барлос, Шер Баҳром, Оқ Буға каби ботир сафдошларини икки ёнига олиб қилич яланғочлайди. Ўқ ёй иш бермай қолган пайтда қилич, наиза, чўқмор каби қуролларини ишга солиб, Илёсхўжахон бошқараёттан душман ғулини чекинишга мажбур қиласди.

Аммо ўнг қўлда жанг қилаётган Амир Ҳусайн ва унинг одамлари «Яда тоши билан чақирилган дўл аралаш ёмғир фалокат келтиради!» деган ваҳимали гапларга ишониб, орқага чекинадилар. Шу сабабли ўнг қанот очилиб қолади. Амир Ҳусайн бўш қолдирган ўнг томондан ёв лашкари ўтиб келиши ва Темурбек қўшинининг «белини букиши» мумкин эди. Шунинг учун Темурбек ҳам ҳужумни вақтингча тўхтатади ва Тобон баҳодир деган навкарини Амир Ҳусайн чекинган жойга чопар қилиб жўнатади. Тобон баҳодир Темурбекнинг қуйидаги сўзларини Ҳусайнбекка етказади: «Маслаҳат бундай кўринурки, бек, ҳужумни тўхтатмайлик, илгари келиб иттифоқ била ҳамла қилайлик, душман чекинадурғон аҳволда!»

¹ Н. Шомий. «Зафарнома», 1996 й., 45-бет.

Амир Ҳусайн жойидан қўзғалгиси келмайди. Душман ҳировулини бошқарган Ҳамидбекнинг укаси Шингум Нуён бугун ундан акасининг қасдини оладигандек қўрқинчли кўринади. Аммо қўрқаёттанини Тобон баҳодирдан яшириш учун «сен менга буйруқ бергани келдингми?» деб уни ҳақорат қилади. «Амир Ҳусайн Тобон баҳодирни сўкиб, андоқ урдики, ул йиқилди»¹ деб ёзади Яздий.

Тобон баҳодир тезда қайтмагач Темурбек Амир Ҳусайннинг олдига яна Малик ва Ҳамди деган нуфузли одамларни юборади. Улар Амир Ҳусайнга Темурбекнинг қўйидаги таклифини етказадилар:

«Бек, илгари келсунлар, ўнг қанот очилиб қолмасун, бирга ҳамла қилайлик, фурсат фавт бўлмасин (бой берилмасин)».

«Ҳусайнбек аларни ҳам уриб, сўкиб, қувиб юборади». Мен магар қочибменми, мени илгари чорлайди?! — деб бақиради. Бу ҳаммаси Яздий асарида ёзилган сўзлардир.

Амир Ҳусайн қўшин тақдири қил устида турган энг хатарли вазиятда нега ўзини бундай тутганини Темурбек кейинчалик фаҳмлайди ва «Темур тузуклари»да қўйидаги ҳақиқатни айтади:

«Амир Ҳусайн менинг ютуқларимни кўролмай, ҳасад ичини кемириб, мени мағлубиятга учратиши ва ўлдиришига оз қолган вақтлар ҳам бўлди»².

Ана шундай вақтлардан бири тарихга «Лой жанги» деган ном билан кирган олишувда Ҳусайнбекнинг иттифоқдошлиқ шартларига мунофиқларча ҳиёнат қилганида яқъол кўзга ташланади. Чунки Темурбек икки қайта чопар юбориб, Ҳусайнбекни ўнг қанотдан олдинга юришга унdagанига қарамай, у ўрнидан қўзғалмай тураверади. Бу орада фурсат чиндан ҳам бой берилади. Амир Ҳусайн Темурбекка баҳиллик қилиб атайнин шундай қилганligини Шомий асарида келти-

¹ «Темур тузуклари». 1991. 39-бет.

² Уша китоб. 39-бет.

рилган қуидағи лавҳадан сезиш мүмкін. Чунки Темурбек юборған кейинги иккі кишига Амир Ҳусайн нималар дегани Шомий асарида батафсил келтирилген. Ҳусайнбек Темурбек юборған одамларга шундай дейди:

«Агар сизлар душманни қочирсангиз ҳам, ўзингиз қочсангиз ҳам менинг дастимдан қутулишингиз маҳодур»¹.

Бу сўзлар Темурбекка нисбатан ғанимлик мақомида турган одамнинг ёмон ниятидан далолат беради. У нозик пайтда Темурбекка шундай тӯғаноқ бермоқчики, бундай тӯғаноқдан қутулиш амри-маҳол эканини Ҳусайнбекнинг ўзи олдиндан сезиб, таҳдид қилгандай бўлади.

Иттифоқдош қўшинларнинг ўнг қаноти Темурбек учун ўнг қўл бўлиб хизмат қилиши керак эди. Бирдан ўнг қўл йўқ бўлади.

Амир Ҳусайн Темурбекни душман қиличининг тигига дуч келган пайтда гўё ўнг қўлсиз қолдириб, қўшинини жанг майдонидан олиб чиқиб кетади. Н. Шомий бу ҳодисани қисқа бир жумлада «Амир Ҳусайн қочишга юзланди»² деб ёзади. Бу ҳодисанинг даҳшатли оқибатини воқеаларнинг кейинги ривожи кўрсатади. Жете лашкарининг Амир Ҳусайнга қарши турган чап қаноти бўш қолдирилган томонга ёпирилиб киради. Жете лашкари Темурбек қўшинларига нисбатан уч баробар кўп эди. Соң жиҳатидан устунлик ҳам душманга қўл келади. Жетенинг ўн беш минг кишилик қўшинлари Темурбек эгаллаб турган чап қанотни айланиб ўтиб, ҳам биқиндан, ҳам орқадан зарбалар бера бошлиайди. Темурбекнинг кўпчилик аскарлари қуршовда қолади.

Бу ҳаммаси тинимсиз жала қуиб, ерлар ботқоққа айланиб кетган пайтда юз беради. Илёсхўжа аскарлари Яда тоши ёрдамида кучли жала қуишига олдиндан тайёрланиб, намат капанаклар («капа» сўзидан олин-

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 43-бет.

² «Зафарнома». 1997. 54-бет.

ган) ёпинганликлари ҳам уларнинг ўқ ёйларини қуруқ сақлашга имкон беради. Бу ўқ-ёйлардан отилган ўқлар отлари лойга ботган, ўқ-ёйлари ивиб отишга ярамай қолган Темурбек аскарларининг беҳад катта талафот кўришига сабаб бўлади.

«... Душман ғолиб бўлиб булар қочдилар, — деб ёзади Ш.А. Яздий. — Бисёр киши балчиқда қолди... ўн минг киши анда талаф бўлди. Ва бу воқеа йилон йилида, рамазон ойининг аввалида тарих етти юз олтмиш олтида (1365 йил 22 май) воқиъ бўлди». Шомийнинг «Зафарнома»сида ҳам ўн мингга яқин киши «отлар оёғи остида балчиқда хазон баргидай тўкилиб» ҳалок бўлгани ёзилган¹.

Темурбек озодлик учун кураш майдонига чиққандан буён ҳали бунчалик даҳшатли кунни бошдан кечирмаган эди. Амир Ҳусайн Темурбекни шафқатсиз Жетелар қуршовида қолдириб мағлубиятга учратиш ва душман қўли билан уни ўлдириш учун шундай фирибгарлик қилгани кейинроқ аён бўлади. Ҳозир эса Ҳусайнбек жанг майдонидан олдинроқ қочиб қолгани учун унча кўп талафот кўрмайди. Лекин Темурбекнинг жонига қасд қилган ички ғаним бари бир ўзининг шум ниятига ета олмайди. Темурбек Лой жангидаги Амир Сайфиддин, Жоку Барлос, Шер Баҳром, Оқ Буға каби амирлари ва ботир навкарлари ёрдамида ёв қуршовини қилич чопиб, душманга наиза санчиб ёриб ўтади ва мўғул лашкари таъқибидан қутулиб, қадрдон шаҳри Кепга соғ-омон қайтади.

Лой жангидаги қўли баланд келган Жете қўшинлари Сирдарё ва Жиззахдан ўтиб Самарқандга бостириб кела бошлияди. Кешда туриб буни эшитган Темурбек Соли Саройга қайтиб борган Амир Ҳусайнга чопар юбориб, ҳеч бўлмаса энди Самарқанд ҳимоясига етиб келишга ундейди. Амир Ҳусайн асосий кучларини сақлаб қолганилиги учун ҳозир ҳам етти-саккиз минг қўшин тўплаб Самарқанд ҳимоясига келса бўларди. Лекин у ватан

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 54-бет.

ҳимоясини эмас, фақат ўз манфаатини ўйлайди. Шунинг учун Самарқанд ҳимоясига келишдан бош тортади. Темурбекка баланддан келиб жавоб қайтаради ва Кешни ташлаб кетишни. Амударёдан наридаги Балх томонларда жон сақлашни маслаҳат беради.

Бу орада Жете лашкари бало-қазодай Самарқандга яқинлашиб кела бошлайди. Сўнгги бир йил давомида босқинчиларнинг жабру зулмидан қутулиб, эмин-эркин яшай бошлаган самарқандликлар қайтадан талончилар отининг оёғи остида толталишини истамайдилар. Шаҳарда ҳарбий хизматни ўтаган, Темурбекдан ботирлик сабоқларини олган йигитлар кўп эди. Улар шаҳарни Жете тажовузидан ўzlари ҳимоя қилишга бел боғладилар.

Бу ҳақда Амир Темур саройида котиб бўлиб хизмат қилган тарихчи олим Ҳафизи Абру ўзининг «Зубдат-ут таворих» асарида қуйидагиларни ёзди:

«Мўтуллар Самарқандга яқинлашиб келадилар. Самарқанд аҳолисининг хосу оми (яъни, юқори табақаси ва оддий фуқароси) бу аҳволдан ташвишга тушиб, шаҳар жомеъ масжидига йифиладилар. Уларнинг орасида ўта довюрак ва донишманд киши бўлган, белига қилич боғлаган Мавлонзода ҳам бор эди.

Бошқалардан жўяли бир фикр чиқмагандан сўнг Мавлонзода масжид минбарига кўтарилади:

«Эй, мусулмонлар, бугун коғирлар устунлик қилмоқда, — дейди, — улар мусулмонларнинг жону молига, хотин, бола-чақаси, еру мулкига кўз олайтириб келмоқда. Ҳозир Самарқандда амрига мувофиқ иш кўрса бўладиган ҳоким йўқ... Қобулхон ҳам қочиб кетди. Улутлардан бирортангиз мусулмонларни босқинчиларнинг зулми ситамидан сақлаб қолишни, ислом шаҳрини муҳофаза қилишни ўз зиммангизга оласизми? Токи биз унга эргашиб хизматида бўлайлик!».

Самарқанднинг барча акобири ашрафлари хомуш тортиб, хеч бири жавоб бермади. Шундан кейин Мавлонзода сўзида давом этди: «Сиз агар журъат этиб, буни зиммангизга олмасангиз, агар мен буни ўз зим-

мамга олсам, мадад бериб, ҳамроҳлик қиласизларми йўқми?!».

Барча авому хос бу гапни маъқуллаб бирдан ҳай-қирди ва Мавлонзодани ўзларига етакчи-ю, сардор этдилар»¹.

Бу парча Шомийнинг «Зафарнома»сига берилган ил-мий изоҳларда келтирилган. Воқеанинг давомини қис-қароқ шаклда ўз сўзимиз билан баён этамиз.

Мавлонзода бошчилик қилган минглаб одамлар ша-ҳарга кириладиган кўчаларни ғовлар билан тўсадилар, фақат ёв келадиган томондаги битта катта кўчани очиқ қолдирадилар. Мавлонзода ўқ-ёй ва қилич билан қуролланган беш юз кишини шу кўчанинг пана жойларига пистирма қилиб жойлаштиради.

Буни кутмаган Жете қўшинлари очиқ қолдирилган кўчага бамайлихотир кириб кела бошлагандан бирдан жанг ногоралари чалинади, пистирмадагилар душманларга ёйдан ўқ ёғдирадилар. Шу жойга тўпланган қуролсиз аҳоли мўғулларни тошбўрон қиласи, таёқлар билан уриб, чекинишга мажбур этади. Кейинги кунларда босқинчилар шаҳарга қайта-қайта ҳужум уюштирадилар, аммо уни ололмайдилар. Халқ озодлик ҳара-катининг иштирокчилари босқинчиларга ўз куч-қудратини энди баралла кўрсатадилар. Аламзада Жете сипоҳийлари Самарқандни ташлаб чиқиб, шаҳар атрофидағи қишлоқларни талайдилар, бегуноҳ одамларни ўлдирадилар, аёлларнинг номусига тегадилар. Бу билан улар худонинг ҳам ғазабига учрайдилар. Босқинчиларнинг отлари вабога учраб қирилиб кетади. Жете аскарларининг кўпчилиги пиёда бўлиб қолади.

Яздийнинг ёзишича, «тўрт киши орасида битта от қолмади. Кўпи эгарларини орқаларига солиб, тиркашлари (ўқдонлари)ни қўлтиқларида тутиб кетдилар».

Лекин Жете аскарлари ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз юртларига ўлжасиз қайтмас эдилар. Орадан кўп йиллар ўтгандан кейин мўғул қўшинининг ўлжага ўчили-

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 413—414-бетлар.

ги ҳақида Бобур Мирзо ўз аччиқ тажрибасидан келиб чиқиб қуийдагиларни ёзади: «Ҳамиша бадбаҳт мўгул черикининг одати ушмундокдур — босса ҳам ўлжа олур, бостирса ҳам элни талаб ўлжа олур»¹.

Жете қўшини Самарқандда ҳалқ қўзғолонидан енгилиб орқага чекингандан кейин Темурбекка Амир Кайхусравдан хабар келадики, «Жете черики мусулмонларни талаб, асир олиб, Жиззахга қайтди. Мен Работи Малиқда юз киши билан сизга мунтазир ўлтурбман». Бу хабар келган жиҳатидан соҳибқироннинг муборак хотири маълул бўлиб, филҳол Кайхусравбекка бориб учрашди ва дедиким «Мусулмонларни кофирлар илкида қўйса бўлмас, аларни қутқармок, керак» деб олтмиш кишини төғ саридин юборди. Жете черики аларни кўриб, асиrlар била молни қўйиб қочдилар»².

Шу тариқа Темурбек юзлаб, балки минглаб мусулмонларни Жете асоратидан қутқарган пайтлари кўп бўлган. Буни биладиган Мавлонзода бошлиқ сарбадорлар Темурбек ҳузурига ўз вакилларини юбориб, Самарқандга тезроқ этиб келишини ва тартиб ўрнатилига ёрдам беришини сўрайдилар. Чунки Жете ҳужуми пайтида шаҳар ҳокими ва бошқа амалдорлар қочиб қолган, шу жумладан, дарвештабиат Қобулшоҳ ҳам Соли Саройга Ҳусайнбек ҳузурига қочиб кетган эди. Ҳокимият йўқлигидан фойдаланган ўғри ва каззоб кишилар ўзларини ботир қўзғалончилар қилиб кўрсатиб, дўконларни ва бой-бадавлат хонадонларни талай бошлайдилар. Сарбадорлар орасида ҳам Мавлонзодага итоат қилмай қўйганлари ва фурсатдан фойдаланиб, бойлигу мартаба орттиришга интилаётганлари бор эди. Ҷўпонсиз қолган сурув бўриларга ем бўлади деганларидек, ҳокимиятсиз қолган шаҳар бетартибликлар гирдобида қолади.

Бу ҳодисалардан Амир Ҳусайн хабар топади ва қўриқчи навкарларини тўплаб, Соли Саройдан Самар-

¹ «Бобурнома». 1990. 81-бет.

² Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 69-бет.

қандга бормоқчи бўлади. Лекин у халқ орасида нуфузи баланд бўлган Темурбекни четлаб ўта олмас эди. Шунинг учун яна орага одам қўйиб, Лой жангидага юз берган талофатлар учун бутун айбни бошқаларга тўнкайди, турли-туман важ-корсонлар кўрсатиб, ўзини беайб қилиб кўрсатади. Темурбек унинг суюкли синглисига уйланган күёв эканини эслатади, қон-қариндошлиқ ва дўстлик ришталарини қайтадан мустаҳкамлаш ниятида эканини билдиради. Темурбек бунинг ҳаммаси қуруқ сўз ва иккиюзламалик эканини сезиб иш юритганлигини «Темур тузуклари»да битилган қуидаги сўзлардан пайқаш мумкин: «Амир Ҳусайн сиртдан такаллуфлар билдирав, аслида ҳийла-ю найранг ишлатарди»¹.

Ҳозирги тил билан айтганда, бу бир дипломатия эди. Бир-бирига душман бўлган томонларнинг дипломатлари такаллуф билан сўзлашишлари, аслида бир-бирига панд берининг пайида бўлишлари дипломатия қоидаларида азалдан бор зди. Темурбек ҳам ҳаётий тажрибаси ошган сари бу қоидалар билан ҳисоблашиб иш қилиши кераклигини ўша давр ва тарихий шароит тақозо этарди. Ҳар қалай, сўнгти воқеаларда Амир Ҳусайннинг Илёсхўжа билан маҳфий иттифоқ тузиши, иккови биргалашиб Темурбекни маҳв этишлари мумкинлиги ва бу ҳақдаги аввалги тахминлар тасдиқланмади.

Тўри, Амир Ҳусайн Темурбек қўшинига катта талофат етказишнинг бошқа маккор йўлини ўйлаб топди. Аммо у Илёсхўжа билан тил бириктиромаслиги аён бўлди. Калтабин Ҳусайнбек ёмон оқибатини ўйламай хон авлодидан бўлган Искандар ўғлонни ва вазир Ҳамидни ноҳақ қатл эттиргани энди унинг Илёсхўжа билан тил бириктиришига монеълик қиласи. Айниқса, вазир Ҳамидинг укаси Шимгун Нўён Илёсхўжанинг бош вазири, етакчи саркардасига айлангани ва Амир Ҳусайндан акасининг хунини талаб қилиши Лой

¹ «Темур тузуклари». 1991. 36-бет.

жангида маълум бўлди. Искандар ўғлонни ўлдиргани учун ҳам Амир Ҳусайн хонлар авлодининг хундор душманига айланган эди. Бунинг учун эртами-кечми ундан қасд олишлари мумкин эди.

Шу сабабли Амир Ҳусайн мӯгул хони билан тил бириктиrolmas эди. Аксинча, у Чингизийларга қарши курашни давом эттириши керак эди. Фақат шундаги-на у ҳалқ озодлик ҳаракатига етакчилик қилаётган Темурбекнинг кучидан фойдаланиши мумкин эди. Ҳусайнбек ҳийлаю найранг билан Мовароуннаҳр подшоси бўлишни ўзига мақсад қилиб қўйган эди.

Лой жангидан кейин кучлар нисбати Амир Ҳусайн томонига ўзгарган эди. 1365 йилнинг ўрталарида унинг лашкари Темурбекнидан тўрт-беш баробар ортиқ эди. Қўғирчоқ хон Қобулшоҳ энди фақат Амир Ҳусайннинг айтганини қиласди. Унинг ёнига Тармасирин-хон деган машҳур мӯгул хонининг қизи Ўрду Хотин келиб қўшилган эди. Амир Ҳусайннинг ҳарамидаги хотинлардан бири ана шу Ўрду Хотиннинг қизи эди. Хон қизига уйланган Ҳусайнбек Кўрагон деган фахрли унвонга ҳам эга эди. «Лой жанги»дан кейин Амир Ҳусайн ўзини подшолар каби тутар ва энг қудратли саркарда ҳисобланарди.

Шу сабабларга кўра Темурбек унинг қариндошлиқ ва дўстлик ришталарини қайтадан мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифини рад этолмайди.

Мавлонзода етакчилик қилган Самарқанд қўзволончилари эса Амир Ҳусайндан кўра Темурбекка кўпроқ ишонардилар. Шунинг учун, юқорида айтганимиздек, Мавлонзода ўз вакилини энг аввал Темурбек ҳузурига юборади ва у билан муносабатни яхшилашга ҳаракат қиласди. Бу воқеадан Амир Ҳусайн ўз манфаати йўлида фойдаланишга интилади ва Темурбекни Боғлон деган жойда учрашишга таклиф қиласди. Темурбек шу таклифга биноан 1365 йилнинг ёзида Боғлон жилъасида Амир Ҳусайн билан учрашиб мулоқот ўтказади.

Сарбадорлар Самарқандда ғалабага эришиб, ҳокимиятни қўлга олганликлари Амир Ҳусайнни қаттиқ

хавотирга солади. «Амир Ҳусайннинг золим вазири бор эди», — дейди Темурбек ўз тузукларида. Ўша золим вазир ва Самарқанддан қўрқиб қочган Қобулшоҳ билан Ўрду Хотин Амир Ҳусайнни дарҳол сарбадорларга қарши қўшин тортишга ва уларнинг жазосини беришга ундейдилар. Бироқ Ҳусайнбек бу ишни Темурбек билан bemaslaҳat қилишни истамайди. Темурбек Самарқандда Жете қўшинини мағлуб этиб қаҳрамонлик кўрсатган Мавлонзода каби ҳалқ вакилларига қарши қўлпин тортиш адолатсизлик бўлишини Ҳусайнбекка тушунтиради. Бу тўғрида Темурбекнинг ўз амирларига қаратса айтган қўйидаги сўзларини Шомий «Зафарнома»сидан келтириш ўринлидир: «Қайси бир ҳукмдор ўз ишини адолатсизлик ва бевафолик асосига қурса, кишиларга жабр қилиш ва уларни қатл этишга ошиқса, унинг давлати чайқалиб, беқарорликка юз тутади — дейди Амир Темур. — Биз ўз салтанатимизни одамларга яхшилик қилиш, уларни ҳимоя этиш асосига қураётимиз»¹.

Темурбек шунга ўхшаш донишмандлик билан айтган сўзларни Яздий ҳам келтиради: «Давлат уйимиз яхшилик билан бино бўлса анга ҳеч киши зарар еткура олмагай. Ва ул йаючким (дараҳт маъносида) адл ва эҳсондин сув ичса комронлик мевасин бергай»².

Кўп китоб ўқиган ва ўз даврининг энг маърифатли одамларидан бўлган Темурбек шунга ўхшаш таъсирили сўзларни қайнараси Амир Ҳусайнга ҳам айтган бўлиши керак. Темурбек таъсирида Ҳусайнбек сарбадорларга қарши дарҳол қилич яланроchlash фикридан қайтади. Табиатан ғаддор одам бўлганлиги учун Ҳусайнбек аввал сарбадорларга илиқ сўзлар билан мактуб йўллашни ва совға-салом юбориб, ҳийла ишлатишни, кейин эса пайтини топиб бари бир жазо беришни кўнглига тутади. Шомий «Зафарномаси»да қайд этилганидек, Амир Ҳусайн ва Темурбек 1365 йилнинг ёзи-

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 55-бет.

² Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 44-бет.

да «Сарбадорларга тинчлик тилаб юма ёзадилар, элчилар орқали уларга қимматбаҳо хилъат, камар ва шамширларни совға қилиб юборадилар»¹.

Шундан кейин Ҳусайнбек Амударё бўйидаги Соли саройга қайтиб кетади. У Темурбекка Амударёнинг Ҳурросон томонига ўтиб кетишни ва Балх атрофларида қишлиашни маслаҳат беради. Бу маслаҳатнинг тагида ёмон ният борлигини сезган Темурбек қайнағасининг маслаҳатини инобатга олмайди ва Қаршига қайтиб келади. Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, ҳар икки «Зафарнома»ларда ва Ҳафизи Абрўнинг «Зубдатут таворих» асарида Амир Ҳусайн билан Темурбекнинг сарбадорларга муносабатларида катта фарқлар бўлгани ҳисобга олинмаган. Шомий «Зафарнома»сига берилган илмий иловада «Зубдатут таворих»дан олинган қўйидаги жумла келтирилади:

«Амир Темур билан Ҳусайнбек Борлонда учрашганда сарбадорлар ҳақида фикр алмашдилар, охири сарбадорларни ҳийла билан қўлга туширишга қарор қилдилар»².

Аммо Темурбекнинг имон-эътиқоди бундай фирибгарликни ўзига муносиб кўрмаганлигини унинг тарихий манбалардан олинган ва юқорида келтирилган дил сўзлари исбот этади. Бундан ташқари, агар Темурбек ҳийла ишлатишда Амир Ҳусайн билан тил бириткірган бўлса, кейин ўз жонини хатарга қўйиб, сарбадорлар етакчиси Мавлонзодани дорнинг тагидан қутқариб олиши мумкин эмас эди. Бизнингча, сарбадорларни ҳийла билан қўлга тушириб маҳв қилиш режаси Амир Ҳусайн ва унинг золим вазири томонидан тузилен, Темурбек бу режадан бехабар бўлган.

Шундайлигини куз ва қиши давомида Амир Ҳусайн ва Темурбек бошқа-бошқа фаолият билан банд бўлганликларида ҳам кўриш мумкин. Темурбек вайрон бўлиб ётган Қарши қалъасини қайта тиклайди. Бу ҳақда Яздий шундай гувоҳдик беради:

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 414-бет.

² Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 414-бет.

«Ҳазрат соҳибқирон ул қиши Қаршининг қалъа иморатига машғул бўлди. Ўшал қишида қалъа иморатини тутатдилар»¹. Темурбек бутун куз ва ҳатто қиши давомида бунёдкорлик ишлари билан банд бўлган ойларда Амир Ҳусайн сарбадорларга қарши Балх, Бадахшон, Қундуз, Шибирғон вилоятларидан катта қўшин тўплайди, ўн минг кишилик бу лашкарни Самарқанд устига бошлаб келади. Бу гал у Қаршида турган Темурбек билан маслаҳатлашишни лозим топмайди. Фақат сарбадорларга аввалгидай илиқ мактуб йўллаб, уларга хайриҳоҳ эканини билдиради.

Воқеанинг давомини Ҳафизи Абрў қуйидагича ҳикоя қилади: «Амир Ҳусайн ўз мактубида сарбадорларни ҳатто ўз амирларидан ҳам яқин тутишини ёзди, Самарқанд яқинидаги Конигил мавзеъига бориб тушмоқчи эканини ва ўша ерга сарбадорларни таклиф қилмоқчи эканини билдиради. Сарбадорлар унинг такаллуфига ишониб, эҳтиёт чорасини кўрмайдилар. Амир Ҳусайн Конигилга етиб келгач, сарбадорлар унга иззат-икром билдириб, совғалар тақдим этиш учун истикболига келадилар. Амир Ҳусайн биринчи кун сарбадорларга илтифотлар кўрсатади. Бундан сарбадорлар янада руҳданиб, кўнгилларидан хавф-хатар губори кўтарилади ва эртаси куни кўпроқ совғалар ва камёб моллар билан яна унинг ҳузурига йўл оладилар. Улар Ҳусайнбек қароргоҳига келганларида ҳаммалари бирдан занжирбанд қилинади»².

Қароргоҳда дорлар тайёрлаб қўйилган бўлади. Бизнинг тахминимизча, биринчи кун сарбадорлар етакчиси Мавлонзода эҳтиёткорлик қилиб Конигилга бормаган бўлиши керак. Чунки Амир Ҳусайннинг шундай катта қўшин билан келиши ва Темурбекнинг йўқлиги уни хавотирга солган бўлиши мумкин. Эртаси куни Темурбек Қаршидан Конигилга етиб келгач, буни эшигтан Мавлонзода энди бошқа сарбадорлар

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 41-бет.

² Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 415-бет.

билин биргага Амир Ҳусайн қароргоҳига келади. Назаримизда, Амир Ҳусайн халқ орасида катта нуфузга эга бўлган Мавлонзоданинг келишини кутиб, сарбадорларни биринчи куни келгандарида яхши муомала билан соғ-омон қайтаради.

Сарбадорлар мўгулларни «кофиirlар» деб ёмон кўрганлар. Амир Ҳусайн билан Темурбек расмият учун оқ кигизга солиб хон кўтарган Қобулшоҳни улар тан олмаганлар. Айниқса, Жете ҳужум қилиб келганда Қобулшоҳ халқдан ажralиб Соли Саройга қочиб кетганлиги кўпчилик самарқандликларда унга нисбатан нафрат уйғотган эди. Мана шу вазиятда Амир Ҳусайн Қобулшоҳни ўз ҳимоясига олади. Амир Ҳусайннинг Конигилдаги қароргоҳида бу Қўғирчоқ хонни шоҳона чодирнинг тўрига ўтқазадилар. Хоннинг номидан битилган ҳукмни занжирбанд қилинган сарбадорларга ўқиб эшилтирадилар. Бу ҳукмнинг матни бизгача етиб келган эмас. Аммо кўпчилик тарихий манбалар шаҳарга хўжайин бўлиб олган сарбадорлар орасида элъортни йўлдан оздирган, талончиларга эрк берган, раяятга жабр-зулм ва зўравонлик қилган кучлар ҳам бўлганини қайд этадилар.

Албатта, ўғирлик ва талончилик каби жиноятларни шаҳар ҳокимиятсиз қолганидан фойдаланган жиноий гурухлар қилган бўлади. Лекин қўзғалон пайтида тартиб бузилиб, ҳамма нарса издан чиққанлиги ва алроударов бўлиб кетганлиги сабабли ҳақиқий айборлар ким эканини орадан бир йил ўтгандан кейин аниқлаш амримаҳол эди. Шу мушкулотдан фойдаланган Амир Ҳусайн ва унинг итоатидаги қўғирчоқ хон барча жиноятларга Мавлонзода Самарқандий ва Хурдак Бухорий каби сарбадор раҳбарларни жавобгар қилиб кўрсатадилар; хон фармонига биноан бу раҳбарларни энг оғир жазога — осиб ўлдиришга ҳукм қиладилар.

Шунда Темурбек орага тушиб,. Мавлонзодани дорга осишларига қарши чиқади. Мавлонзода Жете лашкарини Самарқандда мағлуб этиш ишига етакчилик қилган довюрак инсон эканини, шундай олижаноб

одамни ноҳақ ўлдирсалар, буни худо ҳам, тарих ҳам кечирмаслигини айтади, Амир Ҳусайнга юзланиб, Мавлонзода учун шафоат сўрайди ва унга кафил бўлишини билдиради.

Энг аввал Мавлонзодани дорга осишни ўзига мақсад қилиб қўйган Амир Ҳусайн бир лаҳза хўмрайиб жим туради. Унинг ўнг ёнида ҳукмфармо хон, чап ёнида золим вазири, орқасида эса ўн минг қўшин ҳамлага тайёр туради. Темурбек хон фармонига қарши чиқиб, Мавлонзодани ҳимоя қилганда Амир Ҳусайн «бу ҳам бизга қарши иш қилган сарбадорларнинг тарафдори, менинг ашаддий душманим, кўпдан бери Темурни йўқ қилиш учун пайт пойлар здим, шу пайт энди келди!» деса, Қўғирчоқ хон дарҳол унинг сўзини маъқуллаши ва «Темур ҳам ясоққа етказилсин!» деган фармон чиқариши ҳеч гап эмас эди.

Лекин ўлимдан қўрқмайдиган, юзлаб хавф-хатарлардан омон чиқсан аллардай паҳлавон Темурбек белидаги қилич дастагига қўлини қўйиб, ҳар қандай тажовузга қақшатқич зарба беришга тайёр турар эди. Унинг икки ёнида ҳимояда турган содиқ сафдошлари Амир Сайфиддин, Жоку Барлос, Довудбеклар ўз саркардаларини Лой жангидан қандай чапдастлик билан олиб чиқиб кетган бўлсалар, Амир Ҳусайн даргоҳидан ҳам қилич чопиб, жанг қилиб қутқариб кетишлиари мумкин эди. Юзма-юз олишувларда Амир Ҳусайн Темурбекка бас келолмаслигини яхши биларди ва ундан ҳайиқарди. Темурбекнинг оловдай ёнган кўзлари, шерникидай таҳдидли қиёфаси, адолатни ёқлаб айтган оташин сўzlари Амир Ҳусайнни сескантиради ва ён беришга мажбур қиласди. Тарихий манбалар қайд этганлариdek, Темурбек Мавлонзодани дор тагидан кутқариб олишда катта жасорат кўрсатади.

Бу унинг эл-юрт орасидаги обрўсини янада оширади. Сарбадорларнинг бошқа вакиллари аёвсиз қатл этилгандан сўнг Амир Ҳусайн улкан қўшин ҳимоясида Самарқандга кириб боради. Қўғирчоқ хон номидан фармонлар чиқариб, шаҳар аҳлига катта солиқлар со-

лади. Ўзини подшоҳдай тутиб, сарбадорларга ён бос-ган оиласардан «моли омон» деб аталадиган катта товон йифдиради. Хоннинг ўтган йиллардаги фармони билан Самарқанд Темурбек тасарруфига берилган эди. Ўша даврда Темурбек бу шаҳарга ўз дўсти Амир Сай-фиддинни, поччаси Довудбекни ҳоким ва доруга қилиб тайинлаган эди. Қўғирчоқ хоннинг қариндоши, Тар-масирихоннинг қизи Ўрду Хотин деган аёл Амир Ҳусайнга қайнона бўлар эди. Бу ҳол Қўғирчоқ хон билан Ўрда Хотинга катта имтиёзлар берарди. Улар Ҳусайнбекка орқа қилиб Темурбек ва унинг амирлари устидан шикоят хатлар уюштирадилар.

Ҳусайнбек эса Темурбекнинг Мавлонзодани қут-қариб олгани туфайли эл-юрт орасида обрўси яна ош-ганига ҳасад қиласди. Ҳусайнбекнинг ўзини кўпчилик одамлар золим ҳукмдор деб ёмон кўради. Буни хуфя-лар ахборотидан ҳам билиб турадиган Амир Ҳусайн аламини Темурбекнинг яхши кўрган амирларидан ола-ди: Қўғирчоқ хон номидан фармонлар чиқартириб, Амир Сайфиддин, Жоку Барлос, Элчи Баҳодир, Амир Давлатшоҳ кабиларга катта жарималар солади. Бу жа-рималар учун гўё хон ва Ўрду Хотин томонидан тек-шириб тасдиқланган шикоят хатлар асос қилиб кўрса-тилади.

«Бу баҳодирлар, — деб ёзади Ш.А. Яздий, — Лой жангида мол ва яроқларини олдуруб эдилар. Жарима-ни тўлашнинг удасидан чиқа олмадилар, келиб ҳаз-рат соҳибқиронга арз қилдилар. Ҳазратнинг ҳиммати андоқ буюрдиким, алар учун неки нимаси бор турур, бергай. Ул жумладан, икки исирғаки Маҳди Улё (ав-лиё она) Ўлжай Турконники эрди, Ҳусайнбекка юбор-ди. Ҳусайнбек аларни кўриб билдики, синглисиники-дур. Аммо ҳирси андоқ бўлиб эрдиким, синглисининг ҳаққига (жабр қилиб) ани олди»¹.

Амир Ҳусайннинг нокас бир молпараст шахсга ай-лангани Темурбек никоҳидаги унинг синглисига ёмон

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 41-бет.

таъсир қиласи. «Темур тузуклари»да бу ҳақда шундай дейилади: «Амир Ҳусайн мени маҳв этиш учун нафасат менга, балки менинг ҳарамимдаги ўз синглисига ҳам кўп озор берди»¹.

Ёш келинчаклигида жуда соғлом ва ботир жувон бўлган Ўлжай Туркон оға сўнгги тўрт йил давомида беҳад кўп хавф-хатарларни бошдан кечиради. Темурбек ярадор бўлган Гармсирида унинг ёнида туриб, тезроқ соғайишига ёрдам беради. Ундан кейинги тўплонларда катта қийинчиликларга дуч келиб, соғлиги хийла ёмонлашади. Бунинг устига акаси Ҳусайнбекнинг дилозорликлари ва Темурбекка қилган ёмонликлари қўшилиб, Ўлжай Туркон оғанинг хасталигини оғирлаштиради. Темурбекнинг садоқатли умр йўлдоши бўлган бу жувон ёши ўттизга ҳам тўлмасдан 1366 йилнинг ёзида Самарқандда вафот этади. Темурбек суюкли ёш хотинининг ўлими туфайли қаттиқ мусибат чеккани ва кўз ёш тўkkанини Яздий шундай ифодалайди: «Ҳазрат соҳибқирон бағоят андуҳгун ва паришон бўлди ва кўзлари дарё киби бўлиб гавҳар (яъни кўз ёш) соча бошлади»².

Худди шу 1366 йилда Мўгулистандан Илёсхўжахоннинг вафот этганилиги ҳақида хабар келади. Ҳар йили баҳор пайтларида Турон ҳудудига бостириб келадиган ва талончилик урушларини бошлидиган Жете қўшинлари 1366—68 йилларда ўз ички низолари билан андармон бўлиб, Турон томонларга келолмай қолади.

Бу қулай вазиятдан фойдаланган Амир Ҳусайн Туроннинг ягона ҳукмдорига айланиш учун Амир Темурга қарши хуружни кучайтиради. Ташқи кўринишда у ҳамон Темурбекка дўстона мактублар йўллайди. Шомий келтирган мактубларда Амир Ҳусайн Темурбекка мурожаат қилиб шундай дейди: «Шу вақтгача бир-биримиз билан иттифоқлиқда можароларни бартараф этдик, мамлакат ишлари тартиб ва интизомга

¹ «Темур тузуклари». 1991. 39-бет.

² Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 43-бет.

тушди, бундан кейин ҳам ўртамиизда соф ният, вафодорлик, ҳамжиҳатлик ва иттифоқлик бўлсин, дўстлигимиз асосига раҳна тушмасин!¹.

Сўз бошқа, иш бошқалиги шу даражага етадики, мактубда айтилган гапларга мутлақо тескари тарзда Амир Ҳусайн Темурбекнинг Самарқандга ҳоким қилиб тайинлаган Ҳиндука деган амирини Ўрду Хотин ёрдамида ўзига бўйсундириб олади. Шу тарзда пойтахт Самарқанд Темурбек тасарруфидан чиқиб, Ҳусайнбек, Қўғирчоқ хон, Ўрду Хотин ва сотқин Ҳиндукалар ихтиёрига ўтиб кетади.

Бу орада Муборакшоҳ ва Баён Сулдуз деган амирлар ҳам ўз навкарлари билан Темурбек ихтиёридан чиқиб, Ҳусайнбек қўшинларига бориб қўшилади. Бу ҳам етмагандай, Амир Мусо ва Боязид Жалоир деган амирлар Темурбекка куракда турмайдиган туҳматларни қилиб, Амир Ҳусайнга шикоят мактуб юборадилар. Гўё Темурбек зл-юртни Амир Ҳусайнга қарши қўзғолонга даъват этган эмиш ва бу исёнга ўзи бошлилик қилишни зиммасига олиб имзо чекканмиш, ҳатто муҳрини босганимиш. Бу хат Ўрду Хотин билан «машварат қилиб битилган ёлғон» туҳмат эканлиги, уни Ҳусайнбек ўзи Темурбекка қарши уюштирганлиги Яздий «Зафарнома»сида қайд этилади. Ҳусайнбек ушбу мактуб бўйича қаттиқ тафтиш ўтказишни Қўғирчоқ хон билан қайнонаси Ўрду Хотинга топширади. Хон маҳсус одамларини юбориб, Темурбекни Қаршидан Самарқандга тафтиш учун чақириб олади. Темурбек Амир Мусо ва Боязид Жалоир ёзган мактубдаги гаплар туҳмат эканини исбот этиш учун ўз имзосини қорозга битиб, муҳрини босиб кўрсатади. Бу имзо ва муҳрни шикоят мактубда келтирилган муҳр ва имзо билан солиширганда, кейингиси соxта эканлиги маълум бўлади.

Амир Темурнинг муҳрига «rosti-raсти», яъни тўғри бўлсанг, нажот топасан» деган сўзлар битилган

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 54-бет.

эди. Нариги икки тухматкаш амирнинг шикоят хатига босилган муҳрда бу сўзлар йўқ эди. Шунга қарамай, Ўрду Хотин ва қўғирчоқ хон Темурбекни шикоятчи амирлар билан юзлапитириш баҳонасида тафтиши бир неча кунга чўзадилар.

Шу фурсатдан фойдаланган Амир Ҳусайннинг беш минг кишилик қўшини Қарши қалъасини ҳийла билан эгаллади. Қалбаки муҳр босилган мактуб ёзиб, Темурбекка тухмат қилган Амир Мусо Ҳусайнбек томонидан Қарши қалъасининг янги ҳокими ва беш минг кишилик қўшиннинг саркардаси этиб тайинланади.

Самарқанд ҳам, Қарши ҳам Ҳусайнбек ихтиёрига ўтиб кетгандан кейин Темурбек худди мӯғул хони ҳукмронлик қилган даврдаги каби фақат Кеш ва Фузор ҳокими даражасига тушиб қолади.

Шу тарзда Амир Ҳусайн халқ озодлик ҳаракатидан ва Темурбекнинг чингизийлар асоратига қарши олиб борган мардона курашидан ғаразли мақсадларда усталик билан фойдаланади-ю, бутун Мовароуннаҳрнинг подшоси даражасига кўтарилади.

Ташқи ёвдан ҳам ички ғаним хатарлироқ бўлишини Темурбек энди амалда кўрди. Амир Ҳусайн мӯғул хонларининг шафқатсиз зулмини давом эттиради. Бетгуноҳ одамларни дорга остиради, аҳолига турли-туман солиқлар ва жарималар солдирди. Қуръонни қўлига олиб ичган қасамларини неча бор бузганлиги унинг диёнатсиз коғирваш одам эканлигини кўрсатди. Ҳусайнбекнинг суюнган тоги халқ эмас, яна ўша босқинчи чингизийлар хонадонидан чиққан Қўғирчоқ хон ва Ўрду Хотин бўлиб қолди.

Темурбек ҳар қанча бағри кенг ва сабр-бардошли бўлса ҳам, энди золим Ҳусайнбекка қарши очиқласига кураш бошламасдан бошқа чора йўқлигини сезади. Фақат бу ички кураги бўлганлиги учун бир халқ бир юртнинг фарзандлари иккига бўлинниб, бир-бирларининг қонини тўкишидан, ички кураш биродаркушлик урушига айланиб кетишидан хавотирланади.

ҚАРШИ ҚАЛЪАСИДА ХАЁТ-МАМОТ КУРАШИ

Милодий 1366 йилда Темурбек ўттиз яшар пахдабон йигит эди. Айни кучга тўлган, жуда кўп тарихий воқеаларни бошдан кечириб, ҳаётий тажрибаси қиёмига еттан истеъдодли саркарда жуда катта шижоат ва ақлу ирода талаб қиласидиган хатарли бир ишнинг режасини тузади. У ўз қўшинлари орасидан жанг кўрган довюорак ва элчил баҳодирлардан 243 кишини танлаб олади-да. Қарши қалъасини ичидан ва ташидан қўриқлаб ётган ўн икки минг кишилик ёв лашкарига кечаси тўсатдан хужум уюштиради.

Сон жиҳатидан эллик баробар кўп лашкарга қарши қоронғу тунда ҳаёт-мамот жангига отланиш четдан қараганда ўта қалтис бир таваккалчилик бўлиб кўриниши мумкин. Аммо Темурбек учун бу бир таваккалчилик эмас, балки барча имкониятлари олдиндан пухта ўрганилган, лойиҳаси заргарона аниқлик билан тайёрланган мардона ҳарбий тадбир эди. Қарши қалъасининг ҳокими Амир Мусо тўрт тарафга ўз айгоқчиларини юбориб, Темурбекнинг қаерда юрганига, қанча одами борлигига, нима қилаётганига кўзқулоқ бўлиб турар эди. Чунки ҳозир Қарши қалъасига Темурбекдан бошқа ҳеч ким хавф сололмас эди. Амир Мусонинг хўжайини Ҳусайнбек ҳам «фақат Темурдан эҳтиёт бўл!», деб унга қайта-қайта тайинлаган эди.

Буни яхши биладиган Темурбек, энг аввало, Амир Мусонинг хавотирини босадиган, уни хотиржам ва бепарво қиласидиган илк тадбирни амалга оширади. Бу илк тадбир ҳақида «Темур тузуклари»да шундай дейилади:

«Қарши қалъасидаги бекларнинг хотирини жам қилиш учун бу ердан кўчиб, Хуросон томонга қараб йўлга тушдим. Аму дарёсидан кечиб ўтганимда Хуросон томондан Қаршига келаётган карвонга дуч келдим. Карвон бошчиси менга соввалар тақдим этди. Мен ундан Хуросон амирларининг ҳол-аҳволини суриш-

тирдим, Хурсон вилоятига кетаётганимни изҳор этиб, кетишиларига рухсат бердим.

Фақат карвонга айғоқчи қўшиб юбордим ва у ҳабар келтиргунича дарё соҳилига жойлашиб, кутдим. Айғоқчи олиб келган хабарга кўра, карвондагилар Амир Мусога шунадай дейдилар: «Темурни Амударёнинг нариги ёқасида кўрдик, Хурсон тарафга кетаётган экан». Бу гап Амир Мусо ва Амир Ҳусайннинг лашкарига етгач, ҳаммаси хурсанд бўлиб ўйин-кулгу, айшу-ишратга бериладилар»¹.

Бу парчада «айғоқчи» деб аталган одам бугунги тилда «хуфъя» ёки «разведкачи» деб айтилади. Темурбек ёв томонидан олинадиган аниқ ахборотта қанчалик катта аҳамият бергани бу ерда жуда аниқ кўзга ташланади. У режалаштирган қалтис тадбир таваккалчилик эмас, аниқ маълумотлар ва имкониятларни ҳисобта олиб тузилган ва ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширилган ҳарбий қашфиёт эканини воқеаларнинг кейинги ривожида ҳам кўрамиз.

Қарши қалъасини Темурбек ўзи қурдиргани учун унинг қаерида нима борлигини яхши биларди. У қўшинлари орасидан жанг кўрган баҳодир йигитларни танлаб олгач, Амударёдан уларни олиб ўтади. Қаршига етмасдан Ширкент² деган жойда тўхтайди ва бир кеча-кундуз атрофни кузатиб, ҳужумга тайёргарлик кўради. Бу тайёргарликнинг бир қисми — йўтон арқонларни бир-бирига боғлаб, баланд қалъа деворига чиқадиган қўлаки нарвонлар ясашдан иборат эди. Бу нарвоннинг зиналари ҳам пишиқ арқондан қилинади. Улар ёғоч нарвонларга нисбатан енгил. Уларни қалъа деворидаги кунгира-шинакларга отиб илинтириш осон. Улар ёғоч нарвонга ўхшаб қўпол эмас ва тақ-туқ овоз чиқармайди. Ўйланган тадбир амалга ошиши учун бу ҳаммаси жуда муҳим эди.

¹ «Темур тузуклари». 2005. 41-бет.

² Ширкент — ҳозирги Бешкент тумани ҳудудидаги катта қишлоқ.

Темурбек шу қадар эҳтиёткорлик ва аниқ ҳисоб-китоб билан амалга оширмоқчи бўлган ҳарбий тад-бирда ўз одамларини кутилмаган ҳавф-хатарлардан асраб-авайлашга жуда катта эътибор беради. Бунинг аниқ далил ва исботларини яна «Темур тузуклари»да учратамиз:

«Қарши қалъасидан бир фарсанг (тажминан б ча-қирим) масофага келиб тушдим... Шу пайт Амир Жоку тизза уриб, «Бир гуруҳ баҳодирлар орқада қолдилар, улар келгунча тўхтаб туриш зарур», деб ўтинди. Шунда хотирамга бир фикр келди. Баҳодирларим етиб келгунча қалъани ўзим кўздан кечирмоқчи бўлдим. Қирқ кипп ҳамроҳлигига Қарши қалъаси томон йўл олдим. Қалъа қораси кўринган жойда баҳодирларимни тўхтатиб қўйдим ва уйимизда туғилиб ўсган Мубашшир билан Абдулла исмли йигитларни бирга олиб, ўзим кетдим. Сув билан тўлдирилган хандақ бўйига етдим. Қарасам, хандақ сув билан лиммо-лим экан. Теварак — атрофга назар солиб, хандақ тепасидан қалъага сув олиб борадиган тарновга кўзим тушди. Отимни Мубашширга қолдириб, ўша тарнов орқали сув кечиб, хандақ устидан ўтдим ва қалъа деворига яқинлашдим. Дарвоза олдига бориб, эшик қоқдим. Дарвазабонлар ухлаётган экан, ичкаридан садо чиқмади. Қалъа деворини кўздан кечириб, нарвон қўйиб, арқон зиналар билан чиқса бўладиган жойни топдим. Сўнг орқага қайтдим ва отланиб баҳодирларим олдига бордим»¹.

Темурбек қай даражада довюрак ва мард йигит бўлганлиги мана шу лавҳада бўртиб кўринади. Унинг мардлиги — бутун масъулиятни ўзига олиб, барча ҳавф-хатарга аввало ўзи юзма-юз бўлганида кўзга ташланади. Агар қўргон дарвозахонаси ичida қўриқчилар уйғоқ бўлганда Темурбек эшик тақиллатган заҳоти ёпирилиб чиқишилари ва уни тутиб олишлари ёки ўқ ёғдириб тирик қўймасликлари мумкин эди. Дарвоза қаршисидаги сув тўлдирилган чоҳдан ўтиб қутулиб ке-

¹ «Темур тузуклари». 2005. 42-бет.

тишнинг эса имкони йўқ эди. Темурбек шуни била туриб дарвозани тақиллатиб кўради. Ички бир овоз унга «ҳеч ким йўқ, қўрқма!» дегандай далда беради. Чиндан ҳам қалъа ичидагилар кайфи сафодан кейин қаттиқ уйкута кетган бўладилар. Дарвозагача бориб, вазиятни шахсан ўзи аниқлаган Темурбек энди қатъият билан қалъага ҳужум уюштиради. 200 йигит Темурбек синааб кўрган тарнов орқали сув тўлдирилган ҳандақдан ўтади ва қалъа девори бўйлаб секин илгари юради.

Саркарда белгилаб қўйган жойда арқондан тўқилтан нарвонларнинг учини юқорига отиб, қалъа кунгираларига илинтирдилар.

Эр йигитлардан қирқ киши ана шу нарвонлар билан қалъа девори устига чиқадилар. Бу ишлар ҳаммаси овоз чиқармасдан ими-жимида қилинади. Қалъа девори устидан юриб бориб, Темурбек тақиллатиб кўрган Фузор дарвозахонасига юқоридан тушадилар.

Дарвозахонада ухлаб ётган қўриқчилар энди уйғониб кетади ва шовқин кўтариб, қурол ишлатмоқчи бўлади. Шунда Темурбекнинг қирқ йигити уларни уриб ииқитиб, қўл-оёқларини боғлайдилар.

Темурбек қолган 160 йигити билан дарвоза ташқарисида унинг очилишини кутиб туради. Дарвозага отнинг калласидай қулф осилган бўлади. Калит топилмайди. Йигитлар қулфни болта билан уриб синдириб туширадилар. Дарвоза орқасига тош ва кесакларни уйиб, очилмайдиган қилиб қўйган эканлар. Энди бир эмас, икки-уч болта билан дарвозани бузиб, қулатиб йўл очадилар. Дарвоза ташқарисида чоҳдан ўтиладиган кўприк бор экан. Арқон билан кўтариб қўйилган кўприкни чоҳ устига туширадилар. Шундан сўнг Темурбек боплиқ барча баҳодирлар кўприқдан ва қулатилган дарвоздадан ўтиб қалъага кирадилар. Темурбек беш-үн жойда ўткир овозли бурғи ва карнай чалдиради. Қалъада маст уйқуда ётган Амир Мусо ва минглаб навкарлар чўчиб уйғонадилар. Улар Темурбекнинг момоқалдириқдай гулдураган овозини эшитадилар.

Темурбек катта қўшин билан келганини айтиб, беҳуда қон тўкилмаслиги учун қаршилик кўрсатмасдан таслим бўлишни талаб қиласди. Қалъадагиларни ваҳима босади. Уларнинг назарида Темурбек осмондан тушгандай туюлади. Қоронғида ўзларининг қўрқиб қочаётган одамлари ҳам Темурбекнинг қувиб келаётган баҳодирлариdek кўринади.

Қалъа бошлиғи Амир Мусо Самарқанд ва Бухоро томонга қараган дарвозалар ланг очиқ турганини, ваҳимага тушган навкарлар ўша дарвозалардан қочиб чиқиб кетаёттанини қўради. Уларни қамчи ҳам, қилич ҳам орқага қайтара олмайди. Шундан кейин Амир Мусонинг ўзи ҳам уйида қолган ҳомиладор хотини Орзу Маликни ва 14 яшар ўсмири ўғли Муҳаммадни ҳимоясиз қолдириб, қалъанинг Самарқанд дарвозасидан чиқиб қочади. Қалъада саросима бўлиб, қайси дарвозадан қочиб қутулишни билмай изғиб юрган ён навкарлари кўп эди.

Овози баланд жарчилар уларга Темурбек номидан мурожаат қилиб, таслим бўлганларнинг жони омон қолишини маълум қиласди: «Биз бир эл, бир юрг одамларимиз, ораларингда Амир Ҳусайннинг ёлғон ваъдларига ишониб алданган навкарлар кўп, бир вақтлар Темурбек хизматида бўлганлар ўз хатоларига чин дилдан иқрор бўлиб тавба қилсалар, улар адолат учун курашаётганлар сафига яна қабул қилингайлар!». Темурбекнинг ўзи ҳам от устида туриб, қалъа ичида саросима бўлиб қочаётганларни таслим бўлишга ва адолат йўлига қайтишга даъват этади.

Темурбекнинг сўзи билан иши бир эканини, унинг мардлиги ва тантлигини амалда кўп марта кўрган юзлаб йигитлар қуролларини ташлаб таслим бўладилар ва Темурбек қаршисида тиз чўкиб, агар тирик қолсалар умрбод унга содик қолишларини айтадилар. Шутарзда Темурбекнинг баҳодир йигитлари сафига яна юзлаб янги навкарлар қўшилади. Тонг отиб кун ёришгандан кейин Амир Мусонинг қалъадан қочиб чиқсан минглаб навкарлари юзбоши ва мингбоши амирлар

тазъиқи остида бир жойга тўпланадилар. Улар ақл-хушларини сал йиғиб олганларидан кейин тунда қалъага бостириб кирган Темурбек аскарлари сон жиҳатидан унча кўп эмаслигини фаҳмлайдилар. Ҳолбуки, қалъа ташқарисида турган етти минг аскар ҳали жангга кирган эмас эди. Фақат Дуррака Баҳодир деган амир ўзининг юздан ортиқ навкарлари билан Фузор дарвозасидан оқ байроқ билан келиб, Темурбек томонга ихтиёрий равишда ўтиб кетган эди.

Бундай ҳодисалар такрорланишидан қўрққан Амир Мусо Малик Баҳодир деган энг яқин амири билан бор қўшинини тўплаб, қалъа атрофини ўраб олди. Улар сув тўлдирилган чоҳдан ўтишнинг иложини тополмай, анча наридан ўқ отиб кўрдилар. Аммо ўқлари қалъада ҳимояда турганларга етиб келмас эди.

Амир Мусонинг Тезакчи Баҳодир номли мингбoshisi бир неча юз навкари билан Фузор дарвозасига яқинлашиб келади. Девор тепасидан Темурбек навкарлари отаётган ёй ўқларидан ҳимояланиб, қалқонларини бошларига қўйган ҳолда чоҳдан ўтолмай уймалашиб турган пайтда ичкаридан Темурбекнинг буйруғи билан Оқ Буға Баҳодир бошлиқ юз чавандоз йигит қилич яланюочлаб чиқади. Улар учун чоҳ кўприги тўсатдан туширилади.

Чоҳдан нарида тўпланиб турган Тезакчининг навкарлари эс-хушларини йиғиб жангга киришга улгурмасдан Темурбекнинг баҳодирлари уларга ёйдан ўқ отиб, яқин борганида қилич чопиб, ҳаммасини тўзгитиб, даф қиласидилар.

Амир Мусонинг лашкари кўп бўлгани учун қалъага икки кун давомида қайта-қайта ҳужум қилиб кўради. Бу ҳужумларни қайтаришда Темурбек шахсан ўзи ҳам қўлда қилич билан жанг қиласиди. Шунга оид бир лавҳани Яздий «Зафарномаси»дан келтириш мумкин:

«Душман томони юз кишиким черик орқасида чепик сақлагани туриб эрдилар, икки қўшин бўлиб, бири ўзини Элчи Буға Баҳодирга урди ва бири ҳазрат Соҳибқирон сари чоптилар. Ҳазрат Соҳибқирон қилич

тортиб, алар сари чопиб, ел кибиким, хашакни сургай, уларни ўшандоқ суриб, бир-бир мағлуб этди. Ўзгальарким, ул ҳамлани кўрдилар, алар дағи турмай қочдилар»¹.

Ўрни келганда шуни айтиш ўринлики, дунё миқёсида шухрат қозонган улуғ саркардалардан фақат Александр Македонский Темурбек каби 30 ёшларида ўз қўшинининг олдинги сафида душманлари билан бевосита қилич чопиб жанг қилган экан. Унинг ўз жангчиларига кўрсатган шу қаҳрамонона ибрати ва бошқа фазилатлари учун ҳамсанавислар уни кўп улуглаганлар. Хусусан, ҳазрат Алишер Навоий ўзининг «Сади Искандарий» достонида Искандарни подшо ва саркардаларнинг энг ботири деб эъзозлаганлар.

Темурбек жангга кирганда унинг овозини, ҳатто номини эшитган душманларини ваҳима босади.

Чунки ундаги афсонавий шижаот ва ғолибликнинг асл манбаи илоҳий қудратдан деб ишонадиганлар кўп эди. Яздий ҳам бу ҳақда ишонч билан ёзади:

«Инояти илоҳийни кўрингки, бир кишигаким, ани иноятидин хосе қилса, анга андоқ журъат берурким, икки юз қирқ уч киши билан ўн икки минг кишини урушиб босқай (енггай) ва икки кунда аларнинг шаҳар ва қалъасини олгай... Ва бу сўз ялғон эрмас, аният учунким, ул маъракада бўлғон кишилардин эшитиб ва кўрганлардин таҳқиқ қилиб битдук. Душманларнинг азимат ва шавкатлари бартараф бўлиб, ҳар бири бир сори қочдилар... Ҳазрат соҳибқирон ул қиши саодат ва иқбол билан Қаршида турди ва лутфу эҳсон била андаги улуғ, кичик, фақир, мискин раиятларга шафқат кўзи билан боқиб зироатқа ва иморатқа саъии қилди»².

Чиндан ҳам Темурбекнинг Қаршини золим Ҳусайнбек асоратидан озод қилишдаги тенгсиз жасорати ва пухта ўйлаб амалга оширган тадбири бу қадар мувафф

¹ Ш. Яэдий. «Зафарнома». 1997. 48-бет.

² Ўша китоб, 48-бет.

фақиятли чиққани илоҳий бир иноятдек туюлади. Қарши қалъасида қўлга тушган асиrlар орасида Амир Мусонинг Муҳаммад исмли ўсмири ўғли ҳам бўлади.

Баъзи амирлар уни банди қилиб гаровда сақлашни маслаҳат берадилар. Аммо Темурбек бундай ишни ўзига муносиб кўрмайди. Ўсмир Муҳаммадни қочириб юборишни буюради. «Токи у отасига барча қўрганларини айтиб берсин, Амир Мусо Темурбекка бас келломаслигини шундан ҳам сезсин». Бу тадбир ҳам, албатта, ўз натижасини беради. Амир Мусо Темурбекдан енгилиб, ҳомийси Амир Ҳусайн ҳузурига қочиб кетади.

Яздийнинг гувоҳлик берганидек, Темурбек Қарши шаҳрида қишлигар өйларида мискин ва фақирларга эҳсонлар қиласди, вайрон бўлган иморатларни қайта тиклатади, баҳор яқинлашгандага экин экиш учун уруғлиги бўлмаган деҳқонларга уруғлик улашади. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Менинг даргоҳимга илтижо қилиб, паноҳ истаб келган турку тоҷик, арабу ажам тоифаларидан бўлган... деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга курби етмай қолган бўлса буюрдимким, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан кимнинг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналар билан ёрдам кўрсатилсин»¹.

Бу ҳаммаси Темурбекнинг чинакам ҳалқпарвар йўлбошчи бўлганини кўрсатади ва эл-юрт орасида унинг тарафдорлари сонини кўпайтиради. Қаршидан кейин Бухоро Темурбек ихтиёрига ўтади. У ерга Темурбек ўзининг ишонган амирларидан Маҳмудшоҳ ва Али Ясавурийни ҳоким ва қалъа беги қилиб тайинлайди.

Бу орада Амир Мусо ўз ҳомийси Ҳусайнбекдан катта кўмак олиб, ўн минг кишилик қўшин билан Бойсундан беридаги Жигдалик ва Оққиё деган жойда Тे-

¹ «Темур тузуклари», 2005. 79—80-бетлар.

мурбек қўшинига рўпара келади. Аммо Қаршида тор-
мор бўлган Амир Мусо қўшини Темурбек билан жанг
қилишга журъат этмайди. Темурбек ҳам бир эл-бир
юртнинг одамлари орасида бехудага қон тўкилишини
истамайди ва Амир Мусо қўшинини таъқиб этишни
лозим топмайди. Улар жангсиз ажрашиб қетадилар.

Шундан кейин Амир Ҳусайн Темурбекни макру-
хйла билан қўлга туширишга ҳаракат қиласди. Ўзи-
нинг мулоғимларидан Хизр Ҳазиначи дегани Қуръ-
они Карим билан Темурбек ҳузурига юборади.

«Мен шу Қуръонни олиб қасам ичдимки, — деб хат
ёзади, — минбаъд дўстликка хилоф иш тутсам ва ўрта-
даги аҳдномани бузиб сенга ёмонлик қилсан шу Қуръон
Оллоҳнинг қаломи мени урсин!». Темурбек уни мусу-
лмон деб билгани учун сўзларига эътибор билан
қарайди. «Бир-биirimиз билан мухолифат қилсанк ви-
лоят бузулур ва раият ҳароб бўлур. — дейди Амир
Ҳусайн. — Яқин билурменки, сен мусулмонларнинг
неккоҳи (яхшилик истовчи)си, сен, лутф ва марҳамат
сенинг ишинг турур, шунинг учун аввалги иттифоқ-
дошлиқ ва аҳду паймонни янгиласак» деб таклиф қи-
лади.

Аҳду паймонни янгилаш учун Амир Ҳусайн Те-
мурбекни Чакчар тизма тоғларининг энг хатарли ва
ёпиқ дараларидан бири бўлган Чакчак дарада учра-
шишга таклиф этади.

Келишувга биноан Амир Темур асосий қўшинини
Фузорда қолдириши ва юз йигити билан Чакчак дара-
га бориши керак эди. Амир Ҳусайн асосий қўшинла-
рини Чагониёнда қолдириб, у ҳам юз йигит билан уч-
рашувга келишга ваъда берган эди.

Лекин Амир Ҳусайн хизматида бўлган, аммо ди-
лида Темурбекка садоқат сақлаб юрган Шербаҳром
Ҳусайнбекнинг уч минг қўшин билан бормоқчи эка-
нини ва макрухйла ишлатмоқчи бўлаётганини ишонч-
ли бир навқари орқали Темурбекка маълум қиласди.
Шундан кейин Темурбек эҳтиёт чораларини кўриб,
қўшинлари орасидан уч юз нафар энг садоқатли ва

тажрибали баҳодирларни танлаб олади. Улардан икки юзини Чакчак даранинг нариги томонидаги пана жойларга пистирма қилиб қўяди. Ўзи эса юз баҳодир йигити билан ваҳимали Чакчак даранинг Амир Ҳусайн келиши керак бўлган томонини згаллайди. Найрангбоз Амир Ҳусайн Темурбек билан юзма-юз олишишдан яна қўрқади. Сара навкарларидан минг йигитни Темурбекка қарши юборади-ю, ўзи келмайди. Ёв навкарлари тор дара ичига кириб боргунича Темурбек ўзини кўрсатмай туради. Икки томон баланд тош жар, ундан юқорига чиқиб кетиб бўлмайди. Пастда катта сой тош ўнгур тубида ваҳимали гувиллаб оқиб ётади. Ўнгур четлари тор, уч-тўрт от зўрга сиғади. Бунинг ҳаммасини яхши биладиган Темурбек захирада турган икки юз йигитига даранинг нариги томонини бекитиб ҳужум бошлишни буюради. Ўзи юз йигити билан даранинг иккинчи томонини бекитади.

Амир Ҳусайн Темурбекка қўйган «қопқон»га энди ўзининг навкарлари тушиб қолади. Темурбекнинг баҳодирлари қилич яланғочлаган душманларни ёй ўқи билан уриб йиқитадилар. Ур-сур тиқилинчда ёвнинг ўнлаб навкарлари тош ўнгирдан пастга қулаб кетиб ҳалок бўладилар. Қолганларига Темурбек ўзининг қудратли гулдурак овози билан қуролни ташлаб таслим бўлишни буюради. Тирик қолишни истаган ёв аскарлари ноилож қолиб бу буйруққа бўйсунадилар.

«Хуллас, — дейилади «Темур тузуклари»да, — дарада икки ёқдан қамалиб қолган ғаним лашкарининг кўп қисмини кўлга туширдим... Амир Ҳусайнга эса ушбу мазмунда туркий байт ёзиб юбордим:

Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишdir манга
Қилди эрса кимга макр қайтадур бир кун анга»¹.

Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, Шомий «Зифарномаси»да ҳам, Яздий асарида ҳам бу ёрқин лавҳа анча ноаниқ баён этилган. Шомийда Чакчак дара во-

¹ «Темур тузуклари». 2005. 44-бет.

кеаси Қарши қалъасининг згалланишидан олдин со-
дир бўлган деб ёзилади. Яздий кўп ҳолларда Шомий
асарига суянади. Чунки Шомий «Зафарномаси» 1404
йилда ҳали Амир Темур ҳаётлигига ёзиб тутатилган
эди. Амир Темур Шомий «Зафарномаси»ни ўқиганда
унинг айрим ноаниқ жойларини сезганлиги тарихий
манбаларда қайд этилган. Шомий ҳам, Яздий ҳам Амир
Темур туғилиб ўсган Турон ва Туркистонда бўлган
эмаслар. Шунинг учун соҳибқироннинг мустақил дав-
лат тузиш учун йигитлик даврида кураш олиб борган
жойларини аниқ тасаввур этолмаганлар.

Биз «Темур тузуклари»да айрим воқеаларнинг тар-
тиби ва бир-бирига мантиқан боғланиши «Зафарно-
ма»лардагидан кўра мукаммалроқ ва аниқроқ эканини
қўйидаги мисолда кўришимиз мумкин.

Ўтган бобда ёзганимиздек, Амир Ҳусайн Лой жан-
гидан кейин маълум устунликка эришиб, ўзини Тे-
мурбекка нисбатан подшолардек баланд тута бошлай-
ди, ҳатто адолатсиз жарималар солиб, Ўлжай Туркон
оғанинг тақинчоқларигача шилиб олади.

Бироқ Темурбек тенгсиз бир жасорат билан Қар-
ши қалъасида Амир Ҳусайннинг ўн икки минг кипи-
лик лашкарини мәргуб этгандан сўнг вазият ўзгаради.
Амир Ҳусайн Темурбекдан кўрқиб қолади.

«Энди у дўст-ошна либосини кийиб мени ром эт-
моқчи бўлди», — дейди Темурбек ўз тузукларида.
Ҳусайнбек тилёғламалик қилиб: «Менинг дўстлик ва
қариндошликка риоя қилишдан бошқа ниятим йўқ»
деб, Куръонни кўлга олиб қасам ичади. Бу ҳаммаси
унинг Қарши қалъаси Темурбек қўлига ўтгандан ке-
йин ваҳимага тушганидан, энди дўстлик никобини
кийиб, Чакчак дарада макру ҳийла ишлатмоқчи бўлга-
нидан далолат беради.

Шунинг учун «Темур тузуклари»да аввал Қарши
қалъасининг озод этилиши кўрсатилади, шундан ке-
йин ваҳимага тушган Амир Ҳусайннинг тилёғламалик
қилиб, Темурбекни Чакчак дарага таклиф этгани ёзи-
лади.

Шу тарзда бу икки тарихий воқеа мантиқан бирбирига узвий борланади. Аммо ҳар икки «Зафарнома»да Қарши қалъасининг олиниши Чакчак дара воқеасидан кейин баён қилинади. Натижада уларнинг орасидаги узвийлик ва мантиқий боғланиш йўқолиб қолади. Шунинг учун биз бу ерда мазкур тарихий воқеаларнинг юз бериш тартиби ва мантиқий боғлиқлининг «Темур тузуклари»га асосланиб акс эттиридик.

Қарши ва Чакчак дарада шарманда бўлган Амир Ҳусайн ҳар қанча дарразаб ва аламзада бўлса ҳам, Темурбек билан юзма-юз олишишга журъат этолмас эди. У милодий 1367—68 йиллар давомида яна ўша Амир Мусо, Малик Баҳодир, Шайх Муҳаммад, Уч Қаро Баҳодир деган амирларини йигирма минг кишилик лашкар билан Темурбекка қарши қайта-қайта жангга солади. Гоҳ Самарқанднинг Оби Раҳмат ариғи бўйида, гоҳ Бўлунғур атрофларида, гоҳ Работи Малик деган жойларда Амир Ҳусайн юборган қўшинлар Темурбекдан енгилиб, тумтарақай бўлиб қочадилар.

Бу ички урушлардан безор бўлган эл-юрг оқсоқоллари ва уламо-ю фозил кишилар Амир Ҳусайнни муросага чақирадилар. Ички парокандалиқдан фойдаланган Жете қўшинлари Тошкент, Сайрам, Хўжанд каби шаҳарларни яна згаллаб оладилар. Илёсхўжа ўлгандан кейин дурлат амирларидан Қамариддин дегани хонлик тахти учун курашда ғолиб чиқади.

Энди янги хон ҳам Туронни қайтадан босиб олмоқчи бўлиб қўшин тўплаётгани ҳақида нохуш хабарлар келади.

Юрг уламолари ва оқсоқоллари орага тушгандан кейин 1368 йилнинг бошларида Темурбек Амир Ҳусайн билан ярашишга ва Қамариддин ҳужумига қарши биргалиқда курашишга рози бўлади. Аммо Мўғулистонда Қамариддинга қарши қўзғолон кўтарилиб, ички урушлар авжига чиқади. Бунинг натижасида Жете қўшинларининг Туронга қайтадан бостириб келиш хавфи бартараф бўлади. Шундан кейин кўп ўтмай Амир Ҳусайн Темурбекка қарши яна душманлик йўлига ўтади.

Бу душманликнинг асосий сабаби — эл-юртни бошқаришда Амир Ҳусайн билан Темурбек бир-бirlарига қарама-қарши сиёsat юргизганликларида эди.

Амир Ҳусайн ва унинг вазири амирлари худди мўғул истилочилари каби ҳалқни талаб бойлик ортириар эдилар. Амир Ҳусайн Чингизхон жорий этган шафқатсиз ясоқ қонунларига асосланиб, арзимаган гуноҳлар учун ҳам одамларни қатл эттириар эди. Солиқлар орасида божу хироҗдан ташқари амалдорларга алоҳида тўланадиган «шилон», «қўйналға», «саворий», «моли жиҳот» каби шариатда йўқ, фақат чингизийлар жорий эттан оғир солиқлар ҳам Ҳусайнбек амалдорлари томонидан шафқатсизлик билан ундириларди.

Лекин Темурбек ўз қўл остидаги Кеш, Қарши, Ғузор, Бухоро ва бошқа жойларда бундай оғир солиқларни бутунлай бекор қилган эди. Ахолидан фақат шариат буюрган закот, ушр, хироҷ каби нисбатан енгил солиқлар олинарди. Жанжалли масалаларни ажрим қилиш борасида Темурбек лашкар учун маҳсус қози, раият учун алоҳида қози тайинлагани «Темур тузуклари»да ёзилган, «Инсоф ва адолат билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим, золимга қарши мазлум додига етдим» дейилади ушбу ўлмас асадра.

Амир Ҳусайн эса суд ҳокимиятини тан олмайди, қозининг ишини ҳам ўзи ва амалдорлари бажаради, ҳарбий трибунал ҳукмларига ўхшаган шафқатсиз буйруқлар билан ўзига ёқмаган бегуноҳ одамларни қатл эттираверади. Бунинг бир мисолини биз ўтган бобларда Ҳусайнбек сарбадорларни дорга остирган лавҳада келтирган эдик.

Амир Ҳусайн худди мўғул хонларига ўхшаб фақат ҳарбий кучга таяниб, зўравонлик ва талончилик сиёсатини олиб борган сари аҳоли орасида унга қарши норозилик кучайиб борар эди. Бутун ҳалқ золим чингизийлар истилосидан қандай қутулган бўлса, золимликда улардан қолишмаётган Амир Ҳусайн одамларидан ҳам шундай ҳалос бўлишни истарди. Темурбек ҳалқ

орасида адолатли раҳбар бўлиб танилгани сари Амир Ҳусайндан ихлоси қайтган ва Темурбек байроби остига йиғилиб келаётган кучлар тобора кўпайиб бормоқда эди.

Айниқса, икки дарё оралиги бўлмиш Мовароуннахрда кўпчилик аҳоли Темурбекни ўз халоскори деб биларди, чингизийлар истилосига қарши курашда ва шариат қонунларига биноан иш юритишда уни доим кўллаб-қувватлар эди.

Амир Ҳусайн эса халқ-озодлик ҳаракатига тўғоноқ бўлган, уни ўз ғаразли мақсадлари йўлида заифлаштирган маккор кимса сифатида кўпчиликнинг нафратига учрамоқда эди.

Турон халқи орасида ўзига қарпи норозилик кучайиб бораётганини Амир Ҳусайн ҳам сезган бўлса керак. Унга икки дарё оралигидан кўра Амударёнинг нариги томонидаги ерлар бехатарроқ туюлгани сабабли Балх атрофларида 1368 йилда мустаҳкам қалъа қурдиради. У жабр-зулм билан йиққан бойликларини тошдан жимжимадор қилиб ҳинд услубида бунёд этилган шу қалъага сарфлайди ва унга «Хиндувон» деб ном беради.

Лекин шунча кўп одамларга жабр-зулм ўтказган Амир Ҳусайн бу қалъа ичида қайтар дунёнинг қасосларидан кутулиб қола олармикин?

Бир эмас уч марта Қуръони каримни кўлига олиб, Темурбекка ёмонлик қилмаслик ҳақида қасам ичган ва уч марта ҳам қасамини бузиб, ўзининг мард ва ботир куёвига энг ёвуз хиёнатлар қилган Амир Ҳусайнни вақти келиб қасам урмасмикин?

КЕСКИН БУРИЛИШЛАР

Умрнинг тез ўтаётганини Темурбек ўғилларининг бўй етиб, йигит бўлиб бораётганига қараб сезади.

Катта ўғли Жаҳонгир ўн тўрт ёшида бўйи отасининг бўйига тенглашадиган баҳодир йигитга айланди. Отаси уни ўзига тенгтўш бўлган қирқ йигитга сардор

қилиб қўйди. Ёши Жаҳонгирдан бир неча ой кичик бўлган, фақат Тўлун оға деган бошқа марҳума онадан туғилган Умаршайх Мирзо гавдаси кичикроқ бўлса ҳам ғайрат-шижоати акасиникидан қолишмасди. Темурбек уни ҳам ўзига тенгдоши бўлган қирқ йигитта сардор қилиб тайинлади.

Ўзи давлат ишлари билан банд бўлган Темурбек ўғилларига эрта-ю кеч тарбия бериб, ғамхўрлик қилиб турадиган бек аткалар тайинлади. Ҳарбий юришларда Амир Сайфиддин ва Жоку Барлос каби баҳодирлар бири Жаҳонгирга, иккинчиси Умаршайхга ҳарб ишидан сабоқ беришар, айни вақтда уларни хавф-хатарлардан асраб-авайлашарди. Темурбекнинг суюкли умр йўлдоши Ўлжай Туркон оғадан ёдгор бўлиб қолган қизалори Султонбахт ўн ёшга тўлиб, йил сайин чирой очиб борарди. Отаси уни суюкли згачиси Қутлуғ Туркон оғанинг тарбиясига берган эди.

Бундан беш йил бурун Темурбек Марв томонларда юрганда Муборакшоҳ Санжарий бошлиқ бўлган оила билан қон-қариндош бўлиб, унинг қизи Менглибек оқога уйланган эди. Бу оила машҳур Султон Санжар авлодларига яқин турар ва Марв атрофларида, Мурғоб дарёсидан сув ичадиган Моҳон вилоятида ҳукмронлик қиласидан.

Амир Ҳусайн Темурбек билан ёвлашган йилларда унинг Самарқанддаги поччаси Довудбек ва Қундуздаги куёви Муайяд арлотларнинг оиласлари ҳам хавф остида қолди. Ўша кезларда Темурбекнинг эгачи ва сингиллари учун ҳам Моҳон бехатар жой бўлиб қолган эди. Шунинг учун улар ҳаммаси янги келинлари Менглибек оқонинг кенг-мўл ҳовли жойларига кўчиб бориб яшаган эдилар.

1366 йилда Темурбек Менглибек оқодан бир ўтил кўрди ва отини Мироншоҳ қўйди. Темурбекка худо берган фарзандларнинг пойқадамлари яхши келди.

Амир Ҳусайннинг макру ҳийлалар асосида иш олиб бориши, Қуръони каримни қўлига олиб ичган қасамларидан қайтиши, чингизийлар каби шафқатсиз сиё-

сат юргизиши вақт ўтган сари унга қарши турған кучларни қўпайтирди. 1369-70 йилларда Амир Ҳусайндан бутун-бутун вилоятлар юз ўгириб, Темурбек томонига ўта бошлади. Аввало, Ҳутталон (ҳозирги Кўлоб) ҳалқи Амир Ҳусайн томонидан ноҳақ ўлдирилган соғиқ Ҳутталон ҳокими Шер Баҳромнинг хотирасини эъзозлаб, унинг ўғли Муҳаммад Мирак бошчилигига Амир Ҳусайнга қарши исён кўтарди ва Темурбек томонга ўтди. Шундан сўнг Амир Ҳусайн Қундузга ҳоким қилиб жўнатган Улжайтубек ҳам Ҳусайнбекдан юз ўгириб, Амир Темурни бош ҳукмрон деб тан олди. Темурбек Бадахшон ҳокими Шоҳ Муҳаммадга элчилар юбориб, сўнгти янгиликларни маълум қилди ва Амир Ҳусайнга қарши иттифоқ тузишни таклиф этди. Бадахшон шоҳлари Амир Ҳусайнни ўзларининг хундор душманлари деб билар эдилар. Шунинг учун Бадахшон ҳокими Шоҳ Муҳаммад Темурбекнинг таклифини қабул қилди ва қўшин йиғиб, унга ёрдамга келди.

Бу орада Темурбек Кеш томондан Термизга қараб қўшин тортиб келмоқда эди. У Термизга етиб боришига йигирма чақиримча масофа қолганда хушҳаво бир жойни таңлаб дам олишга тўхтади. Шунда унинг ҳузурига ниҳоятда нуроний бир мўйсафидни бошлаб келдилар.

Ҳизрни эслатадиган бу мўйсафид ўзининг Макка-ю Мадинадан келаётганини айтди ва муқаддас даргоҳлардан Темурбекка атаб олиб келган байроқ билан нақорани унга мустақил давлат рамзи сифатида тақдим этди. Бу ҳодиса Темурбекни ҳам, унинг беку навкарларини ҳам руҳлантириб юборди. Улар Сайд Баракани улуғ пир сифатида тан олиб, унга муҳташам чодир ўрнатиб бердилар ва нимаики зарурати бўлса муҳайё қилдилар. Шу кундан эътиборан Сайд Барака Амир Темурнинг энг доно маслаҳатчисига айланди. Ҳарбий юришларда доим бирга бўлди. Сайд Бараканинг Темурбек ҳузурига келиши ва унинг доимий пирига айланиси тақдирнинг ажойиб бир инъоми эди. Биз бу-

нинг жуда кўп далилларини кейинги воқеаларда кўрамиз.

Амир Темур қўшини Термиз яқинида Амударёдан ўтиб Балхга яқинлашган сари унга янги-янги кучлар келиб қўшилаверди. Кўпдан бери Амир Ҳусайн билан ёвлашиб юрган Амир Кайхусрав сўнгги воқеаларни Олой төғларида туриб эшишган экан. Дарҳол қўппин йириб, Темурбек томонга йўл олди ва Балх яқинида унинг лашкари сафига қўшилди. Афрон ҳазоралари ҳам Амир Ҳусайндан қутулиш йўлини излаб юрган эканлар. Энди Темурбек Амир Ҳусайнга қарши қўшин тортиб келаётганидан хабар топган ҳазоралар бор аскарларини йигиб, Темурбекка ёрдам бергани келдилар. Шу тарзда тўрт тарафдан йиғилиб келган қўшин Амир Ҳусайннинг Балхдаги қароргоҳига бостириб борди. Амир Ҳусайн ўзи қалъя ичида ўтириб, беш минг беку навқарини қалъя ташқарисига Темурбекка қарши урушга юборди.

Бу урушда Темурбекнинг катта ўғли Жаҳонгир Мирзо олдинги сафда от чоптириб боради, ёвларга қарши мерғанларча ёй ўқлари отиб, бир нечасини эгардан қулатади. Унинг иниси Умаршайх ҳам камондан ўқлар отади, қилич яланюочлаб, рақиблар устига ташланади. Фақат тажрибасиз йигитча жанг шавқига берилиб, эҳтиёт чораларини унутади. У зирҳли кийим кийган бўлса ҳам, оёрига ёпилган зирҳли зонупўш сирғалиб пастга тушиб кетганини сезмайди. Очилиб қолган болдирига душман мерганининг ўқи келиб шундай қаттиқ қадалдики, болдирининг юмшоқ жойини тешиб ўтиб, ёй учи оёқнинг иккинчи томонидан чиқади. Бу ҳодисанинг тафсилотини Яздий қўйидагича баён қиласди:

«Бир жарроҳ келиб шиш (яъни темир)ни қиздирив, ўшал ўқ теккан жойни доклади»... Шундай докладидики, аввал ўқни оёқдан сугуриб олиб ташлайди, сўнгра ярага қизиган темирни суқиб, унинг ҳам учини тешилган болдирининг нариги томонидан чиқаради. Шундай қилинмаса яра газак боғлаб, йиринглаб кети-

ши мумкин эди. Буни биладиган ўн олти ёшлик йигитча тишини тишига қўйиб, ҳамма оғрикларга чидайди. Фақат малҳам ва бошқа дорувор қўйилгач оғриги босилиб, яна ўзига келади. Яздий Умаршайх Мирзога қойил бўлиб дейдики, «ул Шайхзодайи олийқадр кичик ёплик бўлса ҳам, ўзини мардона тутди»¹.

Бу орада Темурбек саркардалик қилган қўшиналар Амир Ҳусайннинг беку навкарлари устидан ғалаба қозонадилар. Амир Ҳусайн қалъа девори устида пана бир жойда туриб, ўз қўшиналарининг тор-мор бўлиб қочаётганини кўради. Биринчи жанг шундай тутагандан сўнг Темурбек қалъага оқ байроқ кўтарган элчиларни юборади. Элчилар Ҳусайнбекка «бир юртнинг одамлари бекорга бир-бирларининг қонларини тўкмасин, яхшилика таслим бўлинг, Темурбек қонингиздан кечгайлар, ҳар нечукким кўнглингиз тиласа, андоқ қилурлар», дейишади.

Ҳусайнбек ўз ўрнига валиахд қилмоқчи бўлган катта ўғли Хон Сайдни элчиларга қўшиб Темурбекнинг ҳузурига қуйидаги мактуб билан юборади: «Итоат камарини белимизга боғларбиз. Илтимос ул турурки, қонимиздан кечгайсен. Давлат мендан кетиб, сенга мусаллам турур... Мулк ва молдин кўнгил кўтардим. Сендан илтимос ултурурким, менга йўл бергайсенки, Каъбага борсам ва анда туриб қолган умримни ибодат билан кечурсам»².

Темурбек унинг бу илтимосини қабул қилади, ўз одамларига фармон берадики, майли, Ҳусайнбек кечаси билан йўл тайёrlигини кўрсину, тонг пайти қалъадан чиқиб кетсин, ҳеч ким бунга монелик қилмасин.

Одамларни алдаб ўрганган Амир Ҳусайн «Темурбек ҳам мени алдаб қўлга туширмоқчи» деб ўйлади. Бундан ташқари, Темурбекнинг беку навкарлари орасида Ҳусайнбекдан жабр кўрган хундор душманлари

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1996. 66-бет.

² Ўша китоб. 66-бет.

кўп эди. Ўшалар йўлда уни тутиб олиб ўлдиришларидан қўрқади. У ўзи қилган ёмонликларни эслаб шу дарражада васвасага тушадики, ўндан ортиқ хотинларига, тўрт ўғлига, ишонган вазирига билдирамасдан кечаси эл ухлаганда қалъадан ёлғиз ўзи қочиб чиқади. Кўйни ни олтину жавоҳирга тўлдириб олган бўлади: «Барча мунискулимга шулар ярайди» деб ўйлайди. Қалъа дарвозасидан чиқиб кетай деса, соқчилардан қўрқади. Боши оғиб, охири қалъа четидаги жомеъ масжидининг минорасига чиқиб яшринаради. Шу ерда титраб-қалтираб тонг оттиради. Воқеанинг давомини Н. Шомий қуйидагича баён қиласди:

«Бир киши отини йўқотган эди. Уни қидириб ҳар томон кезарди. Охири минора тепасига чиқиб, отини атрофдаги саҳродан қарамоқчи бўлди. Бу одам минора ичиди Амир Ҳусайнни кўриб қолиб таниди. Бечора амир Ҳусайн жонини хатардан сақдаш учун от эгасига бир ҳовуч марварид берди. ... «Менинг сиримни фош этмасликка онт ич!» деди... От эгаси қасам ичиб уни хотиржам қилди. Дарҳол пастга тупиб Амир Соҳибқирон ҳузурига борди ва кўрган-билгандарини сўзлаб берди»¹.

Қарангки, отини қидириб юрган шу оддий одам ҳам Амир Ҳусайннинг золимлигини билар экан, унинг жаздан қутулиб кетишпини истамайди ва Темурбекка ихлосманд бўлгани учун дарҳол унинг олдига бориб ҳақиқатни айтади. Албатта, бу хабарни эшитган амиру навкарлар дарҳол минора атрофини ўраб оладилар.

Амир Ҳусайнни банди қилиб Темурбек ҳузурига олиб келадилар. Аянчли аҳволга тушган Амир Ҳусайн бир вақтлар Темурбек билан дўст бўлган пайтларини, марҳума синглиси Ўлжай Туркон оға уларнинг иккавига ҳам меҳрибон бўлган кунларини эслаб кўз ёши тўкади, барча хатоларини бўйнига олиб тавба қиласди. Темурбекнинг оёғи остига ўзини ташлаб кўзда ёш билан кечирим сўрайди.

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 83—84-бетлар.

Табиатан кечиримли бўлган Темурбек Амир Ҳусайннинг қонидан кечади. Буни атрофидаги амирларига айтган пайтида раҳматлик умр йўлдоши Ўлжай Туркон оғани эслаб, кўзига ёш олади. Марҳуманинг арвоҳини чирқиратмаслик учун ҳам Темурбек Амир Ҳусайнни тирик қолдирмоқчи бўлади. Бироқ қасоскор амирлардан бири — Кайхусрав Темурбек олдида тиз чўкиб, Амир Ҳусайн томонидан бегуноҳ қатл эттирилган акаси Кайқубоднинг хунини талаб қиласди. Амир Темур унга таскин бериб «сен оғангнинг хунидан кечгил, бу одам оғангнинг хуни учун охиратда жавоб бергусидир» дейди.

Қундуз ҳокими Улжайтубек ҳам Амир Ҳусайннинг хундор душмани эди. Темурбекнинг синглисига уйланган Муайядбек ҳам Амир Ҳусайндан кўп жабр кўргани учун унга қасос қайтишини истар эди. Бу уч амир Ҳусайнбекка раҳми келиб кўзига ёш олган Темурбекнинг ҳурматини қилиб, унга бошқа эътиroz билдирадилар. Аммо учови яшириқча тил бириктирадилар, «сўзида турмайдиган қасамхўр маккор Амир Ҳусайн тирик қолса, яна кўп балоларни бошимизга соглай, кейин пушаймон бўлгаймиз, ундан кўра ҳозир ундан қутулмоқ керак» деган қарорга келадилар.

Амир Ҳусайн Темурбек ҳузуридан соғ-омон чиқиб кетгандан кейин ҳалиги уч амир кечаси уни хилват бир жойда тутиб олиб ўлдирадилар. Темурбек буни эшитиб, ажалга даво йўқлигини сезади, ҳеч бўлмаса Ҳусайнбекнинг жасадини хор қилмасликлари учун, уни Балх яқинидаги зиёраттоҳ жой бўлган Хўжа Акоша қабристонига элтиб дафн этишни буюради.

Темурбек қўшинлари сафида Чингизхон авлодларидан бўлган Суюрратмиш ўғлон ҳам хизмат қиласди. Тақдирнинг барча яхши-ёмон бурилишларида у ўзининг Темурбекка содик эканини исбот қилиб келмоқда эди. Унинг амирлар билан ҳам муносабати яхши, ўзи жуда камтар йигит эди. Шунинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Суюрратмиш ўғлонни оқ кийгизга соладилар ва расмият учун хон қилиб кўтарадилар. Амир Ҳусайн

хизматида бўлган ва унинг буйругига сўзсиз итоат этиб, сарбадорларни қатл этишга фармон берган аввалги Қўғирчоқ хон Ҳиндувон қалъасида қўлга тушади. Уни янги сайланган хон Суюрғатмиш ўғлон хукмига биноан золимлиқда айблаб қатл эттирадилар.

Амир Ҳусайннинг тўрт ўғли бор эди. Улар ҳам оталирига ўҳшаб эл-юрга кўп зулм ўтказган, бегуноҳ одамларни ўлдирган эдилар. Ҳиндувон қалъасида қўлга тушган катта ўғиллар Хон Сайид ва Турор Султонлар Суюрғатмиш ўғлоннинг хон сифатида чиқарган хукмига биноан қатл этилади. Ҳусайнбекнинг Жаҳон Малик ва Ҳалил Султон деб аталадиган кейинги икки ўсли Ҳиндистон томонларга қочиб кетади ва ўша ёқларда бедарак йўқ бўлади.

Ҳусайнбекнинг ҳарамида ўндан ортиқ хотинлари бор эди. Ўша замоннинг одатига биноан бу хотинлар ҳам ғолиблар ихтиёрига ўтадиган молу дунё каби ўлжа ҳисобланарди. «Ҳусайнбекнинг хотунлари била молдунёсиники, жам этиб эди, ҳазрат соҳибқирон қошига келтирдилар. — деб ёзади Ш.А. Яздий. — ...Ул ганж ва молни бекларга улаштуруб, ҳар кимнинг жойига яраша берди»¹.

Фақат мунглиқ аёлларнинг тақдирини ҳал қилиш анча мураккаб эди. Уларга «Эринг ўлди, бевасан, истаган жойингга кетавер» деб бўлмас эди. Бу мусулмончиликка тўри келмас эди. Чунки ҳимоясиз қолган беваларнинг саройда орттирган бисотларини талаб кетадиган ўғрилар топилар эди. Улар ҳимоясиз қолса номусига тажовуз қилувчилар ҳам учраши мумкин эди.

Темурбек бу оиласа куёв бўлган даврда марҳума Ўлжай Туркон оға орқали бу хотинларни таниган ва қайсиси қанақалигини озми-кўпми билган эди. Ўлжай Туркон оға акасининг хотинлари орасида ёмон кўрадигани — машҳур Тармасирихоннинг қизи Севинч Қутлуғ оқо эди. Бу аёл Темурбекка қарши иғво хатлар

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1996. 67—68-бетлар.

уюштирган Ўрду Хотиндан туғилган эди. Унинг кибри ҳавоси баланд, ёши ҳам қирққа борган, ҳарамда катта хотин бўлгани учун бошқа маликаларга кўп зуғум қиласар эди.

Темурбек бу хотинни кексайиб қолган қаттиққўл амирлардан Баҳром Жалойирга муносиб кўрди. Қоидага биноан ҳарамдаги хотинларнинг қайсисини кимга бериш янги давлат бошлигининг ихтиёрида эди. Золим эрдан кўп жабр кўрган мазлумалар энди Темурбекка ўз халоскорига қарагандай қараашар ва ундан олижаноб бир ҳимоя кутар эдилар.

Темурбекка энг яқин бўлган мард, танти амирлардан бири Жоку Барлос эди. Ҳарамдаги энг кўҳлик аёллардан бўлган Одил Маликани Темурбек Жоку Барлосга муносиб кўрди. Ҳусайнбекнинг ўн етти яшар чиройли қизини энг ботир ва мулойимтабиат йигитлардан бўлган Элчи Буғага узатишни буюрди.

Қолган маликалар орасида энг машҳури ва Темурбекка энг ёқадигани йигирма беш ёшлик Сароймулхоним эди. Темурбек энг аввал уни ўз ҳарамига оладиган бўлди. Ясавурийлар деб ном олган ва Тошкент томонларда ҳукмронлик қилаётган қавмнинг гўзал маликаси йигирма уч ёшлик Ислом оқо эди. Темурбек бу аёл орқали ясавурийлар билан қариндош бўлгандан кейин Тошкент томонларни ҳам муроса йўли билан эгаллаш осон бўлиши мумкин эди. Шунинг учун Темурбек Ислом оқони ҳам уч ойлик иддаси тугагач никоҳига олишига қарор қиласди. Яна икки ёш жувон кўзлари мўлтираб. Темурбекка умид билан қараб қўйишарди. Буларнинг бири — Темурбекка жуда керакли бўлган Сулдуз уруғининг гўзали Улус оқо ва яна бири ниҳоятда жозибали жувон Тоғай Туркон оқо эди. Айниқса, шу сўнгти жувонни танлаганидан Темурбек кейинчалик тақдирга шукроналар айтди. Чунки унинг барча ўғилларидан ҳам омадлироқ бўлиб чиққан ва «Шоҳруҳ» деган фахрли номга отаси томонидан сазовор бўлган кенжা ўғил мана шу Тоғай Туркон оқодан туғилди.

Инсон тақдирида бир кун ичида юз берган бунча кескин ўзгаришларни қарангки, Амир Ҳусайндек золимнинг ҳарамида азоб тортиб юрган бир эмас, тўрт муnis аёл Темурбекдай бағрикенг, мард, кечиримли йигитнинг химоясига ўтди.

Олдинроққа кетиб айтиш мумкинки, Темурбек уларни «Ҳарам» деб аталадиган ва бир ҳовлига жойлашган қатор хоналарда кундошлиқ адватига дучор қилмаслик учун Самарқанд шаҳрининг оромбахш жойларида ҳар бирига алоҳида боғлар ва чиройли кўшклар курдирди.

Аёллар тақдирига оид нозик ишлар ниҳоясига етгандан сўнг Темурбек ғалабага ҳисса қўшган барча бекларни, Сайд Барака бошлиқ дин пешволарини ва давлат амалдорларини катта бир саҳнга йиғди. Саҳн тўридаги баланд шаҳнишинда давлат бошлиқлари ўлтирадиган шоҳона жой ҳозирланган эди. Бу жойга Темурбек чиқиб ўлтирди. «Сайд Барака бошлиқ барча сайидлар, амалдор ва беклар «иттифоқ қилиб, —деб ёзди Ш.А. Яздий, — ҳазратни шоҳликка муносиб кўриб, барча анга садоқат билдирадилар дуо ва сано била дедилар: назм:

Шод ўлтиргил, эй шаҳриёр,
ки топди жаҳон давлатингдан қарор»

... Барча йиғилиб келиб, нечукким дастурлари бор эди, юкуниб, шоҳлик учун муборакбод этдилар.

Ул маҳалда соҳибқироннинг ёши ўттиз тўртда эди ва бу иттифоқ, чаҳоршанба кунида, рамазон ойининг ўн иккисида тарих етти юз етмиш бирда (9.04.1370) содир бўлди»¹.

Шундай улкан тарихий воқеа Амир Темур туғилган кунда ва унинг ёши роса ўттиз тўртга тўлганда юз бергани нуфузли манбаларда маҳсус таъкидлаб ёзилгани тасодиф эмас.

Муаррихлар бу ҳодиса ҳам илоҳий қудратнинг Амир Темур сиймосига бўлган маҳсус марҳаматидан

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1976. 67-бет.

далолат берганини қайд этадилар. Шу кундан эътиборан уни аввалгидек Темурбек эмас, балки «Амир Темур ҳазратлари» деб аташ одат тусига киради. Орадан уч ой ўтиб, Темурбек Қозонхоннинг қизи Сароймулхонимни никоҳига олгандан сўнг унинг номига «Курагон», яъни «хон қуёви» деган унвон ҳам қўшиб айтиладиган бўлди. Амир Темур учун энг муҳим тарихий ўзгариш мўғул истилосини давом этказган Амир Ҳусайн зулмидан эл-юрт халос бўлганлиги эди. Ҳалқ озодлик ҳаракатига суқулиб кириб олган, ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, мамлакатни пароканда қилган ва мустақиллик йўлида тоғдай улкан тўсиқقا айланган қора кучларнинг узил-кесил бартараф бўлгани — Амир Темур саккиз йил давомида курашиб эришган энг улкан ғалаба эди. Бу ғалаба шарафига Амир Темур аввал Балҳда, ундан сўнг турилиб ўстган юрти Кешда катта тўйлар қилиб берди. Барча ботир жангчиларга сахийларча мукофотлар улашиди.

Беку амирлар юксак лавозимлардан умидвор эдилар. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида сұҳбатлашиб кўнглини билиш ва шунга қараб иш кўриш кўп вақт ва сабр-бардош талаб қилди. Амир Темур анча вақт Кешда туриб, шу иш билан шуғулланди. Бу ишлар қандай амалга оширилганлиги ҳақида «Темур тузуклари»да шундай дейилади: «Амир Жоку, Ики Темур, Амир Сулаймон ва Жалолиддинларни хилватроқ ерга чорладим ва уларни ўзимга иттифоқдош қилмоқчи бўлдим. Хилватда улар билан сұҳбат қуриб «давлатимга шерик бўласизлар», дедим. Бу билан уларнинг дилида ўзларига ишонч, менга хизмат қилиш учун қатъият уйротдим... Мен билан иттифоқи бузилган бошқа амирларни ҳам холи жойга чорлаб, ҳар қайсиси билан алоҳида гаплашдим. Булардан мол-дунёга ҳирс қўйган очкўз таъмагирларига мол-ашё ваъда қилдим, мансаб-марtabага кўз тиккан амалпастлари бўлса қўлим остидаги вилоятлардан бирининг ҳокимлигини бердим. Қолган сипоҳийларни ҳам емак-ичмак, кийим-кечак билан сийлаб, ширин сўз ва очик юз билан ўзимга ром этдим».

«Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир күтариб, ишимга кўп зиён етказганлар агар илтижо қилиб, таъба-тазарру қилиб келса, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан қўрқув ва шубҳа бўлса, бутунлай унтишар эди»¹.

Чингизийлар ҳукмронлиги даврида айниқса сипоҳийлар ва беку амирлар орасида субутсизлик, беқарорлик, алдамчилик авжига чиқсан эди. Мўғуларнинг шафқатсиз зулмига асосланган мустамлака тузуми бир яrim аср давомида бу ахлоқий иллатларини одамларнинг қон-қонига сингдириб юборган эди.

Шуни яхши биладиган Амир Темур энди одамларга нисбатан иложи борича кечиримли бўлиш ва яхшилик қилиш йўли билан уларни оғир иллатлардан кутқариб олишга астойдил ҳаракат қиласди. Чунки амриу амалдорлар орасида илдиз отган юқоридаги ахлоқий иллатлар йўқотилмагунча мамлакатдаги ички парокандалиқдан кутулиб бўлмас эди. Халқни яхлит бир эл-юрга айлантирмагунча ва ички бирлик таъмин этилмагунча халқ-озодлик ҳаракатининг асосий мақсадига — тинч, барқарор ва фаровон ҳаётта эришиб бўлмас эди.

Ана шу юксак мақсад йўлида Амир Темур қандай сабр-бардош ва бағрикенглик билан сиёsat олиб борганини унинг Амир Мусо ва Зиндачашм Апардий деган амирларни инсофга келтириш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари мисолида батафсилоқ кўришимиз мумкин.

Зиндачашм Шибирғон вилоятининг қўшинига саркардалик қилган нуфузли амирлардан эди. Амир Ҳусайннинг қўли баланд келган йилларда Зиндачашм унинг томонига ўтди ва Амир Темурга қарши олиб борилган уруш ҳаракатларида қатнашди. Бироқ 1369—1370 йилларда кўпчилик вилоят ҳокимлари Амир Ҳусайндан юз ўтириб, Амир Темур томонга ўта бошлаганда Зиндачашм Шибирғондан бошлаб келган қўши-

¹ «Темур тузуклари». 2005. 34—35 ва 64-бетлар.

ни билан Амир Темурга ёрдам берди ва Амир Ҳусайн устидан эришилган ғалабага ҳисса қўшди. Амир Темур унинг бу хизматини тақдирлаб, Амир Ҳусайн хазинасидан ўлжа олинган олтиналардан Зиндачашмга каттагина улуш берди. Бундан ташқари Амир Ҳусайнинг Дилшод оға деган гўзал хотинларидан бирини ҳам Зиндачашмга муносиб кўрди. Бунинг ҳаммаси эвазига энди Зиндачашм Шибирғон вилоятини Амир Темур давлати таркибиغا қўшиши ва ўзини Амир Темур қўл остида иш олиб борадиган вилоят ҳокими деб билиши керак эди.

Ўз вилоятида подшодай ҳукмрон бўлиб ўргангандан Зиндачашм сўнгги шартларга Амир Темур ҳузурида розилик бергандай бўлди. Аммо вилоятига қайтаётганда атрофдаги хушомадгўйлари таъсирида бирдан айниди. «Амир Темур ҳам менга ўхшаган бир амир, мен унга буйсунмагаймен!» — деди. Ўз вилоятига боргандан Амир Темурга тарафдор бўлган Бек Пиримшод Арлот ва унинг ўғли Тиловбекни аддамчилик йўли билан қўлга тушириб қатл эттириди. Амир Темур бу ноҳуш воқеани тафтиш қилиш учун Хўжа Юсуф деган нуфузли амирини ва машҳур Тобон Баҳодирни Шибирғонга юборди. Токи Зиндачашм улар билан бирга Амир Темур ҳузурига келиб ҳисоб берсин.

Бироқ ҳаддидан ошган Зиндачашм бу топшириқни бажариш ўрнига Хўжа Юсуф билан Тобон Баҳодирни тутиб олиб банди қилди ва қамоқقا ташлади. Унинг бунчалик мухолифлик йўлига ўтишига яна бир сабаб — Амир Темурдан қочиб юрган нуфузли бек — Амир Мусонинг Шибирғонга ўз қўшини билан келиб, Зиндачашмнинг тарафини олаётганлиги эди.

Амир Мусо аслида Амир Темур ўз никоҳига олган Сароймулхонимга яқин қариндош эди. Яздийнинг ёзишича «Маҳди Улё Сароймулхоним Мусобекнинг эгачисининг қизи эди»¹.

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1996. 71-бет.

Демак, Амир Мусо ҳам ҳонлар авлодидан бўлганлиги учун Амир Темурга бўйсунгиси келмайди.

Фақат 1370 йилнинг бошларида Амир Темур унга катта эҳтиром кўрсатиб, Амир Ҳусайнга қарши юришда иштирок этишга кўндиради. Бироқ қўшинлар Қаршидан йўлга чиқиб Фузорга етганда Амир Мусонинг феъли айнияди. Бор қўшинлари ва кўч-кўрони билан йўлни чап томонга буриб, Самарқандга кетади.

Амир Ҳусайн қатла этилганидан хабар топган Амир Мусо Амир Темурнинг Самарқандни пойтахт қилмоқчи эканини эшитади-да, навкарлари ва кўч-кўрони билан у ердан Туркистонга қочиб кетади.

Амир Темур Туркистонга Жанг Қавчин деган амирни юборади ва Амир Мусонинг гуноҳидан кечганини, у билан яхши ҳамкор бўлмоқчи эканини маълум қилиб, Самарқандга таклиф этади. Аммо ўжар Амир Мусо бу таклифни қабул қилмайди, Амир Темурга кўп ёмонликлар қилгани ёдида тургани учун «бари бир пайтини топиб мендан қасд олади» деб ўйлади.

Амир Темур Туркистонга Қаролғоч деган яна бир амирни юбориб, Сароймулхонимга уйланганини ва энди қон-қариндош бўлганини, Амир Мусонинг хавотири асоссиз эканини уқтиради. Лекин амир Мусо бу гал ҳам рад жавоби беради. Икки хотини, болалири ва навкарлари билан жанубга Хурсон томонга йўл олади. Унга Амир Темур билан мухолифатда юрган Зиндачашм Шибирғонда ўз ҳузуридан жой беради.

Амир Мусо ҳонлар авлодидан бўлгани учун Зиндачашм иккаласи биргалашиб, бошқа тарафдорларни ҳам ўз атрофларига йигиб, мамлакатни Амир Темурдан тортиб олиш учун янги бир ички урушни бошлашлари мумкин эди.

Бу хатарни сезган Амир Темур бор қўшинини йириб шитоб билан Амударёдан ўтади-да, 1370 йилнинг кеч кузида Шибирғонга бостириб келади. Амир Темур лашкари Шибирғон қалъасини ўраб олганда Зиндачашмни ваҳима босади. Қалъа ичкарисидан оқ бай-

роқ кўтартган нуфузли бир мўйсафида чиқиб Амир Темурдан шафқат ва омонлик сўрайди, сўнгра Зиндачашмнинг ҳузурига Ўлжайтубекни музокара учун юборишини илтижо қиласди.

Беҳуда қон тўкилмаслиги учун Амир Темур Улжайтубекни Зиндачашм ҳузурига юборади. Улжайтубек олиб борган музокара натижасида Амир Темур Зиндачашмнинг қонидан кечади. Фақат шарт қўядики, қалъада унинг ҳимоясида турган Амир Мусони барча одамлари билан Амир Темур ихтиёрига топширсин. Ўз жонини ҳаммадан азиз билган Зиндачашм Амир Мусога ёрдам беролмаслигини тан олади ва уни барча одамлари, оила аъзолари билан Амир Темур ихтиёрига топширади.

Хон бўлиш орзусида юрган Амир Мусо Амир Темур ҳузурига келиб тиз чўкади, қилган барча гуноҳлари учун кўзига ёш олиб, кечирим сўрайди. Ёмон бир фитна жангсиз бартараф этилганидан мамнун бўлган Амир Темур суюкли хотини Сароймулхонимнинг ҳам ҳурматини жойига қўйиб, амир Мусони нафақат кечиради, балки унга ва хотинларига зиёфатлар беради, сарполар кийдиради, яхши отлар, ҳачирлар, ҳатто «боргоҳ» деб аталадиган шоҳона чодирлар инъом қиласди.

Амир Мусога инъом этилган катта мукофотлар Зиндачашмнинг ҳасадини келтиради. Амир Темур уни ҳам кечирган бўлиб қайтиб кетгандан кейин Зиндачашм Балх ва Термиз аҳолисини талаб бойлик ортироқчи бўлди. Бундан хабар топган Амир Темур Зиндачашмни тутиб келиш учун бу гал машҳур Амир Жокубекни юборади. Зиндачашм Шибирғон қалъасини қиши бўйи бекитиб қамалда ётди. Аммо ҳамма захиралари тугагандан кейин қалъадан чиқиб, Амир Жоку ҳузурига бош эгиб келди. «Сендин умидим шулки, менинг гуноҳимни ҳазрат соҳибқирондан тилагайсан», дейди.

Жоқубек уни Самарқандга, Амир Темур ҳузурига олиб борганды Зиндачашм соҳибқироннинг оёғига йи-қилиб узр сўрайди, ер ўпиб садоқат изҳор қиласди.

У бир қўлига кафан ва бир қўлига шамшир олиб келган эди. Бунинг маъноси шу эдикӣ, «агар кечир-масангиз, мана шамшир, бошимни олинг, кафанили-гимни ўзим билан олиб келдим», деган маъно бор эди. Бу маънони тушунган Амир Темур уни бу гал ҳам кечиради.

Катта мартаба-ю бойликларнинг бевафолиги ҳақида унга насиҳатлар қиласди, ўзининг «rosti-raсти» яъни «тӯғри бўлсанг нажот топгайсен» деган эътиқодини заслатади. Охирида яна олий бир саховат кўрсатиб, Зиндачашмга «Олтин камар, тубучоқ от олтин анжоми билан, қатор туялар ва хачирлар инъом қилди. «Ул тақи (яъни Зиндачашм) хизматкорлик камарини белига боғлаб, бандаликка машғул бўлди»¹ деб ёзди Яздий.

Мана шу тарзда ўнлаб бўйнийўон амирларни ито-атга келтириш ва мамлакатни ичдан жисплаштириб, марказлашган кучли давлат тузиш Амир Темурдан ниҳоятда зўр донолик, сабр-бардош ва ақл-заковат талаб қиласди. Жумладан, Хўжанд вилоятини ҳокими Амир Боязид Амир Ҳусайнга орқа қиласди, Амир Темурни анча вақт тан олмай юрди. Балҳда Амир Ҳусайн ҳокимияти йўқотилгандан кейин Амир Темур Хўжанд ҳокимига нуфузли элчилар юбориб, марказий давлатга қўшилишини таклиф этди. Лекин Боязид бу таклифни рад қиласди. Аввалги сиёсатини давом эттириб, мўғул ясоси асосида иш юритди, чингизийлар жорий этган шилон қўналға каби оғир солиқлар билан аҳолининг норозилигини кучайтирди. Ҳолбуки, Амир Темур давлатига қўшилган қўшни вилоятда бу солиқлар бекор қилинганини, ҳамма иш шариат қонунлари асо-

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1996. 71-бет.

сида адолат билан олиб борилаётганини хўжандликлар кўриб турар эдилар. Воқеа нима билан тутагани «Темур тузуклари»да шундай баён этилади: «Амир Боязид Хўжанд вилоятини тасарруф этган эди. Унга дўстона насиҳат қилсам қабул қилмади. Оқибатда ўз улусининг одамлари унга қарши чиқишиб, тутиб олиб олдимга келтирдилар. Мен ўттан ишларни юзига солмай, унга илтифотлар кўргаздим. Буни кўргач ўзи уяди».

Мана шу тарзда қон тўкмай яхши муомала билан Хўжанд вилоятини ҳам Амир Темур марказий давлат таркибиغا қўшишга муваффақ бўлади.

Тошкент вилоятида мўғул қабиласи ҳисобланадиган Ясавурийлар ҳукмронлик қилар эдилар. Улар Амир Темур давлатини анча вақт тан олмай юрдилар. Фақат Амир Ҳусайн ўлгандан кейин унинг бева қолган хотинларидан бири Ислом оқони Амир Темур ўз ҳимоясига олгани ва иддаси ўтгач, никоҳига ўтказгани вазиятни ўзгартирди. Чунки Ислом оқо Ясавурийларнинг қабила бошлиғи Ҳизр Ясавурийнинг қизи эди. Амир Темур энди Ясавурийлар қабиласига куёв бўлгани икки орадаги ишончни мустаҳкамлайди.

1370 йилда Ясавурийлар ихтиёрида бўлган Тошкент ҳам Амир Темур тузган янги давлат таркибига киради. Лекин ҳали Хоразм ўлкаси шимолдаги Олтин Ўрда асорати остида эди. Сирдарёning қуий оқими бўйларида жойлашган Сифноқ ва Ўтрор шаҳарлари то Туркистонгача чингизийлар империясининг Оқ Ўрда деб аталадиган давлатига тобе эди. Даشت Қипчоқнинг чексиз кенгликларида ҳамон босқинчи мўғул империяси ҳукмронлик қилмоқда эди. Фақат бу империянинг марказий қисми ҳисобланган Мовароуннаҳрда, Туронда энди мустамлака занжири узилиб, парчаланди, унинг ҳалқалари турли томонга сочилиб кетди. Марказий ҳалқаси узилган занжирнинг қолган ҳалқалари ҳам бирин-кетин парчаланиб кеттанини воқеаларнинг кел-

гуси ривожи кўрсатади. Бу йўлда ҳали Амир Темур ва унинг ботир қўшиналари яна жуда кўп мاشаққатлар чекади ва жасоратлар кўрсатади.

Шунга қарамай, 1370 йил тарихимизда олтин ҳарфлар билан ёзиладиган унтилмас сана бўлди. Шу йилдан эътиборан Амир Темур ўз қаламравидаги барча вилоятларда мўғул истилочилари жорий этган шафқатсиз тартиб-қонунлар ва оғир солиқларни бекор қилдирди. Катта ариқлар қаздириб, қақроқ чўлларга сув чиқартирди. Жумладан, Дарғом ва Эски Ангор каби каналларни Амир Темур қурдиргани халқ хотирасида сақданиб қолган. Чингизхон вайрон қилдирган Самарқанд қалъаси Амир Темур раҳбарлигида 1370 йилнинг ёзида қайта тикланди ва мустаҳкам қилиб қурилди. Бу катта ишда барча аскарий кучлар иштирок этдилар. Усталар ҳар бир амир ва унинг сипоҳларига қурилиш ишларининг маълум бир қисмларини тақсимлаб бердилар. Кўп ишлар ҳашар йўли билан бутун халқ иштирокида амалга ошди. Амир Темур қурдирган Самарқанд қалъаси ҳеч қандай душман куч билан ололмайдиган берк ва мустаҳкам қўрғон бўлганини Бобур Мирзо орадан 128 йил ўтгандан сўнг «Бобурнома»-нинг 1498 йилги воқеаларида шундай таърифлайди: «Ҳеч қандай ёғий қаҳр ва ғалаба била мунча даст топмағон учун Самарқандни «балдаи маҳфуз» дерлар... Қўрғоннинг фасли устидан буюрдимким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқди»¹.

Қўрғоннинг фасли деганда — қўрғон деворининг қалинлиги туфайли унинг тепасидан икки киши бемалол юриб ўтиши назарда тутилади. Айланаси ўн минг олти юз қадам эканини айтиш билан Бобур Мирзо унинг буюклигига далил келтиради. «Балдаи Маҳфуз» сўzlари илоҳий қудрат ҳимоясидаги шаҳар маъносини билдиради.

¹ Бобурнома. 1990. 43-бет.

Амир Темур йўлбошчилик қилган ҳалқнинг ва қўшиннинг қудратини қарангки, шундай катта қўрғонни ва унинг ичидаги иморатларни ярим йил ичидаги бунёд этадилар. Шундан сўнг янгидан қурилган Самарқанд қўрғонида 1370 йилнинг кузида улкан қурутой ўтказилади. Бу қурутойга мустамлака зулмидан кутулган, чингизийлар асоратидан озод бўлган Тошкенту Хўжанд, Бухоро ва Қарши, Термизу Балх, Шибирғону Фузор, Бадаҳшону Қундуз ва бошқа ҳамма вилоятлардан вакиллар йигилиб келади. Улар ҳалқозодлик ҳаракатига йўлбошчилик қилган, Турон элини озодлик ва мустақиллик кунларига етказиб келган Амир Темурни ўзларининг энг олий ҳукмдорлари деб эълон қиладилар. Бу ҳақда Сайд Барака бошлиқ уламолар маҳсус фатволар ёзиб, бутун вилоятларга, кўшни мамлакатларга, ҳатто муқаддас Маккаю Мадинага ҳам хушхабар юборадилар. Шу тарзда Ватанимиз тарихининг Амир Темур фаолияти билан бошланган янги зарварақлари очилади.

Энг баланд тоғ чўққиси ана шундай баланд чўққидан кўзга аниқроқ кўринади. Биз ҳам Амир Темур етакчилигида ҳалқимиз зришган мустақилликнинг нақадар юксак қадрият бўлганини Ўзбекистон истиқлоли йилларида яққол кўрдик ва дил-дилдан ҳис қилдик.

Истиқдол шарофати билан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид асл манбалар кенг истеъмолга киритилди. Ҳозирги даврда одамлар чиндан содир бўлган ҳақиқатларни билишга кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёжни қондириш учун барча тарихий воқеаларни илмий жиҳатдан асослаб бериш, қайси тарихий факт қайси манбанинг нечанчи саҳифасидан олинганингача аниқ кўрсатиш, айни вақтда, уларни кўпчилик яхши тушунадиган жонли сўз ёрдамида таҳдил ва талқин этиб, қизиқарли шаклда китобхон дилига етказиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон», Бўрибой Аҳмедининг «Амир Темур», Муҳаммад Алининг «Буюк сал-

танат» каби асарлари адабиётимизда ўзига муносиб ўрин олди. Биз уларни қўллаб-кувватлаган ҳолда, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид ҳали етарли даражада ишланмаган мавзуларга эътиборни қаратмоқдамиз.

Яқинда биз билан хайрлашган йигирманчи аср дунёдаги кўпгина халқларнинг мустамлака зулмидан қутублиб, мустақил тараққиёт йўлига кирган озодлик аспи бўлди. Истиқлол шароитида халқлар ва мамлакатларнинг ривожи беқиёс даражада тезлашганини бутун одамзоднинг тарихий тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу сабабли ўз ватанини мустамлака зулмидан озод қилган ва бошқа тутқин элларнинг босқинчилар асротидан қутулишга ёрдам берган тарихий сиймоларнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Бунинг ёрқин далили сифатида Амир Темурнинг 660 йиллиги нафақат унинг турилиб ўсган диёри Ўзбекистонда, балки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Париждаги қароргоҳи бўлмиш ЮНЕСКОнинг катта саройида юксак эҳтиром билан нишонланганини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Амир Темурга нисбатан тарихийadolatни тиклашда бош ташаббускор ва ташкилотчи бўлган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Соҳибқироннинг фаолиятидаги устувор йўналиш фақат жаҳонгирлик ва фотихлик эмас, балки она ватанини мустамлака зулмидан қутқариш, истиқлол ваadolatни қарор топтириш бўлгани ҳақида қўйидаги муҳим ва янги фикрни билдирган эди:

«Мўрул истибоди авжига чиққан йилларда Мовароуннахрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт ўзининг тарихий номини ҳам йўқотиб мустамлака ўлкасига — Чиратой улусига айланиб қолган эди.

... Чексизadolatsizlikлардан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз айниқса чуқур ҳис қиласиз. Чунки орадан олти аср ўтиб, худди шундай кўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушган эди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда ҳалқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байробигни баланд кўтарди. Пароканда эллар, златларни бирлаштириб марказлашган қудратли давлат тузди... Зурриётларига қарата «Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раиятни бошқаринглар!», — деб васият қилиди»¹.

Чиндан ҳам, бугунги авлодлар мустамлака даврларида озод ватан орзуси билан яшаб, курашиб, шу орзулари ушалган мастьуд кунларга етиб келдилар. Амир Темур ва унинг замондош-сафдошлари ҳам узоқ вақт озод ватан орзуси билан яшаб, курашиб, ниҳоят, бу орзуларини рӯёбга чиқарганинни биз минг йилларга татийдиган қадрият деб эъзозлаймиз.

ЖАҲОН МИҚЁСИГА ЧИҚҚАН ФАОЛИЯТ

ИККИНЧИ ҚИСМ

ЧИН ИНСОНИЙЛИК ВА СОХТА ИЛОҲИЙЛИК

Улкан дарёлар аввал ўз ўзанларини обиҳаётга тўлди-радилар. Шундан кейин чашмалар ва ирмоқлар сувини шу ўзанга йириб, тутганмас куч-қудрат билан узоқ ўлкалар ва мамлакатларга оқиб борадилар. Шунга ўхшаб, Амир Темур аввал ўзи туғилиб ўсган диёрни озод ва обод қилиб куч-қудратга тўлдирди-да, кейин жаҳон кенгликларига чиқа бошлади.

Турон халқи 1370 йилги истиқлол кунларида Амир Темур тузган марказлашган давлат атрофига жиспалишиб, Соҳибқироннинг бошига олтин тож кийдирди, белига тилла камар боғлаб, мустақил Турон давлатининг подшоси сифатида таҳтга чиқарди.

Шу билан ватанимиз тарихида ҳам, Амир Темур ҳаётида ҳам жуда катта ижобий ўзгаришлар даври бошланди. Ўнлаб йиллар давом этган бу олтин даврда Амир Темур ватанимизни бутун дунёга танитди. У мустақил Турон давлатининг султони эканидан ифтихор қилганини 1391 йилда Тўхтамишхон тажовузларига қарши 200 минг қўшин билан жангта бораётганда Даشتி Қипчоқ марказидаги Улууртоғнинг улкан харсангтошига ўйдириб ёздирган ёдгорлик кўрсатиб туради. Олти аср муқаддам бизнинг она тилимизда битилган ва ҳамон ярқираб турган бу ёдгорлик ҳозир Санкт-Петербургнинг Эрмитажида сақланмоқда.

«Темур тузуклари»ни синчиклаб ўқисангиз, Амир Темур шону шуҳратнинг энг юксак чўққиларига қўтарилиган пайтларида ҳам ўзидан юқорида илоҳий қуд-

рат борлигини унутмайди. «Улкан ғалабалар менга Оллоҳнинг инояти билан насиб этди» деб ишонади.

Амир Темурга илоҳий ҳақиқатлардан сабоқ берган пири комили Тоёбодий унга ёзган мактубларида «Сен тангри буюрган яхши ишларни қанча кўп қиласанг, Оллоҳ сенга иноят ва кароматини шунча оширгай»¹, — деган эътиқодни соҳибқироннинг қалбига сингдиради.

Амир Темур чин диёнат соҳиби бўлганлиги учун доим ўзини яратганинг олдида масъул сезади, қанчалик довюрак инсон бўлмасин, худонинг ғазабидан қўрқади. Бу ҳақда «Темур тузуклари»да шундай дейди: «Ҳеч ишда танглик (адолатсизлик) қилмадим, тики тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин»².

У озодлик ва мустақиллик учун курашган йилларидаги раият» деб аталадиган кўпчилик фуқаронинг орасида яшаб, оддий одамларнинг ҳаётини жуда яхши ўрганган эди. Энди у подшоҳ бўлиб давлатни бошқартаётган даврида халқнинг хоҳиш-иродасини яхши билганлиги унга барча соҳаларда инсоф ва адолат билан иш олиб бориша жуда қўл келди.

Биринчи навбатда Чингизхон вайронага айлантирган шаҳар қишлоқларни қайта тиклаш ва обод қилишга киришилди. Аввало Қарши, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари тикланиб обод бўлди, Нақши Жаҳон, Боги Биҳишт, Боги Чинор каби ўн иккита гўзал боғ пойтахт Самарқандга янгича ҳусни тароват бахш этди.

Кўчманчи чингизийлар жуда кўп экинзорларни топтаб, бузиб, мол боқадиган партов ерларга айлантирган эдилар. Энди Амир Темур фармони билан ташландиқ ерларга сув чиқариш зарур бўлди. Уларни яна экинзорларга айлантиromoқчи бўлган деҳқонларга давлат хазинасидан маълум муддатта қарзлар берилиди.

Бу қарзлар ёрдамида янгидан ариқлар қазилиб, ташландиқ ерлар ўзлаштирилди. Адолат юзасидан Амир Темур яна бир олижаноб иш қилди: «Янги ўзлаштирилган ерлардан биринчи йил солиқ олинмасин, ик-

¹ «Темур тузуклари». 2005. 72—73-бетлар.

² Ўша китоб. 64-бет.

кинчи йил фақат солиқнинг ярми олинсин» деган фармон чиқариб, янги ер очган дәхқонларни рағбатлантириди. Бу тадбир натижасида экинзорлар кўпайиб, мамлакат маъмурчилик ва фаровонликка зриша бошлади.

Чингизийлар даврида эл-юртнинг тинкасини қутидиган солиқлар кўп эди. Бу солиқлар фақат Туронда эмас, Чингизийлар ҳукмронлик қилган барча ўлкаларда халқларнинг бошига биттан бир бало бўлганини қуидаги мисодда кўриш мумкин.

Академик Б.Д. Грековнинг «Олтин ўрда» деб аталган китобида чингизийларнинг рус халқидан асрлар давомида зўравонлик билан олиб турган ўлпон ва солиқлари тўғрисида шундай тарихий даиллар келтирилган:

«Ботухон давридан бошлаб Россия аҳолиси рўйхатга олинарди ва шунга қараб жон боши солиғи тўланарди. Бундан ташқари экин солиғи, чорва солиғи, уй солиғи, хатто омбор тўлови деган солиқлар ҳам ундириларди.

Бож солиғи, ёмхона солиғи, амалдордар келганда уларни кутиб олиб, совға-салом билан жўнатиш учун тўланадиган солиқлар ҳам бор эди. Бу солиқлар ҳаммаси босқоқлар деб аталадиган қуролли солиқчилар томонидан шафқатсизлик билан ундириларди. Солиқ тўлашдан бош тортганлар Чингизхон Ясосига биноан ўлим жазосига ҳукм қилиниб, мол-мулки таланарди... Аҳолининг мол-мулкини талаш мўғуллар уруш олиб борган пайтда одат ҳисобланарди. Урушлар тугаб, ғолибларнинг тинч даврда ҳукмронлик қилиши бошлангандан сўнг халқни талаш солиқлар воситасида амалга оширила бошлади. Александр Невскийдек машҳур князъ ҳам мўғулларнинг солиқ ундирувчи босқоқлари зулмига қарши чиқолмасди. Новгород шахрида оддий фуқаролар ҳаддан ортиб кетган солиқ юкига қарши қўзғалон кўтаради.

Буюк князъ Александр Невский хон қўшинлари аҳолини Яса қонунига биноан қириб ташлаши мум-

кинлигидан хавотирлангани учун босқоқларни ҳимоя қилади ва Новгород аҳолисидан илтимос қилиб, талаб қилинган соликларни ундириб беради»¹.

Амир Темур тузган мустақил Турон давлати Россияда яна ўнлаб йиллар давом этган мана шундай шафқатсиз солик тизимини 1370 йилдаёқ таг-томири билан йўқ қилди. Хусусан, жон солиги, уй солиги, емхона солиги, қўналга солиги каби фақат мустамлакачи чингизийлар манфаатига хизмат қилган оғир тўловларнинг бекор қилингани халқнинг иқтисодий аҳволи яхшиланишига олиб келди.

Амир Темур чиндан ҳам халқ орасидан чиққан ва унинг қудратига суюниб иш олиб борадиган раҳбар бўлгани учун «раият» деб аталадиган оддий фуқароларнинг аҳволини яхшилашга биринчи наебатда эътибор беради. «Темур тузуклари»да бу ҳақда шундай дейлади:

«Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим... Уларнинг мижозларига, табиатига тўври келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб қўйдим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-қилмишларини, булар ўртасида ўзаро муносабатларни хатга битиб, менга билдириб туришлари учун диёнатли, тўғри ёзувчи кишиларни белгиладим. Борди-ю, эгри ёзганлари менга маълум бўлса, уларни жазоладим. Ҳокимлару сипоҳлардан қай бирининг халқقا жабр зулм етказганини билсан, (таъкид бизники. — П.К.) дарҳол уларга нисбатан адолату инсоф юзасидан чора кўрдим»².

Амир Темур давлатида етти вазир иш олиб боради. Ислом қозиси шариатга оид ишларни кўради. Дунёвий ишларни ажрим қиладиган қозихона алоҳида бўлади ва подшоҳ раҳбарлигига мустақил иш олиб боради. Булардан ташқари, девонхонада арзбеги деб аталади-

¹ Б. Греков, А. Якубовский. Золотая Орда. М., 1950. С. 226—227.

² «Темур тузуклари». 2005. 65-бет.

ган нуфузли амалдор ҳам ишлайди, раият ва сипоҳ арз-дод қилиб подшоҳ даргоҳига келса, уларнинг арзини эшитиб, Амир Темурга маълум қилиб туради.

«Яна буюрдимки, — дейилади «Темур тузуклари»-да, — амирлар, мингбошилар раиятдан моли жиҳот (яъни экин ҳосилидан олинадиган давлат улуши — учдан бир ёки бешдан бир қисм бўлади) йиққанларида хирождан ортиқча саворий, қўналға ва шилон талаб қиласинлар».

Биз юқорида ҳам айтиб ўтган бу соликлар чингизийлар даврида от мингган амалдор келса, унга совға бериш, элчилар, чопарлар келса, уларни ҳалқ ҳисобига меҳмон қилиш, ҳатто подшоҳлар берадиган зиёфатлар учун аҳолидан пул йириш одатларини баъзи амалдорлар Туронда мустақиллик даврида ҳам қўймас здилар. Шунинг учун Амир Темур мӯғуллардан қолган бу сарқит урф-одатлардан кутулиш ҳақида ўз амалдорларига қайта-қайта буйруқ берар ва уни бажармаганларни жазога тортарди. Айниқса, раиятни ҳақорат қиласидан, калтаклайдиган амалдорларга Амир Темур аёвсиз жазо берарди. «Хирожни раиятдан калтаклаш, савалаш йўли билан эмас, балки тушунтириш, огоҳлантириш йўли билан ундирысинлар. Қайси ҳокимнинг сўзи ва хукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундей ҳоким хукумат юргизишга яроқсиздир» дейилади «Темур тузуклари»да¹.

Қаранг, бугунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган бу доно сўзлар Амир Темурнинг факат сўэда эмас, амалда адолат учун тинмай кураш олиб борганини, ҳалқни золим амалдорлардан астойдил ҳимоя қилганини кўрсатади.

«Тузуклар» деб туркий сўз билан аталган янги қонун-қоидалар Амир Темур тузган ҳалқпарвар давлатнинг минг йиллик тарихимиизда мисли кўрилмаган янги типдаги адолатпарвар давлат бўлганидан далолат беради.

¹ «Темур тузуклари». 2005. 86-бет.

Бу давлат маҳкамаларида эрта-ю кеч иш олиб борадиган етти вазирдан бирига эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочиб йўқолганларга тегишли мол-мулкларни омонат тарзида сақлаш вазифаси юкланди. Маълумки, чингизийлар кўпроқ бадавлат одамларни ўлдириб, уларнинг эгасиз қолган моллари ҳисобига бойир эдилар. Амир Темур ўлаксахўрликка ўхшайдиган мана шу жирканч одатта бутунлай чек қўяди. Эгалари ўлган ёки йўқолиб кетган мол-мулкларнинг меросхўрлари топилса, бу ишга мутасадди бўлган вазир ушбу мол-мулкни ўз меросхўрига топширади.

«Амр этдимки, — дейилади «Темур тузуклари»да, — агар ўлганларнинг ворислари топилмаса, улардан қолган мол-мулкни хайрия ишларига сарфласинлар ёки Маккай муazzзамага юборсинлар!»¹.

Амир Темур давлатида биринчи ўринда раият вазири турса, ундан кейинги иккинчи ўринни сипоҳийларнинг ҳарбий вазири эгаллаган эди. Чунки ҳали чингизийлар империяси Олтин Ўрдада, Оқ Ўрдада, Мўғулистанда катта кучлар билан янги тажовузларга тайёр турар эди. Уларга бас келиш учун мустақил Турон давлати ўзининг қудратли қўшинига эга бўлиши керак эди. Шунинг учун Амир Темур Туроннинг ботир йигитлари ҳисобига ўз лашкарининг сафларини аввалгидан бир неча баробар кенгайтирди. Ҳарбий хизматга кирган сипоҳиларга давлат ҳисобидан қурол-яроғ, кийим-кечак, ҳатто ҳар саккиз аскарга биттадан чодир беришни буюрди. Барча аскарлар маош олиб хизмат қиласиган бўлдилар. Бу маош билан аскарлар ўз оиласарини ҳам боқиши имконига эга эдилар. Шунинг учун Амир Темур қўшинларида хизмат қилувчилар сони йил сайин кўпайиб борар эди.

• • •

Айрим тарихчилар «Амир Темурнинг саркардалик фаолияти Чингизхоннинг лашкарбошилик фаолиятига ўхшаш бўлган», деган мунозарали фикр билдира-

¹ «Темур тузуклари». 2005. 123-бет.

дилар. Биз бу фикрни ҳатто баъзи китобларнинг сарлавҳаларида ҳам кўрамиз. Масалан, М.И. Иванин деган рус олими XIX асрда «Чингизхон ва Темурланг даврида мўғил-татарлар ва Ўрта Осиё ҳалқларининг ҳарбий санъатлари ва босиб олган ерлари ҳақида» деган китоб ёзган эди. Бу китобда Амир Темурнинг ҳарбий санъати ва ўз қўпинларига муносабати Чингизхоннига ўхшаш жойлари ортиқча таъкид билан ёзилади. Академик А. Якубовский «Олтин Ўрда» номли китобида М. Иваниннинг фикрига эътироуз билдириб, Амир Темур қўшинларининг Чингизхон лашкарига нисбатан катта фарқлари бўлганини тарихий далиллар билан исботлаб беради. Масалан, Чингизхон ўз навкарларига маош тўламаган. Тарихчи Жувайнийнинг қўйидаги сўзлари А. Якубовский томонидан бу фикрга далил қилиб келтирилган: «Чингизхон ясасига биноан ҳарбий юриш пайтида навкарлар ярим оч аҳволда бўларди, чунки Чингизхоннинг айтишича, «қорни тўқ този яхши ов қилмайди, қорни оч бўлса жон-жаҳди билан ўлжага ташланади». Маопи билан қорни тўйган навкар ҳам яхши жанг қилмайди»¹.

Ўз навкарларини овчи итларга ўхшатган Чингизхон уларни фақат талончилик ҳисобига яшашга, урушда олинган ўлжалар билан бойишга ўргатар эди.

Амир Темур билан Чингизхоннинг бу борада тутган йўллари бир-бирига бутунлай қарама-қарши бўлганини шунда кўрамизки, Амир Темур ўз аскарларини овчи итлар эмас, ўзи каби инсон фарзандлари деб биларди. Сипоҳийларни рафбатлантиришга баришланган маҳсус тузукда Амир Темур шундай дейди: «Буюрдимки, ҳеч бир сипоҳийнинг хизматлари назардан четда қолмасин. Чунки улар давлат хизматида экан, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзи инъомга ва моддий таъминотга лойиқдир. Қайси бир сипоҳий хизматда юриб, қарилик ёшига етаркан, уни ойлик ҳақдан маҳрум этмаслик керак».

¹ Б. Греков, А. Якубовский. Золотая Орда. М., 1950. 342-бет.

Бу ерда жонини аямай жангга борадиган аскарларга нисбатан чин инсонларча муносабат билдирилади. Навкар қариганда ҳам ҳақ олиб туриши бугун фахрийларга бериладиган пенсияларни эслатади. Бу факт Амир Темурнинг ўз давридан қанчалик олдинга кетган лашкарбоши бўлганини кўрсатади.

Тузукларда сипоҳийларга бериладиган маошнинг микдори ҳам кўрсатилган:

«Оддий сипоҳийга, ўз вазифасини ўринлатиб бажариши шарти билан бериладиган маош у мингандан отининг баҳосига баробар бўлсин.

Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайин этилсин...

Яна буюрдимки, сипоҳийларнинг ҳар бирига маош олиш ёрлиги топширилсин. Уларга берилган маблағ микдори шу ёрлирганинг орқасига ёзиб қўйилсин. Амр қилдимки, пиёдалар, ясовулларнинг {қўриқчилар} бир йиллик маошларини ҳисоблаб, бу маблағни девонхонага келтириб, уларга шу ерда олдиндан улашсинглар. Оддий сипоҳийлар ва баҳодирларнинг олти ойлик маошини ҳам ҳисоблаб, хазинадан олиб беришни буюрдим»¹.

Ҳарбий юриш пайтида, хатарли жанг арафасида Амир Темур ўз аскарларини «укулка» деб аталадиган кўшимча маош билан рағбатлантирган. Масалан, Йилдирим Боязид билан бўладиган жанг арафасида барча сипоҳийларга етти йиллик маошлари олдиндан берилган. Албатта, бундай катта ғамхўрлик ва саховат кўшинларнинг ғайрат-шижоатини оширувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Шу фактларнинг ҳаммаси Амир Темурнинг саркардалик фаолияти Чингизхоннинг саркардалик фаолиятидан тубдан фарқ қилганини яққол кўрсатиб турибди.

Шунга қарамай М. Иваниннинг китоби 1994 йилда Тошкентда «Хазина» нашриётида чоп этилганда унинг

¹ «Темур тузуклари». 2005. 83—85-бетлар.

ўзбекча таржимаси аслиятта зид равишда ўзгартирилган. Яъни, Амир Темур Чингизхон билан бир қаторга қўйилган ва китоб: «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур» деб аталган. Аслиятда эса М. Иванин Амир Темурнинг ҳарбий санъатини Ўрта Осиё ҳалқларига мансуб қилиб кўрсатган. Чунки М. Иванин «Темур тузуклари»ни яхши билган ва унда Ўрта Осиё ҳалқдарининг Амир Темур бошчилигида чингизийлар зулмига қарши кўп йил кураш олиб борганини ҳисобга олган.

Амир Темурнинг ҳарбий санъати ҳалқ-озодлик ҳаракати таъсирида шакллангани учун унинг раият ва сипоҳийларга муносабатида адолат ва инсонпарварлик устун туради. Чингизхоннинг ғайриинсоний талончиликка асосланган саркардалик фаолиятида, аксинча, раиятни аёвсиз қириш, сипоҳийларни эса ярим оч този итлар каби ўлжа ортидан югуртириш тамойили устуворлик қиласи. Амир Темур билан Чингизхон бир-бирларига қарама-қарши қонун қоидаларга асосланиб иш олиб борганлари, айниқса Чингизхон Ясаси билан «Темур тузуклари»ни бир-бирига қиёслаганда кўзга яққол ташланади. Шунинг учун М.И. Иванин ва ундан олдин Амир Темурнинг ҳарбий санъати ҳақида китоб ёзган француз олимни М. Шармуа «Темур тузуклари»ни энг ишончли автобиографик манба сифатида тан оладилар ва унда келтирилган тарихий фактларга суюниб фикр юритадилар. Бироқ академик А.Ю. Якубовский бу икки олимнинг «Темур тузуклари»га бўлган тўғри муносабатларини асоссиз равишда танқид остига олади: «Ҳозирги вақтда яхши маълумки, — дейди А.Ю. Якубовский, — «Темур тузуклари» автобиографик характерга эга эмас, балки Ҳиндистонда XVII асрда бошқалар томонидан иншо қилинган асардир. Шу сабабли равшанки, бу асарда Темурнинг ҳарбий тузилмалари ҳақида айтилган ҳамма нарса ишончли материал бўлиб хизмат қилолмайди»¹.

¹ Б. Греков, А. Якубовский. Золотая Орда. М., 1950. 340-бет.

Ишончли илмий материал сифатида ҳурматли академик яна ўз ҳамкасби В.В. Бартольднинг «Темур тузуклари» XVII асрда Ҳиндистонда бошқа муаллиф томонидан ёзилган» деган фикрини ва Ибн Арабшохнинг уйдирма ёлғонлар аралашган «Темур тарихида тақдир ажойиботлари» деган китобини келтиради.

Биз ҳурматли академикларнинг бу масалада кўпроқ Ибн Арабшоҳга ишониб адашганларига ишимизнинг бош қисмида бир қатор илмий даиллар келтирган эдик. Бу ерда уларни тақрорлаб ўтирасдан, фақат «Темур тузуклари»га баҳо беришда А.Ю. Якубовский эмас, М. Шармуа ва М.И. Иванинлар ҳақ эканини айтиб ўтмоқчимиз.

«Темур тузуклари»ни тан олмасдан ва чуқур идрок этмасдан туриб, Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш мумкин эмас. Унинг саркардалик даҳоси ҳалқ-озодлик ҳаракатига етакчилик қилиб, ватанини мустамлакачи чингизийлардан халос қилиш даврида Камол топгани «Темур тузуклари»да ажойиб донолик ва ростгўйлик билан очиб берилган.

• • •

Мустақил Турон давлати тузилгандан кейин ҳам ҳали чингизийлар асоратидан халос қилинмаган элларни мустамлака зулмидан озод қилиш учун кураш Амир Темур фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Душмандан озод қилинган ўлкаларда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилаётган 1371-72 йилларда Жете қўшинлари Қамарииддин деган хон бошлигига Мўгулистондан гоҳ Сайрам ва Талас воҳасига, гоҳ Фарғона водийсига бостириб кириб, аҳолининг қимматбаҳо буюмларини, от-уловлари, сурув-сурув молларини тортиб олади. Уларга қўшиб ишга яроқли бақувват йигит-қизларни ўлжа тарзида занжирбанд қилиб ҳайдаб кетади. Бир ярим асрдан бери давом этатётган бу талончиликлар оқибатида Туроннинг жуда кўп моддий бойликлари ва асир қилиб ҳайдаб кетил-

таг ўн минглаб жабрдийда фарзандлари ниҳоят энди Турон истиқлолга эришганда тутқунликдан озод бўлишни ва босқинчиларнинг шунча йиллардан бери қилаётган ёмонликлари ўзларига қайтишини кутмоқда эдилар.

Буни яхши биладиган Амир Темур 1371-72 йилларда энг аввал алоҳида эъзозга сазовор бўлган Аҳмад Яссавийнинг туғилган юрти Сайрамни ва унинг атрофидаги қишлоқ ва овулларни босқинчи Жете қўшинларидан озод қилди. Ўша пайтда Янгикент деб аталган ҳозирги Тароз шахри ва Талас воҳасини ҳам тутқунликдан қутқарди. Қамариiddиннинг қўшинлари бу қадимий туркий элларда бутун аҳоли Амир Темурга тарафдор эканини билар эдилар. Шунинг учун улар Сайрамни ҳам, Тарозни ҳам, Талас воҳасини ҳам жангсиз ташлаб қочдилар, Алма-Ати билан Иссиккўл ораглиғидаги Олатовнинг бориш қийин бўлган дараларига чекиниб кетдилар.

Босқинчиларни шамол тезлигида қувиб борган Амир Темур ва унинг қўшинлари Сайрамдан Маркигача бўлган катта ҳудудларда Жетеларнинг жуда кўп бойликларини, минг-минглаб чорва молларини, юзлаб сурув қўйларини, беҳисоб кўп йилқи ва туяларини ўлжа қилиб олдилар. Бу қўйлар, туя ва йилқиларни боқиб юрган қуллар — Турондан асир қилиб ҳайдаб кетилган бечоралар эди. Жангари мўғуллар мол боқиши, экин экиши, иморат қуриш каби «қора» ишларнинг бирортасига қўл урмас эдилар, ўзларини бойвачча ҳисоблаб, фақат от чопиш, уруш қилиш ва ўлжа олишни қасб қилиб олган эдилар. Энди бу бойваччалар Амир Темур қўшинидан қочиб узоқдаги тор дараларида сичқоннинг инини минг тангага олгудек бўлишар эди.

Амир Темур ҳали уларни Иссиккўлдан наридаги Отбоши деган жойларгача, Или дарёси бўйларигача, Юлдуз яйловигача ва ундан нарида Жетеларга пойтахт бўлиб хизмат қилаётган Олмалик шаҳригача қувиб бориб, ёвларининг жой жойи бўлган энг ичкари ма-

конларида тор-мор қиласиган кунлар ҳам келади. Лекин 1371-72 йилларда ҳали узоқ юришларга кетиб бўлмас, чунки ички адватлар ва баҳилларнинг яширип фитналари тугаб битмаган эди.

• • •

Амир Темур тоғу-тошларда ҳамон чингизийлар империясининг асоратидан қутулмаган элдошларини тутқунликдан халос қилишдек олижаноб иш билан банд бўлган пайтда унинг мулоғимлари орасида юрган Амир Зиндачашиб, саидлар авлодидан бўлган Шайх Абулвайс, Хизр Ясовурийнинг ўғли Исҳоқ деганлар соҳибқироннинг қайноғаси Амир Мусабекни йўлдан урадилар ва яширип фитна тайёрлайдилар.

Сароймулкхонимнинг акаси бўлмиш Амир Мусоҳонлар авлодидан бўлгани учун Зиндачашиб уни Амир Темурнинг ўрнига давлат бошлиғи қилишни мўлжаллади. Воқеанинг тафсилоти Ш.А. Яздида шундай баён қилинади:

«Зиндачашиб, Хизр Ясовурий ўғли Исҳоқ, Мусобек, Шайх Абдулвосий, «онтлар ичиб аҳд қилдиларки. Қора Сомон (Ўтрор яқинида) мавзеъида ҳазрат соҳибқирон овга чиққанда анга иш (яъни суиқасд) қилгайлар».

Содик кишилардан бири бу ҳодисадан воқиф бўлиб, ҳазратга келиб арз қилди. Ҳазрат ул тўрт шахсни ҳузурига чақириб сўроқ қилди... Маълум бўлдики, бу чин экан»¹.

Ноинсофликни қарангки, Амир Темур Зиндачашибнинг гуноҳларини бир эмас, уч марта кечирган, ҳатто у бир қўлида қилич, бир қўлида кафан билан келиб, тиз чўкиб узр сўраганда ҳам гуноҳини авф этиб, яна сарупо кийдирган, от ва туялар тортиқ қилиб, вилоят ҳокимлиги лавозимини берган эди. Лекин бу одамдаги баҳиллик худди Амир Ҳусайндаги ҳасад каби унинг ичини кемириб юргани учун истиқлол даврида шундай ёвуз ниятнинг ташаббускори бўлади. Унинг бу

¹ Ш. Язди. «Зафарнома», 1997. 72-бет.

ниятига Амир Мусонинг қўшилгани кишини ҳайратга солади. Чунки Сароймулхоним унга яқин қариндош бўлгани учун бу воқеадан сал олдинроқ Амир Темурнинг иккинчи қизи (Султонбаҳт бегимнинг синглиси) Ака бегини Амир Мусонинг ўғли Мұхаммадга номзод қилиб, фотиҳа тўйи ўтказилган эди.

Албатта, сирлари фош бўлгандан кейин Амир Мусо ўзини Амир Темурнинг оёғи тагига ташлаб қўзда ёш билан авф сўрайди. Ҳарбий юриш пайтида уғруқда (маҳсус қўриқчилар ҳимоясида бехатар жойларда) турган Сароймулхоним ҳам опасининг ўғли бўлган Амир Мусога шафоат сўрайди. Амир Темурнинг кечиримлилигига яна бир марта қойил қоламиз.

Унинг ҳал қилувчи сўзларини Ш.А. Яздий ўз китобида келтиради. Амир Темур айтади: «Ҳар неча улур ёзуқ чиндан содир бўлибдур. Аммо орамизда қариндошчилик бўлғон учун бу ёзуқни афв қилдим ва тақи соқолининг оқи ҳурматидан кечдим». Амир Темур Шайх Абулвосий сайидлар авлодидан бўлгани учун унинг қонидан ҳам кечади. «Аммо энди бу мамлакатда турмагайсен» деб, шайхни Каъба сари юборди¹.

Хизр Ясовурийнинг ўғли Исҳоқ Амир Темурнинг яқин дўсти бўлган амир Сайфиддиннинг қайин ивиси бўлар экан. Сирнинг фош бўлишига шу йигит сабабчи экан. Амир Сайфиддин ораға тушиб, уни ҳам ўлим жазосидан олиб қолади. Факат бу фитнанинг бошида турган Зиндачашм Опардийни Амир Темур ҳукми билан банди қилиб Самарқандга олиб бордилар ва зинданга ташладилар. У умрининг қолган қисмини зинданда ўтказди, қариб-чириб ҳаётдан кўз юмди.

• • •

Амир Темур Жете қолдиқларини Талас дарёси бўйларидан қувиб чиқариб, у ерда яшаетган туркий аҳолини жетелар асирилиги ва қуллик занжиридан озод қилган сари минглаб меҳнатсевар ҳунармандлар, қурув-

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 72-бет.

чилар, чўпонлар ва бошқа касб эгалари жетелар қувилган Сайрам, Тороз, Ясси, Ўтрор каби туманлардан, Талас, Арис каби Сирдарёга қуйиладиган сув бўйларидан, Марки чўлларидан ота-боболари яшаган Фарғона водийсига, Зарафшон ва Сурхон воҳаларига қайтиб кела бошладилар.

Улар билан бирга талончи жетелардан тортиб олинган юзлаб сурув қўйлар, беҳисоб чорва моллари, Турондан тортиб олиб кетилган олтин-кумуш буюмлар, қимматбаҳо анжомлар ҳам Амир Темур томонидан Туронга қайтариб олиб келинмоқда эди. Бу минг-минглаб қўй, от ва туялар, рўзгор анжомлари ва буюмларнинг катта бир қисми Жете асоратидан қутулиб, ватанига қайтаётган элдошларимизга Амир Темур буйруғи билан тақсимлаб берилмоқда эди. Тутқунлиқдан қутулиб ўз ватанларига қайттан элдошларимиз давлат ёрдамида ер олиб, уй-жой қилиб, оила кўриб, фаровон ҳаёт кечиришга муяссар бўлмоқда эдилар.

Чингизхон қирринлари натижасида Туронда аҳоли ҳийла камайиб кетган эди. Мана энди ватанларига қайтаётган ўн минглаб элдошларимиз ҳисобига аҳолининг ўсиши ҳам ҳийла тезлашади.

Амир Темур олиб бораёттан бундай ҳалқпарвар сиёсат нафақат Мўгулистондаги ғанимларда, балки шимолдаги Олтин Ўрда ҳукмдорларида ҳам адоват туйғусини уйғотмоқда эди. Улар Сирдарё бўйида жойлашган қадимий туркий шаҳар — Сирноқни Жўжи улусига қарашли Оқ Ўрданинг марказига айлантирган эдилар. Шимоддан Олтин Ўрда ва шарқдан Оқ Ўрда Хоразмни икки томонлама қарамликда тутар эдилар. «Бўлиб ташлаб бўйсиндир» деган мустамлакачилик сиёсати бу ерда ҳам амалга оширилар эди. Қадимдан Турон-Туркистоннинг узвий бир қисми бўлған Хоразмни Чингизийлар ўзларига қарам қилиб, мустақилликка эришган Туронга қарши гиж-гижлай бошладилар.

1373 йилда Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфи Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган ва Турон давлати ҳудудига кирадиган қадимий Қиёт шаҳрига ва Бухоро ви-

лоягининг туманларига қўшин билан бостириб келиб, талончилик қилади. Босқинчилар Қиёт қалъасининг ичидаги бир қанча иморатларни бузадилар, ишга яроқли юзлаб йигит-қизларни қул қилиб олиб кетадилар.

Самарқандда туриб бу ҳодисадан хабар топган Амир Темур ушбу адолатсизликни аввал жангу жадалсиз тинч йўл билан бартараф қилмоқчи бўлади. Алуфа Тавочи деган нуфузли бир амирни Хоразмга Ҳусайн Сўфи ҳузурига элчи қилиб юборади. Хива ва Қиёт азалдан Туронга қарашли шаҳарлар эканини, ҳатто Чингизхон даврида бу шаҳарлар Чиратой улусига тобе деб ҳатлаб берилганини Алуфа Тавочи Ҳусайн Сўфига Амир Темур номидан яхшиликча тушунтиришга уринади. Аммо ўзини жуда катта оладиган ва Чингизхон авлодларига яқинлигидан ўта мағрур бўлган Ҳусайн Сўфи элчига қўйидагича жавоб беради: «Қиёт ва Хивакни мен қилич билан олибмен, яна қилич била мен-дан олгайлар».

Бу сўзлар Амир Темурни урушга чорлагандай бўла-ди. У дарҳол Хоразм юришига тайёргарликни бошли-ди. Шунда Амир Темурнинг нуфузли маслаҳатчилари-дан бўлган Мавлоно Жалолиддин Кеший орага тушади. Уруш бўлса қон тўклиши, ҳар икки томондан мусул-монлар ташвишда қолишини айтади. «Рұксат берсангиз, мен бориб анга (Ҳусайн Сўфига) насиҳат қиласайим»¹ дей-ди. Амир Темур Мавлонони ҳам элчи мақоми ва совра-салом билан Хоразмга жўнатади. Аммо Ҳусайн Сўфи Мавлононинг насиҳатига мутлақо қулоқ солмайди.

Мавлоно Жалолиддин Кеший Ҳусайн Сўфига Хо-разм кўп асрлар давомида Самарқанд ва Бухоро би-лаи бир давлат бўлганини, Чингизхон бу мамлакатни вайрон қилиб, аҳолисини қирганини айта бошлигандан Ҳусайн Сўфининг жони чиқиб кетади. У Чингизхон-ning осмондан тушган илоҳий руҳдан пайдо бўлгани-га ишонарди. У ўзини Чингизхон руҳига сифинувчи тақвадор сўфи деб биларди.

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 72-бет.

Шу сабабли, Чингизхонга тил текизган, уни ёмонлаб, Амир Темурни мақтаган Мавлоно Жалолиддин Ҳусайн Сўфига душман бўлиб кўринди. Ҳусайн Сўфининг буйруғи билан соқоли оллоқ Мавлоно Жалолиддин қоронри бир уйга қамаб қўйилди.

• • •

Ҳусайн Сўфининг Амир Темур элчиларига бунчалик баланддан келиб қўпол муюмалалар қилганига нозик сабаблар бор эди.

Биринчидан, Хоразм бир ярим асрдан бери Олтин Ўрдага қарам бир мустамлака эди. Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг ишонган одами Темур Қутлур Урганчда ўзига ҳашаматли қаср қурдирган, аҳоли учун жоме мачити ҳам бунёд эттирган эди. Шу билан гёё Хоразм чингизийлар юртига айлантирилган эди. Хоразм мутасаддиларининг ҳоким эмас, «сўфи» деб аталишлари ҳам уларнинг нафақат маъмурий, балки мафкуравий жиҳатдан чингизийларга қарам бир эътиқод билан яшашларини билдиради.

Масалани чуқурроқ тушуниш учун Чингизхон шахсининг қандай илоҳийлагтирилганига ва унга чин садоқат сақловчилар «сўфийлар» деган фахрли унвон ва лавозим олганликларига батафсил тўхталиб ўтишимиз жоиздир.

Мўғуллар орасида «Чингизхоннинг бобокалони Бузанжархон Аланқува деган аёлдан илоҳий нур иштирокида туғилган, шунинг учун унга худо илоҳий қудрат бахш этган» деган эътиқод жуда кенг тарқалган эди.

Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи китобида ёзилишича, Аланқува воқеаси туркий элларнинг китобларида ҳам зикр этилган.

Келиб чиқиши жиҳатидан Аланқува Ўгузхон авлодидан бўлган Юлдузхоннинг қизи экан.

«Чехраси ойдек, — деб таърифлайди Мирзо Улуғбек Аланқувани. — Гўзаллиги шу даражада эдики, кўрганлар ҳайрат бармоғини тишлар эдилар».

Аланқува тунда хиргоҳ туйнугидан кириб келиб ёстиқдошлиқ қилган илоҳий нурдан ҳомиладор бўла-ди. Аланқува малика эди. Унинг қўриқчилари осмон-дан тушадиган ва туйнукдан шуъла бўлиб кирадиган, кейин гўзал йигитга айланиб ёстиқдошлиқ қиладиган илоҳий нурни қилич билан чопадилар, аммо қиличла-ри ўзларини ярадор қилади, илоҳий нурга ҳеч ким бас келолмайди. Шундан кейин улар «бу бир мутлақ шуъладир, ҳақ нурига йўғрилгандир. Аланқува Биби Марямга ўхшабдир» деган холосага келадилар. Алан-қувадан туғилган ўғилга Бузанжархон деб исм қўяди-лар ва уни эъзоз билан ўстирадилар.

Мирзо Улугбек ҳикоясини давом эттириб, Аланқу-вадан туғилган Бузанжархон Чингизхоннинг тўққизин-чи бобоси бўлганини, Амир Темурнинг ўн тўрт авлод один ўтган бобоси ҳам ана ўшал Аланқувадан туғилган Бузанжархон эканини аниқ равshan кўрсатиб ўтади¹.

Амир Темур ва унинг авлодлари буни туркий тил-да битилган бир ривоят деб билганлар. Улар бу риво-ятта кўп ургу бермаганлар ва ўз чиқиб келишларини илоҳий қудрат билан вобаста қилишни лозим топма-ганлар. Бунга Амир Темурнинг ўз тарихини ортиқча муболагасиз фақат чиндан содир бўлган ишонарли воқеаларга асосланиб ёзишга интилганлиги ҳам сабаб бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Фақат Алишер Навоий «Сабъай сайёр» достонида Ҳусайн Бойқаронинг ул-кан истеъдод соҳиби эканини ёзганда, бунинг зами-рида момокалони Аланқувадан келган ирсий мерос бор-лигига ишора қилади: «Аноси худ Аланқува келган»².

Биз ҳам ҳазрат Алишернинг бу сатридаги теран маънони ўзимизча талқин этиб айтишимиз мумкин-ки, Амир Темурда, Улугбекда, Ҳусайн Бойқарода, Бо-бурда ва бошқа етук темурийларда кўзга ташланади-ган ёрқин истеъодлар учқуни ўша момокалонлари Аланқувадан уларга ирсий мерос бўлиб, авлоддан-ав-лодга ўтиб келган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

¹ Мирзо Улугбек. «Тўрт улус тарихи». 1994. 64—66-бетлар.

² Қаралсин: А. Ҳайитметов. Навоий сұхбатлари. Т., 1993. 191-бет.

Чингизхон ҳам ўз даврининг даҳо даражасидаги саркардаси ва давлат арбоби бўлганини, бир неча аср ҳукм сурган шундай улкан империяни тузиш жаҳонгир фотихлардан камдан-камига насиб эттанини дунё олимларининг кўпчилиги тан олади. Айниқса, Мўғул халқи унинг ҳарбий ғалабаларидан ифтихор қиласди. Чингизхоннинг 700 йиллигида Мўғулистонда унга улкан ҳайкал қўйилгани кўпчиликка маълум.

«Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига» деган мақол бежиз айтилмаган. Биз Мўғулистон халқининг миллий ғурур туйгуларига ҳурмат билан қараймиз. Айни вақтда, тарих китобларида битилган ҳақиқатлардан ҳам кўз юмолмаймиз. Масалан, тарихчи М. Иваниннинг китобида ёэилишича, Чингизхон Бухорони босиб олгач, аввал уни талатади, бегуноҳ аҳолидан ўнлаб мингини ўлдиради, кейин Бухорога ўт қўйдириб, ёндиргач, Самарқандга бостириб боради. Самарқандда туркий қавм-қанглилардан ўттиз минг аскар бўлади. Чингизхон орага одам қўйиб, уларни ўлдирмасликка ва ўз қўшини сафига олишга ваъда беради. Қангли қавмининг йигитлари бу ваъдага ишониб таслим бўладилар. Чингизхон уларни ўз қўшинига олиши учун мўғул навқарлари сингари бошларида кокил қолдириб, соч олдиришларини буюради. 30 минг қангли йигитларини кокил қўйиш баҳонасида шаҳар ташқарисига саф қилиб олиб чиқадилар. Сўнг уларни ерга ўтқазиб, ўн минг мўғул навқарига учтадан тақсимлаб берадилар.

Мўғул навқарлари «кокил қўямиз» деган алдов билан 30 минг туркий қангли йигитларнинг бошларини бирма-бир кесиб ташлайдилар. Ҳар бир мўғул навқарига учтадан бош кесиши топширилган экан. Бу ишни улар бир соатта қолмай бажарадилар. Сўнгра қангли йигитларининг ўттиз мингдан ортиқ отлари ва қуроляроғини мўғул навқарлари ўлжа қилиб бўлиб оладилар»¹.

¹ Қаралсин: М. Иванин «Чингизхон ва Амир Темур». 1994. 55-бет.

1220 йилда Чингизхон Термиз шаҳрини ўн кун қамал қилиб босиб олади ва бутун аҳолисини қатлиом қилиб қириб ташлайди. Буни эшитган Балх шаҳри Чингизхонга қаршилик кўрсатмай таслим бўлади. Чингизхон балхликларнинг қонидан кечишга, фақат моли омон олишга вяъда беради. Шаҳарга киргач сўзидан қайтиб, бутун Балх аҳолисини ҳам қатлиом қиласди, сўнгра шаҳарга ўт қўйиб, кулини кўкка совуради¹.

Чингизийларнинг ишончли тарихчиси бўлган Рашидиддиннинг «Жомеут-ут таворих» китобида келтирилган маълумотларга қараганда, Чингизхон томонидан қатлиом қилинган шаҳарлар қаторига Ўтрор, Бинокент, Ҳирот, Нишопур, Марв, Тус, Рей, Мароға, Ардабил, Нахчеван, Байлақанлар ҳам кирган. Қатлиом қоидасига биноан ўлимга ҳукм қилинганлар қалъалардан ташқарига ҳайдаб чиқилган ва ҳар бир мўгул жангчисига беш-ўнтадан бўлиб берилган. Мўгул жангчилари уларни тиз чўқтириб, эгри қилич билан бирма-бир бошларини кесиб ташлаган».

Хиротдай катта шаҳарда қатлиомдан бир неча кун кейин тирик жон қолдимикан деб, мўгул нўйони маҳсус текшириш ўтказса, ярим миллионлик аҳолидан фақат 16 нафаргина одам тирик қолган экан. Нўйоннинг буйруги билан уларни ҳам дарҳол қилич билан чопиб ўлдирадилар. Айниқса Урганчда аҳоли сони жуда кўп эди. «Етти иқдим султони» китобининг муаллифи Хильде Хуккемнинг ёзишича, «Урганчдаги қатлиом пайтида ҳар бир мўгул навкарига 24 нафардан одам ўлдиришга тўғри келади»².

Агар Урганчда одам ўлдириш ишида камида 10.000 мўгул навкари иштирок эттан бўлса, жами 240 минг одам ёппасига ўлдирилган бўлади. Шулардан бири улуғ пир Нажмиддин Кубро бўлганини тасаввур этинг!

Жузжоний деган олимнинг «Табоқоти носири» китобида Чингизхоннинг Хоразмда қанча кўп қир-

¹ Рашидиддин. Сборник летописей. М., 1950 1 жилд. 33-бет.

² Хильде Хуккем. Етти иқдим султони. Инглизчадан таржима. Т., 1995. 36-бет.

ғинлар қилганини гапириб қандай мақтангани келтирилади: «Мен Мұхаммад Хоразмшоҳ аскарларининг қадами еттан ҳамма жойда энг кўп вайроналиклар ва қирғинлар қидим шунинг учунки, бошқа мамлакатларнинг халқлари менинг шону шуҳратим ва душманларим устидан эришган ғалабаларим ҳақида бир-бirlарига ҳикоя қилиб юрсинлар»¹.

У Хоразмшоҳнинг ўзидан ҳам кўра, унинг сара қўшиналарини бошқарган ва чингизийлар билан 17 марта мардона жанглар қилган Жалолиддиндан аламзода эди. Шу аламзадалик туфайли у энг кўп қирғинлар ва вайроналикларни Хоразмда ва юқорида номлари қаламга олинган Турон шаҳарларида қиди.

Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш ўринлики, Чингизхон ўсмирилик пайтида ҳам ўта шафқатсиз бўлган экан. 13 яшарлигида балиқ ови пайтида кўпроқ ови юришган амакисининг ўғли Бехтер деганга баҳиллиги келиб, уни ёй ўқи билан кўкрагидан отиб ўлдириб қўйган экан. Шунда Темучиннинг онаси Озлун уни қарғаб: «Сен туғилганингда кўлинг қотиб қолган қонга беланган эди», дейди ва ўрлининг доим кўли қон ёвуз одам бўлишидан қўрқади»².

Русларда ва бошқа ғарб халқларида «Злой гений» деган ибора бор. Бу ибора алоҳида одамга насиб этган даҳо даражасидаги истеъодни ёмон мақсадларга хизмат қилдирувчиларга нисбатан айтилади.

Чингизхон ҳам ўз саркардалик ва жаҳонгирилик даҳосини (агар у бу даҳони момкалони Аланқувадан ирсий мерос тарзида олганини рост деб фараз қиласак!) яхшилиқдан кўра кўпроқ ёмонликка, эзгу мақсадлардан кўра кўпроқ ёмон мақсадларга хизмат қилдирганини кўрамиз.

Ана шу ёмон мақсадлардан бири — туркий эллар орасида озчиликни ташкил қилган мўғул қавмини осмондан тушган олий руҳдан — малақдан тарқалган олий

¹ Рашиддин. Сборник летописей. М., 1950. 1-жилд. 92-бет.

² Қаралсин: Н.И. Кичанов. «Жизнь Темучина, мечтающего покорить мир». Бишкек, 1993. 63—64-бетлар.

иркқа ва ҳоким миллатга айлантиришга қаратилган эди. Аланқувадан ўтган илоҳий қудрат гўё фақат Чингизхонга эмас, балки бутун мўғул қавмига тангри томонидан берилган улуғ мартаба ва бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилишга имкон берадиган илоҳий малаклик деган мафкура давлат сиёсатига айлантирилади.

Мўгул бўлишнинг ўзи улкан мартабага айланганини Хоразмда яшаб ўттан адид Рабғузий 1310 йилда ёзилган «Қиссасул анбиё» асарининг кириш қисмида шундай ифодалайди:

«Улур өтлиғ, қутлуғ зотлик, эзгу ҳулқлиғ, ислом ёруғлик, мўғул санилиғ (марtabалик) бегимиз Насириддин Тўқбуғадин... илтимос янглик бўлди... ўқимоққа кераклик, ўрганмоқда яроғлиқ бир китоб ёзсанг¹».

Рабғузий Хоразмнинг Работи Ўғиз деган мавзесида қози бўлиб ишлар экан. Мўгул беки Тўқбуғанинг топшириғи билан «Қиссасул анбиё» асарининг туркий тилда 1310 йилда ёзилиши яхши ҳодиса, албатта.

Мўгул беки ўз тилини унугиб, туркийлашган, ислом динини бизнинг она тилимиз ёрдамида қабул қилган. Шунинг учун Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё»-сини «ўқумоққа кераклик, ўрганмоққа яроғлиқ» бир китоб сифатида қабул қилгани туркий тилли шоир Рабғузийнинг маънавий устунилигини кўрсатади.

Фақат бу эмас. Сирдарё бўйида Сигноқда Оқ Ўрда ҳокими бўлган яна бир мўғул амалдори берган топшириққа биноан Хоразмий 1353 йилда ўзининг «Мұхаббатнома» асарини ёзади ва бу ҳақда шундай шеър битади:

Тун оқшомким, кўринди байрам ойи,
Мұхаммад Хўжабек — давлат ҳумойи.
Табассум қилди, айди, эй, фалони,
Кетургил бизга лойик аргумони.
Тиларменки, бизнинг тил бирла пайдо
Китоби айласанг бу қиш қатимда.

¹ Қиссайи Рабғузий. Т., 1990. 6-бет.

Қабул қылдым, ер ўпдим, айдим, эй шоҳ!
Эшигинг тупроғи давлатли даргоҳ»¹.

Олтин Ўрда ва Оқ Ўрдаларда ҳукмронлик қилаётган мүғул беклари туркий тиллик Рабғузий ва Хоразмий каби истеъодди шоирларга иш буюриб, ўзларига кераклик шеърий китоблар ёздирганлиги турк-мүғул муносабатларида юз берган ғалати маънавий ўзгаришлардан далолат беради. Маънавий устунлик бизнинг туркий шоирларимиз томонига ўтади. Одатта биноан, бу шоирлар мүғул бекларини улур отлиғ, кутлуғ зотлик, мўгул мартабалик давлат хумойи (баҳт қуппи) деб мақташ билан чингизийлар жорий қилган мафкуранинг қанақа бўлганини ҳаққоний қилиб кўрсатадилар. Бу мафкура мүғул қавмига мансуб бўлишнинг ўзини катта имтиёз деб билиши фош қилинади. «Улур отлиғ ва қутлуғ зотлик» деган таърифларда Чингизхоннинг келиб чиқиши ва осмондан тушган илоҳий кудрат билан боғлиқ бўлганига ишора қилинади.

Ўнлаб йиллар давомида Чингизхон империясида одамларнинг онгига сингдирилган бу мафкура мүғул бўлмаган бошқа қавм вакилларида мўгул бўлиш ҳавасини уйғотади «Мўгул бўлсанг зотинг удуғ, мартабанг баланд бўлади» деган эътиқод чингизийлар томонидан амалий имтиёзлар ёрдамида кучайтирилади. Шунинг натижасида бир ярим асрлик мўғул истилоси жараёнида туркий қабилаларга мансуб бўлган кўпгина амалдорлар ўзларини мўғул деб атай бошлиайдилар.

«Мен мўгулман» деганларга чингизийлар томонидан муҳим амалдорлик лавозимлари берилади. Бу ҳақда Рашидиддиннинг машҳур «Жамоат-ут-таворих» китобида жуда кўп ишонарли маълумотлар келтирилган.

Чингизхон тарихидан энг нуфузли манба ҳисобланган бу китобда Темучин деган ном татарлардан олингани, Чингизхоннинг отаси Есугей Баҳодир Некуз қабиласининг бошлиги бўлгани ёзилган.

¹ Қаралсин: Н. Келимбетов. «Қазақ адебиетининг ежелги дауири». Алма-ата, 1986. 171-бет.

Некуз номли қабила туркий халқларда ҳам бўлган. Мўгулларнинг тиллари, урфу одатлари, миллий хусусиятлари, албатта, ўзларига хос эди. Лекин улар асрлар давомида мўгулларга нисбатан кўп сонли бўлган туркий қабилалар билан аралашиб яшаганликлари учун ўз қабилаларини қадимий туркий қабилаларнинг номлари билан ҳам атаганлар. Масалан, Чингизхоннинг онаси Озлун қўнғирот қабиласидан бўлган. Биз қўнғиротларни туркий қабила деб биламиз. Аммо мўгуллар қўнғиротларни мўғул деб ҳисоблади. Уларнинг қадимий ривоятларида мўғул қабиласи катта бир темир дара ичидан чиқолмай қамалиб қолганда мўгуллар билан қўнғиротлар катта оловлар ёқсан эканлар ва темир тоғни эритиб, унинг асоратидан бирга қутулиб чиқсан эканлар. Шу сабабли Есутей баҳодир қўнғирот қабиласининг қизига уйланган, ундан эса Чингизхон туғилган экан.

Рашидиддиннинг китобида ёзилишича, қадим замонларда боёвут қавмлари Бойкўл атрофида, найманлар Олтойда, ойрат деган туркий қавм Енисей дарёси бўйларида яшаган эканлар.

Чингизхон қурол кучи билан уларнинг ҳаммасини ўзига бўйсундиргач, уларнинг таслим бўлган йигитларини ўз қўшини сафига олади. Ўн йиллар давомида бу навкарлар мўғул ноёнларига сўзсиз итоат этиб, уларнинг мафкурасини ҳам қабул қиласидар. Шунинг натижасида орадан бир аср ўтгандан кейин, жалоирлар ҳам, боявутлар ҳам, ойратлар ҳам, сұлдуслар ҳам, бошқа кўпгина туркий қабилалар ҳам мўгуллар деб атала бошланади.

Рашидиддин бу ҳодисани ўз китобининг алоҳида бобларига сарлавҳа қилиб ёзди:

Масалан:

«Хозирги вақтда мўнгуллар деб аталаётган турк қабилалари: Жалоир, Татар, Меркит, Қурлаут, Ойрат, Теленгут, Керайт»¹.

¹ Рашидиддин. Сборник летописей. М., 1950. 1 жилд. 92—125-бетлар.

«Илгаритдан мўнгуллар деб аталиб келган турк қабилалари: Кўнғирот, Сулдуз, Боявут, Кингит».

«Нирун» деб аталадиган турк қабилалари ҳақида: «Салжуит, Тайжиут, Чинос, Мангит, Баҳрин, Барулас, Китакин»¹.

Рашидиддин ажойиб манзарани кўз олдимиизда гавдалантиради. Чингизхон империяси Хитойдан то Дунайгача, Россиядан то Эрону Афғонистонгача кенгайиб, юз йиллар давомида хукмронлик қилгани сари уни идора этиш учун жуда кўп катта-кичик амалдорлар ва ишончли хизматчилар керак бўлади. Туркий халқларга аралашиб, аввалдан озчиликни ташкил қилиб келган мўгулларнинг маданий савияси ҳам унча баланд эмас эди. Ҳатто идора ишларини олиб борадиган мўгулча ёзувлари ҳам йўқ эди, қадимги алифболари унутилиб кетган эди. Шунинг учун Чингизхон ўз давлат ишини уйғур ёзувида олиб борарди. Мўгул мактабларида ҳам уйғур алифбосида дарс бериларди.

Уйгурлардай қобилиятли халқнинг ёзувидан усталик билан фойдаланган Чингизхон маданий савияси баландроқ бўлган бошқа туркий элларнинг вакилларидан ҳам давлатнинг турли поғоналарини идора этишда фойдаланиш учун янги бир йўл, мезон ўйлаб топди.

Ким ўзининг туркий келиб чиқишидан воз кечиб, «мен ҳам мўгулман» деса ва кимлар ўзларининг найман, кўнғирот, баҳрин каби туркий қабилаларини ҳам мўгул қавмидан деб билса, улар чингизийларнинг маҳсус ишончларига сазовор бўладилар ва Чингизхон империясининг масъул лавозимларига ишга тайинладилар.

Хоразмни бошқаришга муносиб кўрилган Оқ Сўфи ва Ҳусайн Сўфилар Кўнғирот қавмидан эдилар. Кўнғирот қабиласи Чингизхон мансуб бўлган мўгул қавмига азалдан яқин бўлганлиги юқорида айтиб ўтилди. Айниқса, Чингизхоннинг онаси кўнғирот злидан бўлганлиги чингизийларнинг Хоразм қўнғиротларига ало-

¹ Ўша китоб. I жилд. 178—215-бетлар.

ҳида ишонч билан қараашларига ва юксак лавозимларни ишониб топширишларига сабаб бўлади. Бунга жавобан Оқ Сўфи ва Ҳусайн сўфилар Чингизхонга худога сифинган каби сифинадилар ва ўзларини унинг садоқатли сўфийлари деб биладилар. Айниқса, Ўзбекхон ўз қизини Оқ сўфининг ўғлига бергани сўфиларнинг зўр ифтихорига сазовор бўлади. Сўфилар энди ўзлари мансуб бўлган бутун қўнғирот қабиласини мўнгул қавми деб тан оладилар.

Ҳолбуки, қўнғирот қавми Чингизхон дунёга келмасидан неча аср олдин ҳам туркий тиллик қабила бўлиб яшаганини «Алпомиш» достони кўрсатиб турибди. Бу достоннинг минг йиллиги Ўзбекистонда ўтказилганлиги ва Сурхондарё вилоятида Алпомишга улутвор ҳайкал қўйилганлиги бежиз эмас. Дунёга Алпомиш ва Барчинлардай қаҳрамонларни берган қўнғирот эли қадимда ҳам мўгул ҳалқига мансуб бўлмаганлигини барча тарихий фактлар, айниқса, «Алпомиш» достонининг тили, бош қаҳрамонлари, воқеаларнинг бўлиб ўтган жойи исбот этиб турибди. Лекин Чингизхоннинг илоҳийлигига ишонган ва мўгулларнинг осмондан тушган малаклардан тарқаганинига имон келтириб, катта лавозим эгаси бўлган Ҳусайн сўфи энг муҳим давлат ишларини Олтин Ўрда хонининг Хоразмдаги хос вакили Элайғимиш Ўғлоннинг маслаҳати билан ҳал қиласи эди.

Элайғимиш Ўғлон Сарой Беркедаги Ўрусхондан Амир Темур ҳақида маҳсус кўрсатма олган эди. Бу кўрсатмага биноан Амир Темур чингизийлар империясини йўқ қилишга бел боғлаган хатарли рақиб деб аталган ва уни Олтин Ўрда мулки саналмиш Хоразмга яқин келтирмаслик, Қиёт ва Хивакни зинхор унга бермаслик керак дейилган эди.

Олтин Ўрда кўрсатмасига сўзсиз амал қиласидан Ҳусайн Сўфи хўжайинларининг кўнглига қараб Амир Темурнинг иккинчи элчисини қамаб қўйган, биринчисига эса «мен қилич билан олган Қиётни фақат қилич билан олрайлар!» деб қўпол жавоб берган эди.

Амир Темурга Урганчдан махфий хабар юбориб турадиган ишончли одамлар бор эди. Улар элчи бўлиб келган кекса — Шайхулислом Мавлоно Жалолиддин Ҳусайн Сўфи томонидан қамаб қўйилганини, бу ножёя ишлар Олтин Ўрданинг қутқуси билан бўлаётганини хабар қилдилар. Келажакда ҳали Олтин Ўрда билан ҳам олишиш тақдирида борлигини Амир Темур шу хабардан сезади.

Қаҳратон қиши оқирлаб қолган бўлса ҳам, кетмакет қор ёғар эди. Шунга қарамай Амир Темур барча тавочиларни ишга солиб, қисқа вақт ичида ўнг беш минг кишилик сара лашкар йиғди ва шиддат билан Хоразм юришига жўнади.

ЭККАНИНИ ЎРГАНЛАР

Чиқатой улуси деб аталган катта бир мамлакат мустамлака зулмидан озод бўлгани ва ўзининг Турон деган қадимий номини қайта тиклаб, мустақил давлатга айлангани Сирноқни пойтахт қилиб турган Оқ Ўрдани ва Волга бўйларида ҳукмронлик қилаётган Олтин Ўрда хонларини жуда безовта қилиб қўйди. Агар бу икки ўрда бир ёқадан бош чиқариб ҳуруж қилса, Амир Темурнинг ғолибона юришларига қарши бирон чора топган бўлишарди. Лекин бу даврга келиб Чингизхон авлодлари орасидаги тахт талашиш ва ака-ука, ота-ўтилларнинг бир-бирларига адovati авжига чиқди.

Асли ўзи адovат уругини Ўзбекхон экиб, 1312 йилда тахтга чиқсан эди. У хонларнинг қиз авлодларидан туғилгани учун 1312 йилда вафот этган Тўхтахонга жиян бўлар ва тахт талашишга ҳаққи йўқ эди. Тўхтахон катта ўғли Элбосмишни валиаҳд қилиб тайинлаган эди. Бироқ Ўзбек ундан қобилиятлироқ ва шафқатсизроқ бўлиб чиқди. У Элбосмишни ўз тарафдорлари ёрдамида ўлдириб, тахтни зўравонлик билан эгаллайди.

Ўлдирилган Элбосмишнинг икки укаси тахтга даъвогар бўлганликлари учун Ўзбекхон тарафдорлари уларни ҳам қатл этадилар. Ўзбекхонга тахтни эгал-

лашда хоразмлик Темур Қутлуг ёрдам беради. Нўймониддин Хоразмий деган ҳакимга Ўзбекхон Сарой Беркеда хонақоҳ қуриб берган ва унинг сұжбатида бўлиб, ислом дини аҳкомлари билан танишган эди.

Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, Ўзбекхон таҳтга ўтирганининг саккизинчи иилида ҳазрати Занги Ота авлодларидан бўлган Сайид Отага мурид бўлиб, ислом динини қабул қиласди. «Ўзбекхон билан бирга Сайид Отага ҳамроҳлигига Туркистонга зиёратга келган элнинг нишонаси шул эдик, — деб ёзади Улуғбек, — улар Сайид Отанинг мурилари эдилар»¹.

Тарихдан маълумки, Занги ота Аҳмад Яссавий восисларидан бўлган. Яссавийнинг ҳикматларига сингдирилган исломий таълимотни Ўзбекхон Сайид Отага орқали қабул қилгани учун хон Яссавий мақбарасини зиёрат қилишга келганлиги Улуғбек томонидан маҳсус қайд этилган.

Ўзбекхоннинг бобокалони Жўжи шомон динида эди. Ўзбекхон ва унинг тарафдорлари мусулмон динини қабул қилганларидан сўнг Жўжи ғайридин бўлиб қолади. Шундан сўнг улар Жўжихоннинг номидан ҳам воз кечадилар. Аввалги Жўжи улусини Ўзбек улуси деб аташ ҳақида Ўзбекхон маҳсус фармон чиқаради ва бу фармонга итоат этмаганларни аёвсиз жазолайди. Ўзбекхон ўттиз йил таҳтда ўтирган даврда Олтин Ўрдада маданий ва маънавий ҳаёт анча ривожланади.

Хоннинг фармони билан Қримнинг Кафа шаҳрида, Сарой Беркеда, Урганчда масжидлар қурилади. Давлат идораларида туркий тилда иш олиб борилади. Лекин Ўзбекхон тоғасининг таҳт вориси бўлган ўғилларни ўлдириб, зўравонлик билан хон бўлганини унинг мухолифлари унугтан эмас эдилар.

1342 йилда Ўзбекхон вафот эттандан сўнг мухолифлар дилида йиғилиб ётган интиқом ва адоват юзага қалқиб чиқади. Улар Ўзбекхоннинг таҳтга биринчи

¹ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. 1994. 226-бет.

бўлиб чиқсан ўрли Жонибекка қарши унинг ўғли Бердикбекни ишга соладилар.

Жонибек ўз ўғли иштирокида ўлдирилади ва Бердикбек таҳтни эгаллайди. Аммо орадан уч йил ўтмай Бердикбекхоннинг душманлари унинг укаси Келдикбекни ишга солиб, унинг иштирокида Бердикбекни ўлдирадилар. Таҳтни эгаллаган Келдикбекка ундан кейинги укаси Наврӯз сунқасд уюштириб, уни ўлдиради ва акасининг ўрнига хон бўлади.

Бу ҳодисаларни батафсил таҳлил қилган академик Б. Грековнинг китобида ёзилишича «1360 йилдан то 1380 йилгача Олтин Ўрда таҳтида 24 марта хон алмашинади. Йигирма бешинчи хон Мамайхон таҳт вориси эмас эди, шунинг учун Ўзбекхон авлодидан бўлган Абдулла номли ёш бола номидан давлатни бошқарди. Аммо бу ҳам узоқ давом этмади. 1380 йилда Мамайхон Куликово жангидага мағлуб бўлиб тарих саҳнасидан тушди ва ўлдирилди»¹.

Адоват уруғини аямай эккан чингизийлар унинг заҳарли ҳосилини ўришга қандай мажбур бўлганлари мана шу фактларда яққол кўзга ташланади. Инқирозга учраган Олтин Ўрда таҳти учун курашга Оқ ўрда хони Ўрисхон ҳам иштирок этади. У 1361-62 йилларда бир марта, 1366 йилда иккинчи марта ҳар икки Ўрдани бирлаштиришга вақтинча муваффақ бўлади. Хожитархон шаҳрида курултой ҳам ўтказади. Аммо Олтин ўрдаги қонли курашлар шундай даҳшатли тус оладики, Ўрисхон бу курашда енгилиб Оқ Ўрдага қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Мана шундай ўзаро ички курашлар авжига чиқсан шароитда Олтын Ўрда ҳам, Оқ Ўрда ҳам ўзи билан ўзи андармон бўлиб, Туронда мустақил давлат тузган Амир Темурга қарши жиiddий қаршилик кўрсатолмади. Фақат Хоразм Олтин Ўрдага қарашли бўлгани учун, хоннинг Урганчдаги хос вакиллари ўзларига итоаткор бўлган хоразмликларни Амир Темурга қарши гиж-тиж-

¹ Б. Греков, А. Якубовский. Золотая Орда. 1950. 375-бет.

лаб, Бухоро атрофларидағи туманларга бир неча марта талончилик юришлари уюштирилар.

Амир Темур Хоразмнинг қадим замонлардан бери Турон-Туркистон билан бир дарёдан сув ичган туркий эл бўлганини ҳисобга олиб, орада пайдо бўлган муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида Урганчга нуфузли элчилар ва совра-саломлар юборган эди. Бироқ Олтин Ўрдага қарам бўлган Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфи бегуноҳ элчиларни қамаб қўйиб, Амир Темур қаршисида қилич яланроҷлагандай иш қилди. Бунга жавобан Амир Темур энг сара қўшинларини йириб, 1372 йилнинг эрта баҳорида Хоразмга юриш боплади. Лекин биз «сара» деб атаган қўшин саркардалари орасида Амир Темурга қарши зимдан адоват сақлаб юрган ва хоразмлик Ҳусайн Сўфи билан махфий алоқа боғлаган ғанимлари ҳам бор эди.

Ана шу ғанимлардан бири Ҳутталон ҳокими Кайхусрав бир вақтлар Чингизийлар хизматида бўлгани, Сайрамда ҳам ҳокимлик қилгани, Оқ Ўрдага қарашли Ўтрорда бир йил қишлоғани Ш.А. Яздининг «Зафарнома»сида қайд этилган¹.

Эҳтимол ўша 1368—1369 йилларда Кайхусрав Ўтрор яқинидаги Сирноққа бориб, Оқ Ўрда ҳукмдори Ўрисхон билан учрашгандир ва Амир Темурга қарши хоразмлик Ҳусайн Сўфи билан иттифоқ тузиш маслаҳатини қилгандир. Агар Кайхусрав ғалабага эришса, Бухоро ҳокимлигини Ўрисхон Кайхусравга ваъда қилган бўлиши керак. Узоқ тоғлиқ вилоят Ҳутталондан кўра қадимдан дунёга машҳур бўлган Бухородай улуғ шаҳар ҳукмдори бўлиш Кайхусравнинг ширин орзусига айланган бўлиши эҳтимолга яқин.

Хуллас, Кайхусрав Амир Темурнинг Хоразмга биринчи юришида катта бир хиёнатга тайёргарлик кўради. Амир Темур аввал Амударёнинг ўнг қирғозидаги қадимий Қиёт қалъасини шиддатли бир ҳамла билан згаллади. Сўнг Урганч қалъасига яқин бориб, Ҳусайн

¹ Ш. Язди. «Зафарнома». 1997. 56-бет.

Сўфига элчи юборади. «Яхшиликча сулҳ тузмасангиз ва элчимизни озод қилмасангиз, Қиёт қалъаси каби бир ҳамла билан мағлуб бўлурсиз!», деб огоҳлантиради.

Ҳусайн Сўфида Амир Темурдек улуғ лашкарбоши билан беллашадиган куч йўқ эди. Шунинг билан бирга сулҳ тузиш ёки таслим бўлиш унинг ихтиёрида эмас эди.

Бир вақтлар Ўзбекхон тирик пайтда унинг яқин одами Темур Кутлув Олтин Ўрданинг Урганчдаги ишончли вакили ҳисобланарди. Кутлув Темур Урганчда аҳоли учун жомеъ масжиди, ўзи учун шоҳона қаср курдирган эди. У Ўзбекхоннинг қизига уйланиб, Кўрагон унвонини ҳам олган эди. Лекин орадан ўтган қирқ йил давомида Ўзбекхон ҳам, Темур Кутлув ҳам оламдан ўтган, кейинги хонлар бир-бирини ўлдириб, ҳар йили янги таҳтга чиқадиган бекарор замонлар бошланган эди. Ҳозир Хоразмга сўнгги хоннинг ишончли вакили сифатида Чингизхон авлодидан бўлган баджаҳл Элайғимиш Ўғлон деган одам келган эди. Ҳусайн Сўфи мана шу Элайғимиш Ўғлоннинг кўрсатмаси билан Амир Темурдан элчи бўлиб келган Шайхулислом ва унинг ҳамроҳларини ҳибс қилдирган эди. Энди қалъа ташқарисида таҳдид солиб турган Амир Темур билан урушиш ёки сулҳ тузиш борасидаги маслаҳатни ҳам Элайғимиш Ўғлон бериши керак эди.

Ҳусайн Сўфи икки ўт орасида қоврилиб турган қоронги тунда Ўрисхон воситачилиги билан Хоразмнинг иттифоқдошига айланган Кайхусравнинг хуфяси қалъага йўл топиб келиб қолди. Бу одам Ҳусайн Сўфига Кайхусравнинг махфий мактубини топширади. Мактубда Кайхусрав Амир Темурга қарши бирга жанг қилишга тайёр эканини билдиради. «Сен унинг дағдәғасидан қўрқма, биз бор кучларимизни бирлаштириб жанг қилсанг болиб чиқгаймиз, — деб ёзган эди Кайхусрав. — Сен ўз қўшининг билан майдонга тушсанг, мен икки минг навкарим билан Темурнинг туғбардорига ҳамла қиласман. Байроғини ерга қулатиб, бор аскарларимни сен томонга олиб ўтаман. Байроғи ерга тушган қўшин саросимага тушади, енгилган ҳисобла-

нади. Биз биргалиқда ҳужум қилиб, ёрийларни тормор этамиз!

Дадил бўл!

Кайхусравнинг мактубидан дәдилланган Ҳусайн Сўфи Эллиюмиш Ўғлоннинг ҳузурига бориб, ушбу янгликни унга маълум қиласди. Олтин Ўрданинг ишончли вакили Кайхусравнинг таклифини маъқуллайди. Ўзи ҳам беш юз кишилик мўғул қўриқчилари билан майдонга чиқишини ва Ҳусайн Сўфига ёрдам беришини айтади.

Бунинг ҳаммасидан дадилланган Ҳусайн Сўфи Кайхусравга ёзган жавоб мактубида сўзида тургани учун унга раҳмат айтади, эртага албатта жанг майдонида Темурга қарши бирга курашажагини билдиради. «Бизга Олтин Ўрданинг ишончли вакили мадад бермоқчи, унинг ҳам катта кучи бор, иншолло, зафар бизники бўлур!» деб Ҳусайн Сўфи мактубини якунлайди.

Ниҳоятда сезгири одам бўлган Амир Темур сўнгти кунларда Кайхусравнинг қадам олиши бир оз ўзгариб қолганини, юзма-юз келганда кўзини соҳибқирондан олиб қочаётганини пайқайди. Кайхусрав саркарда бўлган икки минг кишилик қўшинда Амир Темурнинг маҳсус тингчи-хуфялари бор эди. Ўшаларни чақириб, Кайхусравни сергаклик билан кузатишни, унинг одамларидан қайси бири қаёқча бориб, қаёқдан келаётганини аниқ билиб туришни буюради.

Ер остида илон қимирласа сезадиган хушёр тингчилар Кайхусравнинг ишонган ўнбошиларидан бири тун ярмидан ошганда, кўпчилик ухлаганда қўшин қароргоҳидан секин чиқиб, Урганчнинг Қалъа дарвазасидан ичкарига кириб кетганини кўрадилар. Кейин саҳар паллагача унинг чиқиши йўлини пойладилар. Тун ярмидан ошганда жосус қалъадан чиқиб келади. У Кайхусравнинг чодирини кўзлаб бораётганда тингчилар таппа босадилар ва қўлинни, оғзини боғлаб, Амир Темур чодирига олиб келадилар.

Бу ерда жосусни тинтиб, Кайхусравга атланган мактубни топадилар. Амир Темур мактубни ўқиб кўргач,

дархол Кайхусравни тутдириб, ўз ҳузурига олиб келтиради.

Ҳусайн Сўфидан ҳат олиб келган жосус гувоҳлигидаги Кайхусрав айбини бўйнига олади. Амир Темур унинг қўл-оёғига кишан солдириб, қаттиқ қўриқланадиган маҳсус чодирда ҳибсда саклашни буюради.

Кайхусравнинг қўшинида Амир Темурнинг куёви Муҳаммад Мирак иккинчи шахс бўлиб хизмат қиларди. Амир Темур уни чақиритириб, воқеадан хабардор қилди ва Кайхусравнинг ўрнига Ҳутталон қўшинига саркарда этиб тайинлагани ҳақида ёрлиқ ёздириб беради.

Эрталаб тонг отар-отмас Кайхусрав саркардалик қилган икки минг қўшинни алоҳида бир жойга йиғадилар. Амир Темур юз берган воқеани барча навкарларга маълум қилиб, бугунги жангда уларга Муҳаммад Мирак саркардалик қилиши ҳақида фармон берди. Албатта, қўшинда Кайхусравнинг содиқ кишилари ҳам бор эди. Улар саросимага тушиб қолади. Қалтис жанг пайтида булар Муҳаммад Миракни ўлдириб, ёв томонга қочиб ўтиб кетишлари мумкин эди. Шунинг учун Ҳутталон қўшини Амир Темурнинг шахсий назорати остида ғул (марказ)нинг орқа томонида захирада турадиган бўлди.

Амир Темур кечаси билан ухламай нималар қилганидан қалъадаги Ҳусайн Сўфи, албатта, бехабар эди. У Кайхусравнинг икки минг навкар билан ёрдамга келишига ишониб, ўзининг саккиз минг кишилилк қўшинини қалъадан бурғу ва карнай чалдириб, сафсаф қилиб олиб чиқади ва Амударёнинг «Қовун суви» деб аталадиган катта бир ўзани бўйидаги қулай жойларни эгаллайди. Амир Темур қўшини ўша катта сувнинг нариги қирғоғида саф тортади. Ундан ўтадиган кўпприк йўқ. Баҳорнинг тошқин сувларига тўлиб лойқаланиб келаётган дарё майин қилиб «Қовун суви» деб аталса ҳам, унинг телбаланиб шовуллаб оқиши от ва тияни ҳам оқизадиган даражада тез ва таҳдидли эди.

Ҳусайн Сўфи қўшинига ўнг қанот, сўл қанот, ғул шаклида тортиб бериб, ўзи хос мулоғимлари қуршо-

вида баланд тепаликни эгallади. У ҳамон ногораларини, карнай ва сурнайларини чалдириб, Амир Темур қўшинининг ўлим ҳавфига тўла тошқин дарёдан ўтиб келишини кутмоқда эди.

Амир Темур ўзининг куёви Муаййад Бекка, Хитойи Баҳодирга, Шайх Али Баҳодирга ва бошқа ишонган йигитларига умид ва ишонч билан бир-бир қараб чиқди, аммо «ўзингни дарёга ташла!» деган буйруқни ҳеч кимга бермади. Соҳибқироннинг шу маънодор қарашининг ўзи йигитлар учун етарлик эди. Воқеанинг давомини Ш.А. Яздийдан ўқийлик:

«Апачи Калта билан Пашойи ва шунқор Жирғату сув ичига от билан кириб, ул отлар дарёда кемадек сузиб, нариги қирғоқдан чиқдилар ва ёғий черикига ҳамла қилдилар. Ва Шайх Али Баҳодир беш киши билан сувдан ўтиб, ёғийнинг Хўжа Шайхзода бошлиқ навкарларига ҳужум қилдилар ва уларни қочирдилар. Муаййадбек ва Хитойи Баҳодир ва Оқ Темур Баҳодир сувдан ўтиб ғолибона жанг қилдилар. Бироқ Элчибек Баҳодир сувдан ўтарда (балки совуқ сувда томири тортишиб қолгани учундир — П.К.) сувга чўкиб умри тугади. Ҳазрат соҳибқирон буни кўриб отини дарёга қараб бурди ва ўзи сувга сакрамоқчи бўлди. Лекин Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз Ҳазратнинг жиловидан тутиб қўймади. Ҳазратнинг ўрнига Муҳаммад Баён Сулдузнинг ўзи отини сувга сакратиб дарёга кирди ва нариги қирғоқقا сузиб ўтди. Терmez хонзодаларидан Сайд Абдулмаоли ҳам анинг кейинидан сув кечиб ўтди»¹.

Ҳатто термезлик саидзода ҳам тошқин дарёдан дадил сузиб ўтиб жангга киришгандан кейин бошқа амиру навкарлар совуқ дарёдан қўрқиб жим туришдан уядилар. Шундан кейин ўн минг қўшин ёппасига Қовун суви дарёсидан сузиб ўтди. Албатта, уларнинг орасида Элчибек Баҳодирга ўхшаб чўкиб ҳалок бўлганлари ҳам бўлгандир. Фақат бу ҳақда манбаларда маълумот берилган эмас. Аммо эрта баҳор совуғида Аму-

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 74-бет.

дай бешафқат дарёning катта бир ўзанидан ўн минг отлиқ аскарнинг ёппасига сузиб ўтганлиги ва Ҳусайн Сўфи қўшинига шердай ғазабнок баҳодирлар ҳамла қилганлиги душманларни даҳшатта келтиради. Карнай ва новоралар товуши бирдан тинади. Ҳусайн Сўфи билан тил бириктирган Кайхусравдан дарак бўлмайди. Ҳусайн Сўфи кўпчилик аскарларининг қалъага қараб қочиб кетаётганини тепаликда туриб қўради. У ҳам энди ўз жонини қутқариш кераклигини сезади ва байроқдори билан бирга Урганч қалъасига қочиб боради, ичкарига кириб дарвозаларни бекиттиради.

Қовун суви оқиб ўтадиган жой Урганчдан анчагина узоқлиқда эди. Амир Темурни дарёдан ўтказиш учун кема топадилар. Нариги соҳилда қолган буюм ва кийимларни кемада дарёдан ўтказишиб, баҳодирлар ҳўл бўлиб оғирлашган совут ва кийимлари ўрнига қурук ва иссиқ кийимларини киядилар, катта гулханлар ёқиб исинадилар, бутун-бутун қўй тўштларидан кабоблар пинширадилар.

Амир Темур қўшинларининг илгорлари Урганч қалъасига етиб бориб, унинг дарвозахоналарига яқин жойларга чодирлар тикадилар. Сўнгра Амир Темурнинг Ҳусайн Сўфини таслим бўлишга ундейдиган, акс ҳолда қалъа ҳам ҳужум билан олиниши муқаррарларгини маълум қиласидиган махсус мактубини оқ байроқ кўтарган элчилар қалъа ичкарисига олиб кирадилар. Бироқ Ҳусайн Сўфининг қароргоҳига борган элчилар йиги-сиги товушларини эшлишиб ҳайрон бўладилар. Шунда Ҳусайн Сўфининг вазири элчиларни қабул қилиб, бахтсиз ҳодиса юз берганини, Ҳусайн Сўфи кечаси вафот этганини маълум қиласди. Лекин вазир Ҳусайн Сўфининг икки томонлама исканжга орасида қолиб қандай жон берганини элчилардан яширади. Фақат юрак хасталигидан ўлганини айтади.

Аслида, Ҳусайн Сўфининг юрагини бир томондан жангдаги мағлубият исканжага олган, иккинчи томондан Кайхусравнинг ёрдамига ишониб доғда қолгани, боз устига Олтин Ўрданинг хос вакили Эллиғмиш Ўғлонни ҳам алдагандай бўлиб, унинг ғазабига учра-

гани фожеага олиб келган эди. Элайғимиш Ўғлон Ҳусайн Сўфининг ваъдасига ишониб ўзининг қўриқчи аскарларини ҳам унга ёрдамга юборган экан. Амир Темур қўшинининг шиддатли ҳужуми пайтида нафақат Ҳусайн Сўфининг навкарлари, балки Элайғимиш Ўғлоннинг мўгул аскарларидан ҳам юзга яқини ҳалок бўлган эди. Шунинг аламига Элайғимиш Ўғлон Ҳусайн Сўфи ни ўз қасрига чақириб, уни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаган ва ҳатто кекса сўфининг юзига тарсаки ҳам туширган, бунинг натижасида сўфи ҳушидан кетиб йиқилган эди.

Уни ўз қасрига кўтариб келиб, табибларнинг доридармонлари ёрдамида ҳушига келтирадилар. Аммо тонг отганда яна ҳушидан кетади-ю, қайтиб кўзини очмай оламдан ўтади. Энди Элайғимиш Ўғлон Олтин Ўрда пойтахтига бориб, Ҳусайн Сўфининг ўрнига унинг иинси Юсуф Сўфи Хоразмга ҳоким қилиш ҳақидаги хон ёрлигини олиб келиши керак эди.

Ҳусайн Сўфи дағн этилгандан кейин Элайғимиш Ўғлон дарҳол Сарой Беркега жўнаб кетади. Вақтинча ҳоким бўлиб турган Юсуф Сўфи Амир Темур номидан таъзия билдириш учун қалъага келган мўйсафидларни қабул қилди. Шунда Юсуф Сўфи раҳматлик акасининг муроса йўлига юрмаганидан афсусланди.

Кўп нарса Олтин Ўрданинг хос вакили Элайғимиш Ўғлоннинг кўрсатмаси билан қилинганини очиқ айтди. Ҳозир бу одамнинг Сарой Беркега кетганидан фойдаланиб, Амир Темурнинг ноҳақ қамаб қўйилган элчиси Мавлоно Жалолиддин Кешийни ҳибсдан бўшаттирди, зар тўн кийдириб, яхши бир отга миндириб. Амир Темур ҳузурига жўнатди.

Азадорлик расм-руслари тутагандан сўнг Юсуф Сўфи яна Амир Темур ҳузурига ўз элчиларини юборди. Бу элчилар Амир Темурнинг шоҳона ҳиргоҳида қабул қилинади. Элчилар Юсуф Сўфининг сулҳ тузишга ва Қиёт билан Хивак шаҳарларини Амир Темур ихтиёрига беришга рози эканини билдирадилар. Шунда Амир Темур сулҳнинг қўшимча бир шартини

ўртага қўяди. Доно ҳукмдорлар тинч-тотув бўлиш ҳақида сулҳ тузганда уни қариндошлиқ ришталари билан мустаҳкамлайдилар. Шу анъанага биноан Амир Темур Хоразмнинг муҳтарам сўфийлари билан қудаандада бўлиш истагини билдиради. Юсуф Сўфининг катта акаси Оқ Сўфининг бўй етган қизи Севинч бекани Амир Темурнинг тўнгрич ўғли Жаҳонгир Мирзога унаштириш ва келин қилиб узатишни сулхнинг шартти қилиб қўяди. Севинч бека Ўзбекхоннинг невараси эди ва Саройда уни хонзода деб улуғлашарди.

Амир Темур Ҳусайн Сўфини жангда енгтани учун Урганчга ҳам бостириб киришга ва катта моли омон талаб қилишга ҳақли эди. Лекин у фақат Севинч бекани келинликка сўраётгани Юсуф Сўфи учун бажариш осонроқ бўлган шартдек туюлди. Шунинг учун Юсуф Сўфи бу шартни ҳам қабул қиласиди. Фақат аёллар ҳали Ҳусайн Сўфига аза тутиб кўк кийиб юрганини, қизга сеп йириб тўйга тайёрланиш учун ҳам анча вақт кераклигини айтиб, йил охиригача мухлат сўрайди. Мўътабар элчилар ва даврага йирилган мўйса-фидлар ҳозирча нон синдириб, унаштириш қоидаси бўйича фотиха ўқийдилар. Шундан кейин Юсуф Сўфи Амир Темурнинг ўзига, бўлажак куёв Жаҳонгир Мирзога, Самарқанддан келган нуфузли беку аёнларга тўбичоқ отлар, самур пўстинлар, хоразмча зар тўнлар совға қиласиди.

Шу тарзда Амир Темурнинг Хоразмга биринчи юриши ҳар жиҳатдан муваффақиятли якунланади. Турон билан Хоразм орасида қадимда мавжуд бўлган қон-қариндошлиқ, бир эл-бир мамлакатга хос яқинлик ришталари қайта тиклана бошлади.

Албатта, Юсуф Сўфи ҳам Олтин Ўрдага қарам бўлгани учун энг муҳим давлат ишларини Элайғмиш Ўғлоннинг маслаҳати билан ҳал қилиши керак эди. Айниқса, ҳозир Элайғмиш Ўғлон Ҳусайн Сўфининг ўрнига Юсуф Сўфини ҳокимликка ўтказиш учун пойтахт Сарой Беркега кетган пайтда у хато иш қилишдан эҳтиёт бўлиши керак эди. Лекин у ҳам акаси каби икки ўт

орасида қолган эди. Амир Темурнинг шартини қабул қилмаса, ғолиблар Урганчга бостириб кириб Севинч бекани зўравонлик билан бўлса ҳам келин қилиб олиб кетишга кучлари етарди. Юсуф Сўфи бундай балодан сақланиш ва вақтдан ютиш учун кузгача муҳлат олиб, кейин розилик берди. Унгача агар Элайғимиш Ўғлон бу ишга қарши чиқса, фотиҳани бекор қилиб, айни Олтин Ўрданинг хос вакилига тўнкаши мумкин эди.

Орадан бир неча ой ўтгач, Элайғимиш Ўғлон ёз пайтида Сарой Беркедан хушхабар билан қайтди. Юсуф Сўфининг Хоразм ҳокими бўлгани ҳақида хон ёрлиқ юборади. Бироқ Элайғимиш Ўғлон ёрлиқни беришдан олдин Юсуф Сўфининг Олтин Ўрда вакилидан бемасла-ҳат Темур билан сулҳ тузганини эшлиб ғазаби келди.

Ўзбекхоннинг невараси бўлган хонзодани Олтин Ўрданинг душмани санаалган Темурнинг ўғлига келин қилиб узатишга ким рухсат берди?! Бу ўзбоппимчаликлари учун Юсуф Сўфининг боши кетади! Ана унинг иниси Сулаймон Сўфи акасининг ҳокимлик лавозими бўшаса эгаллайман деб тайёр турибди. Агар Юсуф Сўфи бу қилган хатоларини дарҳол тузатмаса хон ёрлиги Сулаймон Сўфи номига ёзилади.

Буни қилиш хонлар авлодидан бўлган Элайғимиш Ўғлоннинг қўлидан келади!

Хўжайиннинг таҳдидларидан қўрқиб кетган Юсуф Сўфи тиз чўкиб кечирим сўрайди ва қилган хатоларини дарҳол тузатишга ваъда беради. Шу ваъдага биноан эртаси куниёқ Урганчнинг барча аркони давлатини маҳсус машваратга чорлайди. Бу машваратда хонзода Севинч беканинг Жаҳонгир Мирзога унаштирилгани бекор қилинади. Машваратда Қиёт ва Хивакни қайтадан босиб олиш ва Амир Темур қўйган одамларни қувиб юбориш режаси тузилади. Орадан бир ой ўтмай бу режа амалга оширилади.

Шундан кейин Элайғимиш Ўғлон Юсуф Сўфининг Хоразм ҳокими қилиб тайинлангани ҳақидаги хон ёрлирини аркони давлат олдида тантанали тарзда янги ҳокимга топширади.

Бу орада адоват уруғини энг кўп экканлардан бири — Кайхусрав шу уруғлардан униб чиққан ажал ҳосилини ўришга мажбур бўлади. Хоразмдан қайтища Қиётдан беридаги Хос деган жойда Амир Темурнинг барча вазирлари ва улуг амирлари йиғилиб, ҳибсдаги Кайхусравни сўроқ қиладилар ва қилган жиноятини бўйнига қўядилар.

Хон ҳисобланган Суюргатмиш ўғлон уни ўлим жазосига ҳукм қиласди. Ҳукм Самарқандга боргдана ижро этилади. Ш.А. Яздийнинг ёзишича, «Кайхусравни Самарқандда Амир Ҳусайннинг навкарларига топширадилар. Кайхусрав Балҳда Ҳусайнбекни ўлдиргани учун Ҳусайнбекнинг навкарлари уни ўлдирдилар».

Кайхусравнинг Маҳмуд деган ўғли отасининг ўлдирлганидан норози бўлиб, бир неча тарафдорлари билан Амир Темурдан ўзича қасд олмоқчи бўлди. Бу гурӯҳ Хоразмга қочиб бориб Юсуф Сўфи Амир Темурни юз хил тухматлар билан ёмонладилар ва унинг ўғлига қиз бериб қуда бўлмасликка ундалилар. Бундан оддин Элайғимиш Ўғлоннинг тазиёки остида шу қарорга келиб қўйган Юсуф Сўфи орага низо уруғини сочайдганларнинг гапларига ҳам кирди-ю, Амир Темур билан қуда бўлмоқчи эмаслигини энди бутун зл-юрт олдида ошкор қилди. Ҳолбуки, кузнинг баҳмал мавсумида тўй бўлади, Хоразмдан келин туширилади деган келишувга биноан Самарқандда бўлажак тўйга тайёргарлик бошлаб юборилган эди. Келин-куёвга аталган тиллакори Кўшк Боги Беҳиштнинг энг боҳаво жойига қурилмоқда эди.

Шаҳарнинг гўзал мавзеларидан бўлган Конигилда улкан майдон анвойи гуллар билан безалмоқда эди, гўзал оқ уйлар, чодир ва шомиёналар ўрнатилмоқда эди. Шунинг устига «Тўй бузиладиган бўлибди, Юсуф Сўфи сўзидан қайтиби, «Биз Ўзбекхоннинг неварасини Темурнинг ўғлига бермаймиз, фотиҳа бекор қилинди»» деган шум хабарлар Урганчдан Самарқандга етиб келди. Бу гапларнинг ростлигини тасдиқлайдиган ҳаракатлар ҳам содир бўлди. Қиёт ва Хива яна

Юсуф Сўфи томонидан босиб олинди. Бу ишда Олтин Ўрданинг ҳам қўли борлиги хуфялар ахбороти орқали аниқ маълум бўлди. Амир Темур дарҳол қўшин йиғишни буюрди.

Н. Шомийнинг ёзишича у 1374 йилнинг баҳорида иккинчи марта Хоразм юришига отланди. Бу фақат ҳарбий юриш эмас, ор-номус юриши ҳам эди. Олтин Ўрда хонлари олдида тиз чўкиб, уларга қарам бўлиб юрган Юсуф Сўфи Амир Темурдек соҳибқироннинг суюкли ўғлини күёвликка муносиб кўрмай тўйни бузмоқчи бўлаётгани лашкарбошининг ҳам, беку навкарлар ва фарзандларининг ҳам ориятини келтирмоқда эди.

Амир Темур жуда разабнок эканини ёнида бирга бораётган пири комили Сайд Барака сезиб турап ва қилич яланғочлашдан олдин Юсуф Сўфига элчи юбориб, юз берган ҳодисанинг сабабини аниқлашни қайта-қайта илтимос қилар эди. Қизилқум саҳросини бошиб ўтиб, Амударёга яқинлашганларида Амир Темур ниҳоят жаҳлидан тушди ва элчиликка Сайд Барака бошлиқ Амир Сайфиддин, Жоку Барлос каби энг нуфузли кишиларни тайинлаб, ўзи Хос деган кентда уларнинг бориб келишини кутадиган бўлди. Дарғазаб Амир Темурнинг ўн беш минг қўшин билан Хоразмга қараб келаётгани хабари Урганчга аллақачон етиб борган эди.

Элайғмиш Ўғлон яна хонларнинг таҳт талашаёттанини эшитиб, Сарой Беркега жўнаб кеттан эди. Унинг бу ерда йўқлиги Амир Темур юборган элчилар Юсуф Сўфи томонидан илиқ кутиб олинишига имкон берди. У элчиларга рост гапни айтиб, Олтин Ўрдага қарамлиги туфайли Элайғмиш Ўғлоннинг кўрсатмаси билан шу хато ишни қилганини ва бундан пушаймон эканини айтди. У Амир Темурдай улуғ саркарда билан уришишга қодир эмаслигини тан олди. Самарқанддан қочиб келиб, соҳибқиронни ёмонлаган Кайхусрав тарафдорларини дарҳол Урганчдан қувиб юборди. Улар энди Ўрисхондан паноҳ истаб, Оқ Ўрда томонга ўтиб кетдилар. Юсуф Сўфи икки кун ичидаги Қиёт ва Хивакни Амир Темурга қайтариб беришга, келинни эса бўлажак тўйга

тайёрлашга ваъда берди. Бу ҳақда элчилар билан аҳднома тузиб, унга имзо чекди. Элчиларнинг ҳар бирига зар тӯнлар, олтин анжомлиқ тўбичноқ отлар инъом килиб, иззат-икром билан кузатиб қўйди.

Воқеаларнинг давомини Н. Шомий шундай ҳикоя қиласи: «Юсуф Сўфи ёмон қилмишларига пушаймон бўлди, даҳшат ва қўрқув мижозига ролиб келиб, омонлиқ сўради. Омонлик ҳиди димогига етгач, (яъни Амир Темур уни кечиргач) хонзоданинг зебу зийнатлари ва сепини орастга қилиш билан машғул бўлди. Олтинкумушдан ишланган, дуру жавоҳирлар билан безатилган турфа буюмлардан шу қадар кўп ҳозирладики, ақл унинг саноғига етолмасди»¹.

Куёв томони совға-саломни, олтин-кумуш ва жавоҳирларни Хоразмга бундан ҳам ортиқроқ қилиб жўнатдилар. Келиннинг юртида бўлган катта тўйга Амир Темурнинг энг нуфузли вазирлари Довудбек, Улжайтубек, Қорачор Нуён авлодларидан бўлан Лолабек, Ёдгор Барлос кабилар қатнашдилар. Сўнг улар келинни янгалари билан эъзозлаб маҳсус маҳофада Самарқандга олиб келдилар.

Тўйнинг энг улкани куёвнинг юртида бўлди. Шаҳарни бошдан оёқ безатиб орастга қилдилар. «Ва эл ичида андоқ ҳузур ва шодмонлиқ пайдо бўлдики, ғам оти гўё жаҳондин йўқ бўлди, — деб ёзади Ш.А. Яздий, — Келин-куёв учун бир оқ уй тикладиларким, ичи ва тоши лаълу жавоҳир билан мурассаъ (безатилган) эди»².

Бу тўй 1374 йилнинг баҳорида бўлиб ўтади. Демак, Жаҳонгир Мирзо 18 ёшда эди. Орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтса ҳам, Севинч беканинг бўйида бўлмайди. Эҳтимол, тезроқ невара кўриш истаги сабаб бўлгандирки, ота-оналар 1375 йилда Жаҳонгир Мирзони яна уйлантирадилар. Бу гал Тошкент ҳокими Илёс Ясовурийнинг Баҳт Мулк оға деган гўзал қизи Жаҳонгир Мирзога иккинчи хотин қилиб никоҳланади.

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 95-бет.

² Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 78-бет.

Албатта, ҳар икки келин алоҳида боғлар ва қўшкларда турадилар. Ўн тўққиз ёшлик Жаҳонгир Мирзо икки гўзал келинчакка навбатма-навбат ёстиқдошлиқ қилади¹. Қўша келади деганлариdek, орадан яна бир йил ўтар-ўтмас ҳар икки келин ҳам ҳомиладор бўладилар.

Бу орада Жаҳонгир Мирзо Жете ҳукмдори Қамариддинга қарши Амир Темур томонидан уюштирилган бир эмас учта ҳарбий юришларда энг оғир топшириқларни бажариб, илғор қисмларни бошқаради. Самарқанддан Или дарёси бўйларигача, ундан наридаги Алма-Ати ва Олатов төвларигача минг чақиримдан ортиқ йўлларни отда шитоб билан босиб ўтади.

Маккор Қамариддин гоҳ Талас дарёси бўйларида, гоҳ Фарғона водийсида, гоҳ Иссиқкўл бўйларида мудом талончиликлар ва қотилликлар қиласи.

Унинг тўрт мингдан ортиқ навкарлари қароқчи ўғрилар каби юзма-юз олишувга чиқмайди, доим топиш қийин бўлган бекик дараларда яшириниб қочиб юради. Жаҳонгир Мирзо йўли бири-биридан тик ва хатарли тоғ дараларининг учтасидан ўтиб бориб, Қамариддининг қароргоҳларидан бирини топади. Бироқ Қамариддин Олатовдан ошиб, Иссиқкўлнинг Отбоши деб атадиган дарёси бўйларига ўтиб яширинади. Қамариддиндан ажралиб чиққан бир неча минг уйлик туткун аҳоли «... Буларга яъни Қамариддинни таъқиб этаётганлар ихтиёрига ўтиб эл бўлди. Уларни кўчириб Самарқанд сори юбордилар» деб ёзади Ш.А. Яздий².

Амир Темур ҳам асосий қўшинлари билан Иссиқкўл бўйига етиб келади. Шу ерда Жаҳонгир Мирзо душманлардан тортиб олинган юзлаб қўйлар, минглаб от ва туялар, бошқа қимматбаҳо ўлжаларни ҳазрат отасига тақдим этади. Амир Темур ўғлининг баҳодирона ишларидан мамнун бўлиб таҳсин айтади. Сўнг яна «Жаҳонгирни баҳодирлар билан қўшиб дейдики, жаҳд қилинг, Қамариддин эликка тушсин»³.

¹ Қаралсин: Турғун Файзиев. Темурийлар шажараси. 1995. 69-бет.

² Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 77-бет.

³ Ўша китоб. 77-бет.

Қамариддин машҳур Сусамир яйловларидан нарида катта бир төғ орқасига қароргоҳ қурган экан. Жаҳонгир Мирзо қўшини тоғ дараларидан минг азоб билан ўтиб бориб ўша қароргоҳни ҳам топади ва уни ўраб олади. Маккор Қамариддин эҳтиётини қилиб, ўз қароргоҳидан нарироқда яшириниб ётар экан. Бу гал ҳам у қочиб кутулиб кетади. Аммо қароргоҳдаги барча бойликлар ва Дишод оқо деган гўзал қиз ўлжа олинади. Қора Қасмоқ деган жойда Жаҳонгир Мирзо олинган барча ўлжаларни Дишод оқо билан бирга отасига тақдим этади.

Амир Темур ўғлининг неча кунлардан бери тоғ йўлларида азоб тортиб анча озиб қолгани, кўзлари ичига ботиб кетганини сезади-ю, унга дам беришни ўйлади.

Соҳибқиронга Дишод оқо деган гўзал қиз ёқиб қолган эди. Отбоши деган шўх дарёning Иссиккўлга қуюлиш жойида, Арпа Ёзи деб аталадиган гўзал майсазорда саропарда ва шоҳона чодирлар тикилади. Ўттиз тўққиз ёшли Амир Темур шу ерда бир неча кун тўй берип, Дишод оқони ўз никоҳига олади. Тўй кунларида Жаҳонгир Мирзо ҳам анча дам олиб нафас ростлайди. Шундан кейин ҳаммалари Яssi довон орқали Ўзганга келиб тушадилар ва у ердан Самарқандга қайтадилар.

Киш тинч ўтади-ю, эрта баҳордан Хоразмга юриш бошланади. Чунки Юсуф Сўфи яна сулҳ қоидаларини бузиб Қиётни босиб олган ва Бухоро атрофларидағи туманларини мўғул навкарларига талаттан эди. Бу ишда ҳам Олтин Ўрданинг қўли борлигини сезган Амир Темур қўшин йиғилиб бўлгунча ўзи орқароқда қолиб, Жаҳонгир Мирзони олти минг навкари билан илғор тарзида шитоб билан Хоразмга жўнатади. Шунинг устуга Сари Буға, Одилшоҳ деган амирлар Қипчоқ ва Жалоир элини ўzlари томонга оғдириб, Самарқандга ҳужум қиладилар.

Бу хабарни Хоразм йўлидаги Хосга етганда эшитган Амир Темир қўшинни орқага қайтаради. Яна

Жаҳонгир Мирзони манглай (яъни, илгор) қилиб, душманни даф қилиш учун олдинроқ жўнатади.

Жаҳонгир Мирзо Карманага етганда Сари Буға ва Одилшоҳ бошлиқ мингтacha бузуқиларни учратди. Улар Амир Темурни Хоразм юришидан чалғитиш учун Самарқандга ҳужум уюштирган эдилар. Албатта, қалъадагилар уларга зарба бериб, Амир Темур қайтиб келаеттанини ва исёнчиларни янчиб ташлашини билдирадилар.

Шундан кейин исёнчилар Кармана орқали Бухорога ўтмоқчи бўладилар. Отасидан олдин Карманага етиб келган Жаҳонгир Мирзо уларнинг йўлини тўсади, қилич яланроchlаб, хоин фитначилар билан жуда қаттиқ жангта киришади. Жанг Жаҳонгир Мирзо ғалабаси билан тутайди. Одилшоҳ ва Сари Буға бошлиқ исёнчилар тирик қолган одамлари билан Даشت Қипчоққа бориб Ўрисхонга сиринадилар. «Анда таки уларнинг ёмон феъли зоҳир бўлиб, Ўрисхондан қочиб, Жете улусига Қамариiddинга бордилар»¹. Ҳолбуки, шундан бир йил олдин Одилшоҳ ва Сари Буғалар Жаҳонгир Мирзонинг қўшини сафида Қамариiddинни таъқиб эттан эдилар. Бу хоинлар ўшанда ҳам Қамариiddинга жосуслик қилиб, Жаҳонгир Мирзога зимдан қарши иш олиб борган бўлсалар керак. Қамариiddиннинг ҳар қандай ҳолатда ҳам қочиб қутулиб кетишига шулар маҳфий хабар юбориб кўмаклашгандари энди аён бўлди. Балки улар ойлар давомида маккор душманни тутолмай тоғ йўлларида азоб тортган Жаҳонгир Мирзони ҳолдан тойдирив, касал қилиш ниятида бўлгандирлар.

Жаҳонгир Мирзо шуни энди фаҳмлаб, душманлари билан охиригача мардорна жанг қилди. Карманада эришган зафари унинг охирги ғалабаси бўлди. Шундан кейин унинг тоби қочиб Самарқандга қайtdи ва ётиб қолди.

Жетега қочган Сари Буғо ва Одилшоҳларнинг қуткуси билан Қамариiddин Андижонга бостириб келди.

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1976. 99-бет.

Андижон ҳимоясида турган Умаршайх Мирзонинг минг кишилик қўшини хиёнат йўлига кириб, Қамариддин томонга ўтиб кетди. Умаршайх Мирзо тоғларга чиқиб кетиб жон сақлайди. Қамариддин қўшини Андижон ва унинг атрофларини талайди ва ҳароб қилади. Бунинг хабари Амир Темурга етиб боргач, у дарҳол отланиб, бор қўшини билан Андижонга йўл олади.

Номард Қамариддин яна юзма-юз олишувдан қочиб, Отбоши томонга қуён бўлиб кетади. Амир Темур уни таъқиб этиб қайтадан Иссиқкўл бўйларига ва Отбоши дарёсигача боради. Лекин ғаним яна топип қийин бўлган дараларга кириб яширинади.

Суюкли ўғли Жаҳонгирни касал аҳволда табибу ҳакимлар ва меҳрибон аёллар ҳимоясига ташлаб келгани ва тезда кетолмайдиган аҳволда экани соҳибқиронни безовта қиласи. Ўғлининг хасталиги тушларига кириб чиқади. Охири ёмон бир туш кўргандан кейин дарҳол Самарқандга йўл олади. Бироқ ота етиб келгунча суюкли ўғил ҳаётдан кўз юмган эди.

Севинч беканинг ой куни етиб, ажойиб бир ўғил туққанда Жаҳонгир Мирзо ҳали ҳаёт эди. У биринчи ўғлини кўришга мусассар бўлди-ю, эртаси куни жон берди. Орадан қирқ кун ўтгандан кейин Баҳт Мулк оқо ҳам ўғил туғади. Аммо отасини кўриш бу ўғилга насиб этмайди.

Фарзанд доғи, суюкли ўғилнинг мусибати туфайли Амир Темур қанчалик оғир ғам-ғуссага ботгани Н. Шомийда шундай сўзлар билан ифодаланади: «навжуону, паҳлавону комрон фарзанди фироқида кўзи гирён, бағри бирён бўлиб, жудоликнинг аччиқ балосидан коса-коса ичди, мотам ва мусибат либосини кийди»¹.

Ш.А. Яздий қўшимча қилиб айтадики, фарзанд мусибати шу қадар оғир кечдики, соҳибқирон бир қанча вақт давлат ишларидан ҳам беътиқод бўлиб ҳамма нарсадан кўнгли қолгандай руҳи тушиб юрди. Лекин

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1976. 102-бет.

пири комил Сайд Барака ва Содиқ Беклар унинг ҳузурига йигилиб, кўнглининг заҳрини оладиган дил сўзларини айтдилар. Шу аснода хабар келдиким, Жаҳогир Мирзога кўп хиёнатлар қилиб, унинг хасталанишига сабабчи бўлғанлардан бири Одилшоҳ Жалоир Қамариддин ҳузуридан ҳам қочиб кетади. Ўтрор яқинидаги Қоратоғда бир неча гумроҳлар билан саргардан юрган эмиш. Амир Темур бу хоинни жазолаш учун Хўжа Кўкалтош бошлиқ ўн беш йигитни Ўтрорга жўнатди. Бу йигитлар хиёнатчи Одилшоҳни Оқсув деган жойда қўлга туширдилар ва барча айбларини бўйнига қўйиб қатл этдилар. Шу билан адоват уруғини экканлардан яна бири ўзи эккан ажал ҳосилини ўриб нариги дунёга кетди.

Янги туғилган икки ўғил невара Амир Темурнинг мусибат яралаган дилига гўё малҳам бўлди. Бобоси катта неварага Муҳаммад Султон, кичигига Пир Муҳаммад деб исм қўйди. Соҳибқирон тонг саҳарларда жойномоз устида ўлтириб, кўзда ёш билан шу гўдакларга узок умр тилайди, уларнинг оталари каби суюкли фарзанд ва боболарига муносиб ворис бўлиб етишишларини парвардигордан илтижо қиласди.

ЖЕТЕ ВА ОЛТИН ЎРДАНИНГ ВАҲШИЁНА ТАЖОВУЗИ

Ватанимизни кўчманчи чингизийлар асоратидан кутқаришнинг жуда мушкул бир хусусияти бор эди. Мустамлакачи мўғул кучлари юзма-юз жангларда Амир Темур лашкаридан уч, тўрт, ҳатто беш марта мағлубиятта учраб. Туроннинг маълум ҳудудларидан аёвсиз қувилса ҳам, яна аллақаёқлардан ёлланма қўшинлар тўплаб, чекка жойлардаги шаҳару қишлоқларимизга ўғринча бостириб келишар, бузғунчилик ва талончиклар билан қўйин-қўнжилариғача ўлжага тўлдиргач, гўшт ўғирлаган мушукка ўхшаб, тоғ дараларига бориб яширинишарди. Уларни қидириб топиш ва жа-

зосини бериш учун тик довонлардан ошиб, тору тошларда минглаб чақирим йўл босиш керак бўларди. Айниқса, Қамарииддин бошлиқ тўрт минг кишилик талончи қўшин раҳматли Жаҳонгир Мирзодан тор дараларида уч марта енгилиб, қочиб қутулиб кетган, Амир Темурнинг ўзи ҳам унинг сон жиҳатидан йигирма баробар кўп қўшинини икки юз кишилик баҳодир навкарлари билан тор бир дарага қамаб, роса тутдай тўккан, шунда ҳам Қамарииддин арчазорлар орасидан яширин бир йўл топиб қочиб қутулиб кетган эди. Бу одамларга орият, номус, курашда йиқилса, мағлубиятга тан бериб майдонни тарқ этиш одатлари мутлақо бегона эди.

Бопқа муҳим давлат ишлари кўп бўлган Амир Темур гоҳ Таласдан, гоҳ Иссиққўл бўйларидаи Самарқандга қайтиб кетганида Қамарииддин қўшини торлар орасидан чиқиб, гоҳ Фарғона водийсига, Андижону Ўзганга, гоҳ Талас водийси орқали Сайрам ва Тошкентга бостириб келиб яна талончилик ва бузғунчиликларини давом эттирад эди.

Бу ғанимни йўқ қилиш учун унинг суюнган устунларини қулатиш керак эди. Бу устунлар тоғ дараларидаги яхши ҳимояланган қароргоҳлар ва «босқоқлар» деб аталадиган маҳаллий ҳокимлар эди. Худди Россия томонларидағи каби Иссиққўл атрофларидағи жете ҳокимлари ҳам «босқоқлар» деб аталганини биз шу ўлкаларда туғилиб ўсган, унинг тарихини яхши билган ва «Темур тузуклари»дек буюк асарни биринчи бўлиб ўзбек китобхонига ўз таржимасида етказиб берган Алихонтўра Соғунийнинг «Туркистон қайғуси» китобида ўқидик¹.

Амир Темур жетега қарши қилган ҳар бир юришида Қамарииддинга суюнчиқ бўлган ана шу устунларнинг аллақанчасини Алма-Ати атрофларида, Или ва Чу дарёси бўйларида, Иссиққўл қирғозидаги Отбоши ва Арпа ёзида қулатиб йўқ қилди. Бу ерларнинг аҳолиси

¹ Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. 2003. 148—149-бетлар.

энди Турон аҳолиси каби чингизийлар асоратидан озод бўлди. Босқоқлар деб аталган ҳокимлар бу ердан ҳам кувилди. Қамариiddиннинг белини бақувват қилиб турган юзлаб сурув қўйлар, ўн минглаган от ва туялар, Туроннинг ички вилоятидан ўлжа қилиб олиб келинган беҳад кўп бойликлар, асир қилиб ҳайдаб келинган минглаб ҳунармандлар, хизматкорлар, ҳатто навкарлар Амир Темур қўшини билан Туроннинг ичкари вилоятларига қайтиб бормоқда эди.

Қамариiddин Фарғона водийсида бошқа талончилик қилолмаслигинингchorаси ҳам кўрилди. Амир Темурнинг иккинчи ўғли Жаҳонгир Мирзонинг ишини яхши давом эттираётган Умаршайх Мирзо энг тажрибали амирлар ва баҳодирлардан иборат беш минг қўшин билан водийни ташки тажовузлардан доимий ҳимоя қилиб турадиган ҳоким қилиб тайинланди. Шундан кейин Қамариiddин Иссиккўлдан берига келломай қолди.

Амир Темур Иссиккўлни ҳам Туроннинг энг гўзал бир қисми деб ҳисоблар ва Қамариiddиннинг шумқадами бу муқаддас ўлкадан бутунлай даф бўлишини истарди. Шунинг учун Амир Темур 1376 йилнинг ўрталарида Жетега қарши уюштирган бенгичи юришини тўғри Иссиккўл томонга йўналтириди. Саркарда олдинроқ жўнаттан илгор қўшинлар Қамариiddинни Иссиккўлнинг ғарб томонидаги Буғом Ойкўл деган жойда қувиб етдилар.

Икки орада жанг бўлади.

Қамариiddин яна енгилиб қочади, унинг кўпчилик навкарлари асир тушади, мол-мулки ўлжа олинади. Аммо ўзи Юлдуз деган машхур яйлов томонга қочиб кутулиб кетади. Бу яйловдан бир неча юз чақирим жойда Ғулжа шаҳри, ундан яна 80 чақирим нарида Олмалиқ деган шаҳар бор эди. Қамариiddиннинг энг сўнгги қочиб борадиган жойи ана шу Олмалиқ бўлиши мумкин эди.

Амир Темурга келган ахборотларда, Олмалиқни Кеп ва Тошкент яқинида Амир Темур билан урушиб ен-

гилган ва вафот этиб кетган Илёсхўжанинг ўғли Ҳизрхўжахон эгаллаб турар эди. Қамаридин хоннинг вориси эмас, шунчаки вазири эди. Шунинг учун ёш йигит бўлган Ҳизрхўжахоннинг тарафдорлари Қамаридинни давлат бошлиги деб тан олмас эдилар ва унга қарши кураш олиб борар эдилар.

Амир Темурнинг Олмалиқ шаҳридан ҳам хабар юбориб турадиган ишончли одамлари бор эди. Улар Амир Темурнинг Ҳизрхўжахонга элчилар юбориб, Қамаридинга қарши иттифоқ тузишини истар эдилар. Амир Темур ҳам ғанимларнинг ички зиддиятларидан шу иттифоқ ёрдамида фойдаланиш мумкинлигини сезиб, Ҳизрхўжахон билан тил топишнинг йўлини излайди. Албатта, Ҳизрхўжахоннинг отаси умр бўйи Амир Темурга қарши душманлик руҳида иш олиб борган эди. Бунинг таъсири ўлига ва унинг атрофидағи аъёнларга ҳам ўтган бўлиши керак. Лекин Амир Темур Ҳизрхўжахон билан ҳокимият талашаётган Қамаридинга қақшатқич зарбалар берса ва уни орадан кўтариб ташлашга кўмаклашса, шунинг ўзи икки орага кўпприк бўлиб тушмасмикин?

Амир Темур Иссиқкўлдан наридаги Кўчқўр деган баҳаво жойда тўхтаб, саропарда ва шохона чодирлар қурдирди-ю, Қамаридинни Юлдуз яйловигача ва ундан нари Олмалиқ шаҳригача таъқиб этиб бориш ва Ҳизрхўжахон билан ўша ёқда тил топишиш ҳақида улуғ амирлар ва вазирлар билан кенгаш ўтказди.

Кўпчиликнинг фикри шу бўлдики, бунинг учун Самарқанд ва бошқа шаҳарлардан яна камида ўн минг кишилик кўшин йиғиши лозим бўлади. Мўгулистоннинг жон жойи бўлган Юлдуз яйлови ва пойтахт Олмалиққа ана шундай катта куч билан борилмаса мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳозирча эса Ҳизрхўжахонга нуфузли элчи ва яхши соввалар юбориб, Амир Темур уни ҳақиқий хон деб тан олишини, Қамаридин эса икки томонга ҳам бирдай душман бўлгани учун унга қарши курашаётганини маълум қилиб қўйиш лозим топилди. Шунинг устига Самарқанддан келган чопар жуда муҳим хабар олиб келди.

Машхур Ботухон авлодларидан бўлган Тўхтамиш ўғлон Олтин Ўрда хони Ўрисхон билан ёвлашиб қолибди. Тўхтамишхоннинг отаси Тўйхўжа ўғлон таҳлашгани учун Ўрисхон уни қатл эттиради.

Тўйхўжанинг йигирма бир ёшлик ўғли Тўхтамиш отаси учун қасд олмоқчи эди. Ўрисхон Тўхтамишни ҳам ўлдириш ҳақида буйруқ беради. Ҳозир бу хундор душманига бас келолмаслигини сезган Тўхтамиш яқин одамлари билан Хоразм томонларга қочиб келади ва ўша ердан Амир Темурга ишончли вакилини юбориб, унинг хизматига кириш истагини билдиради. «Ўрисхон сизнинг ҳам ашаддий душманингиздир, — деб мурожаат қиласиди Тўхтамиш Амир Темурга. — Агар мени тутунгган бир ўғлингиз ўрнида қабул қилсангиз, то умрим борича фарзандек садоқат билан хизматингизни қилгаймен. Токи сизнинг ёрдамингизда отамнинг қотили Ўрисхонгаadolatli қасос қайтсин».

Ёш шаҳзоданинг бу илиқ мурожаати Амир Темурни ўйлантириб қўяди. Унинг назарида, Қамариддинни бартараф қилишга ҳали вазият етилган эмас. Вақт —adolatli ҳакам. Бир-икки йил сабр қилинса, Олмалиқдаги ёш Ҳизрхўжа кучга кириб, Қамариддин билан астойдил олишадиган бўлади. Унгача Амир Темур ўз оёғи билан келаётган Олтин Ўрда шаҳзодаси Тўхтамишнинг Ўрисхонга қарши курашига кўмаклашса, Оқ Ўрда тажовузларидан қутулиши мумкин. Агар Тўхтамиш кучга кириб, Олтин Ўрда таҳтини ҳам эгаллай олса, ўшанда Хоразмни чингизийлар асоратидан ҳалос қилиб, тарихийadolatni тиклаш ва Жалолиддин Мангуберди ватанини яна Турон мамлакати таркиби-га қўшиш осонлашади.

Доим узоқни кўзлаб иш қиласидиган Амир Темур Олмалиқдаги Ҳизрхўжахонга оид режаларни амалга ошириш учун ҳали кўп вақт кераклигини ўйларди. Лекин Хоразмни Олтин Ўрдадан ва қадимий туркий шаҳар бўлган Сирноқни Оқ Ўрдадан яқин йилларда ҳалос қилиш учун зарур бўладиган қулагай вазият қувинга учраган Тўхтамиш қиёфасида ўз оёғи билан Туронга қараб келаёттандай соҳибқиронни мамнун қилди.

У ҳали Қўчкорда эканидаёқ Олтин Ўрда ишларини яхши биладиган Амир Туманбекни Иссиққўл бўйла-ридан Хоразм томонларга Тўхтамиш ўғлонни кутиб олиш учун жўнатди. Шундан сўнг, Амир Темурнинг ўзи ҳам Ясси Довон ва Ўзган орқали Самарқандга қайтди. Бу орада Туманбек Ўрисхон таъкибидан қочиб юрган Тўхтамишни Қизилқўмнинг қайси бир мавзеидан топиб, яхши отларга миндириб, ҳамроҳдари билан Самарқандга бошлаб келади.

Амир Темур ўғли тенги Тўхтамишни иззат-икром билан кутиб олади. Унинг шарафига катта зиёфат беради.

Соҳибқирон катта сахийлик кўрсатиб, «Тўхтамишга ва тобеларига молу мато, от ва ҳачир, чодир ўтов, ноғора-ю байроқ тортиқ қилди»¹, деб ёзади Шомий «Зафарнома»да. Ш.А. Яздий унга қўшимча қилиб дейди: «Нимаиким пошшоҳлиғда керак турур барчасини Тўхтамишга ясад берди ва ани ўғил ўқиди»².

Амир Темур Тўхтамиш воситасида қандай катта мақсаддларни ўз олдига қўяётганига фаросати етмаётган баъзи беклар «битта қочқин шаҳзодага шунча довудаҳмаза нима керак?», деб ҳайрон бўлишади. Лекин Амир Темур Тўхтамишнинг қўлидан иш келадиган, эс-хуши жойида, одобу муомаласи яхши, кўриниши ҳам одамни ўзига тортадиган кўҳлик, паҳлавон йигит эканини биринчи кўришдаёқ сезади. Шунинг учун ҳали Оқ Ўрда хони Ўрисхоннинг тасарруфида бўлган Саброн ва Сифноқ вилоятларини Тўхтамиш ўғлонга беради. Бу деган сўз, Тўхтамиш ўғлон Амир Темур ёрдамида Оқ Ўрданинг асосий вилоятлари бўлган Саброн ва Сифноқни Ўрисхондан тортиб олиб, ўзиники қилиши керак эди. Аммо бу ҳали жангу жадалларда тажрибаси кам бўлган Тўхтамиш ўғлон учун жуда оғир вазифа эди. Бироқ Амир Темурга туtingан ўғил бўлишни истаган ва унга умр бўйи садоқат сақлашга ваъда берган Тўхтамиш ўғлон Амир Темур юклаган вазифа

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1976. 103-бет.

² Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 82-бет.

ҳар қанча оғир ва хатарли бўлса ҳам, уни юкиниб, яъни бир тиззасини ерга қўйиб, таъзим билан қабул қиласди. Албатта, Амир Темур унга жангда ёрдам берадиган бир неча юз ботир йигитлар ҳам берди.

Тўхтамиш ўғлон Саброн вилоятига бориб, Амир Темур берган жангчилар ёрдамида Ўрисхоннинг Тўхта Буга деган ўғли билан жанг қиласди. Бу жангда Тўхта Буга ўлдирилди. Аммо Тўхта Буганинг навкарлари сон жиҳатидан икки баравар кўп эди. Улар қасос олиш йўлига ўтди. Тўхтамиш жонини омон сақлаш учун Саброндан чиқиб қочади ва Самарқандга, Амир Темур ҳузурига бош эгиб қайтиб келади.

Амир Темур Тўхтамиш ўғлоннинг асосий рақиби бўлган Тўхта Буганинг ўлдирилганини Тўхтамиш ўғлоннинг ютуғи деб ҳисоблайди ва унинг ихтиёрига аввалгидан кўпроқ ботир навкарлардан бериб, яна Саброн вилоятига эгалик қилиш учун жўнатади.

Бу гал Ўрисхоннинг ўрганча ўғли Тўхта Қия Жўжи авлодидан бўлган жуда катта қўшин билан Тўхтамиш ўғлонга қарши жанг қиласди. Тўхтамиш ўғлон мағлуб бўлиб қочади. Уни Саброндан Чиноз яқинигача қувиб келадилар. Тўхтамиш ўғлон шу ерда Сирдарёдан сузиб ўтаётганда елкасига ёй ўқи тегади. Ярадор аҳволда бир амаллаб қамишзор қирғоқقا чиқади. Амир Темурнинг Идику Барлос деган амири уни қамишлар орасида ярасидан қон кетиб, инграб ётган ҳолида топади. Уни ўзига келтириб, ярасини боғлаб, Амир Темур ҳузурига олиб боради.

Амир Темурнинг бағрикенглиги ва тантилигига қойил бўлиш керакки, Тўхтамишни бу иккинчи мағлубиятидан кейин ҳам оталарча қўллаб-қувватлашда давом этади.

Ўрисхондан Амир Темурга элчилар келади. Ўрисхон «Тўхтамиш менинг ўғлимни ўлдириб, сенга қочиб борган дейди. Ани менга бергил ва агар бермасант, уруш ерини айтиб юборгил»¹.

¹ Ш. Яզдий. «Зафарнома». 1977. 82-бет.

Амир Темурга қаратилган бу беандиша сўзларга соҳибқирон ҳам муносиб жавоб беради. Тўхтамишнинг отасини Ўрисхон ўлдирганини, шу сабабли бу йигит Амир Темурдан ҳимоя истаб келганини, адолат Тўхтамиш томонида бўлгани учун уни душманларига топширмаслигини маълум қиласди. Аммо Ўрисхон урушмоқчи бўлса, Амир Темур бунга тайёр турганини билдиради. Бу чигал воқеалар орасидан Амир Темур энг тўғри йўлни топиб ўтаётгани шунда кўринадики, урушни Ўрисхон биринчи бўлиб бошласа, эл-юрт олдидаги масъулият, аввало, унинг зиммасига тушади.

Амир Темур қўпини билан Ўрисхон лашкари қаттиқ совуқ бўлаётган қиши кунларида Ўтрордан наридаги чўлда саҳар пайти тўқнашадилар. Ўрисхон лашкарларини бошқарган унинг катта ўғли Темур Малик ярадор бўлиб жанг майдонини ташлаб қочди. Амир Темурнинг Йаруқ Темур, Хитойи Баҳодир ва Ҳиндудшоҳ каби қўшин бошлиқлари душманни таъқиб этиб борар экан, Ўрисхоннинг бутун давлат сирларини яхши биладиган Улуғ Сотқин деган амирни асир қилиб олиб қайтадилар. Бу асирнинг маълумотига қараганда, Ўрисхон ҳам жанг майдонини ташлаб кетган эмиш, ўз ўрнига Қора Кўпак вазирини иш боши қилиб қолдирган эмиш. Амир Темур қўшинга озроқ дам бериши ва захирадаги кучларни ҳам йиғиб, душманга узил-кеシリл зарба бериш учун Ўтрордан Кешга қайтади ва бу ерда бир ҳафта дам олади. Шундан сўнг аввалгидан бир неча баробар катта куч билан Оқ Ўрданинг пойтахти ҳисобланган Сирноқ шаҳрига қўшин тортиб боради. Унинг катта қўшин билан келаётганини эшитган Ўрисхон Сирноқни жангсиз ташлаб чиқади ва Даشتни Қипчоқнинг поёнсиз чўллари орқали Олтин Ўрда томонга қочади.

Амир Темур бу йўлларда кўп юрган Тўхтамиш ўғлонни йўлбошловчи қилиб олдинга ўтказади. Қиши чиқиб, эрта баҳорнинг илиқ нафаси келиб қолган пайтлар эди. Ўрисхонни Даشتни Қипчоқ бўйлаб 15 кун таъқиб этадилар. Нихоят, Жайрон Қамиш деган жой-

да унинг қароргоҳини топиб, қўшин билан ўраб оладилар. «Ҳазратнинг давлатидин, — деб ёзади Ш.А. Яздий, — Ўрисхон ўшал яқинда ўлган эди, улуғ ўғли Тўхта Қия ато ўрнига хон бўлиб, ўтириб эрди ва ул тақи отасининг кейинидан борди (яъни, жангда ўлди). Ва ҳазрат Тўхтамишни Даشتி Қипчоқда хон қилди. Ва бир отким, оти Ҳанг Ўғлон эрди, ва оламда андоқ отйўқ эрди, ҳазрат Тўхтамишга берди... Дедиким, бу отни яхши сақдагайсен»¹.

Шундан кейин ҳам Тўхтамишнинг смади келмайди. Утрор урушида ярадор бўлган Ўрисхоннинг ўртанча ўғли Темур Малик яралари тузалиб, Сарой Беркега боради ва ўз атрофига кучли тарафдорларни йигиб, 1378 йилда Олтин Ўрда тахтини згаллашга муваффақ бўлади. Унинг биринчи иши — отаси ва акасини ўлдирган Тўхтамишдан қасд олиш бўлади. Темур Малик Олтин Ўрданинг сара қўшинларидан йигирма мингини Тўхтамиш згаллаб турган Оқ Ўрдага қарши бошлаб келади.

Бу гал Амир Темур узоқни олдиндан кўрган каби саҳоват билан тақдим этган Ҳанг Ўғлон номли чопқир бўз от Тўхтамиш ўғлоннинг жонига оро кирди. Жангни бой берган Тўхтамиш шу отни миниб Самарқанд томонга қочади. Кетидан душманлари тўда-тўда бўлиб қувадилар, ёйдан ўнлаб марта ўқ отадилар. Жонивор бўз от қувғинчиларни ёй ўқи етадиган даражада яқин келтирмай, қущдай учиб боради ва Тўхтамиш ўғлонни Амир Темур хузурига етказиб келади.

Тўхтамиш ўғлон Амир Темурнинг ўгитига амал қилиб, отни яхши боққани ва авайлаб сақдагани учун бўз от уни ёв қуршовидан қутқариб олиб келади. Буни сезган Амир Темур Тўхтамишга берган яхши маслаҳатлари амалга ошаётганидан мамнун бўлади.

Ўрисхоннинг охирги ўғли Темур Маликни ҳам Тўхтамиш воситасида йўқ қилиб, Оқ Ўрда маркази Сирноқни Туронга қўшиб олиш жуда муҳим эди. Шу-

¹Ш. Яздий. «Зафарнома». 1977. 84-бет.

нинг учун Амир Темур бу гал Тўхтамишга ёрдам тариқасида ўзининг энг тажрибали амирларидан Фиёсiddin Tarxon, Амир Бахти Xўja, Туман Темур ўзбек бошчилигида ўн беш минг қўшин беради. Бу қўшинни бошлаб борган Тўхтамиш рақиби Темур Маликни Қоратол деган жойдан толади ва у билан қаттиқ жанг қилади. Бу гал ҳам Амир Темур юборган баҳодирлар иш беради. Темур Маликнинг қўшини жангда торморм бўлиб, ўзи ўлдирилди.

Тўхтамиш Амир Темур номидан бир қанча вақт Сигноқда хон бўлиб туради. Олтин Ўрдада Мамайхонга қарши исён кўтарилади. Исёнчилар унинг ўрнига ҳақиқий хонлар авлодидан бўлган Тухтамишни Сарой Беркега чақириб олдилар.

Мамайхон Олтин Ўрдага қарши Дмитрий Донской бошчилигида исён кўтарган рус князлари билан жанг қилиш учун Куликова деган жойга қўшин тортиб кетган эди.

Тўхтамишнинг яна омади келди — Куликова жангига Мамайхон мағлуб бўлади, қолган-қутган қўшини билан орқага чекиниб Калка дарёси бўйига қайтганда Тўхтамиш катта қўшин билан унинг йўлини тўсиб чиқди. Мамайхоннинг Куликовадан мағлуб бўлиб қайтаётган қўшинининг қолган-қутган қисмини Тўхтамишхон лашкари қириб ташлади. Мамайхоннинг ўзи бир неча содик мулозимлари билан Кримнинг Кафа шаҳридаги ўз қароргоҳига қочиб борди. Аммо Кафада ҳам унинг хундор душманлари бор эди. Уни ўша ерда қатл этдилар. Шундан кейин Тўхтамишхон билан таҳт талашадиган бошқа рақиб қолмади. Уни 1381 йилда оқ кийгизга солиб, Олтин Ўрдага хон қилиб кўтардилар.

Тўхтамишнинг мустақил равишда амалга оширган биринчи катта ҳарбий юриши Москвага қарши қаратилди. Куликова жангига Мамайхоннинг енгилиши унинг таҳтга чиқишини осонлаштирган бўлса ҳам, лекин рус князларининг навбатдаги исёнларига йўл бермаслик учун Тўхтамишхон улардан Куликованинг қасосини олишга қарор қилди. 1382 йилда Куликовада ғалаба

қилган княз Дмитрий Донской Москвадан анча нарида Кострома деган жойда яшаётган пайтда Тўхтамишхон Москвага бостириб боради. Шаҳар ҳимоячилари ни ҳар хил ёлғон ваъдалар билан алдаб, дарвозаларни очтиради. Ичкарига қўшин билан бостириб киргандан сўнг талончилик ва қирғинни бошлади. «Золотая Орда» китобида келтирилган маълумотларга қараганда «Талончилар шаҳарга ўт қўядилар, ўн икки мингдан ортиқ бегуноҳ аҳолини ўлдирадилар...

Талангани ва ёндирилган Москвага Тўхтамиш кетгандан сўнг Костромадан қайтиб келган князь Дмитрий Донской ўз ҳаётининг энг оғир дамларини бошидан кечиради. Чунки ўша кунларда Тўхтамишга қарши курашадиган кучлар унинг ихтиёрида йўқ эди¹. Ўша даврда Россияда Олтин Ўрдага қарши курашган кучлар билан Амир Темурнинг чингизийлар асоратига қарши олиб борган курапини қиёслаш учун юқорида келтирилган фактдан кейин яна Турон ҳудудларига қайтайлик.

Сирдарёнинг қўйи оқимида Сирноқ ва Саброн вилоятларида Ўрисхон авлодларининг Туронга қарши тажовузлари тутатилгани, бу қадимий туркий шаҳарлар Турон Султони Амир Темур таъсири остига ўтиши соҳибқироннинг катта ғалабаси эди. Бу ғалабага эришишда Олтин Ўрдадан қочиб келган Тўхтамиш ўғлонга яхшилик қилиш йўли билан Ўрисхон каби хатарли ранимларни йўқ қилгани — Амир Темурнинг сиёsat юргизишдаги донолиги ва юксак маҳоратидан далолат беради. Ҳудди шундай донолик ва маҳоратни Амир Темурнинг Мўғалистон хони Ҳизрхўжахонни Қамариддинга қарши курашга қандай жалб эттанида яна бир марта кўрамиз.

Қамариддинни бир томондан Ҳизрхўжахон қўшини, иккинчи томондан Амир Темур лашкари қаттиқ таъқиб остига олгани сабабли у Юлдуз яйловини ҳам

¹ Б. Греков, А. Якубовский. Золотая Орда и её подание. 328—329-бетлар.

тарк этиб, Эртиш дарёсига қараб қочади. Амир Темур уни ўша ёқлардан тутиб келиш учун 25 минг кишилик қўшин юборади. Бу қўшин Эртиш дарёсидан нарига ўтиб, Қамариiddинни Тайга ўрмонларига кириб яширинишга мажбур қилади. Ниҳоят, у ўрмон ичидаги исстисқо касалига учраб бир ўрмончининг уйидаги бўлади.

Фақат Хоразмнинг тинч йўл билан ўзининг аввалги умумий ватани — Туронга қайтиб қўшилиши Олтин Ўрда аралашувлари туфайли жуда қийин кечди. Хоразмнинг Олтин Ўрдага қарам ва иттифоқдош бўлганини, Юсуф Сўфи ва ундан кейин Хоразмда ҳокимиятни бошқарган Сулаймон Сўфи Олтин Ўрданинг хос вакили Элайғимиш ўғлон билан доим бамаслаҳат иш олиб борганлиги рус тарихчиси М. Иваниннинг юқорида номи қайд этилган китобида тўғри кўрсатилган. Фақат М. Иванин Олтин Ўрда вакилининг исмини араб алифбосидан рус тилига кўчириб ёзганда Элайғимиш деган исмни Илиқмиш деб қисқартириб ёзган.

Амир Темур Хоразмга қилган тўртинчи юриши пайтида доимгидаи Юсуф Сўфи билан яхшиликча сулҳ тузмоқчи бўлади. Юсуф Сўфи жуда баланддан келиб, Амир Темурни яккама-якка жанг қилишга даъват этади. Амир Темур бу даъватни қабул қилиб, майдонга ёлғиз ўзи чиқади. Аммо Юсуф Сўфи ундан кўрқиб қалъадан чиқмай шарманда бўлади. Шунда ҳам Амир Темур бағрикенглик қилиб, қариндошлилик хурмати юзасидан олтин лаганга Термиздан келган ва янги чиққан чиройли қовунни солиб, қалъа девори орқали Юсуф Сўфига юборади. Аммо қариндошлиликни ҳам, одобаҳлоқни ҳам унугланган сўфи тилладай товланиб турсан гўзал қовунни қалъа ташқарисидаги хандақнинг ифлос сувига улоқтиришни буюради. Қовун солинган олтин лаганни эса қалъа дарвозасининг қоровулига арзимаган нарса каби садақа қилиб юборади.

Бунинг ҳаммасини Юсуф Сўфининг ёнида турган ва уни Амир Темурга қарши гиж-гижлаётган Олтин Ўрданинг вакили Элайғимиш ўғлон маъқуллаб, ҳай ба-

ракалла айтади. Аммо улар ҳали Амир Темурнинг қаҳру ғазаби қанақа бўлишини кўрмаган эдилар. Соҳибқи-рон қалъя четларига баланд кўтармалар ясатиб, улар-нинг устига манжанақ ва аррада деб аталадиган қудратли тошотар қуролларни ўрнаттиради. Манжанақ-нинг ҳар бир тошини икки-уч киши зўрга кўтаради. Шундай тошлардан юздан ортиғи қалъя буржига курилган Юсуф Сўфининг саройи устига ёғдирилди ва уни мажақлаб ташлади. Юсуф Сўфи Олтин Ўрда вакили Элийғмиш ўғлоннинг қасрига қочиб ўтди. Бу қаср ҳам қалъанинг кўкракдор жойига қурилган, аррада деб ата-ладиган қуролга нишон бўлиб тураради. Аррада тош билан бирга қорура деб аталадиган, ёниб турган қора-мой билан кийгизга ўралган оловли ўқлар отишга тушди. Бу ўқлар Элийғмиш ўғлон қасрини ёндириб юборди, аррададан стилган тошлар ёниб турган бу қасрни ҳам вайрон қилди. Юсуф Сўфи вайроналар ва олов ичида қолиб ҳалок бўлди.

Унинг иниси Сулаймон Сўфи Элийғмиш ўғлон билан бирга Урганчни ташлаб, қалъадан тунда яширинча қочиб чиқадилар. «Улар Олтин Ўрда томонга Тўхта-мишхон паноҳига ҳазинада бор олтину жавоҳирлари-ни олиб, ишонган одамлари ва қўриқчилари билан қочиб кетаётганини Амир Темур билиб қолади, — деб ёзилади тарихчи М. Иваниннинг юқорида биз номи-ни айтган китобида. — Шунда Амир Темур ўз ўғли Мироншоҳни бешта амир бошлиқ катта қўшин билан қочаётгандар кетидан қувринчи қилиб жўнатади. Ми-роншоҳ бошлиқ қўшин Қумкент ва Қоз йўллари ор-қали жуда катта тезлик билан ҳаракат қилиб, Хоразм-дан қочиб кетаётгандарни қувиб етадилар, уларнинг қўшинларини тор-мор қилиб, мол-мулкларини кўпчи-лик одамлари билан бирга Хоразмга қайтарадилар»¹. Фақат Элийғмиш ўғлон билан Сулаймон Сўфи бепо-ён чўлга яшириниб, Тўхтамиш ўғлон ҳузурига қочиб

¹ М. Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Тўхтамиш. 2000. 21-бет.

кетишга муваффақ бўладилар. Элайиғимиш ўғлон Тўхтамишоннинг Амир Темурга қарши Сирноқ ва Саброн атрофларида олиб борган урушларида иштирок этганинига яна мағлубиятта учраб, Олтин Ўрда томонга қочиб кетганлиги М. Абдураимовнинг «Темур ва Тўхтамиш» деган китобида ҳам қайд этилган¹.

Хусайн Сўфидан тортиб, Юсуф Сўфи ва Сулаймон Сўфигача — бу кичик сулола мудом Хоразм ҳалқининг қаҳрамонлари бўлган Жалолиддин Мангуберди ва улуғ пир Нажмиддин Кубро руҳларига қарши иш олиб борадилар. Уларнинг Хоразм ҳалқини аёвсиз қириб ташлаган Чингизхон ва унинг авлодларига бу даражада мутеъ бўлиб, ҳатто уларга қулдай эргашиб, Урганчдан Олтин Ўрда томонга қараб қочганлари Амир Темурга қанчалик ёмон таъсир қилганини тасаввур этиш мумкин. Бу ерда ҳалқ айбдор эмас эди, айб хонинлик қилаётган амалдорлар ва ҳукмрон доираларда эди. Лекин бу ҳукмрон доиралар доим ҳалқнинг номидан сўзлаб, одамларни хато йўлларга бошлар, ҳалқ уларнинг қасофатига қолар эди. Шу сабабли бир қисм урганчилклар Турондан кўра Олтин Ўрдага ўзларини яқин олишар, бу ҳодиса Амир Темурнинг қаҳрини келтирас эди.

Ана шундай қаттиқ қаҳру ғазаб пайтида Амир Темур буйруғи билан Урганчдаги ҳокимият бинолари буздирилади, бозор майдонига қўш солиниб, арпа эктирилади. Диёнатли одам бўлган Амир Темур масжид ва зиёратгоҳлар ва бегуноҳ фуқароларнинг уйлари сақлаб қолинишини, фақат Олтин Ўрда тарафдорларининг уй-жойлари бузиб ташланишини ўз фармонида вазифа қилиб қўяди. Шу фармонга биноан бир қисм Хоразм аҳолиси Шаҳрисабзга ва Самарқанд атрофларига кўчирма қилинади. Кўчиб келганлар уй-жой ва иш билан таъминланадилар. Хоразм усталари ва қурувчилари Оқсаройдай улутвор бинонинг бунёд этилишига катта ҳисса қўшадилар.

¹ M. Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. 2000. 21-бет.

Орадан бир неча йил ўтиб, Амир Темур Олтин Ўрдага қарши ҳал қилювчи жангта отланади. Шу жанг тақдири Урганчнинг қайта тикланиши ва хоразмлиklärнинг ватанларига қайтиб кетиши муаммосини ҳам ижобий ҳал этганини воқеаларнинг кейинги ривожида кўрамиз.

• • •

Табиатда қоронғу тун билан ёруғ кунлар алмаси-ниб тургани каби, Амир Темур ҳаётида ҳам катта қувончлар гоҳо қайғули йўқотишлар билан алмаси-ниб туради. Катта қувонч милодий 1377 йилнинг қовун пишиғида соҳибқироннинг севикли маликаларидан Тоғай Туркон оқо ўғил туққанида содир бўлади. Бу кенжা ўғилга соҳибқирон катта орзу ва умидлар билан Шоҳруҳ деб исм қўяди. Келажакда унинг орзу ва умидлари рўёбга чиқади. Шоҳруҳ отасидан кейин темурийлар хонадонининг энг улкан подшосига айланади ва буюк сулоланинг шон-шарафини қирқ беш йилдан ортиқ байроқдай баланд тутади.

Кеш шахрида қурилаёттан Оқсарой Амир Темурнинг суюкли эгачиси Қутлуғ Туркон оғага алоҳида катта қувонч бағишлиайди. Чунки Амир Темур бутун умри давомида қурдирган саройларнинг энг буюги бўлмиш Оқсаройда эгачи ва инининг суюкли ота-оналари хотираси ёдга олинадиган, тиловатлар ва хатми қуръонлар қилинадиган, олтин ва ложувардлар билан зийнатланган муҳташам Дорул Ибодат ва Дорул Саодат обидалари қурилмоқда эди. Улуг Туркон оға ота-оналарининг руҳларини шод этадиган бу қурилиш режаларини қофозда қўриб беҳад шодланар ва уларнинг тезроқ амалга ошишини сабрсизланиб кутар эди. Бироқ Оқсарой тайёр бўлганини кўриш Қутлуғ Туркон оғага насиб этмади. Аввалги оғир йилларда орттирган хасталиклари Қутлуғ Туркон оғани 53 ёшида 1383 йилда боқий дунёга олиб кетади. Амир Темурга она ўрнида қанча яхшиликлар қилган, ёв хатари кучайганда жонажон инисини Самарқанддаги уйига яшириб, неча

фалокатлардан қутқарған суюкли эгачиси энди йўқ. Ундан олдинроқ Амир Темурнинг Ўлжай Туркон оғадан хотира бўлиб қолган ва бўй етганда Амир Мусога келин бўлиб тушган қизи Ака бегим ҳам вафот этади.

Устма-уст келган жудоликлар Амир Темурни беҳад оғир мусибатга солади. Табиатан куюнчак ва соҳибдил инсон бўлганилиги учун ғам-ғуссага тўлиб кўз ёш тўқади. Бир қанча вақт давлат ишларидан кўнгли совуб, «подшоҳдик ва салтанат оламда борму ё йўқ, ҳеч парвоси қолмади»¹ деб ёзади Ш.А. Яздий. Соҳибқирон бу мусибатдан таскин топиш учун Шоҳи Зинда деб аталган машҳур қабристонда эгачиси Кутлуғ Туркон оғага атаб мовий кошиналар билан безатилган гўзал мақбара қурдиради. Бундан ўн йилча олдин Шоҳи Зинда тепалигининг этагида суюкли умр йўлдоши Ўлжай Туркон оға номига ҳам гўзал ва шинам мақбара қурдирган эди. Қизи Ака бегимни шу мақбарага онаси ёнига дағн эттиради. Мақбарани кенгайтириб, гумбазини иккита қиласидар. Амир Темурнинг ўз яқинларига, айниқса, аёл зотига бундай жўмардларча меҳру оқибат кўрсатиши дунё тарихида ном қолдирган ҳукмдорлар орасида кам учрайдиган ҳодисадир.

• • •

Амир Темур Хоразмни Олтин Ўрда асоратидан қутқариб, қадимдан ягона туркий юрт бўлган Туронга қўшиб олгани Олтин Ўрдадаги кўпчилик чингизийларни аламзада қилди. Улар янги хон бўлиб борган Тўхтамишни ўртага олиб, унинг рутбаси Амир Темурнидан баланд эканини, Пўлат китобга битилган муқаддас аҳдномага биноан хонлик мартабасига фаяқат Чингизхон муносиб эканлиги, Қорачор Нўйон авладидан бўлган Амир Темур хонларга лашкарбоши бўлиб хизмат қилишдан юқорига кўтарилмаслиги кераклиги қайта-қайта муҳокамага қўйилади. Ҳали ёш ва тажрибасиз хон бўлган Тўхтамиш анча вақт икки

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 98-бет.

ўт орасида қолаётгандай қийналади. Атрофини ўраб олган чингизий шаҳзодаларнинг гапига кирса, Амир Темур билан ота-бала каби аҳдлашгани, ундан кўрган яхшиликлари эсига тушибди-ю, уларга зид иш қилса қози қора хиёнаткор бўлишини сезади. Лекин бутун бир империянинг жон жойи бўлиб қолган Олтин Ўрданинг ички талабларига қарши бориги ҳам хатарли эканини фаҳмлайди. У Амир Темурга берган ваъдаларига содик қолиб, Олтин Ўрда мулки ҳисобланган Сирноқ, Саброн ва айниқса Хоразмдан воз кечса Сарой Беркедаги чингизий ўғлонлар уни Амир Темурга содикликда ва Олтин Ўрдага хиёнатда айблаб, таҳтдан ағдариб ташлашлари мумкин эди. Шунинг учун Тўхтамиш ўртача бир йўлни танлади — собиқ Оқ Ўрдага қарашли Саброн ва Сирноқларни Амир Темурдан қайтариб олмоқчи бўлганларни йигиб, алоҳида бир лашкар тузди. Бу лашкарга Хоразмни бой бериб аламзада бўлган Эл-Йифмиш Ўғлонни саркарда этиб тайинлади. Сони зллик мингдан ошадиган бу лашкарга Хоразмдан қочган Сулаймон Сўфи ва унинг уч минг кишилик навкарлари ҳам қўшилди.

Рус ерлари ва шимолий Кавказ ўлкалари ҳам Олтин Ўрдага тобе бўлгани учун ўша юртлардан олинган турли миллат йигитлари ҳам бу лашкар таркибига киритилди.

«Амир Темур Хоразмни забт этгандан сўнг, — деб ёзади рус тарихчиси М. Иванов, — Сирдарёнинг қуий оқимларида Сирноқ ва Сабронга бостириб келган Олтин Ўрда лашкарлари билан жанг қилди. Олдинги қисмида Хоразм аскарлари бўлган бу лашкарлар руслар, черкаслар, қипчоқлар, қrimликлар, бошқиртлар ва ҳатто москваликлардан ташкил топган эди. Тўхтамишхонга қарашли бу лашкарларни Амир Темур тор-мор қилиб, бир қанча жанглардан сўнг Ўрол торлари томонга қочишга мажбур қилди»¹.

¹ М. Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. 1994. 126-бет.

Бу жангларга Тўхтамишхоннинг ўзи қатнашмаган, юқорида номи қайд этилган Элийғиши саркардалик қилгани учун Амир Темур «балки Оқ Ўрдадан айрилган аламзада чингизий ўғлонлар бу жангни Тўхтамишхондан сўрамай ўзбошимчалик билан қилгандирлар, шунга яраша ҳаммаси жазосини олади, энди тинч юрсалар керак», деб ўйлаган бўлиши мумкин.

1386—1387 йилларда соҳибқирон шарқий ва шимолий чегаралардан анча хотиржам бўлгандан кейин Эрон ва Озарбайжонга юриш қиласди. Бу юриш давомида Ҳирот ва бутун Хурросон унинг қаламравига ўтади. Ўсли Мироншоҳни Ҳиротта ҳоким қилиб тайинлайди. Кейинчалик Озарбайжон, Ширвон ва Султония ҳам чингизийлар асоратидан қутулиб, Амир Темурни бош ҳукмдор этиб тан оладилар ва жума масжидларида унинг номига хутба ўқитадилар.

Соҳибқироннинг бу катта зафарлари Олтин Ўрдадаги чингизийларнинг аламини келтиради. Чунки илгари Чингизхоннинг авлодларидан бўлган Ҳулагуҳон ҳукми остидаги бу ўлкалар энди Амир Темур ёрдамида мўғул империяси зулмидан қутулиб, эркин нафас ола бошлаган эди. Шу кетишда Олтин Ўрдага қарам бўлган бошқа халқлар ҳам мустамлака зулмига қарши бош кўтариб, чингизийлар ҳокимиятини бутунлай нест нобуд қилиши мумкин эди.

Олтин Ўрдадаги Тўхтамишхон ана шундан хавотирланиб 1385 йилнинг қишида Озарбайжон ва Ширвонни босиб олиш ҳаракатига тушди. Ш.А. Яэдий бу ҳақда шундай ёзади: «Ул қишида (яъни 1385 йилда) Тўхтамишхон тўққиз туман черик била (тўқсон минг қўпин) ўн икки ўғлон ким, бари Жўжихоннинг наслидан эдилар ва кўпчилиги иймонсиз ва кофир эдилар, Дарбанд йўлидан ўтиб, Ширвон ва Озарбайжон орқали Табризга келиб тушадилар.

Табризни зўравонлик билан ишғол қилиб, икки кечакундуз аҳолини талаб, шаҳар ичида бор барча қимматбаҳо нарсаларни ўлжа қилиб олиб кетдилар»¹.

¹ Ш. Яэдий. «Зафарнома». 1997. 106-бет.

Демак, Тўхтамишхон ҳам Чингизхон давридаги талончиликларни давом эттиради. Бунинг хабари Самарқандда қишилаётган Амир Темурга етиб боради. 1386 йилнинг баҳорида Амир Темур озарбайжонликлар илтимоси билан Ширвон ва Озарбайжон ҳимоясига келади. Амир Темур Ширвонда эканида Тўхтамишхон катта бир қўшинни Каспий дengiz bўйидаги торжой — Дарбанд орқали Озарбайжонни талаш учун юборади.

Бу қўшинлар Дарбанддан ўтиб келаётганидан хабар топган Амир Темур уларга қарши ўз ўғли Мироншоҳ ва амирлари Али Баҳодир. Ики Темур бошчилигида ўттиз мингдан ортиқ лашкарни Тўхтамиш лашкарига қарпин юборади.

Шомийнинг ёзишича, ўз ўғли ва амирларига «бизнинг Тўхтамиш билан аҳдномамиз бор, ота-бала тутинганимиз, шу аҳдномага амал қилишимиз керак, агар Тўхтамиш аскарлари ўзларини жанг бошлашдан тийса, сизлар урушмасдан орқага қайtingлар», деб тайинлайди.

Амир Темур юборган қўшинлар Дарбанднинг торжойида Тўхтамиш қўшинларининг қаршисидан чиқадилар. Дуғиман томон дарҳол ҳужумга ўтмаганлари учун Амир Темур аскарлари жангга кирмай орқага қайта бошлайдилар. Тўхтамиш аскарлари бу чекиниши ожизлик белгиси деб ўйлаб Амир Темур юборган аскарларга қарши ҳужумга ўтадилар. Шундан кейин Турон қўшини ҳам орқага қайтиб жангга киради ва Дарбанднинг тор дengiz соҳилида Тўхтамишхон аскарларини тор-мор қилади, бир неча мингини асир олади. Юзлаб отлар ва бошқа ўлжалар билан соҳиб-қироннинг ҳузурига қайтади.

Асиrlар орасида юзбоши ва мингбоши сипоҳийлар ҳам борлигини кўрган Амир Темур уларга қуидаги сўзларни айтади. «Тўхтамишхон билан орамизда муносабат ота-болалик каби эди. Тўхтамишхон нега бундай нолойиқ ишларга қўл урди, нега Табризда минглаб бегуноҳ мусулмонларнинг умрига зомин бўлди?

Бориб айтинглар, бундай ёмонликлар қилмасин, у билан аҳдашганимиз, аҳдида турсин¹.

Соҳибқироннинг бу сўзлари Ш.А. Яздий «Зафарнома»сида келтирилган. Фақат унинг равонроқ таржимасини биз М. Абдураимовнинг «Темур ва Тўхтамиш» деган китобидан олиб келтирдик.

Амир Темур асир тушан Тўхтамиш навкарларининг ҳаммасини валломатлик билан озод қилади. Ҳар бирига озиқ-овқат, кийим-кечак бериб, ўз қўшинлари турган жойгача кузатиб қўйишни ўз одамларига буюради.

Афсуски, бундай тантилик ва валломатлик ҳам Тўхтамишни ёмон ниятларидан қайтара олмайди. Ҳолбуки, Амир Темур уни ўлимдан қутқариб, хонлик тахтига эришишида энг катта ёрдамлар берган пайтларда Тўхтамиш унга таъзимлар қилиб, «халоскорим, валинеъматим, тутинган отам» деб, иноқ бўлиш, садоқат сақлаш ҳақида кўп ваъдалар берган эди. Лекин Чингизхоннинг ўзи ҳам, унинг авлодлари ҳам қуюқ ваъдалар бериб, аҳдида турмасликка, алдамчиликни ғанимга қарши ишлатиладиган ҳарбий ҳийла деб оқлашга одатланган эдилар.

Тўхтамишнинг қонида бор бу одат уни ўраб олган бузук мұхит таъсирида юзага қалқиб чиқади. Унинг нуфузли вазирларидан бири бўлган Едигей «Чингизийларда шундай одат бор, — дейди. — Берган ваъдан-гиз битта дарёни кечиб ўтгандан кейин ўз кучини йўқотади. Бобокалонимиз Чингизхон кўпинча шу одатта амал қиласар эканлар. Сиз оқсоқ Темурга ваъда берганингиздан буён Ёйик, Тобол, Идил дарёларидан неча бор ўтдингиз. Берган ваъдаларингизнинг кучи аллақачон тамом бўлган».

Бобокалони Чингизхоннинг ваъдани бузиш бора-сидаги мана шу ибратига таянган Тўхтамиш Амир Темурнинг 1387 йил қиши фаслида Эроннинг жанубидаги Форс ва Шерозга қўшин тортиб кетган пайтидан

¹ М. Абдураимов. «Темур ва Тўхтамиш». 2000. 20-бет.

маккорлик билан фойдаланади. Олтин Ўрдадан еттига чингизий шаҳзодалар саркардалигида етмиш минг қўшинни Турон ҳудудларига босқинчилик мақсади билан бошлаб келади.

Одатда Жўжи улуси ва Чиратойхон авлодлари бир-бирлари билан ҳеч келишолмас, нуқул мулк талашиб, уришар эдилар. Бироқ энди Амир Темурдан енгилиб аламзада бўлиб юрган Чиратойхон авлодлари ҳам Тўхтамишхон билан тил бириктирадилар. Чиратой авлодининг ҳозирги хони Ҳизрхўжа жете лашкари ёнига Иссикқўлдан беридаги Тўқмоқ деган жойда 20 минг талончи қўшин тўплаган Анқо Тўра деганни ҳам қўшиб олиб, Тўхтамишга ёрдамга келади.

Иртиш дарёсидан нарига қочиб ўтиб кетган ва «ўлди» деб овоза бўлган Қамариiddin гўё нариги дунёдан қайтиб келади ва Ўрол тоғларининг жанубидан ўтиб бориб, Тўхтамишхон хизматига киради. Шу тарзда бутун империянинг кучларини бир мушт қилиб бирлаштирган Тўхтамишхон юз минг кишидан ошиб кетган даҳшатли қўшин билан Амир Темурнинг ўзи узоқдалигидан фойдаланиб, Туронга уруш зълон қилмасдан олчоқларча бостириб киради.

Бирлашган кучларни Оқ Ўрда ҳудудига йиққан Тўхтамиш Қамариiddinga 10 минг қўшин бериб, Андижон ва Ўзганни ишғол қилишга жўнатади. Ҳизрхўжакон ва Анқо Тўра қўшинига Сайрам ва Тошкентни эгаллаб бўлиб, Самарқандга ҳужум қилиш топширилади. Хоразмдан Олтин Ўрдага қочиб борган Сулаймон Сўфи ўзининг хоразмлик қўшини билан Бухоро ва Қаршига бостириб келади. Лекин душманлар чучварани хом санаган эди. Амир Темур ватан ҳимояси учун қолдириб кетган азamat кучлар Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Тошкент, Хўжанд каби қўро ни мустаҳкам шаҳарлардан бирортасига душманларни киргизмайди.

Андижон ва Ўзганни талаш учун борган Қамариiddin ва Анқо Тўралар соҳибқиронга муносиб ўғил бўлиб етишган Умаршайх Мирзонинг довюраклик билан бер-

ган зарбалари остида яна Иссиқкўл томонларга чекиниб кетади.

Тўхтамишхон Амир Темурнинг узоқларда ҳарбий юриш билан банд эканидан фойдаланиб, соҳибқиронга душман бўлган барча кучларни йиғади. Бу душман кучлар орасига ҳатто соҳибқироннинг куёви, Султонбахтбегимнинг эри ҳутталонлик Мухаммад Мирак ҳам кўшилади.

Улар бутун мамлакатни босиб олиш умидида жуда катта уруш бошлайдилар. Бухоро, Қарши, Самарқанд — ҳамма катта шаҳарларга ҳужум уюштирадилар. Қишлоқлардаги аҳолини аёвсиз талайдилар. Минглаб бегуноҳ одамлар ўлдирилади.

Бу даҳшатлар хабарини тезюарар чопарлар Эроннинг нариги четидаги Шерозга ўн етти кунда етказиб борадилар. Отда бундан катта тезлик билан юриб бўлмас эди. Чунки Самарқанддан Шерозгача бўлган масофани карvonлар икки-уч ойда босиб ўтар эдилар.

Амир Темур бу шумхабарни эшлитиб, қанчалик изтиробга тушганини тасаввур этиш мумкин. Айниқса, ота-бала тутинган Тўхтамишхоннинг олчоқлик қилгани унда газаб ва нафрат туйгуларини аланга олдиради. Шундай бўлса ҳам, эронлик мезбонлар олдида ўзини вазмин тутади. Тунда энг ишонган амирларидан ўттиз кишини махфий машваратга йигиб, аҳволни маълум қиласи. Уларнинг ҳар бирига аниқ вазифалар юклаб, бир неча минг баҳодир йигитларни Туронда Тўхтамишхон билан жанг қилаётганлар ёрдамига чопар тезлигида етиб боришни буюриб, уларни шитоб билан жўнатиб юборади. Ўзи эса яна бир неча кун Эронда қолиб, Шероз вилоятини Шоҳ Шужоънинг ўғли Зайнал Обидинга, Форсни Шужъоннинг жияни Шоҳ Яҳёга, Исфаҳонни унинг катта ўғли Султон Мухаммадга, Кирмонни Шоҳ Шужоънинг иниси Султон Аҳмадга иноят қиласи. Уларнинг ҳар бирига ҳукумат нишони бўлмиш байроқ ва ол тамға (катта қизил муҳр) ҳадя этади.

Айни вақтда, Шерознинг машхур меъмор, қурувчи ва ҳунармандлардан катта бир гуруҳини зъзоз ва имтиёзлар билан маҳсус бир карвонда Самарқанд ва Кешидаги қурилишларга жўнатиб юборади.

Амир Темурнинг вафот этиб кетган дўсти Шоҳ Шужоъ авлодларига бунча ишонч ва эҳтиром кўрса-тишлари бежиз эмас эди.

Раҳматли Шоҳ Шужоъ Амир Темурга ихлосманд ва дўст эди. У Амир Темурга ўлимидан оддин мактуб ёзиб, Эрон яхлитлигини сақлаб қолишда авлодларга ёрдам беришни сўраган эди. Бу мактуб Ш.А. Яздийда келтирилган.

Бу ерда Шоҳ Шужоънинг Амир Темурга юксак баҳо берган ва Текронда чоп этилган тарихий ёзишмалар тўпламига киритилган қуйидаги мактубини келтириш ўринлидир. Бу мактуб Кирмон ҳокими Ихтиёриддин Ҳасан номига ёзилган. 1383 йилда Амир Темур Сейистонни ўзига бўйсундирганда, унга қўшни Кирмон вилоятининг ҳокими Ихтиёриддин хавотирга тушади ва Шоҳ Шужоъдан мадад сўрайди. Шу сўровга жавобан Шоҳ Шужоъ Ихтиёриддинга Амир Темур ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Сейистонлик Қутбиддин Амир Темур элчиларига азият етказган. Агар ундан интиқом олишса, қилган ишининг жазоси бўлади. Зоро, улуғ саркарда, Туронзамин Хусрави, ҳақиқат ва дин қутби Амир Темур ўз лашкарларининг дўстлари ва муҳлислари устига бостириб боришни хоҳламайди ва бунга йўл қўймайди»¹.

Шоҳ Шужоъ оддиндан билиб айтганидек, Амир Темур Шероз, Ҳамадон, Кирмон каби вилоятларни дипломатик йўл билан жангсиз эгаллайди. Исфаҳон ҳам бир неча маротаба тинч йўл билан Амир Темур қаламровига ўтган эди. Шоҳ Шужоънинг ҳам душманлари ҳисобланган феъли бузук одамлар Амир Темур Исфаҳонни қўриқлаш учун қолдирган уч минг йигити

¹ Амир Темур давридан Сафавийлар давригача бўлган Эрон ёзишмалари. Текрон, 1968. 12-бет. Фулом Каримов таржимаси.

ва шаҳар доруғасини тунда ухлаб ётганида ўлдирадилар. Амир Темур буни энг катта хиёнат ва орқадан пичоқ санчиш деб баҳолайди, қаттиқ разаб устида Исафахон аҳолисини қатлиом қилишни буюради. Ўша замоннинг кўпгина вакиллари, шу жумладан, Шоҳ Шужоъ ҳам буни хиёнатга қарши қаттиқ жазо деб баҳолайдилар.

• • •

Амир Темур бутун лашкарлари билан Тўхтамишхонга қарши интиқом туйгусига тўлиб, Туронга шамол тезлигида қайтаётгани, Амударёдан ўтгани мамлакатни талон-тарож қилаётган босқинчиларга маълум бўлади. Улар дарҳол туёқларини шиқиллатиб қочишга тушадилар.

Амир Темур Бухоро, Самарқанд, Қарши, Кеиш, Термиз каби шаҳарларни мустаҳкам қалъалар билан ўраб олгани ва уларнинг ҳар бирида минглаб қўриқчи аскарлар қолдиргани учун Тўхтамишхон лашкарлари бу шаҳарлардан бирортасини ишрол қилолмайди. Фақат унинг золим аскарлари қалъа билан ўраб олинмаган жуда кўп қишлоқ ва туманларни оч бўридай талайдилар.

Кайхусравнинг ўғли Маҳмуд хиёнатчиликда отасининг ишини давом эттиради ва босқинчиларни Амир Темур яхши кўрадиган Занжирсаройга бошлаб боради.

Ажойиб санъат асаридаи қурилган ва ўн олти гектар майдонни эгаллаган улкан Занжирсарой Қаршидан икки кунлик йўлда, ҳозирги Муборак шаҳри яқинида жойлашган эди. «Зафарнома»ларнинг гувоҳлик беринича, сўнгги ўн йилда Амир Темур Занжирсаройда уч марта қишлигаган эди. Бу сарой атрофида Самарқанд қалъасидаги каби мустаҳкам ва баланд девор йўқ эди. Буни биладиган сотқин Маҳмуд ва унга қўшилиб келган Сулаймон Сўфи Тўхтамишхон юборган босқинчилар билан Занжирсаройнинг бир қисм деворини қулатиб, ичкарига кирадилар, ундаги барча олтин, кумуш ва қимматбаҳо буюмларни шип-шийдан қилиб

талайдилар. Сўнг саройга ўт қўйиб, таг-тутигача ёндириб юборадилар.

Душманларнинг Сигноқда, Сабронда, Ҳўжандда, Андижонда, Ўзганда қилган бошқа талончилик ва ёвузликларининг ҳаммасидан ҳам кўра Занжирсаройдек тарихий обидани ваҳшиёна ёндириб йўқ қилганликлари Тўхтамишхоннинг Амир Темурга ашаддий душман эканлигини кўрсатади.

Соҳибқирон Туронга қайтганидан кейин дарҳол душманларнинг изидан тушади. Агар Тўхтамишхонда озгина мардлик бўлса, ўғрилар каби дарҳол қочиб қолмаслиги керак эди. Туронда бўлмаса майли, Даشت қипчоқнинг бирор ерида тўхтаб, қўшинини саф қилиб, Амир Темур билан очиқчасига жанг қилиши керак эди.

Қиши кирган, қалин қор ёққан бўлишига қарамай, Амир Темур босқинчиларнинг қолган-қутганини Сирдарё бўйларигача қувиб боради. Зарнуқ деган жойда Тўхтамишхоннинг ёвуз саркардаларидан Элйиғимиш қўшин тўплаб, яна бир талончиликка тайёрланаётгани ҳақида хабар келади. Буни зшитган Амир Темур дарҳол отланади. Бироқ қор отнинг кўкрагига келар эди. Беклар юкиниб, кўпроқ қўшин йигилгунча кутишини илтимос қиласидар. «Ҳазрат черик йигилгунча турмади, йўлда қор қалин бўлса ҳам, бир неча хос кишилари билан таваккал қилиб, душман устига борди. Шу пайтда Андижондан ҳазратнинг ўғли Умаршайх Мирзо минг кишилик черик билан етиб келди. Биргалишиб, Зарнуқда турган беш минг кишилик душман қўшинини қириб ташладилар»¹, — деб ёзади Ш.А. Яздий. Аммо Тўхтамишхон бу орада жазодан қочиб қутублиб кетган эди. У ҳам худди Қамариiddин каби ўтринча иш қилиб қочадиган номардлардан эканини Амир Темур энди аниқ билди. Аммо Тўхтамиш ёш бўлса ҳам Қамариiddindan ўн баробар хатарлироқ ғаним эканини унинг сўнгти тажовузи кўрсатди.

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 122-бет.

Соҳибқирон энди бу ғанимни жон жойидан тутиб, жазосини бериш ҳақида туну кун ўйлай бошлади. Тўхтамишхоннинг жон жойи — Олтин Ўрда эди. Бу ғанимнинг жазосини бериш учун Олтин Ўрдага қўшин тортиб боришдан ўзга чора йўқ эди. Икки орада минглаб чақирим сувсиз ва озуқасиз дашту биёбонлар гўё Тўхтамишхонни ҳимоя қилиб турарди. Итил (Волга) бўйида ўзига қулай қалъалар қуриб олган бу ёш хиёнатчи Туронда қилган талончилик ва ёвузликлари билан гўё Амир Темурни Олтин Ўрдада беллашувга даъват этиб кетганга ўхшарди. Номардларнинг бундай даъватларига доим мардона жавоб бериб ўрганган Амир Темур Тўхтамишхоннинг Олтин Ўрдада олишувга даъват этганини қалбан қабул қилди ва ҳали шу вақтгача умрида кўрмаган энг улкан ва энг хатарли ҳарбий юриш ниятини қалбига тутди.

ИККИ ҚИТЪАНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ОЛИШУВ

Ўн етти йилдан буён истиқдол шароитида тинч ва фаровон ҳаёт кечирган Турон ҳалқи учун Тўхтамишхон бошлиқ юз минг босқинчи қўшиннинг 1387 йил қиши пайтида табиий офатдан ҳам бадтар ваҳшийлик ва талончиликлар қилгани даҳшатли бир фожеа бўлди. Туман ва қишлоқлар аёвсиз таланганд, яхши иморатлар ёндириб юборилган. Минглаб йигит-қизларни қул ва чўри қилиб ҳайдаб кетишган эди. Хонавайрон бўлган оиласалар беҳисоб кўп эди. Бутун ҳалқ бу мушкул аҳволдан қутулиш йўлини ва манфур душмандан қасос олишни ҳалоскор раҳбар Амир Темурдан кутар эди.

Соҳибқирон Кеш шаҳрида Қурултой чақириб, ёвдан зарар кўрган барча шаҳару қишлоқларга нимаики ёрдам керак бўлса, беришини ҳамма вазирларга, ҳокимларга ва қуий тоифадаги амаддорларга топширди. Шу мақсадлар учун хизинадан жуда катта маблағлар ажратди.

Амир Темур қилган шунча яхшиликларга қарши беҳисоб ёмонликлар қилиб кетган Тўхтамиш жазоси-

ни олиши керак эди. Интиқом түйғусидан жунбушга келган беку навкарлар дарҳол юз минг қўшин тўплаб, Тўхтамишнинг кетидан Олтин Ўрдага бостириб боришини таклиф қилмоқда эдилар. Бироқ Амир Темур бундай ҳаёт-мамот курашида етти ўлчаб бир кесишига ўрганганди. У аввал Тўхтамишнинг суюнган тобига айланган Чиратойхон жетесини бир ёқлик қилиш керак эди. Чунки Тўхтамишхон Чиратой жетеси билан доимий иттифоқ тузиши эҳтимолга яқин эди. Ҳизрхўжаон, Анқо Тўра, Қамариiddинлар яна Олтин Ўрда лашкари билан бирлашиб, Туронга икки томондан ҳужум қилиб келса, уларни енгиш амри маҳол бўларди.

Ҳозир эса бу икки талончи ўрда қўйин-қўнжини ўлжага тўлдириб, ҳар бири келган томонига қайтиб кетди. Улар ҳатто Амир Темурнинг ғазабидан қўрқиб, Сифноқ ва Сабронни ҳам, Хоразмни ҳам ташлаб қочишиди. Уларнинг мағлуб бўлгани шундан ҳам билинди. Амир Темур энди Хоразмни ҳам, Саброн ва Сифноқни ҳам эталлаб, ўз давлати таркибига узил-кесил қўшиб олди. Бу вилоятларга ўзининг ишонган амирларини ҳоким қилиб қўйди ва уларнинг ҳар бирига кучли қўриқчи қўшинлар берди.

Бунинг натижасида Олтин Ўрда ҳам, жете ҳам бу ерларга қадам босолмайдиган бўлди ва бир-бирларидан бутунлай узилиб қолди. Мана шу қулай вазиятдан фойдаланган Амир Темур 1387 йилнинг баҳорида юз минг кишилик қўшин билан жете кучларига қарши ҳал қилувчи юришга отланди. Соҳибқирон бу улкан қўшинни беш қисмга бўлди ва уларни бешта йўналиш бўйича Ҳизрхўжаон, Анқо Тўра, Қамариiddин ва бошқа босқинчиларни яширинган жойларидан излаб топиб, бартараф қилиш учун жўнатди.

Ҳар бири йигирма минг, ўттиз минг кишидан иборат бўлган бу лашкарларнинг бирига соҳибқироннинг ўғли Умаршайх Мирзо, бошқаларига энг ишончли амирлар саркарда қилиб тайинланди. Асосий қўшинни Амир Темурнинг ўзи бошқарди.

Иртим дарёси бўйларидан то Алма-Ати ва Иссиқ-кўлгача жуда катта майдонни қамраб олган бу юриш

етти ой давом этди. Анқо Тўра бор кучларидан айрилиб, тор-мор бўлгандан сўнг Қашқар томонга қочиб ўтиб кетди. Унинг бутун йиққан бойликлари, мол-мулки ўлжа қилиб олиниди, минглаб навкарлари қириб ташланди, таслим бўлганлари асир олиниди.

Қамарииддин яна тогу чўллар оша қочиб, аскарий кучларидан жудо бўлди. М. Иваниннинг ёзишича, бу қароқчи омон қолган бир нечта одами билан иккинчи марта Иртиш дарёсидан нарига ўтиб, Сибир ўрмонларида тойиб бўлди¹.

Асосий ваним бўлган Ҳизрхўжахоннинг изидан Амир Темур ўзи борди. Ҳизрхўжахон Юлдуз яйловдан ва Найри дегани довондан ҳам нарида Қорақош деб аталадиган гўзал манзилни ўзига ёзги пойтахт қилиб олган эди.

У Қашқарнинг Хўтанига яқин бўлган бу жойларни «Амир Темур топиб келолмайди», деб ўйлаб, майшат қилмоқда зди. Бироқ Амир Темур унинг Қора Булоқ ва Кўшин Қоя деган жойларда қоровулда турган минглаб аскарларини бир зарба билан тумтарақай қилиб қочирди ва Найри довонидан ошиб, Ҳизрхўжахоннинг ёзлик пойтахтига тўсатдан бостириб борди. Ҳизрхўжахон бутун хазина-ю, дафинаси, оила-аъзоларини ташлаб қочди, ёлриз ўз жонини қутқариб кетди.

Бу воқеани Яздий ўз «Зафарнома»сида шеър билан баён қиласди:

Ҳизрхўжаким, жетеде эрди хон,
Қочиб кетди аз бими² соҳибқирон.
На лашкар, на мулк
андага қолди, на мол,
Черики бўлиб барчаси дастгир.
Ўғил-қизлари бари бўлди асир.
Жете улуси бўлди
бири йўли зеру забар³.

¹ М. Иванин. Икки булоқ саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994. 128—129-бетлар.

² Бим — қўрқиши, ваҳимага тушиш.

³ Ш. Яздий. «Зафарнома», 1997. 126-бет.

Шу ажойиб ғалаба билан Амир Темур Чиратойхонга мансуб бўлган жетени тажовузкор куч сифатида бутунлай сафдан чиқарди. На Ҳизрхўжаон, на Анқо Тўра, на бошқа бирон жете гуруҳи манбаъд Туронга талончилик ва босқинчилик мақсади билан қадам босмайдиган ва Тўхтамишхонга ҳам ёрдам бермайдиган бўлди.

• • •

Ниҳоят, Шарқий чегаралардан кўнгли тинчиган Амир Темур душман келтирган вайроналикни ҳам бартараф қилди. 1387—1390 йилларда ортиқча уруш-юришларсиз ҳаёт кечирди, Оқсарой қурилишини тезлаштирди. Бўйи етиб қолган невараларининг тўйини ўтказди. Эл-юртнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган жуда кўп чора-тадбирларни амалга ошириди. Айни вақтда, Олтин Ўрдага қарши юришга ҳам уч йил астойдил тайёргарлик кўрди. Бу йиллар давомида Амир Темур қўшинларининг сони 200 мингга етди.

Бир вақтлар Тўхтамиш ёлиз ўзи Олтин Ўрдадан қочиб, Амир Темурдан паноҳ истаб келган бўлса, 1390 йилда чингизий ўғлонлардан бир эмас уч нафари Тўхтамиш билан ёвлашиб, Амир Темур паноҳига юзлаб навкарлари билан қочиб ўтиб келдилар.

Буларнинг бири Тўхтамишнинг чап қўл вазири бўлган Едигей Мангит эди. Иккинчиси Ўрисхоннинг невараси Кунча ўғлон ва учинчиси Олтин Ўрда тахтига даъвогар Темур Кутлуғ эди. Амир Темур буларни одатдаги ҳурмат ва саховат билан қабул қилди. Чунки булар Олтин Ўрдага боргунча йўл кўрсатувчилик қилишлари, агар Тўхтамиш бартараф этилса, унинг ўрнига номзодлари қўйилиши мумкин эди.

Тўхтамишга қарши юриш катта қийинчиликлар билан бошланди. Чунки бутун мамлакатдан 200 минг кишилик лашкарни Тошкент билан Чиноз оралиғидаги бағрикенг жойларга йиғиб келгунча қиши кириб, қор ёға бошлади. Сипоҳийларнинг етовдаги отлари, юк ташийдиган туялар, хачирлар, хўқиз қўшилган арава-

лар — ҳаммасининг умумий сони миллиондан ошиб кетди. Уларнинг ҳаммасини қор-қирордан сақлаш ва ем-хашак билан таъминлаш осон эмас эди. Айни вақтда, икки минг чақирим масофага чўзиладиган ҳарбий юриш учун камида олти ойлик озиқ-овқат захираси билан йўлга чиқиш керак эди.

Амир Темур давлатида ҳамма иш қатъий интизом асосига қурилганлиги учун барча тайёргарликлар соҳибқирон белгилаб берган муҳлатда туталланди. Бироқ йўл тайёргарлиги энди ниҳоясига етганда Амур Темурнинг ўзи оғир хасталикка учраб, «қирқ кунгача беҳузур бўлиб ётди, — деб ёзади Яздий. — Бекларнинг кўнгиллари бу жиҳатдан бисёр паришон бўлди.

Ҳазрат ғамидин барча жаҳон титрар эди
Танларда кўнгиллар билан жон титрар эди.
Ул жону жаҳон эрди, анинг ваҳмидин
Айтмоққа оғизларда забон титрар эрди»¹.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ҳали ҳеч қачон қирқ кун оғир хасталиқдан беҳузур бўлиб ётган эмас эди. Бекларнинг ваҳимага тушиб хавотир бўлишлари ҳам шундан эди. Балки ёши 55 га бориб, сорлом йигитлик даври ортда қолгани учундир? Йўқ, парвардигор унга қарилкни тан олмайдиган қудратли вужуд ато эттан эди. Ёши 60 дан ошиб, етмишга яқинлашганда ҳам Амир Темур йигитлардай сорлом, ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган куч-қудратга эга эди.

Бу гал ҳам, аввало, яратганинг мадади, сўнгра ўзининг куч ва иродаси ёрдамида оғир хасталикни енгади. Дармонга киргунча бир неча кун дам олгач, 1491 йилнинг 22 январида, яъни қаҳратон қиши чилласида Тошкентдан йўлга чиқиб, Тўхтамишга қарши юриши бошлади.

«Нега бу юриш қаҳратон қишида бошланган?» — деб ҳайрон бўлиш мумкин. Гап шундаки, 200 минг киши-

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 129-бет.

лик қўшин Олтин Ўрда худудларига етиб боргунча икки минг чақирим йўл босиши керак эди. Бу эса камида беш ой вақт талаб қиласарди. Шимол совуқларида қиш кунида Олтин Ўрда лашкари билан жанг қилиб ғолиб чиқит амри маҳол эди. Шунинг учун Амир Темур Олтин Ўрдага ёз киргунча етиб боришни ва илиқ кунларда нафасни ростлаб, Тўхтамиш билан «ҳисоб-китоб» қилишни режалаштирган эди.

Амир Темур Туркистонда тўхтаб, Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилди. Зиёратгоҳ ҳовлисидағи қудук-нинг шифобахш сувидан ичиб, улуғ пирнинг руҳидан мадад сўради. Агар Тўхтамишонни бартараф қилиб эсон-омон ватанга қайтиш насиб этса, Аҳмад Яссавий қабри устига муҳташам мақбара қурдиришни ният қилди. Ташқари совуқ бўлса ҳам ер қаърида нисбатан илиқ турган бу муқаддас қудук суви унга ажойиб бир руҳий енгиллик берди. Офтобачига буюриб, олтин кўзачани қудук сувига тўлдириб олишни буюорди. Сафар давомида ҳар гал шу сувдан бир пиёла ичганда ўзини йигитлардай тетик сезарди.

Амир Темурнинг икки юз минг сипоҳийлари барча от-улови, қурол-яроғи, от-араваси ва түя-карвонлари билан бирваракай ҳаракатга тушганда Дашиби Қипчоқ чўллари ларзага келгандай бўларди.

Қўшинлар Ўтрордан ўтиб, Қорасомон деган жойга етганда, шимолдан Тўхтамишон элчилари қимматбаҳо буюомлар, тўққиз от ва бир бургутни Амир Темурга соға қилиб келтирдилар. Элчилар таъзим бажо келтириб, Тўхтамишоннинг гуноҳини кечиришни сўрадилар.

«Тўхтамишоннинг номасида, — деб ёзади тарихчи М. Абдураимов, — хон узр сўраб, ўз хатти-ҳарекатини қоралаган, ёмон одамларнинг гапига кириб, душманлик кайфиятига берилгани учун пушаймон эканини айтган эди. Бундан буён валинеъматига берган ваъдаларига сўзсиз амал қилишни бот-бот такрорлаганди¹. Лекин энди Амир Темур унинг сўзларини ал-

¹ М. Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. Тошкент, 2000. 25-бет.

дамчининг навбатдаги ҳийласи деб билди. Элчиларнинг тилёғлама гаплари туфайли шундай катта тайёр гарлик билан бошланган юришни тўхтатиш ва 200 минг қўшинни орқага қайтариш ақддан эмас эди.

Буни кўпчилик амирлар ҳам сезиб турар эдилар. Шунинг учун Амир Темур Тўхтамишнинг сўнгти босқинчилигини тутинган отага нисбатан хоинлик ва оқпадарлик деб атади. Фақат «элчига ўлим йўқ» деган ақида га амал қилиб, Тўхтамиш элчиларига зиёфат берди, келтирган совваларига жавобан сарупа инъом қилди, яхши чодирлардан жой ҳозирлади.

Элчиларга узил-кесил жавобни эса қўшин саркардалари ва аркони давлат билан маслаҳатлашгандан кеийин беражагини айтди. Шу мақсадда Амир Темур ҳарбий қароргоҳда қурултой чақирди. Чунки айрим саркардалар ва аскар бошлиқдари қиши фаслида шунча узоқ йўл босиб, Олтин Ўрдага етгунча жангчилар озиб-тўзиб, чарчаб қолишларини ўйлар, Тўхтамиш аскарлари эса, ўз юртида куч йишиб, дамини олиб уриш қиласа, ғолиб чиқишилари мумкин эди. Агар шундай ҳодиса юз берса, туронликларнинг ватанга тирик қайтишлари ҳам гумон. Чунки яна шу сувсиз, озуқасиз Даشتி Қипчоқдан беш ой юриб ўтишга ҳеч ким бардош бера олмайди. Юриш борса-келмас юришга айланниб кетмасмикин?!

Қурултойда мана шу хавотирликлар ҳам очиқ айтилди. «Тўхтамишон Туронга бостириб келганидан пушаймон бўлса, энди хатосини тузатсин, бизнинг мамлакатга етказган барча зарарининг товонини тўласин, иккинчи бундай қилмасликка онт исчин, ана унда урушни ярашга айлантириш мумкин» деганлар бўлди.

Шунда кўпчилик саркардалар қўл бериб мурид бўлган буюк пир Сайид Барака соҳибқирондан сўзлашга руҳсат олди:

«Муҳтарам амирлар, давлатхоҳлар! Тўхтамишон алдамчилигини амалда кўрсатди. Яна қуюқ ваъдалар беради, эртасига товон ҳам тўламайди, сулҳнинг шартини ҳам бузади. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади!

Биз ёлғончининг ваъдасига ишониб, неча марта алданниншимиш керак? Тўғри, қиши фаслида Олтин Ўрдага етиб бориш жуда қийин. Совуқлар, қорбўронлар, изгириналар қаттиқ азоб беради. Лекин мен, кекса сдам, шу азобларга чидаб, йўлдан қайтмай бормоқдамен-ку! Эмлик бешга кирган соҳибқирон шундай оғир хасталиқдан кейин барча мушкулотни ўзларига олиб борягтилар-ку! Кўпчилигингиз биздан ёшсиз, бақувватсиз, қўрқманглар, менга тушимда аён бўлди, Ватанга бу гал ҳам эсон-омон ғалаба билан қайтамиш! Чунки адолат биз томонда. Адолат енгади!»

Унинг гали ҳаммага кучли таъсир қилди. Шундан кейин Амир Темурнинг ўн беш ёшли паҳлавон невраси, ўн минг кишилик қўшин саркардаси Муҳаммад Султон сўзлашга рухсат олди. Бобоси олдида бир тиззасини ерга қўйиб, юкиниб деди:

«Ҳазрат бобожон, Тўхтамишга ўхшаган тулкилар сўзидан қайтади, аммо йўлбарс изидан қайтмайди. Сипоҳийларимизнинг кўпчилиги йўлбарслардир. Улар бошлаган ҳарбий юришларидан орқага қайтмагай! Мен сиздан илтижо қиласмен, Манглай қўшинларини менга ишониб топширинг! Ёғий билан биринчи бўлиб жангга кирмоқчимен! Ватанимиз Турон учун, соҳибқирон бобомиз учун жон керак бўлса беришга тайёрмен!»

Шундан кейин Мироншоҳ Мирзо, Шоҳруҳ Мирзо, Пирмуҳаммад Мирзо ҳаммалари Муҳаммад Султоннинг барча сўзларига қўшилиб, одинги сафда жанг қилишга таёр эканликларини айтдилар. Бу ҳодисалар «Темур тузуклари»да қисқа жумлаларда қуйидагича ифодаланган:

«Фарзандларим ва набираларим мен учун жон фидо қилишга тайёр эканликларини билдирагунча саркардаларим ва аскар бошлиқларим жанг қилишга рўйхушлик бермадилар... Фарзандларимнинг сўзларини эшитгач, амирларим ва нуёnlаримнинг жасурлиги тутиб, жангга шай ҳолатга келдилар»¹.

¹ «Темур тузуклари». 2005. 50-бет.

Кандирча дарёси бўйидаги жанг арафасида айрим саркардалар яна ваҳимага тушганда бу ҳодиса қайта такрорланган бўлиши мумкин. Шу сабабли Амир Темур бир-бирига ўхшаш бу икки ҳодисанинг мазмунини бир жойда қисқача баён қилиб ўтади.

Тўхтамишхон билан адолат учун жанг қилишга барча саркардалар ва аскар бошлиқлари яқдил бўлиб, розилик берганларидан сўнг Амир Темур Тўхтамишхоннинг элчиларига узил-кесил рад жавоби берди. Уларнинг қайтиб кетипларига эса рухсат бермади. Бутун ҳарбий юриш давомида улар қўшинга йўл кўрсатувчилик визифасини бажаришга мажбур этилди.

Бунга жавобан Тўхтамиш ҳам қўлидан келган барча ёмонликларни қилди. Даشتி Қипчоқда сурув-сурув чорвалари билан қишлийдиган минглаб кўчманчи чорвадорлар яшар зди. Амир Темур ҳарбий юриши жараёнида улардан дон-дун ва гўшт, ёғ сотиб олиб, лашкарини озиқ-овқат билан тўла таъминлаш ниятида зди.

Даشتи Қипчоқнинг изгирин совуқларида ойлар давомида қор кечиб йўл босиш учун жангчиларнинг озиқ-овқат таъминоти жуда яхши бўлиши керак зди.

Дастлабки ойларда ватандан тужа ва араваларга ортиб чиқилган овқат захиралари ҳисобига жангчилар гўшт-ёғ ва озиқ-овқатдан танқислик сезмадилар. Лекин Даشتи Қипчоқнинг кўчманчи чорвадорлар қишлийдиган шимолий ҳудудларига кириб борганларида фақат бўм-бўш қўралар учтар, қишлоғ жойларида бирор сурув қўй, бирорта чўпон-чўлиқ қўзга кўринмас зди.

Тўхтамишхоннинг фармони билан Амир Темур қўшини ўтадиган жойлардаги ҳамма чорвадор аҳли зўравонлик билан шимолдаги Ўрол тоғлари этакларига кўчириб кетилган зди. Даشتи Қипчоқда қишида ҳам яшайдиган чорвадорлар орасида зўр бериб ваҳимали овозалар тарқатиларди: «Бу ердан кўчиб кетмаганларни Темурнинг 200 минг қўшини қириб ташлайди, биронта тирик жон қолмайди!» Бу ваҳимали овозалар ҳам таъсир қилиб, Даشتи Қипчоқнинг белоён ҳудуд-

ларида аҳоли зоти қолмаган, фақат у ер бу ерда кийиклар, сайгаклар, бўрилар учарди.

Апрель ойида ҳам Даشتி Қипчоқда совуқ кучли бўлар, қўшиннинг гўшит захиралари тутаб, фақат талқон ва аталага кунлари қолганида тўрт томони очик яйдоқ даштнинг суюкларни ҳам зирқиратадиган совуқ изгириинларига бардош бериш бениҳоя қийин эди.

Шунда Амир Темур барча қўшин саркардаларини машваратга чақириб, мисли қўрилмаган улкан бир ов ўюштиришни буюрди. Унинг кўрсатмаси билан тўрт томонининг ҳар бири олтмиш фарсаҳдан, яъни 180 чақиримдан масофани қамраб олган¹, жами кенглиги 720 чақирим бўлган ов қамарғаси («қамаш» сўзидан) ташкил қилинди. Қамарғанинг бир четидан иккинчи четигача бўлган масофа Топкент билан Жиззах орасидаги масофача келарди. Шундай бўлса ҳам, тириз сафлар билан ўралган қамарға аста-секин кичрайиб борди. Вақт ўтган сари қамарға ичидан минглаб оқ сайгаклар, гўзал жайрон кийиклар, бурилар ва бошқа хил ов ўлжалари тўплангани кўзга ташланди. Куролли жангчилар қамарға ичига кириб барча жониворларни отиб одилар. Шу тарзда бутун лашкарнинг бир ойлик гўшт захираси ҳозирланди.

Соҳибқирон кашф қилган бу ов усули юриш давомида яна бир неча марта тақрорланди. Гёё она табиатнинг ўзи мушкул аҳволга тушган Амир Темур қўшинига ўз саховати билан ёрдамга келгандай бўлди.

Тўхтамишнинг навбатдаги ёмон нияти — Амир Темур қўшинини Ёйик дарёсининг кўпчилик ўтадиган кечигидан ўтаётганида листирмадан чиқиб тор-мор қилишга қаратилган эди. Бу орада май ойи кирган, Ёйик дарёси баҳор ёмрилари ва Ўрол төвларидан эриб тушаётган қор сувларига тўлиб, от-уловни оқизадиган даражада тошиб оқмоқда эди.

¹ Бу ов тафсилотлари ва қамарғанинг ҳар тўрт тарафи 16 фарсаҳдан бўлгани М. Натанзийнинг «Мунтаҳаб-ут танориҳи Муъийний» асарида Фулом Каримов таржимаси келтирилган. Техрон, 1956. 344-бет.

Шунга қарамай, Амир Темур ўз қўшинларини Тўхтамиш лашкари пистирмада турган одатдаги учта кечикнинг бирортасидан ўткаэмайди. Дарёning юз чақиримча юқори оқимидан бошқа бир қулай кечик топади ва барча қўшинларини дарёдан беталофат ўтказишга муваффақ бўлади. Тўхтамиш эса эски кечувлар олдига пистирма қўйиб алданганини сезгандан кейин орқага қайтиб кетади.

Унинг илвор қисмлари ҳар замонда Амир Темурга узоқдан ўзини кўрсатиб, шимол томонга чекиниб борарди. Амир Темур қўшинлари ёвни таъқиб этиб, яна бир ярим ой йўл босди, ёз кириб июн ойи бошланди. Тўхтамиш бир неча марта Амир Темур қўшинларини катта ботқоқликлар ва чакалакзорларга бошлаб киришга уриниб кўрди. Лекин соҳибқирон доимий одатига биноан тўрт тарафга ҳақиқий аҳволни аниқлайдиган ва дұппман орасидан «тил» олиб келадиган ботир йигитларни юбориб туради. Уларнинг ахбороти ёрдамида душман ишлатмоқчи бўлган барча ҳарбий хийлаларни чиппакка чиқарарди. Ҳатто Тўхтамишнинг ишонган байроқдорлари орасида ҳам соҳибқиронга садоқат сақлаб юрган ва зарур пайтда Амир Темурнинг мушкулини осон қила оладиган одамлар бор эди.

Шу тарзда улар Европа қитъасига кириб борадилар ва Идил (Волга) дарёсининг чап томонига қуйилаидиган Кандирча деган дарёга яқинлашдилар. Бу ҳозирги Самара вилояти ҳудудида эди. Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой Берке Волганинг ўнг қирғоғидаги баландликларда (ҳозирги Волгоград яқинида) қад кўтарган эди. Фақат хонлар ўз ҳарамлари ва аркони давлатлари билан ёз ойларида дарёning чап қирғоғида Сух дарёси бўйларидаги хушманзара, баҳаво яйловларни ёзги пойтахтга айлантирас эдилар. Бир қисм хазина ва тожу тахтлар ҳам шу шоҳона жойларга олиб келинарди.

Тўхтамиш Амир Темурни ўзининг ёзги пойтахтига яқин келтирмаслик учун Сух ва Кандирча дарёларидан ҳам ўтиб, жангни янада шимолроқ ҳудудларда бошламоқчи бўлди. Аммо Амир Темур Кандирча дарёси-

нинг Сухга қўйиладиган жойидан ўзига қулай жанггоҳ топди.

Бу жанггоҳни яхши тадқиқ этган ёш рус тарихчиси Михаил Арнольдов Москвада чиқадиган «Наука и жизнь» журналининг 2004 йил 4-сонида «Бир муҳораба сири» номли мақоласида Амир Темурнинг Тўхтамиш билан қилган улкан муҳорабасига оид бир қатор янги ва ишонарли далиллар келтирган. Авваламбор, муаллиф икки томондан жангда иштирок этадиган 400 мингдан ортиқ аскарларни сифдира оладиган катта майдон Кандирча яқинидаги Эски Булан қишлоғи атрофида бўлганини тўғри кўрсатади. Майдон четида шарқча ном билан аталган Кўшк номли қишлоқ ва Қоровултоғ деган баланд тепалик бўлган. «Шарқнинг буюк ҳукмдори Амир Темур жанг олдидан айнан шу ерда — Қоровултоғда турган»¹ деб ёзади М. Арнольдов.

Тўхтамиш Амир Темур лашкарларини янада шимолроқ ҳудудларга эргаштиришга уриниб, ҳамон илгарилаб бораарди. Бироқ Амир Темур Кандирчанинг Сухга қўйиладиган жойи яқинида икки томони дарёнинг жарлик қирғоқлари билан иҳоталанган катта майдонда, Қоровултоғ яқинида қўшинини таққа тўхтатади. Бек ва навкарлар отларидан тушиб чодир ўрната бошлийдилар. Амир Темур ҳатто «Палосларни тўшасинлар» деб буюрди. Амир Темур ўзи жойнамозни ёзиб икки ракаат намоз ўқиди»².

Бу билан у Тўхтамишхондан тап тортмаслигини кўрсатибгина қолмай, адолат учун қилмоқчи бўлган хатарли жангидаги яратгандан мадад сўради.

Тўхтамишхон Амир Темур лашкарини кетидан эргаштиromoқчи бўлиб анча узоққа кетиб қолган зди. Амир Темур эса уни таъқиб этишни тўхтатиб, ўзига қулай жанггоҳ танланганидан кейин Тўхтамишхоннинг биринчи бўлиб ҳужум бошлишини кутди. М. Абдураи-

¹ М. Арнольдов. Бир муҳораба сири. Таржимаси «Тафаккур» журналининг 2005 йил I сонидан олинди. 90—91-бетлар.

² Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 163-бет.

мовнинг А. Самарқандий асаридан келтирилган пар-
часида Амир Темур яна «Чироқ ёқиши буюради»¹,
дейилади.

Шу фактни ҳисобга олсак, Амир Темур ўзига қулай
жанггоҳ танлаб, қўшинини шу ерда тўхтатганда кеч
кириб қолган бўлади. Узоқлашиб кетган Тўхтамиш икки
юз минглик лашкарини орқага қайтариб, Темур қўши-
нига яқинроқ, олиб келгунча қоронғу тушади. Шу-
нинг учун чироқлар ёқилади.

400 минг жангчи иштирок этадиган бундай улкан
муҳорабани қоронғу тунда бошлаб бўлмас эди. Шу-
нинг учун Тўхтамиш ўз лашкарини маълум бир жой-
да тўхтатиб, тонг отишини кутишга мажбур бўлади.

Демак, Амир Темур жанг бошланмасдан олдиноқ,
ташаббусни қўлга олади ва Тўхтамишни ўйдим-чукур
жойлар ҳамда дарё ҳосил қилган жарликлар орасида-
ги ноқулай жойда ясол тузишга мажбур этади.

Тўхтамиш тузган ясол қўшиннинг ўнг ва сўл қанот-
лари ҳамда ўул деб аталадиган марказий қисмидан ибо-
рат эди. Кўшиннинг бундай тартиб билан жангга ки-
риши аллақачон эскирган усул ҳисобланарди. Амир
Темур ўз қўшинига янгича тартиб беради. «Ҳазрат ўз
черигини етти қўл тартиб этдиким, — деб ёзади Яз-
дий, — ҳеч бир подшоҳ андоқ қилмайдур эрди ва бу
етти ададида ҳосият кўп турур ва кўп сир анда бор
эрди»².

Амир Темур кашф этган янгича тартиб ва етти то-
мондан ҳужум бошлайдиган қудратли қўллар улкан
жанг пайтида соҳибқиронга катта устунлик берди.
Айниқса, Амир Темур захирада тутиб турган улуғ қўл
жанг энг қизиган пайтда Тўхтамишхоннинг икки қано-
тини букиб, унинг орқа тарафига ўта бошлади.

Бу жанг ҳақида «Темур тузуклари»да ажойиб бир
факт келтирилган:

«Тўхтамишхоннинг байроқдори мен билан тил би-
риктирган эди... Уруп авжига чиққанда байроқдор

¹ М. Абдураимов. Темур ва Тўхтамиш. 2000. 31-бет.

² Ш. Яздий. «Зафарнома». 1996. 137-бет.

байроғини тубан тушириши керак эди... Жангү жадал ўти кўкка кўтарилганида, олов ёқиб таом пиширишни буюрдим. Худди шу пайт Тўхтамишхоннинг байроғи тубан бўлди»¹.

Албатта, Амир Темур байроқдор билан шахсан ўзи эмас, маълум бир хуфиялар орқали тил бириктирган. Жанг авжига чиққанда ёқилган олов эса байроқдор байроқни тубан қилиши учун пайт келганини билдирувчи сигнал бўлган.

Амир Темурнинг «улуг қўл» деб аталадиган қўшинлари Тўхтамишхоннинг орқа тарафига ўтиб, хонни куршовга олиш хавфи турилган пайтда унинг байроғи ҳам тубан бўлади. Буни кўрган Тўхтамиш жон талвасисига тушиб, орқадаги ўрмонзор томонга қоча бошлиди. Уни қувиб етолмайдилар. Саркардасиз ва байроқсиз қолган ёв лашкари саросимага тушиб тўзриб кетади.

Амир Темур буйруги билан қочаётган душман Волга дарёси томонга қисиб борилади. Ёв қўшинининг шимолга ва жанубга қочадиган йўллари тўсиб олинади. Улар фақат ғарб томондаги Волга дарёсига қараб қочишга мажбур бўладилар. Лекин бу ҳолат кўпларнинг сузиб ўтиб бўлмайдиган улкан дарёда ғарқ бўлишига ёки орқадан қувиб келаётган ғолиб лашкар қиличидан жон беришига сабаб бўлди. «Икки бало ичидаголиб, оз киши андин тирик қутилди»² деб ёзади Яздий.

Албатта, ёв аскарларининг маълум бир қисми қуролини ташлаб, қўлини кўтариб таслим бўлади. Улар асир олинади.

• • •

Жанггоҳдан жануброқда Волга дарёси эгилиб ўтадиган хушманзара яйловлар бағрида Ўртуба деб атала-диган жойда хоннинг саропарда ва шоҳона ўтовлари

¹ «Темур тузуклари». 2005. 50—51-бетлар.

² Ш. Язди. «Зафарнома». 1977. 139-бет.

тикилган ёзлик пойтахти бор эди. Амир Темур юлиб кўшини билан мана шу жойни забт этади.

Беш ой давом этган мاشаққатли ҳарбий юриш ва ҳаёт-мамот жангидан кейин Амир Темур бу ерда Олтин Ўрданинг жуда катта бойликларини қўлга туширади. Голиб сипоҳийлар хазина тўла олтин-кумушлардан катта-катта улуплар оддилар.

Поёнсиз яйловлардан юзлаб сурув қўйлар, минглаб серсут биялар ҳайдаб келинди. Ўлжалар орасида хонлар ичадиган хумлар тўла майлар ҳам бор эди. Аммо Амир Темур май ичмагани учун беку навкарлари ҳам шаробхўрликдан ўзларини тияр здилар. Хумлардаги майларни Сух дарёсига тўкиб ташладилар. Сўнгра ажойиб қимиизлардан тўйғунча ичишиб, қази-қарталар, тандир кабоблар ва бошқа нозу неъматлар еб, марлуб хон қароргоҳида 26 кун хурсандчилик қиласидар ва ҳордиқ чиқарадилар.

Ёз ойлари тез ўтди. Амир Темур ўша йили куз пайтида Самарқандга соғ-саломат қайтиб келди.

Унинг 1391 йилда Тўхтамиш устидан эришган ғалабаси икки қитъани ларзага соглан ва жаҳон тарихидан алоҳида ўрин олган улкан воқеалар қаторига кирди. Гарчи Амир Темур бу ғалабани кўрнамак Тўхтамишга берилган адолатли жазо, деб камтарона таърифлаган бўлса ҳам, Кандирча дарёси бўйида бўлиб ўтган жант бутун Олтин Ўрда ва Чингизхон тузган улкан империяга қақшатқич зарба бўлиб тушди. Йигитлик пайтларидан буён ҳалқ озодлик ҳаракатига етакчилик қилиб келаётган Амир Темур Кандирча бўйида Тўхтамишни тор-мор этиш билан ўзининг бутун ҳаёти давомида қилиб келаётган олижаноб ишида — тутқун элларни чингизийлар асоратидан қутқаришда янги саҳифа очди.

Бошқирд ҳалқ ёзувчиси Ахияр Ҳакимов ўзининг «Карвон»¹ номли романида Амир Темур Тўхтамишни

¹ Ахияр Ҳакимов. Карвон. Роман. «Жаҳон адабиёти» журнали. 2001. 1, 2, 3-сонлар.

мағлуб этиш билан бошқирд, татар ва шу минтақада яшайдиган бошқа халқларга жуда катта халоскорлик қилганини миннатдор бўлиб қаламга олади.

Юқорида эслаб ўтилган ёш рус тарихчиси Михаил Арнольдов 2004 йилда Москвада босилган мақоласида қўйидаги муҳим фикрни билдиради:

«Куликова майдонидаги жангдан кейин... юз йил давомида Россия бирор марта ҳам Олтин Ўрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо шу вақт ичида Олтин Ўрданинг ўзи тор-мор бўлиб тарих саҳнасидан ғойиб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз озод қилган экан да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айни ўша зот -- кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган «буюк ва шафқатсиз» Амир Темур бизни озод қилган. Тўғрироғи, Олтин Ўрда зулмидан озод бўлишимизга олиб келган»¹.

«Яхшилик қил, дарёга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса Холиқ билар» деган нақл эсга тушади. Бу ерда ёш рус тарихчиси тилидан (100 йиллар ўтгандан сўнг) адолатли Холиқ сўзлагандай бўлди. Тарихчилар «Кандирчада Амир Темур Тўхтамишнинг белини синдириди, шундан кейин Олтин Ўрта қаддини тиклай олмади», деган фикрни кўп такрорлайдилар.

Тўғри, Тўхтамишнинг Кандирчадаги мағлубияти уни жон талвасасига солиб қўйди. Лекин бу талваса ҳали яна узоқ давом этди. Чунки Олтин Ўрда икки аср давомида катта куч йигиб, осонликча жон бермайдиган давлатта айланган эди. Фарбда Литва ва Польша Олтин Ўрданинг иттифоқдошларига айланган эдилар. Кандирчадан шарманда бўлиб қочган Тўхтамиш тўғри Литва ва Польшага ёрдам сўраб боради.

Волга дарёсининг ўнг қирғоидаги рус князликлари, Крим ва Шимолий Кавказ, Днепр бўйларигача чўзилган улкан ҳудудлар ҳали ҳам Тўхтамишга итоат этар ва ўлпон тўларди. Олтин Ўрданинг пойтахти Са-

¹ М. Арнольдов. Бир муҳораба сири. Таржимаси «Тафаккур» журналидан олинди. 2005. 1-сон. 91-бет.

рой Берке Волганинг ўнг қирғоғида бўлгани учун Амир Темур қўшини ҳали у томонга ўтиб борган эмас эди.

Шу имкониятлардан фойдаланган Тўхтамиш кеинги 1392—94 йилларда яна 100 мингдан ортиқ қўшин тўплади. Лекин у Турон томонларга, айниқса, Хоразмга қайта қадам босолмайдиган бўлди. Хоразм энди Олтин Ўрда асоратидан бутунлай қутилди. 1991 йилги ғалабанинг шарофати билан Амир Темур Урганчни қайта қуриб, бузилган жойларини тиклатди. Самарқанд томонларга кўчирилган хоразмликлар ватанларига қайтиб келдилар.

Талончиликсиз яшолмайдиган Тўхтамишон эса 1393-94 йилларда яна Каспий дengизининг ғарбий қирғоридаги Дарбанд орқали Ширвон ва Ozарбайжонга бостириб бориб, талончилик қила бошлади.

Ширвон ва Ozарбайжоннинг жума мачитларида Амир Темурнинг номи хутбага қўшиб ўқиларди. Бу худудлар соҳибқирон ҳимоясидаги ўлкалар ҳисобланарди. Тўхтамишоннинг бу ўлкаларга қайта тажовуз қилиши Амир Темурнинг Олтин Ўрда билан олишувлари ҳали тугамаганини, ҳал қилувчи муҳорабалар олдинда эканини кўрсатарди.

ЗОЛИМЛАР САЛТАНАТИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Чингизийлар салтанатининг ҳалокати қандай юз берганини тушуниш учун унинг қай тарэда пайдо бўлганини бир эслаб ўтиш ўринлидир. Чингизхон 30 йилдан ортиқ жанглар қилиб, Мўғулистаннинг барча қабилаларини ўзига бўйсундиради. Татар, керайт, баҳрин, уйғур, жалоир ва бошқа ўнлаб туркий элатларнинг қаршилик қилганларини қириб ташлайди, итоатта келганларини ўз салтанатига қўшиб олади. 61 ёшга киргунга қадар унинг номи Темучин бўлади.

Ниҳоят, 1206 йилда ёши 60 дан ошган хон Мўғулистаннинг Онон дарёси бўйида улуг курултой чақиради.

Бу қурултойда шаман динининг энг буюк пешвоси Теб Тенгри, яъни олий тангрининг вакили Кокэче Темучинга гўё худо томонидан ато этилган Чингизхон деган муқаддас исм беради. «Хонлар хони» деган маънодаги бу исм билан Чингизхон ва унинг авлодлари бутун ер юзига ҳукмрон бўлишларини Теб Тенгри Кокэче худо номидан башорат қиласди. Қурултойда барча қабила бошлиқлари, саркарда ва нуёнларга Чингизхон номидан беҳад кўп олтин, кумуш ва қимматбаҳо совғалар улапшилди. Бундан кўнгли кўтарилиган ва илҳомланган қурултой қатнашчилари Чингизхоннинг тангри томонидан юборилган илоҳий хон эканлигига иймон келтиради ва унга худога ишонган каби ишонишга, худога бўйсунган каби бўйсунишга қасамёд қиласдилар. Шундан кейин Чингизхон ҳали бўйсунмаган элларнинг ҳукмдорларига ҳеч тортинимай қўйида-гича номалар юборади:

«Тангрим менга ва менинг фарзандларимга бутун ер юзини ҳукмронлик қилиш учун берди. Кимки менга бўйсунса, ҳаётини, бойликларини, оиласини сақлаб қолади. Кимки бўйсунмай қаршилик қиласа, унинг бошига қандай кунлар тушишини ёлғиз худо билади»¹. Икки аср давомида Чингизхон ва унинг авлодлари фақат бўйсунмаганларни эмас, балки бўйсунгандарни ҳам, масалан, Самарқандда, Балҳда, Москвада ва бошқа ўнлаб жойларда қирғин қилиб ўлдирғанларига биз ўттан бобларимизда нуфузли тарихий манбалардан мисоллар келтирдик. Ўша машҳур қурултойда худонинг номидан гапирган Тэб Тенгри Кокэче бутун ер юзини Чингизхонга ва унинг авлодларига ҳукмронлик учун берганлиги жуда катта мафкуравий риёкорлик ва алдамчилик бўлса ҳам қонун ўрнида қабул қилинди. Шунинг учун алдамчилик ва риёкорлик Чингизхондан бошлаб унинг бутун авлодлари учун раво ва жоиз нарсага айланди.

¹ М. Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994. 33-бет.

Масалани ойдинлаштириш учун узоқ Венгрияда 1241 йилда Чингизхоннинг невараси Ботухон томонидан қилинган алдамчиликдан битта мисол келтирайлик.

У Венгрияни босиб олганда, буғдойзорлар сарғайиб, ўрим мавсуми келиб қолади. Лекин аёвсиз қирғинларда кўп деҳқонлар ўлиб кетади. Тирик қолганлар эса атрофдаги төвлар ва ўрмонларга бориб яширинади. Буғдойларни ўриб янчадиган одам қолмайди. Шунда Ботухон асир олинганд ва тил биладиган венгерларни воситачи қилиб, тор ва ўрмонларда қочиб юрганларга шундай ваъда беради:

«Үйларга қайтиб, буғдой ҳосилини йириб олганлар омон қолади, уларга ҳосилнинг бир қисми берилади. Асосий ҳосил ғолиб қўшиннинг ихтиёрига ўтади»¹.

Ўрмонларда оч юрган одамлар бу гапларга ишониб, қишлоқларига қайтадилар, буғдойларни уриб-янчиб, ҳосилини қопларга солгунларича босқинчилар уларни қўйиб беради. Ўлжа тайёр бўлганидан кейин эса бутун аҳолини белгиланган жойга тўплаб, барчасини қириб ташлайдилар ва қопланган буғдойларни битта қолдирмай олиб кетадилар.

«Нега булар худодан қўрқмайди?» деган савол туғилади. Ахир шаман дини ҳам Тангри деб худони тан олади-ку. Чунки улар Чингизхон ва унинг фарзандларини, айниқса, бобосига ўхшаш невара бўлган Ботухонни худо ўрнида кўрганлар. Улар алдамчиликларни Ботухоннинг буйруғи билан қиляптими, демак, Ботухонга худо шундай ваколат берган, деб ишонишган. Чингизхондан кейин Ботухон ер юзига хукмрон бўлиш учун юборилганми, демак, унинг аскарлари ҳам худо томонидан юборилган ва истаган жойида истаган ишини қилишга ҳақли. Чингизийлардаги мана шу сохта эътиқод, «биз худо томонидан юборилган хукмронлармиз», деган ҳовлиқтирувчи ишонч уларнинг ахлоқини қанчалик бузганлигини Эронда бўлиб ўтган бошқа бир тарихий воқеа мисолида кўрамиз.

¹ М. Иванин. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994. 111-бет.

Чопарлик хизматини ўтаб юрган беш нафар мўғул навкари 1337 йилда Сабзавор шаҳри яқинидаги Боштииң деган қишлоққа келиб тўхтайдилар. Улар ичкиташқи ҳовлиси бор Ҳасан Ҳамза ва Ҳусайн Ҳамза номли ака-уканинг уйига меҳмон бўлиб тушадилар. Ака-укалар дастурхон ёзадилар, нон, овқат келтирадилар. Мўғул навкарлари бу билан қаноатланмай, шароб талаб қиласидилар. Намозхон ака-уканинг уйидаги шароб йўқ экан. Мўғуллар ғазабга келиб, «Қаердан бўлса ҳам шароб топиб келмасанг, бошинг кетади!», дейишади. Ҳусайн шароб тайёрлайдиган ҳамқишлоқларидан бирининг уйига бориб, воқеани айтади ва бир кўзада шароб сотиб олиб келади.

Мўғуллар уни ичиб маст бўладилар ва энди гўзал қизлар топиб келишни буюришади. Ака-укалар бу талабни бажаришдан бош тортишади. Мўғуллар маст бўлишгач, тубан кетишиб, ака-укаларнинг хотинларини олиб чиқмоқчи бўлишади. Ориятли ака-укалар бундай шармандалилка чидаб тура олмайдилар. «Яхшиси бизнинг бошимиз дорга осилсин!» дейишади-ю, яланғочланган қиличлар билан бориб, ҳар бешала мўғулни чопиб ўлдирадилар. Сўнгра улар уйларидан кўчага чиқиб, халойиқ тўпланган жойда воқеани айтадилар: «Биз орият учун бошимизни дорга беришга розимиз!» дейдилар.

1337 йилда Сабзавор вилоятида чиндан содир бўлган бу воқеани машҳур тарихчи Фасиҳ Ҳавофий ўзининг «Мужмали фасихий» асарида батафсил ёзади. Биз келтирган воқеий ҳикоя Гулом Каримов таржимаси билан «Маърифат» газетасида чоп этилган¹.

Ф. Ҳавофийнинг ҳикоясини тарихчи Ҳафизи Абрў «Зубдатут таворих» асарида бир қадар умумлаштириб, бундай жабр-зу́м ва ахлоқсизликлар мўғул асткарлари томонидан бошқа жойларда ҳам кўп содир

¹ Кўчирма тарихчи Гулом Каримовнинг «Самарқанд сарбадорлари» деб аталган ва 2002 йилда «Маърифат» газетасида 25 сентябрда 4-саҳифада босилган мақоласидан олинди.

этилаёттанини, сабр косаси тўлиб-тошган маҳаллий аҳоли уларга қарши исён кўтартгани ҳақида ёзади:

«Бир жамоа одамлар қуролланиб шундай дейишиди: бизга чексиз жабр-зулм қилишмоқда. Агар худойи таоло бизга ёр бўлса, биз зулмга чек қўйиб, золимларни йўқотамиз, бўлмаса бошимизни дорда кўрайлик, илло жабр-ситамларга ортиқ чидолмаймиз». Улар шундай аҳду паймон қилишгач, ўзларини сарбадорлар деб атадилар ва шу тариқа сарбадорлик ҳаракати пайдо бўлди»¹.

Сарбадорлар Сабзавор вилоятидан мўгул истилочиларини қувиб юборадилар ва ўзларининг ҳалқчил давлатларини тузадилар. Бу давлат 1337—81 йилларда фаолият кўрсатади. Сарбадорлар ўз давлатларида олға сурган юялар уларнинг орасидан чиқсан талантли шоир Ибн Ямин шеърларида қуидагича ифодаланаади:

Аслият:

Ман бигуямки меҳтари чи буд,
Гар биҳоҳи зимон шенидан

Хамаганро зигам раҳондан
Дар риояти ҳалқ қўшидан.

Таржимаси:

Агар мендан эшитишни истасанг,
Мен улуғлик нималигини айтаман.
Улуғлик барчани ғамдан фориғ этиш,
ҳамда ҳалқ эрки учун курашдан иборат.

Ғулом Каримов таржимаси

Шоир бу ерда золимлар зулмидан ҳалқни қутқариш юясини олға суради. Сарбадорларнинг бу юяси йиллар давомида ҳалқ озодлик ҳаракатини бошқарган Амир Темурнинг юяларига ҳамоҳанг эди. Шунинг учун 1365 йилда ўз жонини хатарга қўйиб Самарқанд сар-

¹ Ўша мақола. «Маърифат», 25 сент. 2002 й. 3-саҳифа.

бадорларининг раҳбари Мавлонзодани дорнинг тагидан қутқариб олиб чиққан эди.

Кейинчалик Амир Темур Эронга ҳарбий юриш қилганда сарбадорлар давлатининг сўнгги ҳукмдори Али Муайяд билан танишади ва у билан ҳам дўст тутинади. Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий асарларида қуйидагича сўзлар ёзилган:

«Хўжа Нажмиддин Али Муайяд ўзининг айёми давлатида Амири Кабир Темур Кўрагон била якжиҳатлик ва дўстлик қилур эди ва неча маротаба Амир Вали билан масоф (жанг) қилди... Амир Вали Сабзавор шахрини мухосара қилди (босиб олди). Хўжа Али Муайяд Амир Темурдан ёрдам сўраб Тоту отлиғ бир кишини Самарқандга соҳибқироннинг олдига жўнатди. Тўрт ойдан сўнг Амир Темур Хуросонга лашкар тортди. Хўжа Али Муайяд то Сарахстача соҳибқироннинг истиқболига бориб, Сабзавор вилоятини унга топширади. Ўзи эса Амир Темур хизматига кириб, унинг мулоzими бўлди»¹.

Амир Вали Хуросоннинг золим ҳукмдорларидан эди. Амир Темур Сабзаворни ундан тортиб олади ва ўзининг ишонган амирларидан Тобон Баҳодирни ҳоким қилиб қўяди. Лекин амир Вали тарафдорлари бўлмиш фитначилар Сабзаворда ғалаён уюштириб, Тобон Баҳодирни ва унинг қўриқчиларини ўлдирадилар. Бундан ғазабланган Амир Темур фитначиларга эргашган Сабзавор аҳолисини ҳам қаттиқ жазолаб, ўлимга ҳукм этади.

Шўро даврида И. Петрушевскийдек таниқли олим воқеанинг қандай юз берганини аниқдамасдан туриб, «Амир Темур Али Муайядни ҳам исёнчиларга қўшиб қатл эттирди» деган асоссиз даъвони ёзив чиқди. Ўзбек олими Гулом Каримов бир қатор нуфузли тарихий манбалар асосида қуйидагиларни аниқлайди:

¹ Мазкур иқтибос F. Каримовнинг сарбадорлар ҳақидаги мақоласида келтирилган. Қаралсин: «Маърифат» газетаси. 2002. 25 сент., 4-бет.

Фитна содир бўлган 1381 йилда Али Муайяд Амир Темур мулозимлари орасида соғ-саломат юрган эди. Амир Темур унга ҳокимлик лавозимларини таклиф этганда, «Ёшим етмишга яқинлашди, қолган умримни сизнинг даргоҳингизда сұхбатларингиздан баҳраманд бўлиб ўтказмоқчимен», дейди. Чиндан ҳам у умрининг охиригача Амир Темурга садоқат сақлади. Амир Темур ҳам уни энг сұхбати ширин дўст сифатида эъзозлайди. Али Муайяд 1386 йилда 73 ёшида Жувайн вилоятида бўлган жангда Амир Темурнинг душманларига қарши ўқ отаётганда оғир ярадор бўлиб, ҳаётдан кўз юмади. Амир Темур унинг тобутини туғилган шахри Сабзаворга келтириб, юксак эҳтиром билан дағн этиради.

Амир Темурнинг эронлик яна бир қадрдони Шероз ва Форс вилоятларида подшоҳ бўлган шоҳ Шужоъ эди. У Шероздан Самарқандга икки марта элчилар, қимматбаҳо совғалар юбориб, дўстлик ва давлатхаҳлик изҳор қилганди. Амир Темур ҳам бунга жавобан ўз элчиларини қимматбаҳо совғалар билан Шерозга юбориб, шоҳ Шужоъ билан дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаган эди. Кексайиб қолган шоҳ Шужоъ 1385 йилда иккинчи марта Шероздан Самарқандга элчилар ва совғалар юборган, васиятномани эслатадиган махсус мактубда унинг ўлимидан кейин қариндошлари орасида ҳокимият учун кураш бошланишидан, ягона давлат парчаланиб кетишидан, ўғли Зайнал Обиддиннинг келажак тақдиридан хавотирда эканини ёзган эди.

Амир Темур 1387 йилда Шерозга борганда шоҳ Шужоънинг Олмузаффарийлар деб аталадиган яқин қариндошларини йириб, бирини Исфаҳонга, иккincinnини Кармонга, Зайнал Обиддинни Шерозга ҳоким қилиб, бошларини қовуштиргандай бўлиб қайтди.

Тўхтамишнинг тажовузи ва Олтин Ўрдага қарши юриш Амир Темурнинг беш-олти йил вақтини одди. У Эронга ва унинг жанубидаги Шерозга 1393 йилда иккинчи бор келганда Олмузаффарийлар сулоласи бир-бирлари билан қирпичноқ бўлиб урушаётганлари-

нинг устидан чиқди. Улар шоҳ Шужоънинг ўвли Зайнал Обиддинни кўзига мил тортиб, кўр қилишган ва Эроннинг қўл етмас тоғ чўққиларидағи Қалъайи Сайдга қамаб қўйишган эди. Бу ёвуз ишни амалга оширган Шоҳ Мансур Амир Темурнинг Шерозга 30 минг қўшин билан келаётганини эшитиб, соҳибқиронга қарши суиқасд уюштиради.

Баҳор пайти экан, Шерознинг боғларида мевали дарахтлар қийғос гуллаган. Амир Темур қўшини боғларини топтамаслик учун бор кўчалардан бўлиниб, бўлинниб ёв хужумини кутмай бехавотир келаётган эди. Катта бир жарлик ичida 4 минг отлиқ аскар билан пистирмада турган шоҳ Мансур Амир Темур яқинлашиши билан жарликдан бор кўчаларга тўрт минг қилич ялан-роҷлаган навкарлари билан отилиб чиқди. Ўзи Амир Темурни мўлжалга олиб, ўлар-қоларига қарамай унинг олдига мингтacha аскари билан бостириб боради. Улар соҳибқироннинг кўриқчиларидан 50—60 тасини қилич билан чолиб, йиқитиб ўтадилар. Буни кўрган кўриқчиларнинг беихтиёр қўрқиб қочганлари ҳам бўлади.

Шоҳ Мансур ўлимдан қўрқмайдиган энг ботир йигитларини ёнига олиб, соҳибқирон отлиқ келаётган жойга етиб боради ва унинг бошини мўлжалга олиб, икки марта қилич уради. Хайриятки, қилич зарбалари чопиб бораётган от устидан урилгани учун қия тушади ва соҳибқироннинг бошига тутилган қалқон билан силлиқ зирхли дубулғага тегиб сирғалиб кетади. Соҳибқиронга ҳеч қандай зарар етмайди. Кўриқчи аскарлар орасида Шоҳруҳ мирзо ҳам бор эди. У шоҳ Мансурга отда етиб бориб, елкасига қилич уради. Бу орада Мұҳаммад Султон ўз навкарлари билан етиб келиб, шоҳ Мансурни ёйдан ўққа тутади. Унинг баданига қадалган ёй ўқлари қилич зарбига қўшилиб, ғанимни отдан йиқитади. Шоҳруҳ Мирзо унинг бошини қилич билан кесиб, найзага санчади-ю, Амир Темур отининг оёғи остига олиб бориб ташлайди.

Амир Темур бир тепаликка отлиқ чиқиб, ўз ҳузурига Шоҳруҳ ва Мұҳаммад Султонларни чорлайди.

Пастга йиғилган беку навкарлар кўзи олдида шаҳзодаларни бир-бир бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпади ва барча навкарларни дуо қиласди. Уларнинг ботирлиги туфайли бир сунқасдан омон қолгани учун яраттганга шукроналар айтади.

Шерозда Амир Темурга Шоҳ Мансур ва барча музаффарийлар сулоласидан кўп жабр-зулм кўрган турли тоифадаги аҳоли арз-дод билан мурожаат қиласди. Шаҳар акобирлари, барият ва раият вакиллари «Агар соҳибқирон... музаффарийларнинг зўравонлик ва жабру ситамларга ўрганган қўлларини халқ устидан даф қилмасалар, бутун аҳоли жорлик майдонида оёқ остида қолиб ҳалок бўлғусидир»¹, дейдилар.

Амир Темур бу гал музаффарийларни тутдириб, ҳисбга олдиради. Бир ҳафта давомида шариат қозила-ри иштирокида уларнинг барча жиноятлари бўйинла-рига қўйилди ва ҳаммаси қатла этилди. Шундан кейин Амир Темур Шероз ва Форс акобирлари билан масла-ҳатлашиб, бу ўлкаларни ўз ҳимоясига олди ва ўғли Умаршайх мирзони ҳар икки вилоятта ҳоким қилиб тайинлади.

Шоҳ Шужоънинг ўғли Зайнал Обиддин қамаб қўйилган Қалъайи Сафидга Амир Темур ўзи қўшин тортиб борди. Икки минг кишилик қўшин қорли төр тепасига беҳад мустаҳкам қилиб қурилган қалъани ишғол қилгунча икки кечакундуз машақкат чекди. Ниҳоят, қалъа забт этилиб, йигирма беш ёшида кўзи кўр қилинган Зайнал Обиддин озод этилди.

Отаси шоҳ Шужоънинг васиятига биноан Амир Темур бу йигитни ўз қаноти остига олди ва маҳсус одамлар билан Самарқандга жўнатди. Самарқанд табиблари унинг кўзини даволаб, бир қадар кўрадиган қилдилар.

Амир Темур шоҳ Шужоънинг хотирасини эъзозлаб, унинг ўғлига қилган шунчак яхшиликлари соҳибқироннинг ваъдасида қанчалик маҳкам турганини ва

¹ Ш. Язди. «Зафарнома», 1997. 174-бет.

чин инсонийлик бобида нодири замон бўлганини кўрсатади. Мана шундай адолатли ҳукмдорга чингизийлар жабру зулмидан интиҳосиз азоб тортаётган бошқа ўлкалар ҳам муҳтож эди.

Озарбайжон олими Абулфайз Раҳимов Амир Темур Табриз шаҳрини талончилардан қандай қутқаргани ҳақида қўйидагиларни ёзади:

«Амир Темур Озарбайжонни ишғол этиб, ўғли Мироншоҳни Султонияга ҳоким қилиб тайин этгунга қадар Табриз тарихида энг оғир давр бўлди. 70—80 йиллар орасида шаҳарга 22 дафъа ҳужум этилади ва бу ҳужумлар натижасида шаҳар 18 марта бир талончи ҳокимнинг қўлидан иккинчисининг ҳукми остига ўтади. 1386 йилда Амир Темур Табриз яқинидаги Шанби-Ғазонга келганда шаҳарнинг энг нуфузли одамларидан Сайийд Рози, Ҳожи Муҳаммад Ҳаттот, Фози Фиёсидин ва бошқалар унинг ҳузурига келиб, шаҳарни ўз ҳимоясига олишини илтимос қиласидилар. Лекин Амир Темир Олтин Ўрдага қарши юриш билан банд бўлганлиги учун бу илтимос фақат орадан 6 йил ўтгач, 1392 йилда ижобат бўлди. Амир Темур Ҳулагуҳон давлати таркибида бўлган ўлкаларга ўғли Мироншоҳни 1393 йилда ҳукмдор қилиб тайин этганидан сўнг Табриз ички урушлардан ҳалос бўлди, аҳоли аввалги даввларга нисбатан бир қадар тинч ва осуда ҳаёт кечира бошлади»¹.

Тарих саҳнасидан тушган собиқ Ҳулагуҳон давлати таркибига Озарбайжоннинг бошқа ҳудудлари, жумладан, Боку, Шемахи, Ширвон ҳам кирап эди. Бу ўлкаларда 1382 йилдан эътиборан ҳукмронлик қила бошланган Иброҳим Ширвоншоҳ Шимолдан Дарбанд орқали бостириб келган Тўхтамиш қўшинларининг талончиликларидан қутулиш учун 1387 йилда Қорабоғда қишлиётган Амир Темурнинг ҳузурига ҳимоя истаб келади. Амир Темур Озарбайжон ва Ширвонни Тўхтамиш-

¹ А. Раҳимов. «Амир Темур Озарбайжонда». «Озарбайжон ФА хабарномаси». 1986. № 2. 69—71-бетлар.

дан ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади. Бунинг эвазига Озарбайжон ва Ширвоннинг Жума масчиларида Амир Темур номи олий ҳукмдор сифатида хутбага кўшиб ўқилади. Ширвоншоҳ Амир Темур лашкарининг ҳарбий харажатлари учун ҳар йили ўз давлатининг даромадидан 10 фоизини соҳибқиронга ўлпон тарзида тўлашга ваъда беради. Шу ваъдалар асосида Амир Темур билан Ширвоншоҳ орасида иттифоқдошлик шартномаси тузилади. Соҳибқирон умрининг охиригача бу шартномага амал қиласи.

Каспий денгизи бўйидаги Дарбанд қалъаси чингизийлар томонидан бузиб ташланган эди. Чунки улар Олтин Ўрдадан Озарбайжон ва Эронга бостириб боришлари учун энг қулай ва яқин йўл шу қалъа одидан ўтар эди. Босқинчилар эса ўз йўлларида бирон тўсиқ бўлишини истамас эдилар. Лекин бу қалъа Ширвон ҳимояси учун жуда керак эди. Фақат уни қайта тиклашга Ширвоншоҳ Тўхтамишхоннинг разабидан кўркиб журъат этолмас эди.

Мана энди Амир Темурдек қудратли иттифоқдош ёрдамида Дарбанддаги қалъа аввалгида ҳам мустаҳкамроқ қилиб тикланди. Бу ишнинг бошида Амир Темурнинг ўзи турди. Қалъани қайта қурганлар ҳам унинг усталари ва навкарлари эди. Бироқ ўргангандан кўнгил ўртанса қўймас, деганлариdek, 1394 йилнинг охирларида Тўхтамишхоннинг босқинчи амирларидан Али ўғлон, Илёс ўғлон ва Исабек деганлар 30 минг қўшин билан яна Дарбанд қалъасини бузиб, Ширвоннинг туман ва шаҳарларида талончилик қилдилар. Бу пайтада Амир Темур ўз қўшини билан анча узоқда — Кавказнинг Кура дарёси бўйида эди. У Тўхтамиш билан яна катта жанг қилмасдан оддин унга элчи юборди ва соҳибқироннинг ҳимоясидаги ҳудудларга тажовуз қилмаслик шартини қўйиб, ярашишни таклиф қилди.

Амир Темурдан элчи бўлиб борган Шамсиддин Олмалигийни Яздий қуйидагича таърифлайди:

«Бу Шамсиддин доно ва иш билгувчи, оқил ва зийрак, оғзи юмшоқ, сўзи чучук киши эрди... Тўхтамиш-

ни кўриб, соҳибқироннинг мактубини бериб, ҳазрат айтган сўзларни ёқимли қилиб сўзлаганида, Тўхтамишга ул сўзлар таъсир қилди, хушвақт бўлиб, ярашмоқда майл қилди... узр билан тилини очиб, андоқ қилғайки, ародин мухолифат кетиб, дўстлик бўлгай... Аммо беклари жаҳл ва нодонликларидин ани қўймадиларки, мутиъ бўлғай, ани йўлдан чиқардилар. Соҳибқирон хатига «йўқ» жавоби битиб элчига берди»¹.

Кўриниб турибдики, Тўхтамишон золим бекларига сўзини ўтказолмайдиган заиф тождор эди. Тўғрироғи, у ҳам шу беклар каби бобокалони Чингизхон тузиб кетган золимлик занжирининг алоҳида бир ҳалқаси эди. Бу занжир Тўхтамишни ўз ҳоҳиш-истакларига бўйсундириб, Амир Темур билан ярашгани қўймасди. Чунки Амир Темур золимлар салтанатининг занжирларини узиб, парчалаб, тутқун элларни бирин-кетин озод қилиб келмоқда эди. Чингизийлар бу эллардан қувилмоқда эди. Шуни юракдан ҳис қилиб юрган золим беклар Тўхтамиш Амир Темур билан ярашса, унга мутеъ бўлиб қолишини ва империя ҳалокатга учрашини сезиб, бунга жон-жаҳдлари билан қарши турдилар.

Йиқилган курашга тўймас деганлариdek, чингизий шаҳзодалар Амир Темур билан яна жанг қилишни истардилар. Элчи келтирган рад жавобидан мана шу нарсаларни тушунган Амир Темур тавочиларга яна кўпроқ қўшин ёллашни буюрди, қурол-яроғларни созлаб, Тўхтамиш билан ҳал қилувчи жангга ҳозирлик кўрди.

Турону Хурсондан Амирзода Шоҳруҳ бошлилигида катта қўшин келиб, Элбрус тоғи этакларида Амир Темур қўшини сафларига қўшилди. Жанубий Эрондан Умаршайх Мирзо, Султониядан Мироншоҳ Мирзо ҳам 10 минглаб янги аскарий кучларни бошлаб келдилар.

Амир Темур барча қўшинларни Элбрус тоғидан то Каспий денгизи қирғоқларигача бўлган беш фарсах

¹ Н. Шомий. «Зафарнома». 1996. 210—211-бетлар.

(30 чақирим) масофага саф торттириб, кўриқдан ўтказди. Тор ҳам, дengиз ҳам ўз тарихида бундай мукаммал қуролланган улуғ лашкарни бир неча асрда бир марта кўрган бўлиши мумкин.

Тўхтамиш ҳам икки юз минглик қўшин йигиб, Терек дарёсининг Каспий дengизига қўйиладиган жойларига яқинлашиб келди. Бу ҳодисалар 1395 йилнинг баҳор ойларида содир бўлмоқда эди. Улкан Терек дарёси баҳор сувларига тўлиб-тошиб ҳайқириб оқмоқда эди. Икки улкан лашкар бир неча кун дарёning икки қирғори бўйлаб дengиз томонга ҳаракатланиб бордилар. Тўхтамиш ўз лашкарини дарёдан биринчи олиб ўтишга журъят этмади. Шундан сўнг Амир Темур тунда суръат билан орқага қайтди. Тонг ёришганда ҳали ёв лашкари уйқуда бўлган пайтида дарёдан кечик топиб, ҳамма қўшинларини нариги қирғоққа беталафот ўтказиб олди. Агар бу иш ёвга сездирмай амалга оширилмаганда Тўхтамиш лашкари хатарли дарёдан қиинчилик билан сузиб ўтаётган қўшинга нариги қирғоқдан ўқ отиб, ҳужум қилиб, катта талафот етказиши мумкин эди. Энди эса ҳар икки қўшин дарёning бир соҳилида ясол тузиб, ҳал қилувчи жангга киришди.

Амир Темур бу гал ҳам лашкарига етии қўл шаклида тартиб берди. Энг қудратли еттинчи қўл Мухаммад Султон саркардалигига захирада турди. Соҳиб-қироннинг ўзи жанггоҳ марказидаги бир баландликда туриб, Амир Сайфиддин бошчилигидаги ўттиз минг кишилик марказий қўшинни Тўхтамишхон турган ёв гулига қарши йўналтирди. Бу қўшин ёвга етиб жанг қилаётган пайтда душманнинг чап қанотидан бир отлиқ ажralиб чиқиб, Амир Темур турган тепаликка томон чопқир отда учиб кела бошлади. уни Амир Темурнинг қўриқчи аскарлари тўхтатдилар. Шунда ҳалиги отлиқ: «Мен ҳазратнинг қулиман, муҳим гапим бор, ўзларига айтаман», дейди. Воқеанинг давомини Шомий шундай баён қиласди:

«Қочиб келган кишини соҳибқирон ҳазратга олиб бордилар. У «Мен Тўхтамиш қўшинининг ўнг қўл қис-

мидан келаяпман, вазият шундайки, Кунча Ўғлон, Бек Ѓруғ, Оқтов, Довуд Сўфи ва Удиркалар яқдилу якзабон бўлишиб, сизнинг ўнг қўл қисмингиз қанотига чопқин ясамоқчилар»¹, — деди.

«Амир соҳибқирон дарҳол ўнг томонга эътибор бериб, бир қанча қўшинни илгари чиқарди ва чопқин қилиб келаётганларга қарши юборди. Ёғийлар ғалаба ёр қўшиннинг шавкату шижоатини кўргач, дилларида кўрқинч ғолиб келиб, тўқнашувдан олдин қочиб қолди. Соҳибқирон юборган қўшиндан эллик киши душман ортидан қувлаб, уларни ўз лашкарларининг марказий қисмигача етказди. Шунда бирдан қочган Тўхтамиш қўшинлари қайтадан жам бўлишиб, орқага қайтди ва қувиб келган эллик аскарнинг устига ташланиб, уларни қочирди ва бир қисмини ўлдириди. Шу сабабдан дадилланиб, уларга ғулдан яна минглаб аскарлар келиб қўшилди ва ҳаммалари зўр тезлик билан Амир Темур турган жойга яқинлашдилар»².

Шунда маълум бўлдики, биринчи гал ҳужум қилиб келган ва жанг қилиб, гўё кўрқиб қочган ёв қўшинлари ҳийла ишлатган экан. Энди улар қўшимча катта кучлар билан орқага қайтиб, тўғри Амир Темур томонга бостириб келдилар ва соҳибқиронга ўқ отса етадиган даражада яқин бориб қоладилар. Хатарли вазият юз беради. Зирҳли кийимда отлиқ турган соҳибқирон қиличини қинидан суруради. Яқин келиб қолган бир ёв навкарига найза отиб, уни эгардан қулатади. Буни кўрган Амир Шайх Нуриддин Амир Темурга қалқон бўлиш учун отидан сакраб тушади, навкарлари ҳам ундан ибрат олиб отдан тушадилар. Ерда туриб камондан ўқ отганда нишонга тегизиш осонроқ бўлади. Фақат отлиқ ёв навкари найза ва қилич билан пиёдани ўлдириши ҳам осонлашади. Ана шу хатарни зиммаларига олиб, яна «эллик киши отдан тушиб, ўқ ёйларини яёв туриб отиб, ёвни тўхтатдилар. Ва Мухаммад

¹ Ш. Язий. «Зафарнома». 1997. 176-бет.

² Ўша китоб. 177-бет.

Озод ва унинг иниси Алишоҳ ва Тўқал Бовурчи ҳар бириси ёғийлардан биттадан ароба тутиб келтурдилар. Соҳибқирон арабалар панасида бехатарроқ турди. Бу маҳалда Аллоҳдод Баҳодир қўшини билан кўмакка етди ва улар ҳам яёв бўлиб ёйдин ўқ ота бошладилар. Ҳусайн Малик Қовчин, Зийрак Жокулар ҳам ўз қўши nlari билан ҳимояга келиб, яёв туриб урушдилар. Ҳар неча ким душманлар ҳамла қилиб от солдилар, яёв бўлган баҳодирлар аларни қўймадиларким соҳибқиронга яқин келгайлар¹.

Қилич яланғочлаб, отини чоптириб келаётган ғазабнок ёв қаршисида яёв туриб жанг қилиш чинакам қаҳрамонлик эди. Юзлаб фидойи беку навкарлар жонларини шундай хатарга қўйиб, улур саркарда атрофида тирик девордай ҳимояда маҳкам турганлари ва ёвларнинг барча ҳужумларини қайтарганлари жанглар тарихида камдан-кам учрайдиган ёрқин бир ҳодиса эди. Бундан руҳланган соҳибқирон энг сара қўши nlari билан захирада турган невараси Муҳаммад Султонни жанг майдонига тушириди.

Тўхтамиш бор кучларини Амир Темурга қарши йўналтириб, ҳар икки қаноти очилиб қолганини сезмаган эди. Муҳаммад Султон лашкари душманнинг очилиб қолган ҳар икки қаноти орқали марказга отилиб кириб, соҳибқиронга ҳамла қилаёттан ёв отлиқларига шундай қақшатқич зарбалар бердики, уларнинг кўпчилиги ўлдирилди. Тўхтамишхоннинг ўзига ўқ тегиб, ярадор бўлди. У қонга беланиб, содик мулозим ваbeklari билан жанг майдонини ташлаб қоча бошлади².

Бу тарихий ҳодиса 1395 йилнинг 15 апрелида Кавказ тоғлари орасида, Терек дарёси бўйида, Каспий денизи яқинида юз берди.

Амир Темур садоқатли бек ва навкарларининг ўз саркардалари учун фидо қилишга қанчалик қодир

¹ Ш. Язди. «Зафарнома». 1997. 176-бет.

² Тўхтамишхоннинг ярадор бўлиб қонга белангани ҳақида Льюсен Карен. «Амир Темур салтанати» китобида ёзган. 1990. 76-бет.

эканликларини бу жангда ўз қўзи билан кўргани ва уларнинг баҳодирликлари туфайли бир ўлимдан омон қолгани унутилмас ҳодиса бўлди.

«Жангда жонини фидо қилган Шайх Нуриддинни ва у билан бир сафда яёв туриб мардона жанг қилгандарни, шаҳзодалар билан бирга Соҳибқирон ўз ёнига чорлаб, ҳар бирини бағрига босди, дуолар айтди ва уларнинг ҳар бирига юз минг олтин динор инъом килди ва баъзиларига вилоятлар, туманлар ва ўлкалар берди»¹.

Соҳибқирон яхшиликни нақадар қадрлаши ва унинг нечоғлик сахий инсон бўлгани Яздий келтирган фактларда кўзга яққол ташланади.

Тўхтамишхон эса Терек бўйида тор-мор бўлгач ўз хотинлари ва болаларини, эл-юртини, пойтахт шаҳри Сарой Беркени бутун хазина ва бойликлари билан ташлаб қочди. Фақат ўз жонини қўрқоқларча қутқариш учун қалин ўрмонларга бориб яширинди. Амир Темур Тўхтамишни қаердан бўлса ҳам топиб жазолаш учун энг сара қўшинлар билан унинг изидан тушди. Волга дарёсининг Туратур деган кечигига етганда Тўхтамишнинг шу ердан ўтиб Булғор (ҳозирги Татаристон) ўрмонларига яширингани аниқланди. Амир Темур юборган қувғинчилар уни бу ўрмонлардан ҳам тополмадилар ва Тўхтамиш Волганинг ўнг қирғорига ўтиб кетгани ҳақида хабар келтирдилар. Амир Темур ўз қўшини билан яна Волга дарёсининг ўнг қирғорига ўтиб, қочқинни рус ўрмонларидан ҳам тополмади.

Амир Темур Сарой Беркени ва хон саройидаги ҳазиналарни эгаллаш учун юборган қўшинлар бу ерда Тўхтамишни таҳтдан тушириб, унинг ўрнини олишга интилаётган чингизий шаҳзодалар борлигини аниқлаб келдилар.

Бу шаҳзодалар орасида Ўрисхоннинг Темур Кутлуғ ва Кунча Ўлон деган неваралари ҳамда уларга ҳамтоворқ бўлган Эдигей Мангит ҳам борлиги маълум бўлди.

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 177-бет.

Хиёнатчиликда Тўхтамишдан қолипмайдиган бу уч шахс 1391 йилда Самарқандга Амир Темурдан паноҳ излаб борган ва умрбод садоқат сақлашга қасам ичib унинг хизматига кирган эди. Кейин улар ўз қасамларини бузиб, Терек бўйида Амир Темурга қарши урушганлар қаторида жанг қилдилар. Агар имкон берилса, бундайлар Олтин Ўрдага ҳоким бўлиб, золимлар салтанатини қайта тиклашга уринишлари аниқ эди.

Амир Темурнинг мулозимлари орасида Тўхтамишхонга қарши дадил урушган ва Амир Темур раҳнамолигида иш олиб бора оладиган яна бир чингизий шаҳзода — Ўрисхоннинг учинчи невараси Қўйчироқ ўғлон бор эди. Соҳибқирон бир неча йил давомида уни кўп синовлардан ўтказиб, ўз сўзида тура олишига ва садоқат сақдай олишига ишонган эди. Соҳибқирон хиёнатчиларнинг таҳт талашишларига барҳам бериш учун Қўйчироқ ўғлонни вақтинча Жўжи улусига бош ҳукмдор қилиб тайинлади ва бу ҳақда маҳсус ёрлиқ чиқарди.

Қўйчироқ Ўғлоннинг хос аскарлари бор эди.

Амир Темур ўз қўшинларидаги тажрибали бек ва амирлардан яна бир неча юз сипоҳини унга ёрдамга ажратди. Ҳаммаларини керакли маблағ билан таъминлаб, Қўйчироқ Ўғлоннинг белига олтин камар боғлатиб, Сарой Беркега юборди ва ҳокимиятни эгаллаб, шаҳарда тартиб ўрнатишни топширди. Аммо Сарой Берке инига чўп тиқилган арининг уясига ўхшаб қолган эди. Хон бўлиш орзусида юрган ўnlаб чингизийлар худди ини бузилган арилардай Амир Темур юборган одамларга қарши ҳужумга ўтадилар. Қўйчироқ Ўғлон соҳибқироннинг топширигини бажара олмайди. Тарихий манбаларда унинг бирон нарсага эришгани ҳақида маълумот учрамайди. У худди сувга чўқкандай изсиз йўқолади, «Зафарнома»ларда унинг номи бошқа қаламга олинмайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, золимлар салтанати уни худди эртаклардаги аждаҳолар каби икки ямлаб бир ютган бўлиши мумкин.

Амир Темур Қўйчироқ Ўғлонни Олтин Ўрдага ҳукмдор қилиб юбориш билан бу давлатни ўзига хайриҳоҳ бир шаклда сақлаб қолмоқчи бўлади. Лекин шундан кейинги воқеалар золимлар салтанати ҳеч қачон Амир Темурга хайриҳоҳ бўлмаслигини кўрсатди. Чунки Амир Темур золимларга қарши адолат учун курашни ўзига мақсад қилиб олган эди. Олтин Ўрда деб атамиш салтанат эса зулм ва адолатсизлик асосига қурилган эди. Шунинг учун бу салтанат ҳеч қачон Амир Темурга иттифоқдош бўлолмас эди. Бу икки тизим, икки давлат тартиботи бир-бирини инкор этарди.

Амир Темур Олтин Ўрдага тобе Рязань, Елецк деган жойларга қўшин тортиб борди. Москвага яқин борди-ю, лекин кўпчилик тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу шаҳарга киришни лозим топмади. Терек бўйидаги жангда соҳибқирон устига бостириб келган ва уни йўқ қилишга интилган Бек Ёруқ Ўғлон, Тоштемир ўғлон ва Оқтov деганлар Украина ерларида — Днепр бўйларида ҳукмронлик қилар эдилар.

Амир Темур Усмонбек деган бу ўлкаларни яхши биладиган баҳодирни ўзига йўл кўрсатувчи қилиб олди ва Волга бўйидан тўғри Днепр бўйига қўшин тортиб борди. «Узи (Днепр) суйига етганда, — деб ёзади Яэдий — Минкерман мавзеида Бек Ёруғ Ўғлоннинг уйи — эли анда эди, аларни чопиб, кўпрагини бўйсундириб, тобеъ қилди. Тоштемир Ўғлон ва Оқтov қочиб, Узи (Днепр) дарёсидан ўтиб, Сарамдай¹ ўморига бордилар. Улус буларга душман эди, қувди. Булар таланиб, асир бўлмоқдин ёмонроқ аҳволга тушди ва андин қочиб, Исрайқа² саҳросида турдилар»³. Шу тарзда золим чингизийларни Амир Темур Днепр бўйларидан ҳам қувиб юборади ва Украинанинг мустамлака зулмидан озод бўлишига замин яратади.

¹ Сарамдай — Дунай бўйидаги мавзеъ.

² Исрайқа Саҳороси — Дунайнинг қора дентизига қуйиладиган жойидаги саҳро.

³ Ш. Яэдий. «Зафарнома». 178-бет.

Амир Темур ўзининг ёшлиқдан дилига туккан эътиқодига биноан қарам элларни чингизийлар салтана-тининг талончиликларидан, оғир соликлардан, мустамлака зулмидан озод қилишда давом этади. Днепр бўйидан Азов денгизи соҳилига келади. Азоқ шаҳри ҳам, ундан черкеслар, балқарлар яшайдиган шаҳару қишлоклар ҳам мўғул босқоқларидан халос бўлади. Олтин Ўрда ҳукмронлиги тутатилгани шундан маълум бўла-ди. Шимолий Кавказда ҳукмронлик қилган чингизийлардан бири Утарғу деб аталар экан ва Эльбрус тоғи устига бориб яширинган экан. Уни ўша ердан топиб, банди қилиб, соҳибқирон ҳузурига олиб келадилар.

Доғистонга борганларида «Кумук вилоятининг улуғ кичик эли тобе бўлиб, ҳазратнинг мулозаматига келдилар, — деб ёзади Яздий. — Соҳибқирон аларни яхши кўриб, тўнлар кийдуруб, отлар миндири»¹. Лекин Ҳожи Тархон (Астрахан) ва Сарой Берке ҳукмдорлари ашаддий душманлик йўлидан қайтмади. Амир Темур Ҳожи Тархонни эгаллаб, бу ерда ҳоким бўлган Мұхаммадийни қатл эттириди. Киш куни эди. Дарёлар музлаган. Волганинг музи устидан юриб ўтиб, Сарой Беркени ҳам ишғол қилдилар. Аҳолини шаҳардан кўчирдилар ва ҳар икки шаҳарни бузиб, ўт қўйиб ёндиридилар.

«Бу элга бу жазо андоғ бўлдики, — деб изоҳ беради Яздий, — Соҳибқирон Шероз ва Форсда юрганда бу чингизий эллар Мовароуннахрни ҳимоясиз топиб та-ладилар. Занжир Саройга ўт қўйдилар, мамлакатни ҳароб қилиб кетдилар. Бас, анинг учун Сарой Берке ҳам вайрон бўлди»². Демак, чингизийлар 1387 йилда Амир Темур узоқда юрганидан фойдаланиб, кўп вай-роналик ва талончиликлар қилгани, Занжир Саройни ёндириб юборгани учун қасос 1395-96 йилда қайтади. Лекин соҳибқирон Сарой Беркени бузиш ва ёндиришдан олдин унга Қўйчироқ Ўғлон деган чингизий шаҳ-зодани ҳукмрон қилиб юборади. Орадан ёз, куз ўтди,

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 181-бет.

² Ўша китоб. 182-бет.

қиши кирди. Демак, Амир Темур билан яхшиликча ҳамкорлик қилиб, шаҳарни сақлаб қолиш учун Олтин Ўрдадагиларга етарлича вақт берилди.

Сарой Беркедагилар бу вақтдан фойдаланмадилар. Амир Темур юборган одамларни ном-нишонсиз йўқ қилдилар. Шундан кейин золимлар салтанатини тагтути билан йўқотиш, уларнинг иқтисодий ва ҳарбий таянчи бўлган шаҳарларни вайрон қилиш, Олтин Ўрда-ни эса қайта тиклаб бўлмайдиган аҳволга солиш сўнгги чора бўлиб қолди. Амир Темур ана шу сўнгги чорани аёвсиз равишда амалга оширгандан кейингина Чингизхон тузиб кетган золимлар салтанати узил-кесил ҳалокатта учради. Евроосиё деб аталган ҳудудда яшаган ўилаб эллар Амир Темур қаҳрамонлиги туфайли мустамлака азобидан қутулдилар.

Шу ўринда таниқли француз олимни Люсьен Кэрэзининг қуйидаги фикрини эслаш ўринлидир: «Бу сафар Олтин Ўрда тиз чўқди. Шундан сўнг у ҳеч ўнгланмади... Рус князликлари кўп ўтмай озодликка эришдилар ва бўлажак рус империясининг пойdevorини кўйдилар»¹.

Амир Темур ватанинига 1396 йилда олтмиш ёшга кирганда жуда катта бойликлар билан қайтиб келди. Уни бутун Турон ҳалқи зўр қувонч билан кутиб олди. Шу муносабат билан Люсьен Кэрэн шарқона чиройли бир иборани ишлатиб ёзадики: «Амир Темур ўз фуқароларининг фаровонлиги учун жон қуидирадиган чинакам ҳалқ отасига айланди ва Туроннинг барча фуқароларини уч йил давомида барча солиқлардан озод қилди»².

ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН СИЙМО

Евроосиё деб аталган икки буюк қитъани бир ярим аср давомида зир титраттан Олтин Ўрда ва чингизийлар империяси Турон султони Амир Темурнинг ўттиз

¹ Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати. Тошкент, 1999. 78-бет.

² Ўша китоб. 80-бет.

йил давомида берган қақшатқич зарбаларидан нестнобуд бўлгани бутун дунёниг эътиборини тортди. Айниқса, унинг қаҳратон қиси кунида беш ой чўлу биёбонлар оша йўл босиб бориб. Тўхтамишнинг сон жиҳатидан устун бўлган қўшинини Олтин Ўрда худудида тор-мор қилгани нафақат осиёликлар, балки европаликларни ҳам ҳайратта солди. Осонликча жон бермайдиган золимлар империяси тўрт йил ўтгач яна куч тўплаб қайтадан майдонга тушганда, Амир Темур Кавказ тоглари орқали ўтиб, Каспий денгизи соҳилидан қўшин тортиб келгани ҳамда Тўхтамиш лашкарини Терек дарёси бўйида узил-кесил яксон эттани бутун дунёни лол қолдирди. Бу афсонавий ғалабалар инглиз драматурги Кристофер Марлонинг Амир Темурга бағишлаб бир змас, иккита саҳна асари яратишига сабаб бўлди. Бу асарларга қўйидагича узун ном берилади: «Ўзининг кўз кўрмаган ва қулоқ эшиитмаган зафарлари билан буюк ва қудратли ҳукмдор даражасига етган, ҳамда жангларда рақибларига солган даҳшати ва шафқатсизлиги туфайли худонинг разаби деб ном олган Амир Темур тарихи»¹.

Х. Марло ўзи кўрмаган ва узоқ Англияда яшаб хаёлан тасаввур этган воқеалар тасвирида ҳақиқатдан йироқ уйдирмалар ҳам бор, бу ҳақда биз ишимизнинг кейинги қисмида батафсилроқ ёзамиз. Аммо бу ерда машҳур инглиз драматурги Амир Темурни буюк ва қудратли ҳукмдор деб атагани, унинг ғалабаларини кўз кўрмаган, қулоқ эшиитмаган мислсиз зафарлар деб таърифлагани ҳақиқатга мос келади.

Х. Марлога узоқдан афсонавий қаҳрамон ва худонинг разабидек шафқатсиз бўлиб кўринган Амир Темурни бошқа бир европалик зиёли инсон яқиндан кузатиб, у ҳақда илик хотиралар ёзиб қолдирган.

Асли италиялик бўлган ва Султония христианларининг епископи лавозимида хизмат қилган Иоанн

¹ Қаралсин: Люсъен Кэрэн. «Амир Темур салтанати». ўзбекча нашри. Т., 1999. 11-бет.

Гринло номли руҳонийнинг Парижда машхур Лувр кутубхонасида сақланаётган эсдаликлари бор. Унда Иоаннинг Амир Темур билан Султонияда қандай учрашганлари, соҳибқироннинг ишончини қозониб, унинг элчилари қаторида Парижга боргани ва Франция қироли билан музокаралар ўтказгани ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Епископ Иоанн бир қанча вақт Амир Темур қароргоҳида яшайди ва унинг ҳаёт тарзини яқиндан кузатиб қуидагиларни ёзди: «Темурбек шароб ичмайди, қимизни ва ёш тойчоқ гўштидан қилинган қазини, гуручли таомларни яхши кўради... Унинг яна бир одати — хушбўй атиrlарни ёқтиради. Унга дунёning турли мамлакатларидан нодир атиrlар, ифорлар совға қилиб келтиришади. Унинг шоҳона чодирига яқинлашганингизда хушбўй ифорхидлар димоққа урилади.

Темурбек жуда дидлик ва жозибали йигит бўлган экан. Ҳозир ёши олтмишдан ошган бўлса ҳам унинг ўша диди ва жозибаси сақланиб қолган. Суҳбатдошини оҳанграбодай ўзига тортувчи сўз ва муомала билан ҳар қандай одамни ром қиласди...

Темурбекдек мустаҳкам хотирага эга бўлган киши дунёда кам топилса керак. Хотирасининг беҳад мустаҳкамлигидан ўн минглаб беку навкарлардан ҳар бирининг исмини билади, отини айтиб буйруқ беради. Бу ҳол беку навкарларнинг унга ҳурмат ва садоқатини оширади.

Темурбек ўз навкарлари сафида совут кийиб жангга киради, ўлимдан қўрқмайди».

Епископнинг бу хотиралари ўзбек тилига Ж. Ҳазратқулов томонидан таржима қилинган ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1995 йил 23 июн сонида Чоп этилган.

Епископ Иоанн Амир Темурнинг ўта саховатли ва кечиримли инсон бўлганини маҳсус таъкидлаб сўзида давом этади: «У Испания қиролига элчи юборганида, шунчалик кўп қимматбаҳо нарсалар совға этдики, уларни кўтариб бориш учун йигирмата хачир керак бўлди.

Темурбек, жумладан, насроний канизаклардан бўлмиш икки гўзал қизни ҳам элчи воситасида Испания қиролига жўнатади».

«Темурбек олим уламоларни, шоирларни беҳад ҳурмат қиласи, сабаби — унинг ўзи олим ва донишманд эди»¹.

Европалик диёнатли бир одамнинг юқорида келтирган ҳамма таърифлари асосли эканини Соҳибқроннинг умр бўйи қилган хайрли ишлари, яратиб қолдирган улкан маданий мероси, адолат ва ҳақиқат учун олиб борган курашлари, «Темур тузуклари»дай ўлмас асари тасдиқлаб турибди.

Масалан, у Тўхтамиш устидан иккинчи марта ғала-ба қозониб ватанга қайтганда «ҳар вилоятта бир яхши кишини юбордики, раъият аҳволидин хабардор бўлғай ва ҳар вилоятдаким, факиру мискин ва дарвешу мустаҳақи бўлса, йиллик озук, кийим, кафш ва этук, фўта ва дастор берсинлар»².

Амир Темурнинг адолатпарварлиги ва ҳалқпарварлиги, айниқса, раъият деб аталадиган оддий одамларни, ёрдамга муҳтож мискинларни, золимлардан жабр кўрган мазлумларни ўз ҳимоясига олиши унинг энг олижаноб инсоний фазилатларидан эди.

Айни вақтда, соҳибқирон ободончилик ва бунёдкорлик ишларига вақтини ҳам, маблағини ҳам аямасди.

1397 йилнинг баҳорида у Чиноз ва Тошкент орқали Туркистоннинг Ясси мавзесига Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилишга боради. 1391 йилнинг қиш кунида Тўхтамишга қарши қўшин тортиб бораёттанида зиёратгоҳ ҳовлисидағи қудуқдан шифобахш сув ичгани ва ўшанда кўнглига туккан нияти унинг ёдида турган эди. Шу ниятни рўёбга чиқариш учун уста муҳандисларни чорлаб, Аҳмад Яссавий қабри устига улуғвор мақбара қуришни буторади.

¹ Қаралсин. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1995. 23 июн. 2-бет.

² Ш. Яздий. «Зарафнома». 186—187-бетлар.

Тарихий манбаларда бу ҳақда шундай дейилади:

«Фармони олий бунёд бўлди: мақбаранинг гумбазини шундай бунёд этсинларки, ич томонидан айланаси бир юзу ўттиз газ бўлсин... Гумбазнинг қутри (диаметри) қарийб қирқ бир газ бўлиши керак, деворлар баландлиги ҳам шунга мутаносиб кўтарилмоғи керак. Деворлари ва қуббаси рангли кошинлар билан безатилсан...

Қабр устига қўйиш учун Табриздан нодир мармарош келтирилсин. Эшикларни етти хил маъдан қотишмасидан ясасинлар. Қурилишни якунлаш Мавлоно Садр Убайдуллага топширилсин. Буйруқقا биноан мақбара қурилиши бир йилда тутади»¹.

Ясси шаҳри жойлашган чўл жойга қурилишнинг кошину мармари Самарқандан ташиб келтирилади. Лекин бу олижаноб ишга шунча катта кучлар ва зўр уста-ю муҳандислар сафарбар этиладики, Аҳмад Яссавий мақбарасининг бутун ҳам бепоён чўллар сатҳида осмонга бўй чўзиб тургани бутун дунёдан келиб-кетаётган сайёхларни лол қолдиради.

Шундай улуғвор, гўзал ва мустаҳкам қилиб қурилган Яссавий мақбараси Амир Темур ҳиммати билан бир йилда бунёд этилгани кишига мўъжизадек туюлади.

Шунга ўхшаш яна бир мўъжиза Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўйиладиган хушманзара жойларида қад кўтарган қадимиш шаҳар — Бинокентнинг тақдирига оидdir. Бу қадимиш шаҳарни Чингизхоннинг ваҳший лашкарлари таг-тутигача вайрон қилиб, бутун аҳолисини қириб ташлаган ва инсон яшамайдиган вайронага айлантирган эди. Амир Темурнинг буйруғи билан бу шаҳар янгидан бунёд этилди, ораста иморатлар қурилиб, унга атрофдан оиласалар кўчириб келинди, гўзал боғ-роғлар пайдо бўлди, шаҳар атрофи мустаҳкам қўргон билан ўраб олинди. Бунинг ҳамма-

¹ «Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида». Тўплам. Т., 1997. 98-бет.

сидан мамнун бўлган соҳибқирон кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзога катта ишонч билдириб, шаҳарга Шоҳруҳия номини берди.

Тариҳдан маълумки, Шоҳруҳ Мирзо улут валиненъматининг бу ишончини оқлади, отасининг ўлимидан кейин унинг буюк салтанатини инқироздан сақлаб қолди ва яна 45 йил бу салтанатни адду инсоф, ақлу фаросат билан бошқарди.

• • •

Амир Темур бутун дунёни худонинг мулки деб биларди. Унинг эътиқод қўйган Пири Комили Таёбодий соҳибқиронга ёзган мактубида «Парвардигорнинг мулкида адолатли иш тутгилким, мамлакат куфр билан туриши мумкин, лекин зулм бор ерда туролмайди»¹.

Амир Темур доим бу насиҳатта амал қиласди. Унинг эътиқоди бўйича, бошқа мамлакатлар ҳам бир Худонинг мулки ҳисобланади. «Худонинг мулкини золимлар, бидъатчи мунофиқлар қўлидан тортиб олиб, адолат ўрнатиш учун белга ҳиммат камарини боғладим» — дейилади «Темур тузуклари»да. — Бирон мамлакатда жабр-зулм, фисқ-фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар зулм ва фисқ-фасодни йўқотиш ва адолат ўрнатиш учун ўша мамлакатта ... боришлиари лозим»².

Амир Темур мана шу эътиқодга асосланиб, чингизийлар мустамлакага айлантирган Олтин Ўрда ҳудудларидаги қатор ўлкаларни золимлар асоратидан озод қилди. Кейинчалик Табриз ва Бағдодни Аҳмад Жалолир деган золимнинг зулмидан халос этди. Қора Юсуф деган йўлтўсар золим ҳажга борадиган карвонларни талайди, бегуноҳ ҳожиларни ўлдиради. Амир Темур унинг қўшини билан жангга киришиб, Қора Юсуфни мағлуб этади. Соҳибқирон бу қароқчини қўлга тушириб жазосини бермоқчи бўлганда, Қора Юсуф ўз одамлари билан Туркия подшоси Йилдирим Боязидинг

¹ «Темур тузуклари». 2005. 114-бет.

² Ўша китоб. 115-бет.

даргоҳига бориб ҳимоя топади. Табризда жуда кўп жабру зулм ва талончиликлар қилган Аҳмад Жалоирни ҳам Боязид ўз ҳимоясига олади. Соҳибқирон Боязидга элчилар юбориб, бу золим ва талончиларни Амир Темурга топширишни талаб қиласди.

Ўша кезларда салб юришларига қарши урушиб, Европада катта ғалабаларга эришган Боязид Амир Темурни писанд қилмайди ва унинг ҳақли талабини бажармайди. Бунга бошқа келишмовчиликлар ҳам қўшилиб, икки орада низо чиқади.

Бу низодан салб урушида марлуб бўлган ва энди нажотни Амир Темурдан излаётган гарб давлатлари усталик билан фойдаланадилар. Амир Темур Султонияда эканида унинг ҳузурига Испания ва Франция элчилари келиб, иқтисодий ҳамкорлик қилишни таклиф этадилар.

Амир Темур ҳам Франция ва Испанияга ўз элчиларини юбориб, улар билан яхши алоқа ўрнатади, савдо-сотиқни йўлга қўйиш, Европадаң Эрон ва Марказий Осиё орқали Хитой ва Ҳиндистонгача борадиган ишак йўлини қайта тиклаш тўғрисида келишиб оладилар. Аммо бу режанинг амалга ошишига Йилдириим Боязиднинг босқинчилари катта ғов бўлиб турар эди.

Боязид қўшинлари Босфор бўғозини ва Константинополь шаҳрини қамал қилмоқда эди. Бу ҳодиса ҳам Европа билан Шарқ мамлакатларининг савдо-сотиқни ривожлантиришларига тўсиқ бўлиб турарди.

Константинополь шахри ўзи алоҳида давлат ҳисобланарди. Унинг Манузъ исмли қироли бир эмас икки марта шахсан ўзи Султонияга, Амир Темур ҳузурига қимматбаҳо совғалар билан келиб, Боязид қамалидан қутулишда ёрдам беришини ўтиниб сўрайди.

Йилдириим Боязид босиб олган ерларида бутун-бутун эл-юртларга жабр-зулм ўтказаётгани ҳақида Амир Темурга ўша ёқда иш олиб бораётган ўз маҳфий одамлари ҳам жуда кўп ахборот юбориб турадилар.

Зулмга қарши курашни ўзининг бурчи деб билган ва Европа ерларини ҳам бир худонинг мулки деб

ҳисоблаган Амир Темур аввал Йилдирим Боязидга ётиги билан мактублар ёзиб, уни адолат йўлига қайтишга ундан кўрди. Аммо бундан ҳеч натижа чиқмади. Амир Темурнинг охирги мактубларига Боязид ҳақоратомуз сўзлар билан жавоб берди ва «Кимки жанг қилишдан бош тортса хотинлари талоқ бўлсин!» деган қўйпол ибораларни ёзиб юборди.

Шундан кейин Амир Темур икки юз минг кўшинга бош бўлиб, ўз лашкарлари учун энг қуладай жойни Ангурия (ҳозирги Анқара) атрофларидан топди. Саркардалик даҳоси ва адолат йўлидаги пок ният бу гал ҳам соҳибқиронга оламшумул ғалаба келтириди.

Жанг охирида Йилдирим Боязид асир олинди. Инглиз драматурги Кристофер Марло ортиқ даражада фантазияга берилиб, Амир Темур Боязидни темир қафасга солиб олиб юрганини, унинг ўғиллари ҳам асирга олиниб, от ўрнига аравага қўшилгани ва тўрт оёқлаб арава тортганини тасвирлайди.

Холбуки, амир Темур касалманд Боязидга нисбатан олижаноб муносабатда бўлади. Унга ўз чодири ёнидан ипак билан сирилган маҳсус чодир ўрнаттиради.

Боязиднинг катта ўғли Сулаймон Чалабий Амир Темурга элчи юбориб, унинг хизматида бўлмоқчи эканни билдиради. «Соҳибқирон лутфу карамидан қайтарсадага олтин камар билан Асқария вилояти ҳокимлигини бериб, ол тамға босиб ёрлиқ юборди. Ва иниси Исо Чалабийдан ҳам Қутбиддин отлиқ бир киши элчиликка келди. Анга дари лутф ва марҳамат қилди»¹.

Амир Темурга душманлик руҳида ёзилган айрим ҳикоятларда гўё Боязиднинг хотинлари ва қизлари шармандали аҳволга солиниб, хор қилингани айтилган.

Бу — туҳмат эди.

Аслида Амир Темур аёлларга ҳеч вақт бундай муносабатда бўлмаган. Боязиднинг хотин ва қизларини

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». 1997. 268-бет.

Шайх Нуриддин Бурсада асир олиб, Амир Темур ҳузурига келтиради. Шунда соҳибқирон «Боязиднинг хотунини ва қизларини киши-қароллари била Йилдирим Боязид ихтиёрига қайтаради»¹ дейилади Яздий «Зафарнома»сида.

Албатта, ғолиблар Бурсадаги хазиналарнинг олтин ва жавоҳирларини қатор-қатор туялар ва араваларга ортиб олиб кетадилар. Бу бойликларнинг катта бир қисми икки юз минг кишилик ғолиб лашкарнинг беку навкарларига мукофот тарзида улашилади. Қолган қисмлари Самарқандга олиб келинади.

Амир Темур Боязид устидан ғалаба қозонган бўлса ҳам, Туркияни ўз мустамлакасига айлантирмайди. Бу мамлакатга ўз ўрил ва невараларидан бирортасини подшо ёки ҳоким қилиб қўймайди. Балки Туркия бошқарувини яна ўша Усмонлилар сулоласи ихтиёрида қолдиради. Фақат энди сиёsat тубдан ўзгаради. Туркиянинг Амир Темур тайин этган янги ҳукмдорлари Европа мамлакатларига қарши диний ғазотни тўхтатадилар. Никополда асир тушган салб юриши иштирокчилари озод қилинади. Энг муҳими — Константинополь шаҳри ва Босфор бўғозининг турклар томонидан қамал қилиниши эллик йилга тўхтатилади.

Шу тарзда Farb билан Шарқ ярим асрга бўлса ҳам ўзаро адоватни тўхтатиб,adolat ва ҳамкорлик йўлига киради. Буюк Ипак йўли қайта тиклана бошлиди.

Амир Темурнинг Туркияда эришган ғалабаси бутун дунёни қойил қолдиради. Англия, Франция, Испания қироллари уни бу мислсиз улкан ғалаба билан қайтакайта табриклидилар. Шу ғалаба натижасида Амир Темурни «Ёвропанинг ҳалоскори» деб улувлайдиган одамлар пайдо бўлди. Улар ҳатто Амир Темурга олтиндан кичик ҳайкал ясад, уни шу ажойиб сўзлар билан безаганлари ҳужжат сифатида бизгача етиб келган.

Француз олими Люсьен Кэрэн қўйидаги эътиборга лойиқ бир фактни келтиради:

¹ Ш. Яздий. «Зарафнома». 264-бет.

«Яқинда Жерар Вальтер ва Марсель Брион Амир Темурни ўзларининг «Асрлар ёдгорлиги» деган асарларига қаҳрамон қилиб танлашди ва Амир Темурни «XV аср тақдирини ҳал қилган инсон» деб аташди»¹.

Ҳақиқатдан ҳам XIV асрнинг охирида ва XV асрнинг бошида бутун дунёнинг йирик қадамлар билан олға кетишида Амир Темурнинг қаҳрамонона фаолияти ҳал қилувчи мавқеъини эгаллади.

XIV асрда дунё тушунчаси ҳозиргидай кенг ва катта эмас эди. У пайтда ҳали ҳар икки Америка қитъаси, Австралия, Марказий Африка, Океани ороллари кашф этилмаган эди. У замоннинг одамлари дунё деганда Европани, Осиёни ва Африканинг шимолидаги Миср каби мамлакатларни назарда тутар эдилар.

Ўша давр нуқтаи назаридан қараганда Амир Темур Европа ва Осиёнинг энг катта қисмини эгаллаб олган Чингизхон империясининг жабру зулмидан, аввало, ўз ватанини, сўнgra Хурсон, Эрон, Ozарбайжон, Россия, Украина каби мамлакатларни ҳолос қилгани чиндан ҳам унинг XV аср тақдирини ижобий томонга қараб ўзгартира олган улуғ сиймо бўлганини кўрсатади. Бунинг устига у Болқон ва бошқа Европа мамлакатларини Йилдирим Боязид тажовузларидан қутқартгани унинг XV аср тақдирини ҳал қилган даҳо инсон бўлганини яна бир бор исбот этади.

АВЛОДЛАРГА АТАЛГАН ИЖОДИЙ КАШФИЁТ

2006 йилда Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги муносабати билан дунёнинг кўпгина мамлакатларида Соҳибқиронга бағишлиланган тадбирлар ўtkазилди, илмий ишлар ва мақолалар чоп этилди. Ана шу мақолалардан бири Италияде нашр этиладиган «Марко Поло» журналининг 2006 йил 2-сонида босилиб чиқди. «Буюк давлат арбоби ва саркарда» деб аталган ушбу мақолада

¹ Люсьен Кэрэн. «Амир Темур салтанати». Тошкент, 1999. 12-бет.

Амир Темурнинг оламшумул фаолиятига инсоният тарихида ўчмас из қолдирган македониялик Александр ва римлий Юлий Цезарь даражасида энг юксак баҳо берилганди. Тўғри, икки орада минг йилдан ортиқ улкан даврлар бор. Шунга қарамай, бу улуғ тарихий шахсларнинг фаолиятларида бир-бирига қиёслаб таҳдил ва талқин қилишга имкон берадиган ёрқин саҳифалар мавжуд.

Аввалимбор, улар ўз давларининг энг истеъоддли ва маърифатли сиймолари бўлганлар. Улар давлатни ва қўшинни аъло даражада бошқариш билан бирга, ўз ҳаётлари ҳақида мутафаккир инсонлар сифатида тегран фалсафий фикр юритганлар. Айни вақтда, улар улкан ижодий салоҳият соҳиблари бўлганлар ва ўзлари бошдан кечирган тарихий воқеалар ҳақида кундаликлар, адабий-тарихий асарлар, эсдаликлар ва тузуклар шаклида бетакрор асарлар ёзиб қолдирганлар.

Македониялик Александр йигитлик даврида ёзган кундаликларида Македония подшоси бўлган ўз отаси Филиппдан ҳам кўра устози Аристотелни баланд қўйиб қўйидаги ҳикматли сўзларни ёзди:

«Отам менга ҳаёт берган бўлса, Аристотель мени ўзимга муносиб яшашга ўргатди¹. Александрдек улуғ истеъоддни ўзига муносиб яшашга ўргатиш — уни оламшумул давлат арбоби ва саркарда қилиб тарбиялаш деган маънони билдиради.

Темурбек ҳам йигитлик даврида устозларидан жуда самарали сабоқлар олади, ўз пири комили Шамсиiddин Кулол билан маслаҳатлашиб, халқ озодлик ҳаракатига етакчилик қиласи. Хоразмда Тўқал баҳодир билан жанг қилиб, илк ғалабага эришади. Шамсиiddин Кулол ва-фот эттандан кейин Абубакир Таёбодий Темурбекка ёзган мактубида уни сабр-тоқатли бўлишга ундейди. «Қатъият, чидамлилик, соғлигу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур...»²

¹ Плутарх. «Избранные жизнеописания». М., 1990. 368-бет.

² «Темур тузуклари». Т., 2005 й. 12—13-бетлар.

Юлий Цезарь ҳам улкан истеъдод соҳиби бўлади. Лашкарбоши сифатида Римнинг шимолидаги Галлия ўлкасида ва Мисрда катта ғалабаларга эришади. Рим республикасида фуқаролик уруши бошланганда Юлий Цезарь республикачиларга қарши подполик тузуми — монархия учун курашади. Ушбу фуқаролик урушида Рим республикасининг ўн минглаб тарафдорлари ҳалок бўладилар. Юлий Цезарь ҳарбий кучларга таяниб фуқаролик урушида ғалаба қозонади ва республика тузумини бекор қиласди. Ўзини подшо даражасидаги ёлриз ҳукмдор деб зълон қиласди. Юлий Цезарнинг мана шу йўналишдаги фаолияти кейинги минг йилликларда республика тузумига қарши курашган ва тожу тахтни афзал кўрадиган ҳукмдорларга ибрат бўлади. Германия подшоси ўзининг «Кайзер» деган олий мақомини «Цезарь» сўзидан олади. Рус императорларининг «Царь» деган мақоми ҳам «Цезарь» сўзига асосланади. Ҳатто Туркия султонларининг «Қайсар» деб аталиши ҳам «Цезарь» сўзининг туркча талаффузидан келиб чиқади.

Айни вақтда, Юлий Цезарь ижодкор шахс бўлади. Тарихчи адаб Цезарь ўзи бошидан кечирган ғаройиб воқеаларни равон услубда қизиқарли бадиий шаклларда тасвиirlаб беради. Унинг яна бир хайрли иши — милодий йил ҳисобидаги тақвимнинг чалкашликларини бартараф этиб, мукаммал тақвим яратади. Бу тақвим ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келади. Масалан, бутунги дунё тақвимларида мавжуд бўлган «Июл» ойининг номи Цезарнинг «Юлий» деган исмидан олингандир.

Цезарнинг адабий-тарихий асарида воқеалар унинг ўз номидан эмас, учинчи шахс томонидан ҳикоя қилинади. Масалан, у Италияning шимолида, Алп тоғлари билан Атлантик океан оралиғида жойлашган Галлия ўлкасида ҳоким бўлган пайтида қўзғолон кўтарган қабилалар ҳақида шундай ёзади:

«Қўзғолон кўтарган Галлия қабилалари Цезарь томонидан мағлуб этилди. Аммо уларнинг ҳамма одам-

лари қатл эттирилса, Цезарни тұрма шафқатсизлиқда айблашлари мүмкін зди. Шунинг учун Цезарь фақат уларнинг курол күтарған құлларини кесиб ташлашни буюради, ўзларини эса тирик қолдиради. Токи бошқалар уларнинг құлсиз юрганларини күриб яна қўзғон кўтаришдан қўрқсинлар¹.

Юлий Цезарь ўз хотираларини бутун тафсилотлари билан ёзгани учун унинг асари ҳажм жиҳатидан хийла катта — тўрт юз саҳифадан ортиқ майдонни эгаллади.

Цезардан фарқли ўлароқ, Амир Темур қисқа, лўнда шаклда ўз фаолиятининг асосий йўналиши ва моҳиятини биринчи шахс номидан очиб беради. «Темур тузуклари»ни қандай мақсад билан ёзганлигини қўйидаги сўзлар билан ифодалайди:

«Тангри таолодан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат таҳтига ўлтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлатни бошқариш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни идора этиш ҳақида қоида-дастурламал ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодим шунга мувофиқ иш юритсингилар, меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, жангу жадаллар билан, тангрининг инояти орқали қўлга киритилган давлат ва салтанатни сақлагайлар².

Васият оҳангида айтилган бу сўзлар Амир Темурдек кўпни кўрган ва узоқни кўзлаб иш юритадиган донишманд сиймони кўз олдига келтириш имконини беради. У икки китобдан иборат бўлган асарини урининг охирги даврида ёзиб тутатгани биз келтирган иқтибосдан сезилиб туради. Бу даврда унинг ўғил ва невараалари Farbda Қора дengиздан Шарқда Хитой чегараларигача чўзилган улкан салтанатнинг алоҳида ўлкаларини бошқармоқда эдилар. Амир темур уларни ўзининг улкан подшоҳлик ва саркардалик тажрибаси

¹ «Записки Юлия Цезаря». М., 2002. 196-бет.

² «Темур тузуклари». 1991. 24-бет.

билин қуроллантириш мақсадида ушбу асарни яратади.

Македониялик Александр ва римлик Юлий Цезарлар ёзиб қолдирған ижодий меросни «Темур тузуклари» билан қиёс қилганда, бу уч сиймонинг яшаган даврлари ва тақдирлари ўзига хос ва бетакрор бўлганини албатта ҳисобга олиш зарур. Шарқда Искандар Макдуний деб шухрат қозонган Александр 34 ёшга киргунча Фарбда Ўрта Ер дengизидан тортиб Шарқда Амударё ва Гангагача чўзилган улкан империя яратади. Александря (ҳозирги Искандария) каби ажойиб шаҳарлар барпо этади. Фақат эҳтиётсизлик оқибатида бир меҳмондорчиликда бўлган майхўрликдан кейин 20 кун қаттиқ иситмалаб ётиб, тўсатдан вафот этади. У анча кеч — ёши 26 дан ошганда самарқандлик гўзал қиз Равшанакга (римликлар бу аёлни Роксана деб атаганлар) уйланган эди. Болалари жуда ёш бўлгани учун отасига ворис бўлолмайди. Александр тузган империя жуда тез парчаланиб кетади. Шу ҳаммаси сабаб бўлиб, македониялик Александр ўз сулоласини яратишга ултурмай оламдан ўтади.

Юлий Цезарь ёши эллиқдан ошганда подшолик мақомига эришади. Лекин собиқ республикачилар унга қарши суйиъқасд тайёрлайдилар. Буни Цезарнинг хайрҳоҳлари пайқаб қоладилар. Плутархнинг гувоҳлик беришича, «Цезарнинг дўстлари ишончли қўриқчилар ҳимоясида юришни унга маслаҳат берадилар, ҳатто унинг қўриқчилари бўлиб хизмат қилиш истагини билдирадилар»¹. Бироқ Юлий Цезарь бепарво бўлади. Амир Темур эса ўз авлодларига доим шижаот ва қатъият билан бирга, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни унумаслик ҳақида қайта-қайта маслаҳат берганлиги «Темур тузуклари»нинг кўпгина саҳифаларида битилгандир. Буни Юлий Цезарнинг ўз хавфсизлигига бепарво муносабати билан қиёс қилсак, Амир Темур туттган

¹ Плутарх. Избранные жизнеописания. М., 1990. Жилд 2. 381-бет.

йўл тарихан тўғрироқ ва унинг авлодлари учун сама-
ралироқ бўлганини кўрамиз.

Юлий Цезарь подшолик мақомини олгандан кейин
ҳам кўчаларда қўриқчисиз юради. Унинг мана шу эҳти-
ётсизлигидан фойдаланган душманлари уни қасдән
ўлдирадилар. У 56 ёшида ҳаётдан кўз юмади. Кутимла-
ган фожиавий ўлим унга ишончли ворислар тайёrlаш
имкониятини бермайди. У ҳам Искандар Мақдуний
каби ўз сулоласини яратишга улгурмай вафот этади.

Улардан фарқли ўлароқ Амир Темур узоқ умр кўра-
ди. У Йилдирим Боязид устидан оламшумул ғалабага
эришганда олтминн етти ёшга кирган эди. Бу даврда
унинг кенжা ўғли Шохруҳ, Хуросон ҳукуматини бош-
қарар, невараси Мирзо Умар Озарбайжондан Ироқ-
қача бўлган худудларда ҳукмронлик қиласар, Пирмуҳам-
мад Мирзога Афғонистон ва шимолий Ҳиндистонни
идора этиш топширилган эди. Демак, Темурийлар су-
лоласи Соҳибқироннинг кўзи тириклигида шаклана
бошлаган эди. Келажакни олдиндан кўра билиш қоби-
лиятига зга бўлган Амир Темур «кўплаб авлодим ва
зурриётим салтанат таҳтига ўлтириб мамлакатларни
идора этгай» деб умид билдиради. Тузукларнинг ик-
кинчи китобида фикрини шундай давом эттиради: «Бу
тузуклардан салтанат ишларини бошқаришда қўллан-
ма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга ета-
диган давлат ва салтанат зарар ва таназзулдан омон
бўлрай».

* * *

Амир Темур фақат эришган ютуқлари ҳақида эмас,
йўл қўйган хатолари тўғрисида ҳам бор ҳақиқатни
куйидагича ёзади:

«Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ё
одамлар олдида улуг ва эътиборли амирларимдан бўлган
Амир Аббос тўғрисида ёмон гапларни айтдилар, ёмон
сўзлар шамоли билан ғазабимни алангалантирилар.
Натижада гапларини текшириб кўрмасдан Амир Аб-
босни ўлимга буюрдим. Лекин кейинчалик уларнинг

Амир Аббосга ҳасад ва душманлик билан ёлғон гапиргандар аниқланди. Мен қилган ишимдан ўқиниб, жуда пушаймон бўлдим¹.

Шу ўринда «Темур тузуклари» тўлақонли реалистик асарларгина бўладиган иқрор лавҳаларини эслаголади.

Бу аччиқ тажрибадан хулоса чиқарган соҳибқирон буйруқ берадики, агар вазир хиёнатда айбланса ҳам, уни «ўлдиришда шошилмасинлар. Авваламбор, вазирни айловчилар ва хабар етказувчиларнинг кимлигини текшириб кўрсинар... Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва фийбатчилар ё кўролмай, ёки таъмагирлик билан ёлғон гапларни тўқиб, уларни чиндай қилиб кўрсатадилар. Талайгина пасткаш ва разил одамлар борки, улар давлат учун жон фидо қилувчиларни ҳийла ва маккорлик билан ҳароб қиласидилар, давлатнинг душманларини эса мақтайдилар... Улар шундай маккорлик ва ҳийла билан салтанат қўрғонини бузиш пайида бўладилар. Чунончи, Амир Ҳусайн менинг вазирларимдан бири билан тил биректириб, давлатимнинг таянчларидан бўлмиш Ики Темур ва Жоку Барлосни менга ёмонлаб йўқ қилмоқчи бўлишди. Мен уларнинг шум ниятидан огоҳ бўлдим». Шу огоҳлик туфайли Амир Темур содик дўстлари Ики Темур ва Жоку Барлосга амирал умаро ва беглар begi каби юксак лавозимларни ишониб топширади.

Тарихчилар батафсил ёритган ҳарбий юришларга «Темур тузуклари»да кўп ўрин берилемайди. Масалан, Тўхтамишхон билан қилинган жанглар, Ҳиндистон юриши, Йилдирим Боязид билан бўлган олишувларга Амир Темур ўз асарида бир-икки саҳифа, ҳатто ундан ҳам оз ўрин беради.

Аммо тарихчилар унча яхши ёрита олмаган мавзуларга атайлаб батафсилроқ тўхталади.

Ана шу мавзулардан бири — саркардалик маҳорати ҳақидадир.

¹ «Темур тузуклари». 2005. 62-бет.

«Яхши лашкарбоши ўзини ва қўл остидаги тўққиз сипоҳий фавжини бир танадек кўрсин, уларни шу яхлит тананинг қўли, оёғи, боши, кўкраги ва бошқа аъзоларидек ишлатиб курашувчи бир паҳлавондек ҳисобласин...

... Борди-ю, лашкарбошининг ўзи қилич чопишга мажбур бўлса, иложи борича ўзини ўлимдан сақласин. Чунки лашкарбошининг ўлими ўрдуга бадномлик келтиради, ғаним лашкарининг ғалабасига сабаб бўлади».

Амир Темурнинг даҳо даражасидаги ҳарбий санъати ҳақида ҳеч ким унинг ўзичалик аниқ ва тўлиқ тасаввур беролмайди. У икки юз минг кишилик улкан лашкарни худди ўз танасидаги аъзоларини курашда яхши ишлата оладиган моҳир паҳлавондек ишлата олган ва буни қўл остидаги лашкарбошиларга, ўз авлодлари ва ворисларига образли тафаккур ёрдамида ўргаттан.

Ўнлаб аскарий қисмларни худди ўз танасининг аъзолари каби ичдан ҳис қилиб бошқариш — бадиий тасвир нуқтаи назаридан баҳолаганда образли тафаккурнинг ажойиб бир намунасиdir.

«Темур тузуклари»да ҳарбий санъатнинг яна бир ички сири — уруш майдонини бехато танлай билишга боғлиқ эканлиги тажрибадан ўтказилган мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилади. Амир Темур катта зафарларга эришган жанг майдонлари, албатта, анҳор ва дарёларга яқин жойда бўлади. Чунки сув лашкар учун ҳам ҳаёт манбаи. Айни вақтда, жанггоҳнинг бир ёки икки томони дарё билан ҳимояланган бўлса, душман қўшинларининг ҳаракат доираси чекланади. Жанг учун майдон танлаганда Амир Темур яна уч омилга алоҳида эътибор беради: «Аскарлар турадиган жойнинг ғаним лашкари турган жойдан баландроқда бўлиши ва офтобга рўбарў бўлмаслиги керак, токи қуёш шуъласи сипоҳийларнинг кўзини қамаштирмасин. Яна бир муҳим омил — уруш майдони кенг ва одди очик жойда бўлиши лозим»¹.

¹ «Темур тузуклари». 2005. 123—124-бетлар.

Мана шундай донолик билан авлодларга атаб яратилган «Темур тузуклари» Соҳибқироннинг ижодий кашфиёти эди. Бу кашфиёт ғанимлар қўлига тушса, улар Амир Темурнинг ҳарбий санъатидан унинг авлодларига қарши урушда фойдаланишлари мумкин эди. Шунинг учун «Темур тузуклари» кам нусхаларда кўчириллади, фақат энг эътиборли темурийларга ўқишга берилади, улар асарни маҳфий сақлайдилар.

Умуман, сулола асосчисининг ёзиб қолдирган васижатлари ва дастурул амалини маҳфий сақлаш одати туркӣ ҳалқларнинг ҳукмдорлари орасида қадимдан мавжуд бўлган. Кўп нарсани туркӣ ҳалқлардан ўргангандан Чингизхон ҳам бу ҳалқлар яратган Яса (ясамоқ, яратмоқ, сўзидан) қонунларини Шити Хутуху деган вазири ёрдамида такомиллаштирган ва ўз сиёсатига мослаштирган. Бу қонунлар «Улли Жасақ» деб аталади. Кўк ўрама қоғозга битилгани учун «Кўки дафттар» деб ҳам аталиши ўзбек тарихчи олими Нурёғи Тошевнинг шу мавзуги бағишлиланган мақолосида келтирилган¹.

Чингизхоннинг «Улли жасағи» хазинада маҳсус сандикда маҳфий сақланади. Уни ўқиш ҳуқуқи фақат нуфузли чингизий шаҳзодаларга берилади.

Бундай анъана Farbda ҳам ўзига хос шаклда мавжуд бўлганини македониялик Александр ва унинг устози Аристотель орасида бўлиб ўтган ёзишмадан билишимиз мумкин. Шарқда Искандар номи билан машҳур бўлган Александр ўз устози Аристотель берган сабоқлар ва билимларга асосланиб давлатни бошқаради. Бу жуда катта самара беради.

Бироқ ҳалқ орасида машҳур бўлган Аристотель ҳарбий санъат сирлари ва давлатни бошқаришга оид ноңдир билимларини кўпчилик орасида ҳам ёймоқчи бўлади. Бундан хабардор бўлган подшоҳ Александр устозига мактуб ёзиб шундай эътироҳ қиласи: «Бизга берган сабоқларингизни кўпчилик орасида эълон қилишингиз тўғри эмас. Бизга берган билим ва тарбиян-

¹ Қаралсин: «Фан ва турмуш». 1997. 2-сон. 20—21-бетлар.

гизни бошқаларга ҳам берсангиз, бизнинг улардан нима фарқимиз қолади? Ҳолбуки, мен сиздан олган олий тарбия ва билимим билан қўл остимдаги одамлардан устун бўлишни истайман»¹.

Устоз ва шогирд орасида бўлиб ўтган бу ҳодиса қадим юон тарихчиси Плутархнинг танланган асарларида келтирилган. Аристотель Искандарга жавоб мактубида уни хотиржам қилмоқчи бўлиб айтадики, унга берган таълим ва тарбияни бошқа ҳеч кимга берган эмас.

Мана шу фактдан ҳам кўриниб турибдики, Амир Темур худди донишманд Аристотель каби ёш авлодга берган бебаҳо таълим ва тарбиядан бегона кучлар ғаразли мақсадларда фойдаланмаслиги учун «Темур тузуклари» узоқ вақт махфий сақланади. То 1615—1620 йилларгача тарихий манбаларда бу асар ҳақида маълумот учрамайди.

Фақат билвосита фактларга асосланиб айтиш мумкинки, Амир Темур валиаҳд қилиб тайинлаган Пирмуҳаммад Мирзога бобосининг васиятлари ва дастуруламали ёзилган асари берилган бўлиши керак. Соҳибқироннинг икки катта ўғли вафот этган, учинчи ўғил Мироншоҳ Султонияда хато ишлар қилиб ҳокимиятдан четлатилган эди. Фақат кенжা ўғил — Шоҳруҳ Мирзо алоҳида эътиборга эга эди. Соҳибқирон Ўтрорда фоний дунёни тарқ этиш олдидан аъёнларини чақириб «Иноқ бўлинглар» деб васиятлар қилади. Амирлар Шоҳруҳ Мирзо ва Халил Мирзоларни Ўтрорга чақиритириш ҳақида фикр билдирадилар. Шунда Амир Темур «Вақт танг турар, — дейди. — Мундин ортиқقا мажол йўқтуур»... «Аларким ғойибдуурурлар, ҳозир бўлолмаслар. Алар билан дийдор кўришиш қиёматга қолди. Баҳамдуллоҳким, диний муродотдин қўнглимда ҳеч нима орзу қолмай турар. Магар фарзанд Шоҳруҳниким, бу замонда ани кўрмадим»².

¹ Плутарх. Избранные жизнеописания. М., 1990. 2-жилд. 367-бет.

² Ш. Язий. «Зафарнома». 1997. 297-бет.

Яздий келтирган бу сўзлардан шу нарса англашиладики, соҳибқирон умрининг охирги дамларида ўғли Шоҳруҳнинг отаси ёнида бўлмаганидан афсусланади ва буни ушалмаган сўнгги орзу сифатида тилга олади.

Ушбу фактлар Амир Темурнинг Шоҳруҳга алоҳида ишончи ва меҳри бўлганини кўрсатади. Келажакда Шоҳруҳ, подшоҳ отасининг бу ишончини оқлагани тарихдан маълумдир. Шу билвосита фактларга асослалиб айтиш мумкинки, маҳфий сақланган «Темур тузуклари»нинг бир нусхаси Шоҳруҳни ёшлидан тарбиялаб ўстирган Сароймулхоним ёрдамида бу кенжা ўтилга ҳам берилган. Отаси орқали бу ноёб асаддан Улурбек ҳам баҳраманд бўлган.

Шоҳруҳ ва Улурбек Мирзоларнинг ўлимидан кейин ҳокимият тепасига келган Абдуллатиф фақат ярим йил ҳукмронлик қиласди. Яна бир ярим йил Улурбекнинг жияни Абдулла Мирзо давлатни бошқаради. Шундан кейин темурийлар давлатида Бобур мирзонинг бобоси Султон Абусайд Мирзо ўн етти йил ҳукмрон бўлади. Султон Абусайд Ҳиротни ҳам згаллаб, Шоҳруҳ Мирзодан қолган бойликлар ва маданий қадриятларни қўлга олади. Шулар орасида «Темур тузуклари»-нинг туркий тиљдаги маҳфий сақланган асл нусхаси ҳам Султон Абусайдга бисот бўлиб ўтган деб фарз қилишга асос бор.

Султон Абусайднинг вафотидан кейин Туронда унинг уч ўғли ҳукмронлик қиласди. Самарқандда подшоҳ бўлган Султон Аҳмад, «Бобурнома»да ёзилишича, бесавод бўлади. Ҳисор ҳукмдори Султон Маҳмуд китоб ўқимайдиган жоҳил тождорлардан эди. Улар орасида энг маърифатли шахс — Фарғона водийсида ҳукмронлик қилган Умаршайх баҳодир эди. Бобур Мирзо ўз отаси ҳақида шундай гувоҳлик беради: «Равон саводи бор эди. «Ҳамса»лар ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқир эди»¹.

Шу фактлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Шоҳруҳ мирзо маҳфий сақлаган «Темур тузуклари»

¹ Бобурнома. Т., 1989. 10-бет.

Султон Абусаид ва унинг маърифатли ўғли Умаршайх Мирзо орқали Бобур Мирзога мерос бўлиб ўтган.

«Темур тузуклари» Бобур Мирзо орқали унинг авлодларига, жумладан, «Жаҳонгир тузуклари» номли китоб ёзган Нуриддин Жаҳонгирга ва унинг ўғли Шоҳжаҳонга етиб келган. Биз ишимизнинг дастлабки боғида Бобур Мирзо ҳам умрининг охирги даврида ўғли Ҳумоюнга ёзган васиятномасини махфий сақлаганини айтиб ўтган эдик. Бу васиятномани Бобур мирзо «Темур тузуклари»нинг мантиқий давоми тарзида Ҳиндистон шароитига мослаб ёзган эди. Шунинг учун ушбу васиятномада Бобур мирзо ўғлига бобокалонининг «Куч адолатдадир» деган шиорини эслатиб дейди: «Ҳамиша адолатни ихтиёр қилғил. Ҳазрати соҳибқирон Амир Темурнинг корномасини доим ёдингда тутғил».

Бобур Мирзо васиятномаси асли туркий тилда ёзилган бўлиши керак. Бобур Мирзонинг Ҳумоюнга ёзган мактублари «Бобурнома»да туркий тилда келтирилган. Лекин бобурийлар салтанатида давлат ишлари форсий тилда юритилганлиги сабабли Бобур Мирзонинг васиятномаси ҳам бизга форсча таржима орқали етиб келган. Бу таржимадаги «корномайи Амир Темур» деган сўзлар туркий аслиятда «Амир Темур тузуклари» шаклида ёзилган деб ўйлаймиз. Шуни ҳам айтиш лозимки, «тузук» сўзи «тузиш, такомиллаштириш», «қонун-қоида ҳолига келтириш» каби кенг қамровли маъноларни билдиради. Форсий тилда бу маъноларни тўлиқ ифода этадиган эквивалент сўз топилмагани учун унинг дастлабки форсий таржималарида «тузук» деган ўзак сақлаб қолинади. Шу тарзда «Тузукоти Темурний» анъанаисига мос келган «Тузукоти Бобурий» («Бобурнома»нинг муаллиф тирик пайтида Шайх Зайн томонидан қилинган форсча таржимаси), улардан кейин эса «Тузукоти Жаҳонгирий» пайдо бўлади. Бу фактлар Амир Темурдан бошланган тузук яратиш анъанаси бобурийлар томонидан қандай давом эттирилганини ва «Темур тузуклари»нинг бизгача етиб келишида бобурийларнинг хизмати ҳал қилувчи аҳамият кашф эттани тасодиф бўлмаганини кўрсатади.

Айни вақтда, Амир Темур давридан бошланган одатта биноан, бобурийлар ҳам «Темур тузуклари»ни махфий сақлайдилар ва фақат шаҳзодаларга ўқишига берадилар. Шу сабабли то XVII асрнинг бошиларигача тарихий манбаларда «Темур тузуклари» ҳақида маълумотлар учрамайди.

Ниҳоят, 1620-24 йиллар оралиғида Эрондан ҳаж сафарига борган олим Абутолиб Ҳусайнин Яман ҳокими Жаъфар Пошонинг кутубхонасида туркий тилдаги «Темур тузуклари»ни учратади ва уни форсий тилга таржима қилгани ҳақда шундай дейди:

«Кўрдимким, бошдан оёқ ҳаммаси Соҳибқирон Амир Темурнинг ўз сўзларидир... Амир Темур ўз гавҳар тили билан бу навъ такаллум сурмушким, ... подшоларга дастуруламал бўлғай... Они форсийга таржи мақидим»¹.

Пок ният билан ҳажга борган ва Амир Темур «ўз гавҳар тили билан» ёзиб кетган тузуклари ҳақида холосонулло фикр айтган Абутолиб Ҳусайнининг юкоридаги сўзлари чин ҳақиқат эди.

Бу кўлёзма қандай қилиб Жаъфар Пошонинг кутубхонасига келиб қолгани бизга номаълум. Жаъфар Пошо ўта зиёли одам бўлади, Амир темур тарихига оид асарларни излаб йиғиб юради. Француз адаби Марсель Брюннинг Амир Темурга бағишлиланган, фақат уйдирма фантазияларга кўп ўрин берилган «Мен жаҳонни кашф этган Темурман» номли романи ҳам Жаъфар Пошо кутубхонасидан топилади ва кейинчалик форс тилига таржима қилинади.

Абутолиб Ҳусайнин ўз таржимасига ёзган муқаддимада, «Темур тузуклари»нинг икки қисмдан иборат эканлигини, биринчи қисмда Амир Темур тарихи, унинг бошдан кечирган воқеалари баён этилганлигини, иккинчи қисмдан эса қонун кучига эга бўлган тузуклар ўрин олганлигини айтади. Шундан маълум бўла-

¹ Қаралсин: У. Уватов. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. 1997. 147-бет.

дики, кейинчалик дунё бўйлаб икки мустақил асар тарзида Амир Темурнинг бошдан кечирганлари ва унинг яратган қонун-қоидалари шаклида тарқалган ноқис нусхаларга нисбатан Жаъфар Пошо кутубхонасидан топилган қўлёзма мукаммалроқ ва аслига мосроқ бўлади.

• • •

Абутолиб Ҳусайнний ҳаж сафаридан қайтишда Амир Темур авлодлари подшоҳ бўлган бобурийлар салтана-тига — Ҳиндистонга боради. «Бу тўғрида, — деб ёзган эди тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов, — ҳиндистонлик тарихчи олим Абдулҳамид Лохурийнинг «Подшоҳнома» китобида муҳим маълумот бор. Бу олимнинг ёзишича, Абутолиб Ҳусайнний ўз таржимасини милодий 1637 йилда Ҳиндистон подшоси Шоҳжаҳонга тақдим этади. Шоҳжаҳон таржима билан танишиб чиққач, ундаги айрим камчиликлар ва ноаниқликларни кўра-ди. Сўнг йирик олим, Декан вилоятининг қозикалони Ашраф Бухорийни чақириради, унга мазкур таржи-мани Яздий «Зафарнома»си каби мўътабар асарлар ва бошқа муҳим манбаларга солишириб чиқишини, шу йўл билан таржимадаги хато ва камчиликларни бар-тараф қилишни топширади.

Ашраф Бухорий Шоҳжаҳоннинг ушбу кўрсатма-сига биноан Абутолиб Ҳусайнний таржимасини дик-кат билан таҳrir қилган¹.

Биз келтирган ушбу иқтибосда эътиборга лойиқ бир қанча нуқталар бор. Аввало, Абутолиб Ҳусайнний Жаъфар Пошо кутубхонасида учратган нодир топилманинг қадрига Ҳиндистон подшоси Шоҳжаҳон етиши мумкинлигини тўғри тушунган ва ҳаж сафаридан ке-йин маърифатли ҳукмдорнинг даргоҳига йўл олган. Унинг подшоҳ қабулига кириши ҳам осон бўлмаган-дир. Лекин Шоҳжаҳон бобокалони Амир Темурнинг

¹ Б. Аҳмедов. «Темур тузуклари» тарихий манба сифатида». Машъял. 1992. 1 ва 2-сонлар.

ноёб асари ҳақида янги бир хабар келтирган ҳожини қабул қилишга ва унинг арзини эшишиб, туркий тилдан қилган таржимасини синчиклаб ўқиб чиқишига вақт топади.

Фақат ўқиб чиқиши билан чекланмасдан, Шоҳжаҳон форсча таржиманинг таҳрирга муҳтож бўлган камчилик ва хатоларини ҳам Афзал Бухорийга кўрсатади. Шоҳжаҳон бобокалони Амир Темурнинг тарихини яхши билмагандага ва унинг даргоҳида «Зафарнома»лардан ташқари «Темур тузуклари»нинг аслияти бўлмагандага, Абутолиб Ҳусайнин қилган форсча таржиманинг хато ва камчиликларини Афзал Бухорийга бундай аниқ шаклда кўрсатиб беролмаган бўларди. Яна муҳим бир нуқта шундан иборатки, Шоҳжаҳон саройида билимдон тарихчи олимлар кўп бўлса ҳам, у энг ишончли одам сифатида Ҳиндистоннинг узоқ бир жанубий вилояти — Деканда қозикалон бўлиб ишлайдиган Афзал Бухорийни ушбу таржимани таҳрир қилиш учун чақириради. Қозикалоннинг номи ва насабидан ҳам кўриниб турибдиги, бу одам асли Туркистон ўлкасидан келган бухоролик. У Амир Темурга ватандош сифатида туркий тилни яхши билади. Афзал Бухорий Абутолиб Ҳусайнининг таржимасидаги хато ва камчиликларни тузатиши учун Шоҳжаҳон унга «Зафарнома»лардан ташқари бошқа «мўътабар асарлар ва муҳим манбалар»ни ишониб топширади. Бу муҳим манбалар ва мўътабар асарлар орасида маҳфий сақланадиган «Темур тузуклари»нинг туркий тилдаги аслияти ҳам бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Шоҳжаҳон бу аслиятни фақат синалган олим Афзал Бухорийга сир сақлаши шарти билан форсий таржимани таҳрир қилиш жараёнида фойдаланиш учун берган бўлиши керак.

Афзал Бухорий Шоҳжаҳоннинг топширишини сид-қидилдан бажаргани — Абутолиб Ҳусайнининг форсча таржимаси «Темур тузуклари»нинг ҳар икки қисмини тўлиқ қамраб олганлигида ва матнининг бошқа афзал томонларида кўзга ташланади. Бу афзалиятлар

ҳақида биз қуида яна сўз юритамиз. Бу ерда биз учун муҳим бир хуносавий фикр шуки, «Темур тузуклари»нинг кейинчалик «Султония нусхаси» деб аталган ва бизгача етиб келган форсча таржимаси Шоҳжаҳоннинг ташаббуси билан махфий аслиятта солиштириб такомиллаштирилади.

Албатта, сахий подшоҳ бўлган Шоҳжаҳон Абутолиб Ҳусайнинийга таржимаси учун катта мукофотлар бериб, уни рози қилган бўлиши керак. Шу билан бирга бу таржимани бутунлай ўз мулкига айлантириб, бошқа жойда зълон қиласлик ҳақида Абутолиб Ҳусайнин билан келишиб олган бўлиши керак.

Бобур Мирзонинг Ҳумоюнга ёзиб қолдирган васижтномаси унинг авлодлари томонидан сир тутилганини юқорида айтган здик. Шу фактдан келиб чиқиб фараз қилиш жоизки, Шоҳжаҳон «Темур тузуклари»нинг аслияти билан бирга форсий таржимасини ҳам ўз авлодлари учун махфий сақдаган. Амир Темурнинг улкан салтанатни бошқаришда ва оламшумул зафарларга эришишда орттирган ноёб тажрибаси, ўз авлодларига ички сирларини очиб ёзган сўзлари, донишмандлик билан берган маслаҳатлари, ҳарбий санъат моҳиятини очиб кўрсатувчи тузуклари — ҳаммаси бобурийлар салтанатида давлат сирлари ҳисобланади. Бу сирлар рақиблар ихтиёрига ўтса, улардан бобурийларнинг ўзларига қарши курашда фойдаланишлари мумкинлигини ҳисобга олишади.

Мана шу сабабларга кўра 1637 йилда Шоҳжаҳон «Темур тузуклари»нинг форсча таржимасини таҳrir қилириб, нуқсонларини бартараф эттиргандан сўнг то 1779 йилгача, яъни 142 йиллик улкан давр давомида бирорта тарихий манбада «Темур тузуклари» ҳақида маълумот учрамайди.

Бу даврда бобурийларнинг Ҳиндистонда барпо этган қудратли салтанатлари зαιфлашади. 1759—1776 йилларда бобурийлар давлатини Аврангзебнинг чевара авлодларидан бўлган Шоҳ Олам II бошқаради. У қобиляйтсиз, нурсиз тождорлардан эди. Шу йилларда Ҳин-

дистонга жануб томондан кириб келган Англия ҳарбийлари ва «Остинд Компанияси» Шоҳ Олам II ни Бенгалиядаги бир жангда мағлуб этадилар ва асир оладилар. Шундан кейин уни ўзларига қарам қилиб, тирик сақлайдилар ва фақат Дехлидаги саройда инглизлардан нафақа олиб яшашга кўндирадилар.

Мана шу қарамлик йилларида Ҳиндистонда хизмат қилган инглиз ҳарбийларидан майор Вильям Деви асрлар давомида бобурийлар томонидан махфий сақланган «Темур тузуклари»нинг «Султония» деб аталадиган ва Шоҳ Олам II саройида мавжуд бўлган форсий тилдаги нодир бир нусхасини 1779 йилда қўлга туширади ва Лондонга олиб келади. Араб тили профессори майор Уайт бу қўлёzmанинг факсимиле нусхасини нашрга тайёрлайди. «Темур тузуклари»ни майор Девининг ўзи форсчадан инглиз тилига таржима қилаади, кўрсаткич ва изоҳлар билан таъминлайди. «Темур тузуклари»нинг форсча қўлёзма матни факсимиле тарзида ушбу нашрда берилади. Ушбу форсча матн, инглизча таржима ва изоҳлар 1783 йилда Англияning Оксфорд шаҳрида нашр этилади.

Темуршунос олим Ҳабибулла Караматов тўғри кўрсатганидек, «айнан шу нашр дунёning турли мамлакатларига кенг тарқалади ... Оксфорд нашри кейинчалик ҳеч бир ўзгаришсиз ... 1785 йилда Калькуттада, 1868, 1963 йилларда Текронда, 1890 йилда Бомбейда қайта напр этилди. Худди шу нашр Л.Лангле томонидан француз тилига таржима қилинди ва 1787 йилда Парижда чоп этилди»¹.

Истиқлол даврида Амир Темурнинг ватанида ўзбек тилида чоп этилган «Темур тузуклари» ҳам Шоҳжон томонидан нуқсонлари бартараф эттирилган ва «Султония» деб аталадиган ушбу мумтоз матнга асосланганандир. Бу матннинг турли нашрларини қиёсан ўрганган олимларимиз унинг 1890 йилда Бомбейда чоп

¹ Қаралсин: Ҳабибулла Караматов. «Темур тузуклари»ни ўрганиш муаммолари. «Темур тузуклари». Т., 2005. 147—148-бетлар.

этилган нашрини мукаммалроқ деб топдилар. 1991, 1996, 2005 йилларда ўзбек тилида алоҳида китоб шаклида нашр этилган «Темур тузуклари» ана шу Бомбей нашрига асосланди.

Келтирилган барча фактлар шуни кўрсатадики, инглиз майори Вильям Деви гарчи Буюк Британия давлатининг манфаатларини кўзлаб «Темур тузуклари»ни Деххидан инглизларга қарам бўлиб қолган Шоҳ Олам II саройидаги шаҳзодалардан бири ёрдамида олиб чиқиб келган бўлса ҳам, уни инглиз тилига таржима қилгани, форсча факсимиле нусха билан нашр этиргани бу ноёб асарнинг дунё бўйлаб тарқалишига, ҳамда ватанига қайтиб келишига имкон яратган хайрли иш бўлди.

Бобур Мирзо, Акбаршоҳ, Шоҳжаҳон каби улуғ подшоҳдар Амир Темурнинг ҳарбий санъатини, давлатни бошқаришдаги бетакрор тажрибасини ва бобокалонлари васият қилиб кетган дастуруламални ўз фаолиятларига татбиқ этиб, улкан зафарларга эришган даврларда «Темур тузуклари»ни давлат сири ҳисоблаб, авайлаб асрраганлари тушунарли ва мантиқли иш эди. Аммо Шоҳ Олам II каби қобилиятсиз тождор инглизлардан енгилиб, қарам аҳволда нафақа олиб яшаётган даврда «Темур тузуклари»дек ёмби асарнинг қўфири-коққа айланиб қолган заиф шоҳ хазинасида чанг босиб ётганидан кўра, ёруғ дунёга чиқиб, бутун одамзоднинг маънавий мулкига айлангани афзалроқ эди.

Албатта, бу одамзод таркибида дунёning энг қудратли империяларидан бирини яратган ва Ҳиндистонни ҳам ўз мустамлакасига айлантирган буюк британийликлар бор эди. Улар учун «Темур тузуклари»нинг биринчи марта Лондонда напр этилиши бутун жаҳонга кўз-кўз қиласиган катта воқеаага айланди. Бу асарда йигит ёшидаги Темурбекнинг Жета ва Олтин Ўрда қўшинларини тор-мор этишда кўрсатган афсонавий қаҳрамонликларига У. Сторн, Э. Броун каби айрим инглиз тарихчилари дафъатан ишонмайдилар. Улар бу афсонавий қаҳрамонликлар асарни форсчага тар-

жима қилган Абутолиб Ҳусайнининг фантазияси деб ўйладилар.

Майор В. Деви бу олимларга эътиroz билдириб, катта мактуб ёзади. Унинг мактуби матбуотда эълон қилинади. В.Деви Тузукларнинг мазмунига эътиборни қаратади. Улардаги драматик воқеалар ва уларни шахсан бошдан кечирган Амир Темурнинг руҳий ҳолатларини фақат унинг ўзи шундай ишонарли қилиб «ичдан» кўрсатиб бериши мумкинлигини айтади.

«Агар Абу Толиб Ҳусайний Амир Темур ҳақида шундай китоб ёзишга қодир бўлганда, ҳеч вақт у ўзини камситиб, «фақат ушбу асарнинг таржимасини амалга оширганман» дейиши мумкин эмас эди»¹.

Майор Девининг бу масалада мутлақо ҳақ бўлганини ўтган икки аср кўрсатди. Фақат бошқа бир нозик нуқтада ҳарбий хизматда бўлган Вильям Деви Буюк Британия давлатининг темурийларни туркий халқлардан бегона қилиб, «мўғуллар» деб номлашларига қаратилган сиёсаларига ён беради. Бу даврга келиб Чингизхон империяси узок ўтмишга айланган, мўғуллар эса осиёнинг узок бир четида илғор давлатлардан анча орқада қолган бир мамлакатда яшар эдилар. Улар британияликлар билан ҳеч бир соҳада рақобат қилолмас эдилар. Аммо туркий халқлар XVIII асрда ҳам Болқон ярим оролидан то Хитой чегараларигача чўзилган улкан худудларда британияликлар билан рақобот қила оладиган мустақил давлатларга эга эдилар. Шунинг учун британиялик ҳарбийлар турк дунёсининг обрўсими оширмаслик учун, «Темур тузуклари»нинг аслияти туркий тилда яратилганини афкор оммадан яширадилар. Ҳолбуки, Абутолиб Ҳусайний «Темур тузуклари» нинг форсий таржимасига ёзган муқаддимасида бу асарнинг асл нусхасини туркий тилда ўқиганини, асар бошдан оёқ Амир Темурнинг «гавҳар тили» билан туркийча баён этилганини аниқ-равshan кўрсат-

¹ Қаралсин: Убайдулла Уватов. Амир Темур араб муаррихлари нигоҳида. Т., 1997. 147-бет.

ган эди. Аммо майор Деви асарнинг инглизча таржи-
масига ёзган бош сўзида ва изоҳларида Абу Толиб
Хусайнин «Темур тузуклари»ни мўгулчадан форсчага
таржима қилган, деб атайлаб нотўғри кўрсатади. Шу
биргина сўзни ўзгартириш билан у ўз давлатининг
турк дунёсига рақобат руҳида олиб борган сиёсатини
қўллаб-қувватлади. Бобурийларни «буюк мўгуллар»
деб аташ одатлари ҳам ҳанузгача мана шу сиёсатга
хизмат қилиб келади.

Бундай сиёсат айниқса чоризм ва мустабид шўро
мафкураси даврида кескин шаклларда давом эттирил-
ди. Чоризм даврида мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-
қувватлаган Н.П. Остроумов «Темур тузуклари»ни бир
гуруҳ гимназия ўқувчиларига чала-чулпа таржима қил-
диради. Таржимада фақат Амир Темур бошдан кечир-
ган воқеалар баён этилади, аммо унинг иккинчи қис-
мидаги қонун кучига эга бўлган тузуклар тушириб
қолдирилади. Амир Темурнинг таржимаи ҳоли ҳам
асарнинг нусха кўчирувчи котиблар томонидан ўрин-
сиз қўшимчалар киритган ноқис нусхаларидан тар-
жима қилинади. Бу русча таржимада Амир Темур гўё
ўз эсадаликларини то Ўтрорда ўлим тўшагида ётган пай-
тигача давом эттиради. Ҳолбуки, Шоҳжаҳон таҳrir
эттирган форсий таржимада одам ишонмайдиган бун-
дай нуқсонлар бартараф этилган эди. Остроумов бош-
чилигида амалга оширилган таржима майор Деви даст-
лаб Оксфордда нашр эттирган Султония нусхадан
қилинмайди, балки Қўқондан топилган Хотиф Хўжан-
дий таржимасидаги ноқис матндан қилинади.

1934 йилда Москвада В.А. Панов деган шарқшунос
«Темурнинг таржимаи ҳоли» деган ном билан Тузук-
ларнинг шу ноқис таржимасини нашр эттиради. Ста-
лин қатагонлари бошланаётган даврда бундай асарнинг
чиқиши сиёсий хато деб баҳоланади. Таржима тақиқ-
ланади, унинг кутубхоналардаги нусхалари йириб оли-
ниб, ёқиб юборилади.

Худди шунга ўхшаш воқеа 1967 йилда «Темур тузуклари»нинг Алихон Тўра Соғуний томонидан фор-

сча Шоҳжаҳон такомиллаштирган матндан ўзбекчага қилинган таржимаси «Гулистон» журналида эълон қилинганда юз беради. Бу гал ҳам мустабид тузум баҳиллари асарни охиригача чоп эттирмай тақиқлаб қўйғанлари ишимизнинг бош қисмида айтилган эди.

• • •

«Темур тузуклари» асрлар давомида унинг авлодлари томонидан қандай эҳтиёткорлик билан сақлангани ва уларга қандай дастуруламал бўлиб хизмат қилганилиги, сўнгги асрларда ёруғ дунё юзини кўргандан кейин ҳам қандай мураккаб йўлларни босиб ўтганлиги ўзига хос ажойиб бир тарих бўлгани учун биз бу тарихга батафсил тўхталишни лозим топдик.

Энди бевосита бу асарнинг таҳдил ва талқинига қайтайлик.

«Темур тузуклари»нинг пухта ўйланган композицияси бор. Биринчи китобда Амир Темур тарих саҳнасига чиққан пайтидан бошлаб, то Йилдирим Боязид устидан ғалаба қозонгунча бошдан кечирган қирқ йиллик тарихий воқеаларни ихчам шаклда ҳикоя қиласи. Бунда у ўзи зришган зафарларнинг ички сирларини авлодларга очиб кўрсатади. Айни вақтда бошдан кечирган саргузаштларининг мағзини чақиб, улардан чиқадиган фалсафий хуносаларни мутафаккир сифатида умумлаштиради: «Мен ўн икки тамойилни ўзимга шиор қилиб олиб, ўн икки тоифадаги кишилар билан салтанатимни мустаҳкамладим... Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим»¹.

Амир Темур фалакиёт илмини яхши билган. Осмоннинг ўн икки буржидаги Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон каби юлдузлар осмон жисмлари орасида муво занат сақдашда ва қуёшнинг коинот бўйлаб ҳаракатланишининг алоҳида дақиқаси-ю, сониясигача аниқ-

¹ «Темур тузуклари». Т., 2005. 76-бет.

равшан кўрсатиб тушишда инсон зоти учун илоҳий бир ибрат бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун Амир Темур ўз қўшинларига ҳам ўн икки қавмдан чиққан сипоҳийларни асос қилиб олади.

«Қарамоғимдаги қирқ аймоқдан қуийдаги ўн иккитаси менинг хос навкарларим бўлиб хизмат қилади: барлос, тархон, аргун, жалоир, тулкичи, дўлдай, мўгул, сулдус, тўғай, қипчоқ, орлот, тотар»¹.

Амир Темур ўзига хос образли тафаккур ёрдамида салтанатнинг тартиб-қоидаларини фалакнинг ўн икки буржидаги мувозанат ва уйғунликка муқояса қилиб яратганлиги Соҳибқироннинг ҳамма масалага мутафаккир сифатида ёндашадиган ва тарихда мисли кўрилмаган янгиликларни кашф этишга қодир ижодкор бўлганидан далолат беради.

Амир Темур устози Абубакр Таёбодий берган доно маслаҳатларнинг тўғрилигини ўз фаолиятида синаб кўрилган ёрқин воқеалар тасвири орқали исбот этади.

Жумладан, 1366 йилда Қарши қалъасини 243 кишилик Сара жангчилар билан тунда қандай забт этгани, кейин Амир Мусо қабиларнинг бу қалъани қайтадан босиб олишга урингани, унинг ўн икки минг кишилик аскарларини қандай мағлуб этганини ва уларни 6 фарсаҳ (30 чақирим) жойгача қандай қувиб борганини Тузукларнинг алоҳида бир бобида ажойиб маҳорат билан ҳикоя қилади. Вахш дарёси бўйида мўтул хони Илёсхўжанинг сон жиҳатидан тўрт баробар кўп бўлган лашкарини қандай тор-мор этгани ҳам авлодларга ибрат бўладиган даражадаги ёрқин тафсилотлари билан кўрсатилади.

Бобокалонининг тенгсиз саркардалик тажрибасини Бобур Мирзо «Темур тузуклари» орқали чуқур ўзлаштиради. Орадан бир юзу қирқ беш йил ўтганидан кейин 1511 йилда худди шу Вахш дарёси бўйида, Пули Сангин деган жойда Бобур Мирзо ҳам Чингизхон авлодларидан бўлган Шайбонизодаларга қарши

¹ «Темур тузуклария». Т., 2005. 105-бет.

Темурбек ишлатган ҳарбий тактика ва стратегияни амалда татбиқ этиб катта ғалабага эришади. Бобур Мирзонинг 1526 йилда Шимолий Ҳиндистонда, Панипат деган жойда Иброҳим Лоди устидан эришган ғалабаси ҳам Амир Темурнинг худди шу Панипатда 1399 йилда Султон Маҳмуд ва Маллухонлар билан жанг қилиб, зафарга эришганига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади.

Бу фактлар Амир Темур авлодларининг «Темур тузуклари»ни чиндан ҳам ўзлари учун ибрат манбаи деб билганикларини ва ундан дастуруламал сифатида саварали фойдаланганликларини кўрсатади.

Айниқса, Шоҳруҳ Мирзо Амир Темурнинг қуидаги эътиқодига астойдил амал қиласи. «Давлат ишлатрининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир, маслаҳат, қолган бир улуши қилич билан амалга ошишини англадим», — деб ёзган эди Соҳибқирон ўз асарининг «Кенгашлар ва тадбирлар» деб аталган қисмида... — Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учида айтилганини шунчаки зшитардим. Юрақдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қуотига қуярдим. Қайси киши ақлга сирадиган бир ишни куйиниб таклиф қилса, суюниб зшитардим: Кимки оқилона гапларни эрларча кескинлик билан сўзласа, унга ҳам қулоқ солардим... Фақат ҳар бир маслаҳатни яхши ўйлаб кўргач, энг тўғри ва савоблироғини танлаб олардим¹.

Амир Темур ўз тажрибасида синаб кўрилган бу тамойилларнинг тўғрилигини ҳам ёрқин ҳаётий мисоллар билан кўрсатиб беради. Шунинг учун Шоҳруҳ Мирзо отасидан кейин парчаланиб кетган салтанатни қайта тиклашда ва уни яна қирқ йилдан ортиқ муваффақият билан бошқаришда «Темур тузуклари»да атрофлича баён қилинган йўл-йўриқларга изчил амал қиласи. Худди Соҳибқирон васият қилганидек, Шоҳруҳ подшо ва унинг буюк ўғли Улубек давлат ишлат

¹ «Темур тузуклари». Т., 2005. 15-бет.

рининг ўндан тўққизини тадбир, кенгаш, муроса-ю мадора йўли билан адо этадилар. Фақат бунинг иложи бўлмаган ўндан бир ҳолатларда қўпинни ҳам ишга солиб, жанг қиласидилар ва аксарият ҳолларда ғалаба қозонадилар.

Тақдир тақозоси билан бу фоний дунёдан боқий дунёга кетиш пайти яқинлашганини сезган Соҳибқирон умрининг охирги соатларида ҳам ўзини мардона тутади ва донишмандларга хос равшан тафаккур билан яқин одамларига дил ёриб васиятлар қиласиди. Шунда севикли умр йўлдоши Сароймулхоним, набиралари Улуғбек ва Иброҳим Мирзолар, содиқ беклари Шоҳмалик, шайх Нуриддинлар кўзларига ёш олиб дейдилар: «жонимиз сизга садақа, кошки худо бизнинг жонларимизни олиб, сизнинг жонингизни бағищлагай» дейдилар. Соҳибқирон дейди: «Сизларни худога топширдим. Ҳазрат ҳақдин умидим борки, менга раҳмат қилғайким, золимларнинг эликларини мазлумлардин қисқа қилибдурмен».

Шу сўнгти дақиқаларда ҳам Амир Темур фарзанд ва невараларига аталган қутидаги дил сўзларини айтади:

«Ҳар неким мамлакат маслаҳати учун айтдим, қулоғингизда тутинглар... Агар менинг васиятимга амал қилиб адлу эҳсон билан оламни обод қилсангиз, кўп йиллар давлат ва мамлакат сизларда қолғусидир»¹.

Сирдарё бўйида Ўтрорда 1405 йилнинг 18 февралида айтилган бу сўнгти сўзлар «Темур тузуклари»да яратилган улкан ижодий капифиётларга қўшилиб, темурийлар суоласининг салкам беш аср ҳукм суриши учун маънавий асос бўлди. Амир Темурнинг бутун ҳаёти ва фаолиятида ижодкор шахснинг янгилик яратиш ва кашфиётлар қила олиш Кудрати кўзга яққол ташланиб туради. Соҳибқирон яратган янги давлатнинг фаолияти ҳам унинг кашфиёти эди. Бундай давлат тузуми ундан олдин ҳеч бир мамлакатда айнан шу

¹ Ш. Яздий. «Зафарнома». Т., 1997. 296—297-бетлар.

тарзда фаолият кўрсатган эмас эди. Янги типдаги бу давлатнинг адолат асосига қурилганлиги, золимлардан мазлумларни ҳимоя қилгани, бунёдкорлик ва илму маърифатни ривожлантиргани, ҳалқнинг тенг ярми-ни ташкил этадиган аёлларга жўмардларча муносабатда бўлганлиги Амир Темурнинг васиятларига астойдил амал қилган Шохруҳ подшоҳ, Мирзо Улугбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобуршоҳ, Акбаршоҳ ва Шохжаҳонлар фаолиятида кўзга яққол ташланиб туради.

Амир Темур асос соган ва «Темур тузуклари»да ижодий капитифёт тарзида лойиҳаси яратиб қолдирилган сулола Турон, Хурсон ва Афғонистонда бир ярим аср ҳукм суради. Беш қўл баробар эмас. Падаркуш Абдуллатиф ва Султон Абусайд каби тоҷдорлар бу сулоланинг Туронда ва Хурсонда инқизозга учрашига сабаб бўладилар. Шунда Бобур Мирзо бобокалонининг ижодий кашфиётларини Ҳиндистон заминида амалга татбиқ этиб темурийлар сулоласини янги тарихий босқичга кўтаради. Бу улуғ сулола ҳинд заминида Баҳодиршоҳ II давригача яна 332 йил ҳукм суради. Баҳодиршоҳ II нинг кундаликларида ва ҳинд киномотографчиларининг унга бағишлаб яратган беш қисмлик видеофильмида Амир Темур салкам беш юз йил тарих саҳнасида фаолият кўрсатган сулоланинг асосчиси сифатида ифтихор билан тилга олинади.

Амир Темур сиймосига аталган меҳр ва эҳтиром, айниқса, унинг туғилиб ўсган юрти Ўзбекистонда истиклол йилларида мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилиди. Мұхтарам Президентимиз Ислом Каримов ҳалқимизнинг Амир Темурга аталган чексиз меҳр ва эҳтиромини «Маънавий юксалиш сари» китобида қуидагича ифодалаган эди: «Ҳамиша эл ғанини, юрт ғанини ўйлаб яшаган Соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинглар, азиз дўстлар, барчамиз яқдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу законатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиласиган буюк давлатта айлантирайлик! Бу йўлда

бобокалонимизнинг «Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин» деган доно ўгитлари доимий шиоримиз бўлсин!¹

Донишманд бобокалонимизнинг тарихий ўгитлари Ўзбекистон истиқдоли даврида ҳалқимиз ва раҳбариятимиз томонидан изчил амалга оширилаётганига бизнинг ҳар биримиз нафақат гувоҳмиз, балки бу улугъ ишларга заррача бўлса ҳам ҳисса қўшиш орзусида меҳнат қилмоқдамиз.

^¹ Ислом Каримов. Маънавий юксалиш сари. Т., 1998. 385-бет.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
ОЗОДЛИК ЙЎЛИДАГИ ТИК ДОВОНЛАР	
Биринчи қисм	7
Темурбек тақдирининг бурилиш палласи	9
Золимларни довдиратган илк зарбалар	26
Дўст қиёфасидаги рақиб	37
Ташқи ёвдан хатарлироқ ички ғаним	51
Қарши қалъасида ҳаёт-мамот кураши	71
Кескин ўзгаришлар	84
ЖАҲОН МИҚЁСИГА ЧИҚҚАН ФАОЛИЯТ	
Иккинчи қисм	105
Чин инсонийлик ва сохта илоҳийлик	107
Экканини ўрганлар	132
Жете ва Олтин Ўрданинг ваҳшиёна тажовузи	151
Икки қитъани ларзага солган олишув	176
Золимлар салтанатининг ҳалокати	192
Дунёни лол қолдирган сиймо	211
Авлодларга аталган буюк кашфиёт	220

Пиримқул Қодиров

АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

Мұхаррир *Тұлқин Ҳайит*

Техник мұхаррир *Т. Харитонона*

Рассом *А. Бобров*

Бадий мұхаррир *О. Фозилов*

Мусақхіхдар *Ш. Орипова, Н. Умарова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Босишига рухсат этилди 04.05.07. Бичими $84 \times 108^1 / 32$.

Офсет босма. Нашр б.т. 13,02. Нашр б.т. 11,20.

Адади 2000. Буюртма № 07-45.

Баҳоси келишилган нарҳда

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Қодиров, Пиримқул

**Қ61 Амир Темур сиймоси/Илмий бадиа / Т. —
«Ўзбекистон» нашриёти-матбаа ижодий уйи,
2007. — 248 б.**

ISBN 978-9943-01-083-3

ББК 84(5У)6